



*НАВОЙГА  
АРМУФОН*

33

1

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА УРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ  
ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

# НАВОИЙГА АРМУҒОН

Учинчи китоб

Ўзбекистон эл адабиёти  
кутубхонаси

Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти

ТОШКЕНТ – 2003

Мазкур тўплам "Навоийга армутоғ" деб номланган анъанавий мажмуанинг учинчи китоби бўлиб, унда университетимиз ҳамда республикамизнинг атоқли, етук навоийшуносларининг янги мақолалари жамланган. Шунингдек аспирантлар, магистрлар ва иқтидорли талабаларнинг буюк шоир ҳақидаги кузатишларига ҳам китобдан урин ажратилди. Тўплам Навоий ижодининг ихлосмандлари, кенг илм-адаб аҳлига мулжалланган.


### ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Техника фанлари доктори, профессор Б.Ғ.Қодиров (раҳбар);

Профессорлар Б.Тухлиев, С.Аширбоев, Ҳ.Ҳомидий (масъул муҳаррир), С.Матчонов; доцентлар У.Бегимқулов ва И.Йулдошев.

Тўплаб, нашрга тайёрловчи

доцент Файзуллахон Набиев.



4702620201 - 434

Н \_\_\_\_\_ гриф - 2003

М 361 (04) - 2003

ISBN 5=86484= 103-x

У-5901

А.Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 2003

## ТУРФА ТАЛҚИНЛАР

Азиз Қаюмов

### НАВОИЙ ВА ФОРСИЙЗАБОН АДАБИЁТ

Жаҳон маданияти ва тафаккури тараққиётида турли тиллар маданиятларни бирлаштирув, ўзаро бир-бирини бойитув вазифасини адо этиб келганлар. Шарқ мамлакатларидаги буюк адабиётнинг юзага келмоғида форсий тил ана шу тарихий ишни муваффақият билан бажарди.

Ўзбек адабиёти ва адабий тилининг асосчиси Алишер Навоий (1441-1501) ўз олдига ўзбек тили, адабиётини юксак даражага кўтармоқ вазифасини қўйди ва бу вазифани тўла амалга оширди. Навоий айни замонда форсий тилни мукамал эгаллаган, форсийзабон адабиётни чуқур ўрганган ва унинг бой имкониятларини ўз ижодида истифода этган эди. Бу тўғрида Навоий ўзининг «Муҳокамат ул-лугатайн» китобида бундай деб ёзади:

«Бу хоксорга сабо авоилдаким, огиз ҳуққасидян бирор гавҳар зоҳир бўлабошлар ул гавҳарлар ҳануз назм силкига кирмайдур эрдиким, замир дарёсидян назм силкига тортилгон гавҳарлар табъ гаввоси саъий билан огиз соҳилига келабошламоқ кургузуб эрди. Чун мазкур бўлгон қоида билан адо топти майл форсий сари бўлди.<sup>1</sup>»

Маъноси: Бу хоксорга ёшликнинг бошларида огиз ичидан бирор гавҳар (сўз) кўрина бошласа, у гавҳарлар ҳали шеър ипига кирмасдан, ич дарёсидан шеър ипига терилган гавҳарларни табиат гаввоси (шунгиб сув остидан гавҳарни терувчи) огиз қиргоғига олиб чиқа бошлаган эди. Шунда айтилган қоидага кўра, майл форсий сари бўлди.

Навоий бу ҳолнинг давомини кўрсатиб ёзадики, «Аммо чун шуури синний (тушуниш ёшига етганда... турк алфозига (тилга) мулоҳаза лозим кўрилди...<sup>2</sup>».

Шундан маълум бўладики, Навоий болалик пайтидаёқ она тили ўзбек (туркий) тил билан бирга форсий тилни ҳам яхши билган. Ҳатто у болалик чоғидаёқ форсий тилда шеър ёзмоққа майли бўлган.

Навоийнинг болалик пайтидаёқ форсий тилни яхши билгани тўғрисидаги маълумот унинг «Лисон ут-тайр» достонида ёзган сўзларидан ҳам маълум.

Навоий ўзининг форсий тилни мукамал эгаллагани ва бу тилга қандай муносабатда бўлгани тўғрисида «Муҳокамат ул-лугатайн» да ёзади:

<sup>1</sup> Навоий. Асарлар. 1987. 14. 119-с.

<sup>2</sup> Уша ерда.

«Форсий алфоз истифосин ва ул иборат истиқососин киши мендин кўпрак қилмайдур эркин ва салоҳ ва фасодин мендин яхшироқ билмайдур эркин...»<sup>3</sup>

Маъноси: Форсий сузларни ўзлаштириш ва иборат мазмунининг тагига етишни ва уларнинг яхши ва ёмон томонини бирор киши мендин яхшироқ билмайдур...

Шундан сўнг Навоий форсийзабон адабиётнинг улуг намояндалари Амир Хусрав Деҳлавий, Хожа Ҳофиз Шерозий, Маҳдуми нур ул миллат ва дин Мавлоно Абдурахмон Жомийларнинг девонларини кўп ўқиганлигини хабар қилади. Бу тўғрида «Муҳокамат ул лутатайн»да ўқиймиз: «Барчасига кўп қатла ўтубмен, балки кўпин ёд тутубмен ва қасоид ва газалиётларининг гариб ва латофатин билибмен, балки гариброқ ва латифроқларига татаббуъ қилибмен»<sup>4</sup>.

Маъноси: Барчасини қайта-қайта ўқиганман, балки кўпини ёдлаб ҳам олганман, қасидалар ва газалларининг гўзаллиги ва латифлигини билдим, энг гўзал ва латифроқларига ўхшатмалар ҳам битдим.

Шундан кейин ушбу асарда Навоий Амир Хусравнинг «Дарёйи аброр» қасидасига Жомийнинг ёзган «Лужжатул асрор» («Сирлар теранлиги») ўхшатмаси тўғрисида хабар беради. Уларга ўхшатма этиб Навоий ўзининг «Тухфатул афкор» («Фикрлар совғаси») қасидасини ёзганини айтади. Бу қасиданинг биринчи байти бундайдир:

Оташин лаъле ки тожи хисравнро зевар аст  
Ахгаре баҳри хаёли хом пухтан дар сар аст.

Маъноси: Подшоҳлар тожини безовчи ўтли лаъл уларнинг бошидаги хом хаёлни пиширмоқ учун чўғдир<sup>5</sup>.

Яна Навоий уша китобда Мир Хусравнинг «Миръот ус-сафо» («Покляк кўзгуси») қасидасига Хоқоний Ширвоний ва Жомийларнинг ўхшатма ёзганларини айтади. Бу қасидага Навоий ҳам форс тилида бир ўхшатма ёзган. Унинг номи «Насим ул-хулд» дир («Жаннат шаббодаси»). Навоийнинг қасидаси қуйидаги байт билан бошланган:

Муаллим ишқу пири ақл дон тифли сабақхонаш  
Паи таъдиби тифл инак фалак шуд чархи гардонаш<sup>6</sup>

Маъноси: Ҳаётини ишқ ақл пири эса дарс тингловчи  
Болага адаб берув учун фалак айланувчи чарх кабирдир.

<sup>3</sup> Уша китоб 121-с.

<sup>4</sup> Уша китоб 122-с.

<sup>5</sup> П.Шамсиев таржимаси. Уша асар. 122 - с.

<sup>6</sup> Навоийнинг «Тухфатул афкор» қасидасини профессор Абдуқодир Ҳайитметов форс тилидан ўзбек тилига шеър билан таржима қилган ва нашр этган. А.Қ.

(фалақ бетартиб уқувчини тартибга солув учун ишлатилган қурол. П.Шамсиев талқини).

«Муҳокамат ул-луғатайн»да Навоий узининг форсий тилда ёзган бошқа қасидалари тўғрисида ҳам хабар беради. Улар қуйидагилардир: «Рухул қудс» («Пок руҳ»), «Айнул ҳаёт» («Ҳаёт чашмаси»), «Минҳожун нажот» «Қувват ул-қулуб» («Юраклар қуввати»).

Уларни таърифлаб Навоий дейди: «Бу олти қасида ҳамд, наът ва сано ва мавъизатдур ва аҳли тасаввуф ва ҳақиқат тили била маърифат»<sup>7</sup>

Бу олти қасида ботиний йўналишда. Сўнг Навоий ёзади: Яна зоҳир шуароси тариқида тўрт қасидаки, фусули арбаа («Тўрт фасл»)га мавсумдур ва андин тўрт фасл: Ҳарорат ва бурудат, рутубат ва юбусат кайфияти маълум хомам рақам қилибдур<sup>8</sup>.

Маъноси: Яна зоҳирий шоирлар йўлида тўрт қасида менинг қаламимга мансуб. Улар «Тўрт фасл» деб аталади, ундан тўрт фасл: Иссиқлик ва совуқлик, намлик ва қуруқлик кайфияти англашилади.

Навоий узининг форсий тилда ёзилган асарларини санашда давом этиб, тарсеъ санъати (мисраларни қофиядош сўзлар билан тузмоқ санъати) тўғрисида сўз юритади. Хожа Калимуддин Салмоннинг қасидасига ёзган ўхшатма қасидасининг биринчи матлаъсини келтиради:

Чунон вазид ба бустон насими фасли баҳор  
К-аз он расад ба ёрон шамими васли нигор<sup>9</sup>

Яна, Навоий узининг бир рубоийсини ҳам «Муҳокамат ул-луғатайн» да келтирган. Уша рубоий бундай:

Эй рӯи ту кавкаби жаҳонорое,  
Вэй буйи ту ашхоби равонорое.  
Бе мӯи ту ёрабе чунон фарсое,  
Гесӯи ту чун шаби фигон афзое<sup>10</sup>

Маъноси: Эй сенинг юзинг жаҳонни безовчи юлдуздир,  
Эй сенинг исинг хушбўйликдан жон роҳатидур,  
Сочингсиз кишига тушқунляк келади,  
Қаро кокилинг фигонли тунга ўхшайди.

Бу рубоий тўғрисида Навоий дейдики, Халил бинни Аҳмад рубоий вазинини яратгандан бери тарсеъ санъатида бундай рубоий айтилмаган ва эшитилмагандир<sup>11</sup>,

<sup>7</sup> Уша асар. 124-с

<sup>8</sup> Уша китоб.

<sup>9</sup> Уша китоб. 125-с

<sup>10</sup> Уша китоб. 125-с

Шундан сунг Навоий узининг олти минг байтдан ортиқ форсий тилдаги шеърларни уз ичига олган девон тузганини ёзади. Унда Ҳофиз, Саъдий, Жомий ва бошқа шоирларга ухшатма газаллар, қитъа, рубоий, маснавий, тарих, муаммо, лутаз шеърлар бордир.

«Муҳокамат ул-лугатайн» китобини ёзишдан Навоийнинг мақсади узбек (туркий) тили ва форсий (сарт) тиллари кайфияти ва ҳақиқатини шарҳ этмоқ эди. Яна «турк эли тили фасоҳат ва диққати ва балогат вусъати»ни кўрсатмоқ эди. Яъни узбек тилининг гузаллиги, эъгиборлиги, етуклиги ва кенглигини намойиш қилмоқ эди.

Айни замонда Навоий форс тилда яратилган адабиётга, унинг буюк шоирлари ижодига юксак баҳо беради, узининг форсий тили ва бу тилдаги адабиётни қанчалар чуқур эгаллагани, уз ижоди билан форсийзабон адабиётнинг янада юксалишига хизмат қилганини билдиради.

Шуни қайд этмоқ шартки, Навоий уз она тили туркий (узбек) тилининг имкониятларини очиб кўрсатар экан, зинҳор-зинҳор бирор бошқа тилни (бу ерда форсий тилни) камситмайди, у форсийзабон адабиётни улутлайди, узининг бу адабиёт ривожига қўшган улушини конкрет мисоллар орқали кўрсатиб беради.

Навои ва устоз Жомий ўрталарида дўстлик ва ижодий ҳамкорлик ҳам Навоийнинг форсийзабон адабиёт билан ҳамкорлиги тимсоли бўла олади.

Бу икки улут ижодкорни бир-биридан айру ҳолда тасаввур қилмоқ мумкин эмас.

Мана бир мисол.1483 йили Жомий узининг «Тухфатул-аҳрор» асарини яратди. Бундан ўрнак олган Навоий уша йилиёқ узининг «Ҳайратул-аброр» асарини туркий тилда ёзиб тугаллади.

Шундан сунг Жомийнинг қувватлаши ва дуоси билан Навоий «Фарҳод ва Ширин» достонини ёзади. Навоий ва Жомий бирин-кетин «Лайли ва Мажнун» ни ёздилар. Шундан сунг бирин-кетин Навоийнинг «Садди Искандарий» ва Жомийнинг «Хирадномаи Искандарий» асарлари юзага келди. Шундай қилиб, бу икки устознинг ижодий ҳамкорлиги туфайли узбек адабиёти Навоийнинг «Хамса» асари билан бойиди. Форсийзабон адабиёт эса Жомийнинг «Ҳафт авранг» каби шоҳ асарга эга бўлди.

«Хамсат ул-мутаҳаййирин» да айтилишича, Навоий Жомийдан ўтмиш авлиё аҳли тўғрисида бир асар езишни сўраган, токим у улут зотларнинг номи ўчмасин. Жомий шу муносабат билан узининг «Нафоҳот ул-унс мин ҳазорат ул қудс» («Муқаддас ҳузурлардан эсан дўстлик ёқимли шамоллари») асарини ёзди.

Яна Жомий узининг «Шавоҳидун нубувват ли тақвияти яқини аҳлил футувват» («Пайгамбарлик шоҳликлари футувват аҳли яқинлиги кучи»)

<sup>11</sup> Уша китоб.

номли китобини яратди. Бу ижодий ишга ҳам устозни Алишер Навоий ундаган эди.

Жомий ва Навоийнинг ижодий ҳамкорлиги асосида ҳар иккаласи Арбаин ҳадис асарини ёздилар. Жомий форс тилида, Навоий ўзбек тилида яратган бу ўлмас тўртликлар узоқ асрлар давомида бутун авлодларнинг кундалик ўқиш китоби бўлиб келмоқда.

Жомийнинг вафотидан кейин (1492) Навоий унинг «Нафоҳат ул унс...» асарини форс тилидан ўзбек тилига таржима қилди. Гарчи Навоийнинг асари «Насоим ул муҳаббат...» ўз муздарижаси томонидан «Нафоҳат ул унс» дан анча фарқ қилсада, Навоий уни таржима деб атади. Бу шогирднинг устозга бўлган назокатли ҳурматидан бир нишонадир.

Жомий ва Навоийнинг ижодий ҳамкорлиги, унинг муваффақиятли якунлари тўғрисида бундай мисолларни кўплаб келтирмоқ мумкин.

Жомий ва Навоийнинг дўстлиги, устозу шогирдлиги, ижодий ҳамкорлиги ўзбек ва форс-тожик адабиёти ўртасидаги узилмас ва мустаҳкам қардошлиқнинг ёрқин ва ибратли тимсолидир.

Хулоса қилиб айтмоқ лозимки, форсийзабон адабиёт ва туркийзабон адабиёт асрлар оша бир-бири билан мустаҳкам боғлиқ яшади ва ижод қилди. Бизнинг аجدодларимиз учун тил тўсиғи йўқ эди. XIX аср ўзбек ва тожик тилларидаги адабий ҳаётда ҳам бу анъаналар давом этди. Ҳеч шубҳасиз бу бирдамлик ва ижодий ҳамкорлик ҳар иккала адабиётнинг ривожига сабаб бўлган муҳим омиллардан биридир.



## АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИДА МАВЗУЛАРГА БУЛИШ ВА ТАНЛАШ ПИНЦИПЛАРИ

Алишер Навоий ижодининг улугворлиги аввало ундаги мавзулар ва гоёлар оламининг кеңлиги, ранг-баранглиги билан бизни ҳайратта солади. Унда ўз даврининг бирон муҳим муаммоси, ўша давр ҳаётининг биром томони ёритилмасдан қолмагандай. Буни биз, аввало, «Хамса» дostonларида курамиз. Гарчи бу беш дoston буюк хамсанавислардан Низомий Ганжавий, Амир Хусрав Деҳлавий, Абдурахмон Жомий анъаналари изидан бориб яратилган бўлса ҳам, лекин хамсачиликни у туркий заминга кўчириб, халқимиз тарихининг, маънавий ҳаётининг, орзу-умидларининг деярлик барча томонларини анъанавий сюжетлар асосида ва анъанавий мазмунларга қатта янгиликлар киритиш орқали тасвирлаб бера олди. «Ҳайратул-аброр»да Навоий ушбу дostonни яратишга киришиш муносабати билан:

Форси эл топти хурсандлик,  
Турк доғи топса барумандлик-

деб ёзиб, аввало, ўз халқининг маънавий тараққиётини кўзлаб қалам тебратган эди. Навоий иккинчи дostonга қадим Эрон ҳукмдори Хусравни эмас, балки ўзбек халқ оғзаки ижодининг ёрқин намоянаси Фарҳодни бош қаҳрамон қилиб олиш билан дostonчиликда янги «бир йўлни тутгани диққатга сазовор. Учинчи дostonда Лайли ва Мажнун севгиси билан боғлиқ сюжет кўп-да ўзгартирилмаган бўлса-да, бироқ бу дostonни тўғрисида Навоий:

Чун форси эрди нукта шавқи,  
Озроқ эди анда турк завқи<sup>1</sup>,-

деб ёзар экан, бу асарни ўз халқи руҳи ва қарашларига, маънавий дунёсидан келиб чиқиб ёзганини алоҳида таъкидлаган:

Ким шуҳрати чун жаҳонга тўлғай,  
Турк элига доғи баҳра бўлғай<sup>2</sup>.

Тўртинчи дostonда гарчи Навоий қадимги Эрон ҳукмдори-Баҳром Гур ҳақида сўз юритса ҳам, аммо моҳият эътибори ила унинг қиёфасида шоир кўпроқ буюк ҳукмдор Ҳусайн Бойқарони кузда тутган, унинг тимсолини чизган эдики, бу тўғрида Навоий асар охирида Баҳромни туш кўргани, бу фикрни Баҳром номидан айтгани оригинал:

<sup>1</sup> Алишер Навоий. МАТ 9-том Т., 1992 311-бет.

<sup>2</sup> Уша асар. 311-бет.

Борига гарчи бор мушобаҳати,  
Манга кунроқдурур муносабати.

Навоний бу дostonлари асосига янги мавзулар ва қаҳрамонларни олиши ҳам мумкин эди. Лекин у ўзбек адабиётининг Шарқ адабиёти анъаналаридан ўзоқдашишини ястамаган. Умуман, бу масалалар, хусусан, бу дostonларнинг тематик ўзига хосликлари навоийшunosликда О.Шарафиддинов, С.Айний, Ғ.Э.Бертельс, В.Зоҳидов, Т.Жалолов, А.Қаюмов, А.Абдуғафуров, Б.Валъхужаев, С.Эркинов, С.Нарзуллоева, Т.Аҳмедов, С.Ҳасанов, М.Муҳиддинов ва бошқалар томонидан кўпгина тадқиқотлар яратилган ва яхши урганилган.

Навонийнинг бой лирик мероси ва унинг тематик хусусиятлари юзасидан ҳам навоийшunosларнинг бир неча авлодлари қизикарли илмий тадқиқотлар олиб боришмоқда. Бу соҳада Ойбек, Мақсуд Шайхзода, Уйғун, Ҳ.Сулаймонов, А.Ҳайитметов, Ё.Исҳоқов, А.Рустамов, А.Абдуғафуров, Д.Салоҳий, А.Мирзаев, Ш.Шомўҳамедов, И.Ҳаққулов, Ж.Нағиева, Б.Акрамов, Э.Шодиев, Ҳ.Жураев ва бошқаларнинг илмий тадқиқотлари ва изланишлари диққатга сазовордир.

Навоний ижодининг тематик жиҳатдан ҳам энг мураккаб қисми-бу унинг лирик ижодидир, десак нотўғри бўлмаса керак. Навоний қўлга қалам олиб, шеърлар яратар экан, бошқа Шарқ шоирлариники каби унинг бу шеърлари анъанага қўра шикдий мавзуда бўлган. Ишқини ҳамма ўзича тушунган ва талқин этган.

Лекин Навоний шеърлари орасида жуда ёшлагида, ашиқроқ қилиб айтганда, мактаб ёшида яратган бир шеърини ҳам бор. Шоир унда мактабдаги бир қиз уртоғи ҳақида ҳикоя қилади. У бой хондодоннинг қизи бўлиб, Навоний мактабга у билан бирга бориб, бирга қайтар, уни севар ва ундан ҳеч ажралиши келмас экан. У қиз шундай чиройли, ақлли ва одобли экани, уни ҳамма ойнасидоғилар ҳам, мактабдаги муаллимлари ҳам эъзозлар эканлар. Мактабдан қайтаётганда, у қизининг кетилишига руҳсат берилишини сўраб донмасига хат ёзиб-киритар экан:

Қачон мактабда ул моҳи муадааб-  
Борур, ўзани борурлар аҳли мактаб.  
Булур лавҳи забаржад аҳли ҳайрон,-  
Чу олур макнига лавҳи музаҳаб.  
Дегач абжад бошига эврулулар  
Қамар бирла қуеш яъни жаду аб.  
Нечуққин мактаб алфои хуруши,  
Ғамидин халқ аро фарёд «Ё Раб!»  
Муаллим қуллуғига хат берурмен-  
Гар озода ўлас ул сарви шакарлеб...

Навоий ашқидин то шом анжум-

Тукар,-чиққайму деб ул саъди кавкаб<sup>3</sup>

Бу шеър анъанавий услубда ёзилган бўлса ҳам мазмунан ҳаёт ҳақиқатига жуда яқин. Бинобарин, анъанавий шеърлар орасида бу хил шеърларнинг булиши шуни кўрсатадики, Навоий ўз ижодида анъанавий шеърлар билан бир қаторда ҳаётий мавзуларга қўл ура бошлаган.

Шу билан бирга Навоий жуда кўп шеър ёзиб, кейинчалик ўз шеърларидан бир неча девонлар ва тўпламлар ҳам тузган: «Бадоеъ ул-бидоя», «Наводир ун-ниҳоя», «Хазойин ул-маони», «Девони Фоний», «Ситгаи зарурия», «Фусули арбаа», «Назм ул-жавоҳир» ва ҳоказо. Шу ном билан аталган шеърый мажмуаларига ёзилган дебочаларда эса Навоий ўзи илк марта ўз шеърларини маълум бир мавзулар бўйича тасниф қилишга уринган. Ҳатто баъзи замондошлари, жумладан унинг асарларини кучириш билан махсус шугулланган машҳур Абдулжамил котиб унинг шеърлари байтларидан подшоҳларга мўлжалланган бир тўплам тузиб, унга «Тухфатус-салотин» деб ном қўйган. Бу тўтрида таниқли матншунос олимимиз П.Шамсиев махсус мақола ҳам ёзган эдилар<sup>4</sup>. Унда Навоий газалларидан терилган байтлар 45 тўхфа (қисм)га бўлинган бўлиб, масалан, 41-тўхфа «Қарилар насиҳатида», 43-тўхфа «Даврон аҳлининг бевафолигида», 45-тўхфа эса «Замона душворлигидан бода кутқорур маънида» деб аталган. Бу хил тематик таснифнинг Навоий шеъриятини ўрганишда ҳозир ҳам аҳамияти катта. Биз бу 43- ва 45-тўхфаларга Навоийнинг:

Вафо аҳлига даврондин етар жавру жафо асру,  
Жафосидин анинг озурдадур аҳли вафо асру...

Топмадим аҳли замон ичра бир андоқ ҳамдаме,  
Ким замон осебидин бир-бирга айтишсак геме,

каби матлалар билан бошланган ўнлаб газалларини ҳам киритган булар эдик.

Шу йўналишда иш олиб бориб, Навоийнинг ҳажвий ва ҳазил-мутойиба мазмунидаги газалларидан, шеърларидан алоҳида, табиат фасллари баҳор, куз, қиш ва ёз ҳақидаги, наврўз мавзуидаги шеърларидан алоҳида бўлимлар тузиш мумкин. Навоий шеърларини бундай мавзулар бўйича гуруҳлаш, бизнингча, уларни махсус ўрганиш, илмий тадқиқ этишни енгиллаштиради. Чунки бундай гуруҳларга оид шеърлар анъанавий ишқий ёки риндоя шеърлардан маълум даражада ажралиб туради.

<sup>3</sup>Алишер Навоий Мукамал асарлар тўплами. 6-том. Т., 1990. 38-саҳифа  
<sup>4</sup>Шамсиев П. Узбек матншунослигига оид тадқиқотлар. Т., 1986. 61-саҳифа

Навоийнинг шеърий меросини урганишдаги катта мураккаблик ва қийинчилик эса унинг ишқий мавзудаги анъанавий руҳда ёзилган шеърлари билан боғлиқ. Чунки улар аввало, миқдор жиҳатидан кўп бўлса, иккинчидан уларда анъанавий тасвир услуби устун. Хусусан, Навоийнинг бу хил шеърлари форс-тожик шеърлятининг Саъдий, Хусрав Деҳлавий, Ҳофиз, Жомий каби, ўзбек шоирларидан эса Лутфий, Атоий, Саккокий, Гадоий каби буюк ижодкорлар билан ижодий мусобақа усулида ёзилган. Буни Навоийнинг ўзи ҳам инкор этмайди. Масалан, бир газалида Навоийнинг Саккокий ҳақида:

Навоий назм аро тиги забояин ўйла сурдиким,

Пичоқ топмас уёттин узни ўлтурмакка Саккокий,-деб ёзгани ҳеч бежиз эмас («Саккок»-арабчада «пичоқчи» дегани).

Навоий ўзининг биринчи девони «Бадоеъул-бидоя»га ёзган «Дебоча» сида ўз шеърларининг тематик хусусиятлари ҳақида сузлар экан, уларнинг катта қисми ишқий ва ривдона йўналишда эканини ва бу мавзудаги шеърларини ўз даврида халқ яхши қабул қилганини қуйидагича таърифлайди:

«Чун таъби жибиллий саломатдин ва жибиллат зоти истиқоматдин орий эрмас эрди (яъни Худо берган шоирлик истеъдодим соғломликдан ва табиатим барқарорликдан холий эмас эди), ошиқлик кучасидаким, ажиб ҳолатга, гоят ва хуморлиқ маҳалласидаким, гариб мушкilotта ниҳоят йўқтурур, ишқ хоҳ ҳабиб жамоли ҳайратидин ва хоҳ фироқ хазони хор-хори изтироридин ҳар навъ иш юзланса эрди ва майда хоҳ мастлиқ айшу тарабидин ва хоҳ махмурлик раяжу таабидин ва хоҳ майфуруш иноятдин ва хоҳ муҳтасиб шикоятдин ҳар амр воқеъ бўлса эрди, - ул ҳолга лойиқ ва ул хаёлга мувофиқ:

Кунглумда не маъни улса эрди пайдо,  
Тил айлар эди назм либосида адо.  
Ул назмга жонин қилибон халқ фидо,  
Солурлар эди гунбази гардуна садо<sup>5</sup>.

Навоий ижодидан, хусусан унинг шеърий меросидан яхши хабардор, шоир девонларини бир неча бор оққа кўчирган Абдулжамил котиб, «Тухфатус-салотин» асарида бундай тасниф усулини давом эттириб, унинг ишқий газалларини бир неча мавзуларга ажратган. Оллоҳ ҳамди билан боғлиқ газалларни биринчи тухфага киритган. Бу мажмуа 408 байтдан иборат бўлиб, иккинчи тухфанинг бошланиш қисмига муножот, тавҳид, қазо ва қадар, пайгамбар наъти, фақр ва фано, таваккул, тасаввуф, подшоҳ насиҳати, хавос ва авом насиҳатига оид

<sup>5</sup> Ушшер Навоий МАТ. I-том. I 1987. 13-саҳифа.

шеърларни кирятган. Бунинг давомида эса ишқий мавзу қуйидагича тасниф этилган:

«Ишқ хирқатида; дилбар жамоли ҳайратида; иштиёқ изҳорида; ёр хаёли билан суҳбат тутқанда; маҳбуб таърифидида; рашк ва узлатда; ишқ сирри фош бўлгонда; ёр душворлигида; висол илтимосида; тазарруъ била ниёзда; ёр узрхоҳлигида; ёр номасидин масрур булурда; ёр номасига жавоб битмақда; висол шукрида; бадмеҳр маъшуқ шикоятда; вафо ва таҳаммул бурдборлигида; ёрдин айрилгонда; ҳусн эли насиҳатида; таассуф баённида; ёрнинг хасталигида; носих манъида; маъшуқ ўзга ошиққа илтифот қилғонида; дилбар хилъати таърифидида; ёр сафарида; видео қилур маънида; вусмау хатту хол таърифидида; ёр ёғлиги (румоли) била ашқин таскин берурда; ёр шикоятда...»<sup>6</sup> ва ҳоказо.

Абулжамил котиб томонидан улуг шоир шеърлари мавзуларини бундай майда булақларга бўлинишининг асосий сабабларидан бири шуки, бунда айтиб утилган ҳар бир мавзуда Навоий девонларида бир-икки эмас, уялаб шеърлар мавжуд ва уларнинг ҳар бири оригиналликка даъво қилади ва бундай даъво уринлидир. Шунинг учун биз бундан буён Навоий девонларини ўрганиш ва тадқиқ этишда Абдулжамил котиб айтган йулдан боришимиз мақсадга мувофиқ куринади. У бошлаган тематик таснифни янада ривожлантириш мумкин.

Шу билан бирга бу фикр Навоийнинг фақат газалларига эмас, унинг бошқа турдаги шеърларига ҳам тегишлидир. Шу йул билан биз Навоий шеърларини умумий йўналишда эмас, конкрет ўрганишга эришамиз. Масалан, Навоий «Бадоеъ ул-бидоя» дебوحасида рубоийларни «муфид рубоийёт - барча латофатомиз» деб, қитъаларини эса «нофеъ муқаттаот-барча манфаатангиз» деб таърифлаган эди. Шоирнинг ҳар бир рубоийси ва қитъасини конкрет ўрганиш уларнинг анъанавий хусусиятларини ҳам, ўз давридаги ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётга яқин томонларини ҳам чуқур ўрганишни осонлаштиради.

Навоий «Бадоеъул-бидоя» дебوحасида баъзи китобхонларнинг «шеър» деганда ва «шеърий девон» деганда фақат ишқий шеърларни тушунишларини қаттиқ танқид қилган: «На бир буқим, гўйив баъзи эл ашъор таҳсилидин ва девон такмилидин гараз мажозий ҳусну жамол тавсифи ва мақсуд зоҳирий хатти хол таърифидин ўзга нима англамайдурурлар».

Навоий изохлашича, шеърий девонларнинг муҳим бир қисмини одатда, панд-насиҳатта доир «мавъизатангиз» газал ва байтлар ташкил этган бўлиб, шеърятни бу мавзуга оид асарларсиз тасаввур этиш қийин. Навоий ёзади:

<sup>6</sup> Шамсиев П. Узбек матншунослигига оид тадқиқотлар; 66-саҳифа.

«Девон топилайким, анда маърифатомуз бир газал топиламагай ва газал бўлгайким, анда мавъизатангиз бир байт бўлмагай. Мундоқ девон битилса, худ асру беҳуда заҳмат ва зоеъ машаққат тортилгон бўлгай»<sup>7</sup>

Шундай мулоҳазалар билан Навоий ушбу биринчи девонига ваъз ва насихат йўналишидаги шеърларини ҳам киритганини таъкидлайди:

«Ул жиҳаттин бу девонда ҳамду наът ва мавъизадин бошқа ҳар шурангиз газалдинким, истимои маҳвашларга мужиби саркашлик ва гамкашларга бовси мушаввашлиқ бўлгай, бирор-иккирор насихаторо ва мавъизатосо байт иртиқоб қилинди...»<sup>8</sup>

Навоий лирик меросининг бир бўлагини шоирнинг форс-тожик адабиёти намояндаларидан Ҳофиз Шерозий, Хусрав Деҳлавий, Абдурахмон Жомий каби буюк ижодкорларнинг шеърларига татаббулар ташкил этади. Форс-тожик адабиёти тадқиқотчилари бу шоирларнинг ижодига кўпроқ тасаввуф йўналишида ёндашдилар. Бинобарин, биз бу шоирлар ижодига баҳо беришда тасаввуфдан узоқлашиб кетмаслигимиз, тасаввуф таълимотининг тарихий нуқтаи назардан Навоий ижодига ижобий таъсирини тўғри кўрсатиб беришга ҳаракат қилмоғимиз керак. Лекин шуни ҳам эслатиб ўтмоқчимизки, Абдулжамил котибнинг «Тухфатус-салотин» да тасаввуф мавзуи «фақр ва фано», «тасаввуф», «таваккул» деб аталган кичик гуруҳларда акс эттирилган, холос.

Навоий шеърини ижодининг яна бир катга қисмини унинг диний мавзудаги асарлари ташкил этади, дейиш мумкин. Навоий ижодининг яқин ўтмишда энг камситилган ва кам ўрганилган бу қисми унинг «Хамса» достонларидаги кириш қисмлар, шоир ўзи қайд этганидек, унинг девонларидаги ҳамд ва наът шеърлардан, қолаверса, Пайгамбар ҳадислари талқинидан иборат «Арбаин», Ҳазрат Али ҳикматлари асосида битилган, 266 рубойдан иборат «Назмул-жавоҳир» ҳамда Хожа Аҳрори валий илтимосига кўра ёзилган «Сирожул-муслимин» каби асарларидан иборат. Бу асарларнинг ўзига хос муҳим хусусияти шундан иборатки, улардаги тайёр мазмун ва гоялар Навоий томонидан бадиий ифодаланиб, шеър шаклига солинган. Навоий ислом дунёсига маълум ва мавжуд имон ва эътиқодга, инсон тарбиясига доир гапларни чуқур самимият ва эътиқод билан янги шакл ва ибораларда, шеърини завқ ила ифодалай олган. Масалан, ҳадиси шарифнинг бирида шундай дейилган: «Сизлардан ҳеч бирингиз ўзига раво кўрган нарсани биродарига раво кўрмагунча, чин мўмин бўла олмайд». Бу фикр Навоий томонидан шундай ифодаланган:

Мўмин эрмастур, -ул имондин

Рўзгорида юз сафо кўргай,

<sup>7</sup> Уша мотоб. 21-саҳифа.

Лидшер Навоий. МАТ. 1-том. 21-саҳифа.

Токи қардошига раво кўрмас,  
Ҳар неким ўзига раво кўргай<sup>9</sup>.

Ҳазрат Али ҳикматларидан бирида «Илм мажлиси жаннат богига  
ўхшайди», дейилган экан. Бу фикрни Навоий қуйидагича  
ривожлантирган ва шеърий сайқал берган:

Ким олим эса, нуктадон барҳақ де они;  
Гар базм тузар, биҳишти мутлақ де они.  
Ҳар кимсаки, йўқ илм аяга,-аҳмоқ де они.  
Мажлисади илм бўлса, учмақ де они<sup>10</sup>.

Шу бир мисолнинг узидан ҳам куриниб турибдики, Навоий бир  
ҳикматни қайтадан жонлантириб, унинг асосида бадий жиҳатдан  
бутунлай янги бир асар яратган. Бу каби асарларнинг яратилиши Навоий  
ижодиётини мавзулар ранг-баранглиги эътибори билан чексиз бойитган  
ва ўз даври маънавий ҳаётининг ич-ичига киришга йўл очган.

Навоий ижодининг тематик жиҳатдан доимий бойиб боришида катта  
урин тутган яна бир омил-бу унинг шеърларининг ўз таржимаи ҳоли,  
шахсияти билан чамбарчас боғлиқ томонларидир. Бундай хусусият унинг  
шеърларида, юқорида айтиб ўтганимиздек, болалик чоғиданоқ бошланган.  
Бунга кўп мисоллар келтириш мумкин. Масалан, унинг йигитлик чоғида,  
Абу Саид ҳукмронлиги даврида Ҳиротдан Самарқандга кетиши ва у ердан  
устози Саид Ҳасан Ардашерга шеърий мактуб йўллаб, Ҳиротни тарк  
етиши сабабларини баён қилгани бунга энг ёрқин мисол бўлади. Қариган  
вақтида Ҳофиз Шерозий анъанасини давом эттириб, унинг соқийнома  
жанрига қўл уриши, ўзбек тилида «Соқийнома» яратиши адабиётимиз  
тарихидаги нодир ҳодисалардан биридир. «Фавоийд ул-кибар» девонидан  
урин олган бу асар 32 бўлак, 229 байтдан иборат бўлиб, унда ўзига энг  
қадрдон кишиларни эсга олган, уларга яна бир ўзининг дўстлик  
туйғуларини баён этган.

Навоий энг сўнги шеърини Астрабоддан қайтаётган Ҳусайн  
Бойқарони кутиб олиш учун чиққан сафари вақтида ёзган ва уни чопар  
орқали унга юборган. Маълумки, бу шеърни биз Абдулмуминхоннинг  
«Томут-таворих» асари қўлёзмасидан топган эдик. Навоийнинг энг сўнги  
шеъри ҳам автобиографик мазмунга эга бўлиб, уни «Навоийхонлик  
суҳбатлари» деган мақолалар тўпламимизда эълон қилганмиз. Демак,  
Навоий таржимаи ҳолига доир шеърлар унинг лирик меросининг ҳаётий  
мазмунини янада бойитган.

Хулоса қилиб айтганда, Навоийнинг лирик меросини буздан буён  
маълум бир тематик қисмларга бўлиб урганиш улар буйича муайян  
хулосаларга келишни осонлаштиради.

<sup>9</sup> Алишер Навоий. МАТ. 16-том. Т.2000.262-саҳифа.

<sup>10</sup> Алишер Навоий. МАТ. 15-том. Т.1999. 1/3-саҳифа.

Абдурашид АБДУҒАФУРОВ

СУЛТОН МАСЪУД МИРЗО ШОҲИЙ ВА УНИНГ  
ДЕВОНИ

Мустақилликка эришилгандан кейин кўп асрлик миллий мумтоз адабиётимизнинг бой мундарижаси, кенг кўлами ва сержило қирраларини янада чуқурроқ идрок этишда, шунингдек, адабий мерослари батамом ёки етарли ўрганилмаган, фаолиятлари бир томонлама баҳоланган ижодкор ҳақида холис тадқиқотлар яратишда, асарларини биринчи манбалар буйича жорий ёзувда китобхонларга етказишда кўпгина ишлар амалга оширилди. Аҳмад Яссавий, Убайдий, Суфи Олоҳёр, Феруз, Ҳазиний, Камий, Тавалло каби қалам соҳибларининг асарлари алоҳида тўпламлар тарзида илк бор худди шу йилларда дунё юзини кўрди.

Миллий қадриятларга Юртбошимизнинг ташаббуси ва рағбатлантириши билан шакланган янгича муносабатнинг самаралари чиндан-да қувонардир. Бу соҳада кейинги йиллардаги муҳим кашфиёт ва янгиликлар жумласида, шубҳасиз, Шоҳий таҳаллусида қалам тебратган теурий шаҳзода Султон Масъуд Мирзонинг шеърӣ девони қўлёзмаларидан фотонусхаларнинг хорижий китоб хазиналаридан юртимизга келтирилиши ҳамда илмӣ муомалага киритилишини кўрсатиш мумкин.

Масъуд Мирзо Шоҳий ҳақидаги илк жузъӣ маълумотлар ўзбек мутахассисларига филология фанлари номзоди Х.Исматуллаевнинг 1972 йили «Ўзбек тили ва адабиёти» журналида (4-сон) босилган ахборотидан маълум эди. Муаллиф унда миллати венгер бўлган америкалик турколог Янош Экманнинг «Турк дили қўруми» томонидан Туркияда нашр этиладиган «Турк дили аралаштирмалари йиллиги» номи тўпلامда (1970) эълон қилинган «Билинмаян бир чигатой шоири Шоҳий ва девони» мақоласи мазмунидан хабар беради. Эндиликда бизга маълум бўлишича, Я.Экманн Туркияда эълон қилинган бу мақоладан бир йил олдин «Central Asiatic Journal» нашрида ўз кашфиёти ҳақида инглиз тилида мақола эълон қилган ҳамда Шоҳийнинг девонидан 25 газал ва 4 рубоийни инглиз тилига сўзма-сўз таржимаси билан илова этган.

Я.Экманн ҳар икки мақолада, 1996 йил ёзида Лондондаги «Индия Оффис» кутубхонасида сақланаётган чигатойча қўлёзмалар билан танишар экан, илм аҳлига номаълум бўлган Шоҳий таҳаллуси шоирнинг туркий девонини учратганини, девоннинг 1157 ҳижрий – 1745 милодий йили Миён Оқибат Маҳмуд исми адабиётсевар учун Абдулкарим котиб ҳамда 1190 ҳижрий – 1776 милодий йили Баламкада рожаси Ачит Санг Баҳодур учун котиб Ҳаёт Али қаламларига мансуб икки нусхаси мавжудлигини маълум қилади.



Кўринадики, ҳар иккала қўлёзма ҳам Ҳиндистонда бобурийлар сулоласи ҳукмронлиги давларида узаро уттиз йил фарқ билан кўчирилган. Бу хол туркий адабиёт ва санъатнинг, хусусан, шеърятнинг қатор асрлар давомида Ҳиндистон маданий-адабий ҳаётида кўринарли ўрин тутганлигидан дарак беради.

Я.Экманн иккала қўлёзма мундарижасига кўра, бир хил эканлигини таъкидлаб, уларнинг иккинчиси биринчисидан айнан кўчирилган, деган хулосага келган. Аммо иккинчи қўлёзма, муаллифнинг маълумотига кўра, ўзбек адабиётининг Хусайний (Султон Хусайн Бойқаро) ва Заҳриддин Муҳаммад Бобур каби йирик номиядаларининг девонлари билан бирга кетма-кет кўчирилган ва, афтидан кейинчалик, бир муқовада китобат қилиниб, яхлит рақамланган. Бу далилдан шундай хулосага келиш мумкинки, буюртма берган Баламкада рожаси туркий тилни мукамал билган, ўзбек шеърятининг чин муҳлиси бўлган, айни замонда, Хусайн Бойқаро, Бобур ва Шоҳийларнинг темурий авлод вакиллари эканлигини, узаро яқин ва яхши муносабатда бўлганликларини, ижодий меросларида ёрқин умумийлик мавжудлигини чуқур ҳис қилган.

Олим девон муаллифи Шоҳийнинг қимлиги ва қачон яшаганлиги масаласига алоҳида тўхталиб, жуда қимматли маълумотларни келтиради. У девон қўлёзмалари сақланувчи кутубхонанинг расмий қайд дафтаридagi «Шоҳий Эрон шоири Амир Шоҳий Сабзаворийдир», деган маълумотнинг хато эканлигини аниқлайди. Муаллиф Давлатшоҳ Самарқандийнинг «Тазкират уш-шуаро» ва Алишер Навоийнинг «Мажолис учун-нафоис» тазкираларида Амир Шоҳий Сабзаворий ҳақидаги ишончли маълумотларда унинг ўзбекча (чигатойча) шеърлар ҳам ёзганлиги ва туркий девон тартиб берганлиги ҳақида бирор-бир сўз айтилмаганлигини, Бобурнинг эса аруз назарияси ва амалиётига бағишланган рисоласида Амир Шоҳий ижодидан намуна сифатида келтирилган байтларнинг барчаси, беистисно, форсча эканлигини таъкидлаб, «Шоҳий тахаллуси ила чигатойча шеърлар ёзган бошқа бир киши» бўлган, деган мантиқий хулосага келиб, изланишларни давом эттиради. Натижада, Я.Экманн Алишер Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» тазкирасини форсчага «Латоифнома» номи остида таржима қилган Фахрий Ҳиравий асаридан ўзи кашф этган ижодкор ҳақида аниқ маълумотлар топишга муваффақ бўлади. Гап шундаки, Фахрий Ҳиравий тазкира таржимасига 188 ижодкор ва адабиёт севарлар ҳақида ўзи тўплаган янги маълумотларни ҳам илова қилган. Иловада, жумладан, темурий Султон Масъуд Мирзо ҳақида ҳам алоҳида сўз юритилган бўлиб, унинг Я.Экманн таъбирича, «бир чигатойча ва бир форсча девонлар тартиб берган»лиги, «чигатойча девонида Шоҳий ва форсча девонида эса Орифий тахаллусларини қўлаган»лиги аниқ таъкидланган.

Я.Экманн тўғри уқтирганидек, Фахрий Ҳиравий «Мажолис ун-нафоис» нинг 896 ҳижрий (1491-1492 милодий) йили якунланган илк

нухасини таржима қилган эди. Бу даврда ижодкор сифатида адабиёт саҳнасига ҳали чиқмаган Масъуд Мирзо табиийки, Навоий тазкирасидан ўрин олмаган. Аммо Алишер Навоий орадан олти йил утгач, ўз тазкирасининг иккинчи, узил-кесил нухасини тузади ва унга шеърятта кейинчалик кириб келган юзга яқин ижодкорни қўшади, уларнинг ҳар бирига ўз муносабатини билдириб, шеърятидан намуналар келтиради.

Навоий тўлдирилган тазкиранинг Амир Темур ва ижодкор темурийзодаларга бағишланган еттинчи мажлисига худди шу Масъуд Мирзо номини ҳам киритиб, махсус ўрин ажратади ҳамда унинг инсон сифатида юксак фазилатлар соҳиби эканлигини алоҳида таъкидлайди:

«Султон Масъуд Мирзо – равшан зеҳнлик ва мустаҳсан таъбляқ ва покиза ҳисол ва маҳмуд фаол йигитдир. Вафо ва дилжўйлуқ анинг шиори, саҳо ва дарвешхўйлуқ анинг атвори»

Навоий бу темурийзоданинг истеъдодига юксак баҳо бериб, далил сифатида бир гўзал байтни келтиради:

«Мулк равнақ ва интизомида ахтари масъуд, вазм зебу зийнат итмомида абнои жинсқа мақсуд. Бу туркча матлаъ анингдурким:

Ёр бориб жонга қўйди доғи фурқат, эй рафиқ,  
Кўнгулма кор этмасунму дарди гурбат, эй рафиқ?»

Айтиш керакки, темурий ижодкорларни тазкирада қайд этишда Навоий уларнинг ёшларига кўра тартиблайди. Султон Масъуд Мирзо ва унинг укаси Султон Али Мирзолар ёш шахзодалар сифатида еттинчи мажлиснинг энг охиридан ўрин олганлар. Шунга кўра ҳамда Навоий тавсифидаги «йигитдур» ибораси бўйича Масъуд Мирзонинг йигитлик йилларидаёқ ижодкорлар қаторида улуг шоир назарига тушган, ижобий баҳоланиб тазкирадан ўрин олиш шарафига муяссар бўлган, деган хулосага келиш мумкин.

Тугри, Навоий Султон Масъуд Мирзонинг (умуман, барча темурий султон ва шахзода ижодкорлардек) адабий тахаллусларини кўрсатмайди, унинг форсий шеърятти ҳақида эса умуман сўз очмайди. Аммо Навоий намуна сифатида келтирган юқоридаги байтнинг ўзиёқ Я.Экманн кашф этган Шоҳий тахаллусли ижодкорнинг Султон Масъуд Мирзо эканлигига аниқ гувоҳлик беради. Гап шундаки, Я.Экманн ўз мақолаларида далил сифатида қайд этганидек, келтирилган байт Шоҳий девонидаги етти байтга газалнинг бошланма мисраларидир (Я.Экманн ҳар икки мақоласига Шоҳий ижодидан бошқа намуналар қаторига худди шу газални ҳам тўла илова этган).

Демак, Шоҳий, Фахрий Ҳиравий таъкидига кўра ҳам, Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» тазкирасидаги гувоҳлигига кўра ҳам, Масъуд Мирзонинг ўзбек («чигатойча») газалларида қўллаган адабий тахаллуцидир.

Хуш, Масъуд Мирзонинг узи ким?

Алишер Навоий унинг номига «Султон» сўзини қўшиб, тазкиранинг ижодкор темурийзодаларга махсус бағишланган фасли-мажлисига киритиши асло бежиз эмас. Султон Масъуд Мирзо буюк соҳибқирон Амир Темурнинг бешинчи бўғин авлоди, яъни соҳибқироннинг ўгли Мироншоҳ Мирзонинг набираси бўлиши Султон Абу Саид Мирзонинг набирасидир. У Султон Абу Саид Мирзонинг ўгли Султон Маҳмуд Мирзо оиласида 1475 йилда дунёга келади. Онаси Мир Бузург Тирмизийнинг Хонзода номи қизи бўлган. Бойсунгур Мирзо, Ҳусайн Мирзо, Султон Али Мирзолар Масъуд Мирзонинг укалари бўлишган. Отаси Султон Маҳмуд Мирзо катта ўгли Масъуд Мирзога Ҳисор ҳокимлигини ажратган ва у то 1495 йилга қадар у ерда ҳукмронлик қилган. 1495 йили отаси ўлгандан кейин Султон Масъуд Мирзо катта фарзанд сифатида Самарқанд тахти учун даъвогарлик қилади, қўшин тўлаб укаси Бойсунгурга қарши отланади. Аммо бирор натижага эришмай, Ҳисорга қайтишга мажбур бўлади. Кўп ўтмай эса Ҳисорни ҳам қўлдан чиқариб, паноҳ тортиб Султон Ҳусайн Бойқаро ҳузурига боради. Янги сиёсий режалар билан Мовароуннаҳрга яна қайтган Масъуд Мирзони Хусравшоҳ қўлга тушириб, кўзларига мил тортириб, кўр қилади. Шундан сўнг яна қошига қайтиб келган Масъуд Мирзога Ҳусайн Бойқаро лутфу эҳтиромлар кўрсатади, ҳатто қизларидан бирини никоҳлаб бериб, ўзига қувв қилади. Шоҳий Ҳусайн Бойқаро саройида мунтазам утказиладиган шеърят базмларида, умуман Ҳирот адабий ҳаётида фаол қатнашиб, ўз умрининг қолган қисмини асосан ижодга бағишлайди. Масъуд Мирзо 1507 йили Шайбонийхоннинг Хуросонга юришлари вақтида ўлдирилган, «Бобурнома» маълумотларига кўра, унинг қабри Газнада.

Султон Масъуд Мирзонинг ҳаёти ва ижтимоий фаолияти ҳақида зикр этилган манбалардан ташқари, «Ҳабиб ус-сияр», «Равзат ус-салотин», шунингдек, Мирзо Муҳаммад Ҳайдарнинг «Тарихи Рашидий» каби тарихий асарларида ҳам кўпгина маълумотлар бор.

Султон Масъуд Мирзо, унинг фожиаги қисқа ҳаёти ва оиласи тўғрисида «Бобурнома»да анча-мунча урин ажратилган. Бобурнинг у билан амакивачча эканлигини, ҳатто унинг сингилларидан бирига уйланишини назарга олсак ҳамда Султон Маҳмуд Мирзонинг хотинларидан бири Бобурнинг холаси бўлганлигини эсласак, бундай муносабатнинг табиий эканлиги равшанлашади. Масъуд Мирзо Шоҳий ва унинг оиласи билан яқин мулоқатда бўлган Бобур ўз хотираларида унинг ҳаёти, амалий-ижтимоий фаолияти, шахсиятини етакчи белгилари ҳақида кўпгина қизиқарли маълумотлар беради ва ҳар доим у ҳақда хайрихоҳлик руҳида ёзади. Бу жиҳатдан, Масъуд Мирзонинг ўшлигида атқалик (отабеклик) қилган, кейинчалик эса унинг кўзига мил тортирган Хусравшоҳ ҳақидаги қуйидаги сўзлари диққатга сазовор: тийра ва фосиқ эди, бераҳм ва бевафо ҳаромнамак киши эди. Беш кун утар дунё

учун бир ўзи ўстургон валинеъматзодасини (яъни Масъуд Мирзони А.А.) кўр қилди... Тенгри қошида осий ва халқ олдида мардуд бўлубдур. Бу утар дунё учун мундоқ ямон ишлар қилди» («Бобурнома»дан).

Тўғри, «Бобурнома»да Султон Масъуд Мирзонинг шоирлиги ҳақида, унинг икки тахаллус остида туркий ва форсий шеърлар ёзганлигига ҳамда девонлар тартиб берганлиги тўғрисида бирор маълумот учрамайди. Аммо бундан Бобур амакиваччасининг ижодий фаолиятдан батамом беҳабар бўлган, деган хато хулосага келмаслик керак. Гап шундаки, биз Бобурнинг шеърийят назарияси ва амалиётига бағишланган «Рисолаи аруз» асарида Султон Масъуд Мирзо ижодидан ҳам намуналар келтирилганини аниқладик. «Рисолаи аруз»да отаси Султон Маҳмуд Мирзо ва укалари Султон Бойсунгур Мирзо ҳамда Султон Али Мирзо ижодларидан намуналар билан ёнма-ён Шоҳийнинг ҳам икки газали матлаи рамал баърининг «аввалги вазни»га яхши мисол сифатида тилга олинади.

Аниқлик учун айтиш керакки, темурийзода ижодкорлар меросларига мурожаат этиб, шеърларидан мисоллар келтирар экан, Бобур ҳам худди Навоий каби, уларнинг адабий тахаллусларини кўрсатмайди, фақат Султон Ҳусайн Мирзо, Султон Бойсунгур Мирзо... каби расмий унвон ва номларнигина зикр этиш билан чекланади.

Бобур Султон Масъуд Мирзо қаламига мансуб деб келтирилган биринчи байт қуйидагидир:

Жаннат ул-маъвоки, дерлар ёрнинг кўи эмиш,  
Тубиеким васф этарлар қадди дилжўи эмиш.

Бу мисралар Я.Экманн кашф этган девоннинг ҳар иккала қўлёзма нусхасида мавжуд беш байтли газалининг матлаъ байти эканлиги Султон Масъуд Мирзонинг Шоҳий тахаллусида ижод қилганига ҳамда Бобур худди унинг шеърийтидан мисол келтирганига шубҳа қолдирмайди.

Масъуд Мирзо Шоҳий девонининг сўз юритилаётган қўлёзмалари бобурийлар сулоласи ҳукмронлиги даврида Ҳиндистонда кўчирилган. Узаро қиёсланганда ҳар иккала қўлёзманинг бир-бирига тўла мувофиқлиги, фақат биринчи қўлёзмадаги таржиҳбанднинг еттинчи баъдида еттинчи байт бўлиб келган:

Оворалику гариблик ҳам  
Туттилар эса кўнгулга улфат -

мисраларининг иккинчи қўлёзмадан тушиб қолганлиги аниқланди. Ҳар иккала қўлёзмада котибларнинг айби билан йўл қўйилган нуқсонлар ҳам кўзга ташланади. Жумладан, айрим газалларда тахаллусли байтлар тушиб қолган. Бир қатор уринларда эса сўз бирикмаларининг ёзилмай қолиш

ҳоллари учраса, айрим газалларда мисралар нотўғри кучирилган, натижада мазмун ва бадиийликка путур етган. Масалан:

«Айласам бедиллик онинг зулмидан айб ким» мисрасида икки бугинли бир сўз ҳар икки қўлёзмада тушиб қолган. Биз мисра аслида

«Айласам бедиллик онинг зулмидан айб этмаким» тарзида битилган, деб тахмин этамиз.

Гарчи, эй оромӣ жоним, бисёр ҳамдам топқосен,

Ишқ элдин ҳамдаме мендек, вале, кам топқосен,-

байтида эса «кам» сўзи нусхаларда «ким» шаклида ёзилиб, қофия ва мазмунининг бузилишига сабаб бўлган. Худди шу газалда:

Нуши васл, эйким, тиларсен неши ҳижрон кўрмайин,

Чун эмас багринг жароҳатлик не марҳам топқосен?-

байтидаги «марҳам» сўзи «махрам» тарзида хато битилган. Анчагина учрайдиган бундай чалкашликлар бўйича ҳар иккала қотиб ҳам туркий матнларни кўчиришда етарли тажрибага эга бўлмаган бўлса керак, деган хаёлга бориш мумкин.

Шоҳий девонининг Лондонда сақланаётган қўлёзма мундарижаси шеърӣ турлари қамраб олишига кўра, унчалик бой эмас: унда даър шеърӣяти амалиётидаги йигирмага яқин турларидан фақат тўрттагина битилган намуналарни учратамиз, холос. Тўғри, Ҳусайн Бойқаро (тўрт шеърӣ шакл) ва Заҳриддин Муҳаммад Бобур (етти шеърӣ шакл) девонларида ҳам деярли шундай ҳолатни кўрамиз (Қиёслаш учун Навоийнинг «Ҳазойин ул-маоний» номли девонлар мажмуасида ўн олти шеърӣ тур намуналари мавжудлигини эсланг). Девон асосини ишқий мавзудаги газаллар ташкил этиб, уларнинг жуда кўпчилиги худди Ҳусайний ва Бобур ижодларида бўлганидек, рамал ва хазаж баҳрларида ёзилган. Девон қўлёзмаларининг нусхалари билан яқиндан танишиш Я.Экманн мақолаларида келтирилган айрим маълумотларга баъзи аниқликлар киритиш имконини беради. Жумладан, газалларнинг умумий сони, у ёзганидек, 152 та эмас, балки 153 тадир.

Шоҳий девонда рубоӣ сон жиҳатидан иккинчи уринни эгаллайди - 37 рубоӣнинг барчаси ишқий-ҳаётӣ мавзуда битилган.

Булардан ташқари девон таркибида 19 фард ва

«Васлингни қилиб замон-замон ёд,

Ҳажрингда чекай фиғону фарёд»-

байти ҳар бандда такрорланувчи бир таржиъбанд мавжуд. Шоҳийнинг шахсий мураккаб ҳаётӣ лавҳалари, хусусан, кўзига мил тортилиб, кўр тилиши муносабати билан чеккан азобу уқубатлари, тушқун кайфияти, оғир руҳий кечинмалари бадиӣ ифодасини топган бу таржиъбанд, Я.Экманн қайд этганидек, саккиз эмас, балки тўққиз банддан иборат.

Урни келганда, таржиъбандларида байтлар сони ҳам анъанага хилоф равишда, турлича эканлигини айтиб утайлик: 1,4 ва 5-бандлар 10тадан байт, 2,3,6- бандлар 9 тадан ва қолган бандлар 12 тадан байтни, жами 93 байтни ўз ичига олади.

Биз сўз юритаётган қўлёмаларнинг айрим жиҳатларига кўра, Шоҳийнинг «Индия Оффис» кутубхонасида сақланаётган девони мукаммал эмас, деган хулосага келиш мумкин. Унда дебочанинг йўқлиги ва тўрттагина шеърин тур намуналарининг жамланганлиги ҳам, ва ниҳоят Шоҳийнинг девондан ташқарида қолган шеърларининг мавжудлиги ҳам ана шу номукаммалликка аниқ ишора этади: агар «алиф» ҳарфига 28, «ре» ҳарфига 10, «лом» ҳарфига 15 газал битилган бўлса, бир қаторда ҳарфларга (Ч, Д, З, Ф, К ва б.) фақат биттадан намуна учрайди. Чиндан ҳам, «нун» ҳарфига 14 газал бўлгани ҳолда «мим»га бирорта ҳам намуна йўқлиги девон қўлёмаларининг мукаммал эмаслигини кўрсатади. Чунки, худди «мим» ҳарфига одатда жуда кўплаб газаллар ёзилган.

Бобурнинг «Рисолаи аруз» асарида келтирилган мана бу матлаъ:

Дер эдимким, бўлмагай беёр равшан кўзларим,  
Мен дегандек, оҳким, бўлди муайян кўзларим-

Султон Масъуд Мирзо Шоҳийнинг худди шу ҳарфда ҳам гўзал газаллар ёзганлигини ва улар девон таркибидан четда қолганлигини тасдиқлайди.

■.Экманн зикр этилган мақолаларида Фаҳри Ҳиравий тазкирасидан Шоҳий қаламига мансуб, аммо, сўз юритилаётган девон таркибида бўлмаган яна бир газалнинг мана бу матлаини келтиради:

Фироқингдан улар ҳолатда чеҳрам заъфаронийдур,  
Назар ҳолиямга қилким, боги умрумнинг хазонидур.

Юқоридаги далиллар, шунингдек, девон қўлёмаларида ҳаммаси бўлиб фақат йигирма ҳарфга битилган газалларнинггина жамлангани ҳам уларнинг ноқислигидан дарак беради. Қисқаси, бизнинг қатъий хулосамизча, Шоҳийнинг бу девони мукаммал эмас ва унинг ижодий мероси ҳам ҳажман, ҳам ишланган шеърин турлар жиҳатидан, шубҳасиз, катта ва ранг-барангдир.

Бизнинг изланишларимиз Шоҳий ижодий меросининг сўз юритилган девон қўлёмалари таркибида учрамайдиган намуналарнинг ўз мамлакатимиз китоб хазиналарида ҳам мавжуд эканлигини кўрсатди. Жумладан, Шоҳийнинг Алишер Навоий ва Ҳусайн Бойқаро газаларига боғлаган ўндан ортиқ тахмиси Беруний номидаги Шарқшунослик институти хазинасида сақланаётган 11444-қўлёмадан урин олганлиги аниқланди.

Айтишганидек, венгер бўлган америкалик олим турк тилида босилган мақоласида девондан газал ва рубоийлар илова этганки, бу шубҳасиз, таҳсинга лойиқ. Вазиларни бузмай, матнни асосан тўғри ўқишга эришган муаллиф, афсуски, буъзи уринларда жиддий чалкашликларга ҳам йўл қўйган. Бир-икки намуна келтириш билангина чекланамиз. Шоҳий девонидан:

Ул вафосизнинг кўнгулга мунча нозинму дейин?  
Неча ноз этган сайин кўнгулум нмёзинму дейин?—  
мағлаи билан бошланувчи ниҳоятда уйноқи ва гўзал газалнинг мақтаъ байтини Я.Экманн қуйидагича батамом бузуқ тарзда кўчиради:

Демангизким, ҳолатингни ошкор эт эл аро,  
Шоҳийи девонанинг ҳар қайда зоринму дейин?

Иккинчи мисрада қофиянинг нотўғри ўқилиши газалнинг ягона қурулмасиши вайрон этган, мазмунни ҳам хиралаштирган. Аслида эса Шоҳий ўз газалини қуйидагича (қўлёзмаларнинг 38<sup>а</sup> ва 31<sup>б</sup> саҳифалари) мантиқий изчил ва бадийий етук мисраларда яқунлаган:

Демангизким, ҳолатингни ошкор эт эл аро.  
Шоҳийи девонадек ҳар қайда розинму дейин?

Девон қўлёзмаларининг 44<sup>а</sup> ва 36 саҳифаларидан урин олган газалнинг яқунловчи байти иккинчи мисрадаги сўзлар хато ўқилганлигидан вазн бузилган ва мазмун равшанлигига путур етган:

Не ажаб Шоҳийга бедод айласа ул шоҳи ҳусн?  
Жавр қилмоқдурки, алар ҳолига султон иши.

Аслият билан танишиш иккинчи мисрада ҳам шоир чиройли бадийий санъат воситасида катта ҳаётий мазмунни ихчам ифодалашга эриша олганин кўрсатади:

Не ажаб Шоҳийга бедод айласа ул шоҳи ҳусн?  
Жавр қилмоқдур гадолар ҳолига султон иши.

Султон Масъуд Мирзо Шоҳий номини Навоий теурий ижодкор сифатида «Мажолис ун-нафоис» тазкирасининг 1498 йилда ёш ижодкорлар номларини зикр этиш билан тўлдирилган нусхасига киритади. Тазкиранинг 1491 йилда яқунланган биринчи нусхасида Шоҳийнинг йўқлигидан, у тўқсонинчи йилларнинг урталаридагина, яъни

йигирма (Навоий ибораси билан айтганда, «йигит») ёшлари атрофида адабиёт саҳнасига чиққан, деган мантиқий хулосага келиш мумкин.

Худди шу йиллар мобайнида Масъуд Мирзо Шоҳий темирӣ шаҳзода ва Ҳисор ҳокими сифатида ҳам, ёш ижодкор сифатида ҳам Ҳусайн Бойқаро давлатида юқори лавозим ва катта мавқе-эътиборга эга бўлган, адабий ҳаракатчиликка бошчилик қилиб, хусусан шеърӣятта эндигина кириб келаётган авлодга ҳомийлик ва меҳрибонлик кўрсатган Навоий билан бир неча бор учрашган, унинг суҳбатларидан баҳраманд бўлган, дейишга ҳамма асос бор.

«Мажолис ун-нафоис»да Навоийнинг Шоҳий ижодидан намуна келтириши ҳамда инсон сифатида шахсий фазилат ва ҳуқ-атвори ҳақида ҳам сўз очиб юқори баҳо бериши худди шундай учрашувлар бўлганига аниқ ишора этади. Шоҳий газалларидан бирида эса улут шоир ижодига катта ҳурматиини изҳор этувчи ҳамда Навоийёна шеър ёзишга интилаганини равшан ифодаловчи қуйидаги мисраларнинг битилиши ҳам бежиз бўлмай, бевосита учрашувлар таъсиридан гувоҳлик беради:

Баски, Шоҳий, топти шеъринг эл аро баргу наво,  
Тонг эмаски, шеър илан десанг «Навоийвор мен!»

Шоҳий Султон Масъуд Мирзо адабиётимиз гуллаб, янада равнақ топаётган бир шароитда, Ҳусайн Бойқаро ва Алишер Навоий юргизаётган расмий давлат сиёсати амалий фаолияти туфайли узбек адабий тилининг эътибори, шеърӣят қадри ва шоир обрӯси тобора орта бораётган бир даврда ижодкор сифатида танила борди.

Ҳужжатлар улут Навоий билан ёш ижодкор Шоҳий уртасида яқин ижодий муносабатлар ўрнатилганини, жумладан, мавзуи фақат шеърӣят ва бадий маҳорат бўлган узаро ёзишмалар йўлланганлигини исботламоқда.

Навоийнинг мактублари мажмуаси «Муншаот»нинг аввалги нашрларига кирмай қолган ва эндиликда яқунланаётган йигирма жиддик таркибидан 102 рақам остида урин олган мактуб бу жиҳатдан алоҳида диққатта сазовор. Шоҳийга йўлланган бу мактуб унинг исминигина эмас, балки отаси («волиди поки») бўлган Маҳмуд Мирзонинг ҳам номини санъаткорлик билан мисралари жисмига жойлаб юборилган мана бу турлик билан бошланади:

Ул шаҳ тобугиндаким, маъдани жуд,  
Шаҳлар аро бўлмагай бир андоқ мавжуд,

---

Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. Ун туртинчи том Т., «Фан», 227-228-бетлар. Бу мактубга оғининг диққатимизни қаратгани учун филология фанлари ном юди Қодирали Эргашевга чишпатдорчилик билдирамай



Ҳам волиди покидек хисоли Маҳмуд,  
Ҳам ахтари толеъдек исми Масъуд».

Учинчи ва тўртинчи мисраларидаги «хисоли Маҳмуд» ва «ахтари толеъдек исми Масъуд» иборалари бир вақтнинг ўзида мактуб йўлланган шахс - Шоҳий шаънига юксак таъриф ҳамдир.

Тўртлик мазмунига кўра, мактуб Шоҳийнинг давлат арбоби ва Ҳисор ҳокими сифатидаги ижтимоий фаолияти ҳали инқирозга юзланмаган йилларда йўлланган. Биз уни 1492-95-йиллар оралигида битилган, деб тахмин қиламиз. «Мажолис ун-нафоис» тазкирасининг биринчи таҳририни яқунлаган Навоий бу йилларда адабиёт саҳнасига энди кириб келган янги ижодкорлар номлари билан тазкирани тўлдириш лозимлигини тўла ҳис этган, шу мақсадда улар ҳақида маълумотлар тўплаш ҳаракатида бўлган.

Уйлаш мумкинки, Навоий Шоҳийга ҳам ўз шеърларидан намуналар юборишни таъкидлаб мактуб юборган. Устознинг бу илтифотидан боши кўкка етган Шоҳий зудлик билан саккиз варақдан («авроқ қиёсидан секиз беҳишт») иборат бўлган қўлёзма - «жузв» юборади. Навоийнинг мактуби ана шу қўлёзмани олиш муносабати билан ёзилганлиги унинг биринчи жумласиданоқ равшанлашади. Ёш ижодкорга нисбатан самимий ҳайрихоҳлик билан битилган мактубни, моҳиятига кўра, Шоҳий истеъдоди ва шеърлигига юксак таъриф, деб баҳолаш мумкин. Султон Масъуд Мирзо юборган шеърларда, деб ёзади Навоий, гўзал фикрлар, нозик маънолар ва чуқур мазмун кўкдаги сон-саноқсиз юдузлар каби сочилиб порлаб турибди:

«Қуллуқ дуодин сўнгра арзадошт улким, йиборган жузвки, авроқ қиёсидин секиз беҳиштдин намудор эрди ва маоний абқори гавгосидан ҳур анжум анда ошқор». Навоий таъкидича, Шоҳий шеърларининг «ҳар обдор (ширалаи, сўлим, мафтункор - А.А.) лафзи куйган кунгуллар утига таскин ва ҳар оташбор калимаси совугон юраклар ҳароратига барқойин. Мисралар салобатидин Масиҳ анфоси хосиятм анда пайдо ва байтлар латофатидин ҳаёт суйи натижаси онда ҳувайдо - бу фақирга етишди Ўқумоқдин руҳ тоза, такроридин кунгулга файзи беандоза ҳосил бўлди».

Навоийнинг сажъ санъати билан зеболанган бу мактуби ижодий фаолиятини яқиндагина бошлаган Шоҳийнинг тақдирда ҳал қилувчи омиллардан бири бўлиб, истеъдодининг янада ёрқинроқ очилишига катта таъсир курсатганига, руҳлантириб, янги-янги ижодий куч багишлаганига ҳеч бир шубҳа йўқ.

Навоий худди шу ёзишмадан кейин Султон Масъуд Мирзони «Мажолис ун-нафоис»нинг янги таҳририга киритиш ниятига келган ва тазкира учун намуна байтни ажратиб олган булиши эҳтимолга жуда яқин

Ҳажман унча катта бўлмаган мактубнинг Навоий ва Шоҳийнинг узаро ижодий муносабатларига равшанлик киритувчи яна муҳим бир жиҳати бор.

Ўз шеърларидан намуналар йўлаган Шоҳий, маълум бўладики, улут шоирдан ҳам шеърлар юборишни илтимос қилган. Навоий ёш ижодкорнинг бу ҳожишини самимият билан қабул қилади ҳамда Шоҳий илтимосини ўринлатиш тараддудида эканини битиб, тез орада «олий мажлис худдоми» (олий анжуман иштирокчилари –А.А.) улар билан танишиш имкониятига эга бўлишларига умид билдиради. Мана мактубнинг ўша қисми:

«Бу нотавоннинг парияшон назмлариким, – юборурга ишорат бўлуб эрди, – онинг тартибига машғул бўлудди. Ҳар ойна умид улким, олий мажлис худдоми мутолаасига бот мушарраф бўлғай!»

Ўйлаш мумкинки, Алишер Навоий Султон Масъуд Мирзо Шоҳийга берган бу ваъдасини кечиктирмай бажарган.

Давр адабий ҳаётининг марказида турган Алишер Навоийнинг бу мактуби ижодкор ва ҳукмрон Шоҳий шаънига эзгу истаклар билдирувчи туртлик билан яқунланади. Учинчи мисраъ мактубнинг 1495 йилга қадар – Султон Масъуд Мирзо Ҳисорда ҳукмрон эканлигида йўланганига ишора этгандек кўринади: унда Навоий яратувчи сенинг Ҳисорингни паноҳида асрасин, дея дуо қилади, Шоҳийнинг барча фаолиятида Тенгри мададкор бўлишини тилайди:

«Афлокча тахти иқтидоринг бўлсун!  
Анжумча сипоҳи бешуморинг булсун!  
Ҳақ ҳифзу сиёнати Ҳисоринг булсун!  
Яъни, бори ишта Тенгри ёринг бўлсун!  
Омин, ё раббил оламеъ!»

Алишер Навоий билан Масъуд Мирзо ўртасида шеърят мавзуда биз кўриб ўтган мактуб мисолида махсус ёзишмалар бўлганининг аниқланиши улут шоир ижтимоий-ижодий ҳамда ташкилотчилик фаолиятининг ниҳоятда кенг кўламини белгилашда ҳам, Шоҳий шеърятининг эса давр адабий ҳаётидаги кўринарли ўрнини аниқлашда ҳам жиддий илмий аҳамият касб этади.

## БИР ЛАВҲА СЕҲРИ

Алишер Навоий халқ оғзаки ижоди, араб ва форсий тилдаги адабиётларнинг пешқадам анъаналарини муваффақият билан давом эттирган даҳо санъаткордир. У Шарқ адабиётидаги анъанавий сюжет ва образларни қайта ишлар экан, уларни мутлақо янгича талқин этди; ўз ижодий ғияти, давр талаби, инсондустлик қарашлардан келиб чиқиб, мазкур сиймо ва мазмун зиммасига жуда катта вазифа – ижтимоий моҳият, маърифий қудрат бахш этди.

Биз бу ҳолатни дунё эпик поэзиясининг гултожларидан ҳисобланган «Ҳамса» дostonларида, айниқса, яққол сезамиз. Бу дostonларнинг сюжети, аксарият образлари Шарқ шеъриятида кўп ишланган, қаламга олинган. Лекин, масалавинг суратига эмас, сийратига қараладиган бўлса, ана шу азалий мавзу, номлар устоз санъаткор ижодхонасида янгича моҳият касб этади. Чунончи, «Лайли ва Мажнун» дostonига сирдан қарасак, сюжет ва образлар Низомий Ганжавий дostonига деярли айнан ухшайди. Аммо асарнинг туб моҳиятини илғаб, детallaштириб таҳлил қилинса, анъананинг новаторлик, яъни ўзига хослик томонга ўсиб борганини пайқаш қийин эмас. Шоир ўз салафларидан фарқли ўлароқ асарда инсон ҳақ-ҳуқуқи, оила эрки, юксак инсоний фазилатларнинг топталишини қаттиқ қоралади; инсон руҳиятининг нозик қирраларини кашф этди; мушғумзурликни танқид этди. Дostonдаги ҳар бир образ тасвирида Навоий мураккаб мавжудот бўлмиш инсон руҳий оламиининг нозик нуқталаригача гоятда чуқур кўрсата билган. Буни биз биргина Навфал образи мисолида ҳам кўришимиз мумкин:

Навфал дostonдаги ёрқин образ ҳисобланади. У бутун умрини инсонпарварликка сарфлашга аҳд этган баҳодир, олижаноб шахс. У ҳаёт қўйнида тобланган, турмушнинг аччиқ-чучугини тотган, паст-баландни кўрган, нозиктабиат, кишиларга меҳрибон инсон. У зулм кўрган, эзилган инсоний ҳуқуқи поймол этилган кишиларга ёрдам қўлини чўзади. Кунлардан бир кун Навфал ўз кишилари билан ов қилиб юриб, даштида Мажнунни учратади ва у билан танишиб, ҳасратидан огоҳ бўлгач, ёрдам беришга аҳд қилади. Чунки Навфалнинг ўзи ҳам муҳаббат шарбатидон тотиганлардан эди:

Навфал дағи ишқ кўрган эрди,  
Гам дашти аро югурган эрди.  
Бу ишники билди йиғлади зор,  
Ул сайд қилурдин ўлди безор.

У инсоннинг қадрини эъзозлайди, эзгу ҳис-туйғуларни қадрлайди, ҳар бир ишни тadbиркорлик, ақл-заковат, адолатпешалик билан ҳал қилишни интилади; зулм-ситам, ортиқча можаролар оддини вазминлик, ақл-идрок

кучи билан ҳал қилишга интилади; Мажнуннинг кишилардан йироқлашганлигини гоятда донишмандлик билан қоралайди; ҳаёт кўрки бўлмиш инсон инсонлар билан яшамоғи, ҳаёт гаптини ҳам, захмини ҳам бирга чекмоғи дозимлигини, одамнинг ҳайвонлар билан унс бўлмоғи инсон зотига хос эмаслигини айтади. Шунинг учун ҳам у қандай қилиб бўлмасин бу «гамзада» ни Лайли висолига етказиш чорасини истайди, ҳеч бўлмаса Мажнунни ўзига фарзанд қилиб олмақчи бўлади. Демак, Мажнун ишқ аро ягона бўлса, Навфал жавонмардлиги билан «ягонаи замонадир».

Навфал ҳар қандай можарони иложи борича тинч йўл билан ҳал қилишга интилади. Ҳай қабиласининг бошлиғи унинг нола ва илтижоларига қулоқ солмагач, урушиб бўлса ҳам севишганларни муроду мақсадларига эриштиришга аҳд этади. Бу уринда биз Навфалининг уқтамлигию жасорат ва шижоатда, инсонпорварлиғу одамийликда беназир эканлигини, худбин, жаҳолатпараст, калондимоғ тоифаларга қаҳру газабини кўрамыз.

Навфал олийҳиммат, поктийнат, мурувватли, барча инсонларга яхшилиқни раво кўрадиган, қалб ҳалим инсон. Мажнуннинг отасида қуда бўлиш ниятининг пайдо бўлишини билган Навфал ҳурсанд бўлади, унинг таклифини мамнуният билан қубул этади. Маълумки, Алишер Навоий ўз асарларида инсоннинг энг мураккаб, нозик туйғуларини гоятда чуқур, нафис бир тарзда тасвирлаган саъятқордир. Буни биз бошидан ҳеч губорсиздек чизилган Навфал образи руҳий олами инъикосида ҳам яққол кўрамыз. Навфал қизини зўр тавтана билан Мажнунга никоҳлаб беради. Ярим тунгача давом этган базм тутагач, ҳамма ўз ўтовига тарқалади. Қайнота эса "Шароб кайфияти" таъсирида орқасига қайтиб, ханжари билан келин-куёв қолган чодирнинг бир четини кесиб, улар ҳолидан хабар олади. Не куз билан кўрсинки, қиз Мажнуннинг оёқларига йиқилиб, ўз "севгилиси борлиғи" ҳақида нолимоқда:

Чун кишвари ишқнинг шоҳисен,  
Ишқ аҳли утининг огоҳисен.  
Бордур манга доғи дардманде,  
Ишқим расанига пойбанде.  
Дардим ути ичра тоби онинг,  
Мен доғи келиб хароби онинг.  
Лекин икмиз ути ниҳоний,  
Не мени улус билиб, не они.  
Фикр айлаки, ул асири маҳжур,  
Фаҳм этса севинг била манга сур.  
Бу кеча аянинг не ҳоли бўлғай,  
Умри кунининг заволи бўлғай.

Сирримни сенга чу айладим фош,  
Сендин манга будур эмди подош.

Замину замонни ларзага келтириб, ер юзида адолату мурувват тантанаси учун интилиб юрган, умр буйи садоқат учун, ҳалоллигу ростлик учун курашиб келган Навфал бир қалқийди, даг-даг қалтирайди. Мажнунга кунгли ачийди-ю, аммо "бировни севиб юрган" қизини човоқлаб ташламоқчи булади:

Навфал кўрубон бу турфа ҳолат,  
Қиз бирла куёв аро мақолат.  
Қўпти доғи уйга тебради данг,  
Май ичра киши еган каби банг.  
Кўрган неки ёд ўтиб, уёлиб,  
Не асрай олиб, не айта олиб.  
Уйнинг яна сори қаҳру кинда,  
Қиз ошиқи бор эмиш каминда.  
Илги аро дашнае тутуб тез,  
Ким бўлса ул икки ишратангез.  
Ул иккяни ҳам ҳалок қилгай,  
Ўз кўксини доғи чок қилгай.

Аммо мана шу фожиа рўй бериши мумкин бўлган дақиқаларда Навфал ҳушёр тортади, "ишқ саҳросида" тортган дард-ҳасрати, адолатпешалиги эсига тушади, ўзгалар бошига тушган жафою ситамларни енгиллатмоқчи бўлиб курашиб юрган шахс ўз қизининг тақдири, иззат-нафси билан ҳисоблашмай жиддий хатога йўл қўйганлигини ҳис этиб, аллақандай ички дард билан инграйди, қатл учун сугурган ханжарини қинига солиб, 75 чодирга гандираклаб бориб йиқилади:

Бу узр ила барчани узотти,  
Ёнди ўзию узолди етди.  
Ул навъ нуҳуфта ранжу темор,  
Бистар уза жисмин этти бемор.

Бу уринда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Навфал мана шу нохушлик таъсирида, гоҳ худ-гоҳ беҳуд бир ҳолатда Мажнун элин кузатади, воқеанинг бу тарзда тугашини "тақдири азал"дан деб ўзин овутади. Шу уринда Навоий ижодининг фалсафий асосларини урганишда муҳим аҳамиятга эга бўлган бир лавҳа мавжуд. Гулчеҳраининг севилис тўйхона атрофида дард-ҳасрат билан яратганга нола қилиб юрган эд, Қизнинг ноласини тушуниб, хонани Мажнун тарк этгач, ҳақиқий оши чодирга киради ва севишганлар муроду мақсадига етадилар.

Тонг огушига гунгу лол эдилар,  
Сармасти майи висол эдилар.  
Чун тонг қуши нола ёд қилди,  
Ошиқ доғи хайрбод қилди.  
Бош олдию кетди васлдин шод,  
Матъшуқаси қолди гамдин озо.

Бу ҳолат китобхонга эришдек туюлади. Аммо шоир бу муҳаббатни "ойини гайбдан" эди, деб фалсафий шарҳ бериб қўйган, яъни уларнинг ишқи азалий эди, никоҳи ҳам гайбий эди, деган хулоса чиқаради.

Демак, Алишер Навоий Навфал образи, унинг фаолияти билан боғлиқ воқеани ўзининг барча жозибасию мураккабликлари билан хийла теран чизган. Биз уни ҳар жиҳатдан баркамол образ даражасига етказилган сиймо сифатида ҳис этамиз, анъанавий образнинг янги қирралари кашф этилганлигига гувоҳ бўламиз.

## ИШҚ ВА КОМИЛЛИК ЖАЗБАСИ

Шарқ тарихида жавонмардлик, тасаввуф, маломатийлик каби бир неча қудратли таълимотлар ҳукм сургани яхши маълум, албатта. Бу таълимотлар бири иккинчисига йўл очиб, бири иккинчисини суяб ва бойитиб, гоҳида нималарнидир ислоҳ қилиб тараққий этишган. Бунда тасодифий ҳолат йўқ. Биринчидан, уларнинг ҳаммаси ҳам ислом дини заминида юзага келган, ислом маърифати ва ҳақиқатларига таянган. Иккинчидан, бош мақсад жуда яқин бўлган, яъни Инсон тақдири, унинг ижтимоий-маданий ҳаёти, эркинлиги, маънавий-руҳий камолоти ҳисобланган. Энг муҳими шундаки, ушбу таълимотларнинг ҳар бири ҳам уз-узича инсоннинг ботиний оламига, айниқса, қалби ва руҳига чуқур кириб боришга алоҳида аҳамият берган. Бу ҳам табиий. Чунки Нажмиддин Кубро «Фавоихъул-жамол» рисоласида ҳаққоний таъкидлаганидек, «фақат қалб ва руҳ ёлғиз ана шу иккаласи Ҳақни излаган. Унга осий бўлмаган ва Унинг амрига эйд бир иш қилмаган. Ҳақ талабида куч сарф этган икки ҳақ эрур»<sup>1</sup> Шунинг учун Шарқда Қалб ва Руҳ илмини барча илмларнинг манбаи, Руҳ ва Қалб мушоҳадаси Ўзликни билишнинг бош майдони, деб белгиланган. Шахснинг ҳоли, қалби, руҳоният (сирларини) урганиш ва ургатишни зиммасига олганлиги сабабли ҳам тасаввуф «илми ботин» дейилган.

Бутун ҳаммага маълум сабабларга кура, шуро замонида тасаввуфни эркин ва зарур даражада урганишга имкон бўлмаганди. Мустақилликдан кейин аҳвол бутунлай ўзгарди. Энди тасаввуфни ҳам, тасаввуф адабиётини ҳам аддилроқ урганаётимиз. Бироқ аддиллик, тезкорлик бўлсаю, билим малака, масъулият етишмаса, бу ҳам янги муаммолар, янги-янги камчиликларни юзага келтирар экан. Мумтоз адабиётимиз, жумладан, Алишер Навоий ижодиётини текширишдаги аҳвол ҳозир тахминан ана шундай.

Сўфийликка алоқаси борми, йўқми, бундан қатъий назар, утмишда яшаб ижод этган ҳар бир шоирнинг асарларини тасаввуфлаштириш, беш-унта диний-тасаввуфий истилоҳ ва ибораларни илиб олиб зўрма-зўракилик билан уларнинг муаллифларига сўфийлик ёки мутасаввуфлик «либоси»ни кийдириш умумий оир пойгага айланиб қолди, деса хато бўлмас. Очигини айтиш керак, бу анча хавfli жараён. Ҳатто бора-бора кулгига сабаб буладиган истиқболсиз уриниш. Шу маънода атрофга ҳам мундоқ назар ташлаб, илмдаги фойдали ва фойдасиз тажрибалар устида мулоҳаза юритсак асло зарар қилмайди. Мана, усмонли турк олими Метин Аҳар нима деб ёзади: «Бутун ҳар бир шеърга тасаввуф нуқтаи назари ила қараш истагида бўлганлар адабиётимизнинг халқдан

<sup>1</sup> Нажмиддин Кубро, Тасаввуфий ҳаёт. Истанбул, 1996. 123-бет

ажралишга, санъаткорларни унутилиш ва англамасликка маҳкум қилмоқдалар. Бу йулдаги ҳаракатлар шунга бориб етдики, ҳатто Хожа Насриддиннинг фикрлари ҳам тасаввуфга кўра шарҳ этилишидир...»<sup>2</sup> Қарангки, бизда ҳам унчалик ортда қолиш бўлмабди. Чунки Насриддин Афандини тасаввуфга алоқадор қилиб курсатувчи фикр-мулоҳазалар матбуотда алақачон босилди. Эътибор қозониш, донг таратиш, илмий даража олиш ёки «ким ўзар»га ёзилган мақола ва тадқиқотлар одамларнинг тасаввуфга қизиқишини бир қадар совишти бўлди. Энди бебаҳо хазинамиз – мумтоз адабиётдан йироқлашувга, санъат дунёси ва санъаткорлик меҳнатига хусусан ёшларнинг эътиборсиз бўлишига йул қуймаслик зарур. Ахир, абиётшуносликдаги якраглик ва саёзлик шуру тузуми давридагидан ҳам ошиши эҳтимолдан холи эмас. Бунинг олдинчи олиш учун нима қилмоқ керак? Аввало, тасаввуф ва тариқатлар тарихи, тасаввуф фалсафаси, назарияси ва эстетикасидан яхши хабардор бўлмоқ лозим. Зеро, тасаввуфга – тасаввуф, адабиётга – адабиёт деб қарай олиш ҳам оддий ишмас. Бунга эса тасаввуфга доир жуда қимматли бир неча манбаларни таржима қилиб чоп этмасдан эришиш қийин.

Алишер Навоийнинг «Насоимул муҳаббат» асаридаги энг кўп тилга олинган ва иқтибослар келтирилган китоблардан бири Али бин Усмон Жуллобий Хужвирийнинг «Кашфул маҳжуби»дир. Бу нодир асар фақат тасаввуфшунослик жиҳатидан эмас, балки Шарҳ тасаввуф адабиётини тадқиқ этишда ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Демокчимизки, тасаввуф ҳеч бир маънода ва ҳеч бир залда адабиёт манфаатларига дахл қилмаслиги, унга соя ҳам ташламаслиги керак. Тутри адабий меросини тасаввуф заминидан ажратиш мумкин бўлмаган бир неча ижодкорларимиз бор. Лекин улар барибир шоир-санъаткор. Айтайлик, Машрабнинг фикр-савияси, қалб мушоҳадаси, руҳи ва гузаллик завқига ҳеч бир сўфий ёки қаландар яқин ҳам бора олмаган. Фақат буюк шахси эмас, Машраб шеърятни ҳам такрорланмас. Бу шеърятни тариқат ақидалари ёки тушунчалари «девори» билан ўраш, уни албатта халқдан ва ҳаётий-руҳоний таъсирларидан ажратиш демак. Бундан ким ютадию, ким ютқазади? Буни жиддий уйлаш керак. Соф тасаввуф адабиёти вакиллари бизда бармоқ билан санарли. Бас шундай экан, адабиётни тасаввуф орғидан эргаштириш, унинг фаолияти ва ютуқларини ёлғиз сўфийликка тиркаш ташаббусига чек қўйиш жоиз. Алишер Навоий ижодиётига келадиган бўлсак, унда учрайдиган ҳар бир тасаввуфий истилоҳ, образ, рамз, ҳаттоки ишораларнинг маъно ва сирларини имкон қадар яхши билишга интилиш ҳам қарз, ҳам фарз. Зеро, Навоийнинг фикр, туйғу, руҳ ва санъат дунёсига эркин кириб боришнинг йулларидан бири ҳам ана шу. Навоий асарларида учрайдиган бу тасаввуфий истилоҳ, рамз ҳам баъзан маълум бир ҳақиқатни чуқур билиш, унга тамоман бошқача

Ақир М. Сув қасидаси шарҳи. «Туркия диенат, нақфи нашрлари» Анқара, 1994. саҳифа 14-15



қарашга йул очади. Масалан, Алишер Навоий асарларини куздан кечирсангиз, «мажзуб» деган сузга тез-тез дуч келасиз. Бу суз, хусусан, «Насоимул муҳаббат»да кўп учрайди. Лекин асосий нарса ушбу калиманинг кўп ёки кам учрашида эмас, балки «Насоим»даги бир қанча ривоят ва ҳикоятларда мажзубнинг кимлиги, мажзублик ҳолати, ҳақиқати, асосий фазилати нималардан иборатлигини ёритишдадир. Мажзуб – жазба одами. Жазба эса купинча сулукка боғлиқ булмаган ва сулукдан олдин пайдо буладиган ҳолат. Шунинг учун мажзублик йули инсонни тариқатдаги қатъий талаб ва қоидалардан фориғ этувчи ўзига хос имтиёзларга ҳам эга эди. Нажмиддин Кубронинг «Ҳақ таолонинг мажзуб ва маҳбубларидин» булмиш Бобо Фараж билан учрашгандан кейинги ҳодисаларни хотирланг. Бобо «давог ва қаламни» ташлаб, илм таҳсилини тўхтатмагунча, Куброни таъқиб этаверади. Чунки у илми ладуний ва мажзублик кашфининг ҳар қандай таҳсилдан юксак ҳамда самарали эканлигига тула-тўқис ишонган. Албатта, ўзининг ҳоли, танлаган йули, кузланган мақсадига нисбатан қаралганда Бобо Фараж талабида ҳақ булган.

«Насоим»дан ўрин ажратилган мажзубларнинг аксарияти туркий қавмларга мансуб «Бобо»лар ва «Ота»лардир. Диққатни тортадиган яна бир жиҳат шуки, бу мажзублар фақат тасаввуф аҳли ёхуд фуқаронинг эмас, салтанат соҳиблари, давлат арбоблари, олим ва ижодкорларнинг ҳам ихлосу эҳтиромларига сазовор бўлишган. Бобо Сангу тўғрисида Навоий ёзади: «Замон мажзубларидан эрмиш. Соҳиби ботин киши эрмиш. Андхуд қасабасида булур эрмиш. Темурбек Хуросон мулки азиматига юруганда Андхудқа етганда машхурдурки, Бобо хизматига боргандур. Ўлтургондин сунгра Бобо илайида бир суфрада яхна эт эрқандур. Қўйнинг яхна тўшин олиб, Темурбек сарй отибдур. Темурбек гояти ақлу закосидин дебдурки. Хуросонни ер юзининг кўкси дебтурлар. Ани Бобо бизга ҳавола қилди...<sup>3</sup>». Дарҳақиқат, ишорат тилида изҳор этилган шу башоратдан илҳомланиб Амир Темур кўп ўтмай Хуросон мулкида зафар қозонган экан.

Бобо Али Маст Нисоий билан Султон Ҳусайн Бойқаро орасида ҳам айнан шунга яқин ҳодиса булган. «Насоим»да уқиймиз: «Шоҳ Абулғозий аввал салтанат доиясида Бобо (яъни Бобо Али Маст Нисоий – И.Ҳ.) назария етибдур. Илтифот назари топибдурлар ва Астробод азиматидаким, Саъду Ҳусайн устига юрубдурлар, Бободин рухсат тилай келибдурлар. Бобо дебдурки, «бору-бор» ва умидворлик била борибдурлар. Астрободга етиб, душанба куни зул-ҳижжа ойининг ун иккисида уруш бўлуб, аъдога голиб бўлубдурлар»<sup>4</sup>

Алишер Навоий. МАТ. 17-том. Т., 2001, 427-бет

<sup>4</sup> Алишер Навоий. Курсатилган китоб, 447-бет.

Ҳирот маданий муҳитида мажзубларнинг нуфузи юқори бўлганлигини кўрсатувчи далил ва маълумотлар «Насоим»да кўп. Булар орасида бевосита Навоий ва шoirнинг падари бузруквори Гиёсиддин Кичкина билан алоқадорлари ҳам бор. Масалан, Навоий Бобо Сариг Пулот ҳақида, «Бу фақир била кўп улфати бор эрди»<sup>5</sup>, деса, Бобо Шиҳоб тўтрисида, «Бу фақир била улфати бор эрди, қoшимга келур эрди»<sup>6</sup>, дейди.

Тасаввуфга доир махсус асарлар, айниқса, маноқибномаларга диққат билан назар ташланса, суфий, дарвеш ёки маломатийларга нисбатан мажзубларга бошқача бир қараш, алоҳида бир ишонч ва ҳурмат устивор эканлиги осон англашилади. Бунга асосий сабаб нима? Асосий сабаб, жазба кучи ва имкониятидир. Жазба сузининг лугавий маъноси – жазба этиш, тортиш, жалб қилиш демак. Истилоҳий маъноси эса Ҳақнинг қулини ўзи томонга тортиши, илоҳий тажаллиларга сайри сулуксиз етишишидир. Шундай жазба соҳиби мажзуб дейилади. Абу Ҳафс Шаҳобиддин Умар Сухравардийнинг таъриф беришича, «Мажзуб – сайри сулуксиз, риёзат ва мужоҳаданинг қийинчиликларини қаршиламагани ҳолда, қалб ила Оллоҳ орасидаги ҳар турли унуттирувчи пардаларни барҳам бера олган кишидир»<sup>7</sup> Шу маънода мажзуб аввал илоҳий зотни мушоҳада қилади. Қобилият даражасига кўра, унга бир қанча сирлар кашф бўлади. Бунинг орқасидан сифати илоҳия ва асмо сир-асрори очилади. Сунгра қоиот моҳиятини бутун нозиклари ва мураккабликлари билан билишга эришилади. Хуллас, у «тавҳид манбасига тамоман гарқ бўлганлиги учун ўз зотини Ҳақнинг ягона зотида, сифотини унинг сифотида, феълини унинг феълида кўради... Руҳ кўзи зотнинг жамол мушоҳадасига тикилгани замон, ашённинг орасини ажратувчи ақл нури қадим зот нури галабасидан зоил бўлади»<sup>8</sup> Жазба ва ишқ оташида ёниб Ҳаққа талпинган мажзуб энди Ҳаққа чекинган чин ошиққа айланади. Шундай қилиб, солик энг охирида етган жойга мажзуб илк бошдаёқ етади. Соликнинг ҳоли Оллоҳга вуслат учун ашё мушоҳада. Мажзубники эса ашён Оллоҳ ила мушоҳададир. Мажзубнинг жазбаси маҳв ва фано билан, соликнинг сулуки эса саҳв ва бақо билан охирига етади. Солик пастдан юқорига, мажзуб юқоридан пастга сайр айлайди. Жазба сулуксиз, сулук жазбасиз бўлмас, деган фикр шунга бир ишоратдир.

Баъзан илмда вaжд ва жазба ҳоли айна бир нарса, деб қаралади. Буни тула маъқуллаб бўлмайди. Вaждда солик ёки ошиқ истаги, хоҳиш ва иродасининг қайсидир даражада ўрни бўлади. Жазбада бундай эмас. Унда инсоннинг ихтиёрига боғлиқлик йўқ. Жазба Оллоҳнинг севган ва энг танланган бандасига эҳсон. Ҳаммаси кутилмаганда ва ногоҳий тарзда руй

Уша китоб, 452-бет.

Уша китоб, 451-бет.

Абу Ҳфс Сухравардий Аворифу-л маорифи (саласиз), 11-бет.

\* Алишер Навоий. Курсатилган асар, 323-бет

беради: ишқ оташи нафс ва қалбдаги ҳижобларни ёндириб юборади. Рух ҳақиқат қайноғидан илҳомланиб парвоз бошлайди. Ҳақ тажаллиларининг мушоҳадасидан кўнгил беҳад фараҳланади. Ҳол завқи ила инсон беихтиёр ўзини унутади. Вужуди, нафси, ҳис-туйғулари, ҳуллас, бутун борлигига тегшла шуурни бой берган ошиқ маълум бир муддат фикр ва тушунчаларидан ҳам ажралади.

«Шундай валилар ҳам борки, - дейди Нажмиддин Кубро.- Ҳақ таоло уларни жазба билан яқийн даражаларига эриштиради - уларда сайру сулук ва мужоҳадага муҳтожлик бўлмайди»<sup>9</sup>. Бундай валилик умуман мақбул қурилган. Лекин сулуксиз мақсадга эришилганлиги боис мажзуб валиларга ҳам иршодга рухсат этилмаган. Шайхлик мақомига соҳиб бўлмоғи учун сулук йўлини улар босиб ўтмоғи шарт деб ҳисобланган<sup>10</sup>. Навоий мансуб бўлган нақшбандийлик тариқатида ҳам жазба ва сулук мавқеи деярли тенг эди. Бу ҳақиқатни тасдиқлайдиган муҳим далиллардан бири Нақшбанд ҳазратларининг Хожа Муҳаммад Порсо таърифидаги «Мақсуд бизнинг зуҳуримиздин анинг вужудидур ва анга икаласи тарийқ бялаки, жазба ва сулук бўлғай, тарбия қилибмен»<sup>11</sup>, - деган эътироф сўзларидир.

Мажзублар наздида, пайгамбаримизнинг меърожлари жазба тимсоли эди. Улар Нур «нарвони» билан ниҳоятда қисқа фурсатда Ҳақ даргоҳига юксалиш ва ирфонни эгаллашга шак-шубҳасиз ишонишган. Мажзублар ҳамма нарсани Ҳақ нури ила кўриб, мушоҳада этганликлари учун илоҳий нур ошиги бўлишган. Алишер Навоий Дарвеш Баширни «мажзуб ва соҳиби каромоту мақомат эрди», дейди. Унинг қашф ва кароматини зоҳир этувчи бир воқеани ҳам нақл этади: Бир кун бир жамоа шаҳардан ташқарига саёҳатга чиқадилар. Қуёш ботиб қоронгу бўлгунча дашт кезадилар. Қайтишда йўлдан адашадилар. Ногаҳон йироқдан бир дарахт узра порлаётган нурни кўриб шу томонга қараб юрадилар. «Эмдиким, етдилар, кўрдиларки, Дарвеш Башир ултирибдур ва бу ёруғлик андин зоҳир бўладур... Ул ёруғлик била йўлни топдилар ҳар қайси ўз уйларига бордилар»<sup>12</sup>, - дейди Навоий. Албатта, кўпчилик учун бу ҳодиса гайритабиий ва ишончсиз бўлиши эҳтимолдан йироқ эмас. Чунки мажзубларнинг руҳоният нури ва кароматларига иштибоҳ билан қараш ёки ишонмаслик ўтмишда ҳам бўлган. Бундан ташқари, зоҳидлар, обидлар, сўфийлар, дарвешлар жамоасида бўлгани сингари мажзублар сафида ҳам ёлгон даъво қилувчилар, содда, авом одамлар ишончли эгаллашга бел боғлаган риёкорлар, сохта кароматчилар йўқ, деб бўлмасди. Буни Абдурахмон Жомийнинг «Нафаҳот-ул унс» муқаддимасида мажзубларга ўхшашга ҳаракат қилувчилар тўғрисида махсус

<sup>9</sup> Нажмиддин Кубро. Тасаввуфий ҳаёт. 88-бет

<sup>10</sup> Нажмиддин Кубро. Тасаввуфий ҳаёт. 88-бет.

<sup>11</sup> Сухравардий. Кўрсатилган асар. 111-114-бетлар.

Алишер Навоий. МАТ.17-том, 305-366-бетлар.

тўхталганлигидан ҳам билиш мумкин. Лекин ҳақиқий мажзубларда ҳеч вақт сохтакорлик ёки алдовга мутлақо зарурият сезилмаган. Аксинча, ҳиссий-руҳий идрок ва олдиндан билиш қувватининг зўрлиги билан улар ҳар қанақа шубҳа ва ишончсизликка тезда барҳам берганлар. Шахсан Навоийнинг узи ҳам бунга иқрор бўлган ва шундай бир ҳодисани ёзиб қолдирган: Кунлардан бир кун Навоий бир киши билан кетаётганда шериги ундан «Нечук Бобо Пирийнинг ёнидан ўтмайсан. Сабаб недур?» - деб сўрабди. «Бу жиҳатдинки, фаҳш сўкар манга хуш келмаски, анинг фаҳшин эшитгаймен», - дея жавоб берибди Навоий. Шунда шоирнинг ҳамроҳи, «Бобонинг каромати бор дейдилар. Олдиндан ўттил. Каромат соҳиби бўлса, сени сўкмайди», дебди. Навоий бу таклифга кўнибди. Воқеа баёни давомида шоир: «Агарчи имтиҳон эрди, аммо ул дегандек илоийдин ўтдим, сўкмади. Одатининг хилофи – дуо қилди»<sup>13</sup>, дейди.

Мажзублар Ҳақдан бошқа ҳеч нима билан қизиқмас, Ҳақдан ўзга ҳеч кимдан кўрқмаганлар. Уларнинг бор – йўқ бойлиги ишқ ва ҳақиқат бўлган. Шунинг учун улар том маъноси ила эркин яшашган, ҳар қандай шароит ва вазиятда ҳам тўғри сузлашдан тўчишмаган. Зеро, мажзублиқда комилликнинг тамали – тўғрилиқ, куч – қуввати эса Ҳақ севгиси ва ҳақиқат эди. «Насоим» даги икки ҳикоят бу жиҳатдан алоҳида диққатга молик. Улардан бири Бобо Ҳасан Турк отаи мажзуб ҳақида: Бир қиш кечаси. Қор ёққан. Ҳаво жуда совуқ. Бобо Ҳасан қалбида жазба бошлаётди. Яланғоч қолда у ташқарига чиқади. Совуқ тунда беҳуд кезади. Тонига яқин жазбаси таскин топади. Ана шундагина совуқ таъсирини сезади. Иттифоқо, ҳаммом гулханидан ўт ёруғи кўринади. Бобо Ҳасан исиниш ниятида ўша жойга боради. Аммо қулида кафча ўт ёндираётган гулхантоб Бобо ҳар қанча талаб қилмасин, унга жой бўшатмайди. Шунда у қизиб турган кафчани тортиб олиб, гулханчининг бошига урганиди у дарҳол жон таслим қилади. Эртасига Бобони жиноятчи сифатида Шоҳруҳ Мирзонинг ҳузурига олиб борадилар. Бўлган воқеа арз қилинади. Сўнг: «Шоҳруҳ Мирзо сўрубдурки, Бобо, сени дейдурларки, бировни ўлдурубсен? Андоқмудур? Дебдурки, ҳов, андоқдур. Мирзо сўрубдурки, нечун ўлдурадунг? Дебдурки, мунчани сен ўлдурадунг, бировни даги мен ўлдурадум ...»<sup>14</sup>

Асло кугилмаган бу гап Шоҳруҳ Мирзони гўё тил тишлатибди. Марҳумнинг ворисларини рози қилиб, Бобога кетиш учун рухсат берибди. Албатта, бу ўринда одам ўлдириш – мажзубликми, мажзублик – қотилликми, деган бир савол тугилмаслиги керак. Чунки Бобо Ҳасан гулхантоб ёнига бөрганида жазба уни тарк этган эди. Жазба ҳоли давом қилганида эҳтимол, у бир бечоранинг умрини завола қилмасди. Аммо шоҳ олдида ҳам титраб-қақшамасдан мажзублик эркинлиги ва шижоатига

<sup>13</sup> Алишер Навоий. Кўрсатилган асар. 150 - 452 - бетлар.

<sup>14</sup> Алишер Навоий. Уша асар 343 - бет

униг содиқ қолиши – бу, жуда муҳим. Шунингдек, бунда мажзубликнинг хос бир «имтиёзи»ни ҳам назардан соқят этмаслик лозим. Бу мажзубнинг фавқулодда бетарафлиги, ҳеч қандай шахсий манфаатлар билан қизиқмаслиги ва Оллоҳга яқинлик ҳолига тегишли. Шайх Жамолиддин Лур, Навоий таъбири билан айтганда, «қуввайи жазба» си зур мажзублардан ҳисобланган. У кўпинча мажзублик ҳолидан ажралолмаганлиги туфайли шатх сўзларни айтар экан. Ниҳоят шарият уламолари уни кофир деб эълон қилиб, улимга фатво беришибди. Лекин икки тасаввуф шайхининг «Ул мажзубдур ва мағлуб, анинг қатли жойиз эмас»<sup>15</sup> деган кўрсатмаси боис подшоҳ Отабек Абубакр Жамолиддин Лурни улимга ҳукм қилмаган экан. Бобо Али Пойи Ҳисорий қатлига доир воқеа баёни орқали эса мажзубни уддириб бўлмас, деган маъно таъкидланган.

Энди юқорида белгиланган иккинчи ҳикоятга қайтсак. Султон Маҳмуд Сабуктегин бир қиш фаслида бошқа дидорлар ишголи учун ҳарбий юриш бошлайди. Ҳақим Санойи эса буни мадҳ айлаб, қачин битади. Доим чоғирнинг қуйқасини ичганлигидан Лойхур дея танилган бир гулханчи мажзуб бор экан. Бир куни Санойи гулханхона эшигига яқинлашганда шу мажзуб вла соқийсининг шундай суҳбатини эшитибди: «Бир аёғ тўла қилиб берки, Газнавий Маҳмудгинанинг кўрлукига ичай». Соқий: «Маҳмуд подшоҳи исломдур ва гозий кишидур. Нечун муллоғ дегайсен?» дебди. Лойхур эса Маҳмуднинг босқинчилиги ва ҳорислигини қоралаб бўлиб, «Яна бир аёғ тутки, Санойи деган шоирнинг кўрлигига ичай», – дебди. Соқий: «Санойи фозил ва латиф таъб киши. Нечук бу навъ дегайсен?» – дея эътироз билдирганда, Лойхур: «Агар ул латиф таъб бўлса эрди, бир ишга машғул бўлмай эрди, анинг бир иши ярағой эрди. Бир неча газофни бир қогозга битибдурки, анинг ҳеч ишига ярамас ва билмаски, ани не иш учун яратибдурлар»<sup>16</sup>, – дебди. Ана шу аччиқ, аммо ҳақ фикр таъсирида Санойи «гафлат мастлиги» дан бедор бўлиб, сулуққа кирган экан.

Ҳеч шубҳасизки, ҳамма чин мажзублар каби Лойхур ҳам басиратга гаянган. Сапоийнинг эшик ёнига келишини ҳам, тинглаган гаплари унга қандай таъсир утказишини ҳам бу мажзуб аниқ билган. Акс ҳолда, у сўзни беҳуда исроф қилмаган булурди.

Мажзублик завқи билан шоирлик завқи уртасида маълум бир яқинлик борлиги учун баъзи мажзублар шеър ҳам ёзишган. Шулардан бири Мир Муфлясий. У асли Машҳаддан бўлган. Илм таҳсилига берилиб, кўп вақтини меҳнат ва риёзат олушида ўтказган. Шеърый салоҳияти ҳам ёмон бўлмаган. Аммо жазба етишгач, у ақддан ажралган. Қизиги шундаки, мажзуб Муфлясий билан, ақл-хуши узига қайтган

<sup>15</sup> Алишер Навоий. Курсатилган асар. 450 451-бетлар.

<sup>16</sup> Алишер Навоий. Ушш асар. 457-458-бетлар.

Муфлосий орасидаги фарқланиш аниқ кўриниб турган. Навоий «Мажолис ун - нафоис» да буни шундай қайд этади: «Хуши борида яхши абётлар айтиб эди. Аммо жунун вақтида бу байтни кўп ўқур эрдиким:

Балои маргу андуҳи қиёмат,  
Чу чанбар сохт маро наҳат қиймат»<sup>17</sup>

(Мазмуни: Улим балоси ва қиёмат қайгуси қоматимиз дарахтини чанбардек этиб қўйди).

Жазба вақтидаги айрим зоҳирий ҳаракат, сўз ва қилиқ ёки иддаолар жинниликка ўхшаб кетиши мумкин. Навоийнинг Мир Ҳайдар Мажзубга доир илк мулоҳазаларини ўқиганда ҳам шундай фикр хаёлдан ўтади. Бироқ бу урида ҳам Навоий «Гоҳеки ўз ҳолига келса эрди, уламо билан улуи баҳсин андек қилур эрдиким, барча мусаллам тутар эрдилар»<sup>18</sup>, - дея изоҳ беришни унутмайди.

Зеро, улуг шоир мажзублик ҳоли сир-асрорини чуқур билган, мажзубларга бепсандлик Ҳаққа мақбул булмаслигини инобатга олган. Абдулкарим Қушайрий мажзубнинг ботиний аҳвол-руҳиясига тўхталиб, илоҳий бир муомалани мустасно этганда, қолган ҳамма пайт мажзуб Оллоҳ иродаси билан идора қилинишини, эски ҳолига қайтишида унинг на шахсий гайрати, на хоҳиш иродаси таъсир ўтказишга қодир эмаслигини ёзади. Мажзубнинг энг буюк ва даҳлсиз руҳоний қудрати ҳам маъна шунда.

Ҳеч шак-шубҳа йўқ: сайру сулук инсоннинг башарий «Мен»ини нафс ва шайтонга тобелиқдан қутқарадиган қутқарадиган ҳосиятли йўл. Бу йўл ниҳоясига етиша билган киши аҳлоқ-одобда, феъл ва сифотда, фикр ва иродада фавқулодда ҳолис янги Узликка эришади. Сухравардий буни жисмоний тугилишдан кейинги-иккинчи, янги маънавий тугилиш, деб таърифлайди<sup>20</sup> Ҳақиқат аҳли томонидан «қиймати сутро» («Кичик қиёмат») деб ҳам аталган иккинчи маънавий тугилишда ошиқнинг ҳоли - унинг сулуккача булган риёзат, мушоҳада, шокланиш машаққатларига ҳали киришилмаган ҳолидан кескин фарқ қилади. Унинг ахлоқий, ҳиссий ва фикр ҳаёти аввалгисига бутунлай ўхшамайди. Бунда муриднинг хизмати ва ҳиссаси беқиёсдир. Лекин гап шеър ва шоирликка келиб тақалганда, масалага анча кенг ва ўзгачароқ тарзда қараш заруриятини ҳам ҳисобга олиш керакка ўхшайди. Чунки шеърят ҳам такрорланмас бир маънавий «сайру сулук»дир. Шеърятда ҳам иккинчи, яъни янги маънавий тугилишсиз улуг шоир қад ростлолмайди. Бизнинг назаримизда, ҳақиқий шоирлик билан мажзубликда моҳиятан ўхшашлик бор. Илоҳий

<sup>17</sup> Ашишер Навоий Уша асар. 457 - 458 - бетлар.

<sup>18</sup> Уша асар. 35-бет

<sup>19</sup> Абдулкарим Қушайрий. Рисолаи Қушайрий. Истанбул, 1991. 213-бет.

<sup>20</sup> Кўрсатилган китоб. 106-107-бетлар.

Гузалликнинг узига тортиш ва жазб этиш қудратига беихтиёр таслим бўлиш ҳоким. Мана, «Исо нафаслиқ ринди Шероз» буюк Ҳофизни олиб кўрайлик. У бирор бир тариқатга мансуб бўлмаган. Иродат қулини ҳеч бир пярға чўзмаган. Аммо жонбахш сўз ва ифодалари аҳли тасаввуф табиатига шунчалик уйғун келганки, кўплар бундан таажжубланишган. Навоийнинг ёзишича, ҳатто Хожакон тариқатидан бир муътабар зот «ҳеч девон Ҳофиз девонидин яхшироқ эмас, агар киши сўфий бўлса. Бу фақирга андоқ маълум бўлубдур ва машҳур мундоқдурки, ҳазрат Мир Қосим қ.с. аларнинг девонини «Қуръони форсий» дер эмишларки, Каломуллоҳ оёти маънисидан мамлу ва асрору нуқотидин машҳурдир» деган экан. Демак, уз-ўзидан равшанлашаётирки, дил ва руҳоният фотиҳи Ҳожа Ҳофиз ҳаётда ҳам, ижодда ҳам тариқаттамас, шаффоф дил, улвий ҳол соҳиби ўлароқ жазба ва ишққа суянган. Фақат ҳузури илоҳияга кутарилган, нур ва латоиф ошиги бўлган шоиргина Ҳофизга эргашиб ёниши ва ёзиши муқаррардир. Бир неча машҳур шайхлар, жумладан, Нажмиддин Кубро ҳазратлари ҳам Оллоҳга элтувчи йўлларнинг адади яратиларнинг адади қадар беҳисоблигини махсус таъкидлашган. Шу йўллардан бири – жазба ва мажзублик. Бу йўл – ишқдан ҳолга, ҳолдан қалб ва руҳга, руҳдан Ҳаққа йўналтирувчи ҳуррият йўли. Жазба «тажриба»си ила Ҳаққа восил бўлганлар – Оллоҳ лутфу эҳсони ва инояти ила комилликнинг олий мақомини эталлаган, инсон тақдири, қадр-қиммати ва эркинлигини таъмасиз шарафлаган зотлардир. Шунга кўра ҳам Навоий мажзублик ҳолати, хислат ва имтиёзларидан сўз юритган. Навоийнинг ишқ ва жазба тариқати сифатида эътироф этилган нақшбандийлик тариқатини танлашида ҳам ҳали очилмаган, илмда ҳали махсус урганилмаган сирлар борга ухшайди. Хуллас, доҳий шоиримизнинг жазба завқи ва ёлқини аксини тошган шеърларига бошқача кўз қараш ила ёндашиш, кўпроқ кўнгил ҳоли ва руҳ манзаралари тасвирланган бу шеърларни янги усулларда тадқиқ қилиш мақсадга мувофиқдир. Ана ўшанда Навоийнинг «Уз ҳолига саргаштаву ҳайрон» бўлиш ҳиссиётларининг маъно-моҳиятини англаш, таҳлил этишдаги тахминбозлик ва ўзбошимчаликлар барҳам топади, деб ўйлаймиз.

Дилором Салоҳий

**НАВОЙНИНГ ЙИГИТЛИК ЛИРИКАСИ  
ҚАЧОН БОШЛАНДИ?**

«Хазойин ул-маоний» девонларининг ийнсон ҳаёти фасллариға мос равишда номланганлиги ҳақида Алишер Навоий шу девонлар куллиётига ёзган дебочасида маълумот беради: «...Турт фаслнинг муқобаласидаким, турт девон воқеъ булубтур, ҳар қайсига бир муносиб от дарбоист эди.

Ул сабабдин девонниким туфулият баҳори гунчасининг ажиб гуллари ва сигар гулзори богчасининг гариб чечаклари била ораста булуб эрди, «Гаройиб ус сигар» дейилди. Иккинчи девонниким, йигитлик ошуфталиг ва шабоб олуфталиг ёзи ва даштида юзланган нодир воқеъ била пийроста булур эрди, «Наводир уш-шабоб» атади. Ва учунчи девонниким, васатул-ҳаёт майхонасида ишқ ила шавқ паймонасида юзланган бадий нишотлар кайфиятин ёзилиб эрди, «Бадоеъ ул-васат» от қуйулди. Ва туртинчи девонниким, умрининг охирларида юзланган ишқ дарду ранжи фойдалариким, жонсуз оқ урмоқ ва жон топширмоқдурурким, анда сабт булубтур, «Фавойид ул-кибар» лақаб берилди<sup>1</sup>. Шунингдек, Навоий дебочада ҳар бир фасл чегараларини йиллар билан ҳам аниқлаб беради: «Туфулият овониким, етти, секкиз ёштин йигирма ёшқача ченаса булғайким...

Шабоб замониким, йигирмадин ўттуз бешгача деса булғайким... Ва кўхулат айёмиким, ўттуз бештин қирқ бешгача дегинча қиёс қилса булғайким...

Ва қирқ бештин олтинч йқинигачаким таъйин қилса булғайким, бу фусулнинг кишидурким...». Бу мавзуга Навоий «Муҳокамат ул-лутатайн» асарида ҳам тўхталади ва «Хазойин ул-маоний» девонларининг номланиши ўз умрининг хронологик даврлари асосида белгиланганлигини қайд этади. Бу асарида шоир ҳар бир девонига шу девон номи билан боглиқ даврда ёзилган шеърлари кирганлигини маълум қилади. Яъни, «Гаройиб ус-сигар» девонидурким, кичик ёшда тақририм гузориш ва гориш топибдурким...»:

«Наводир уш-шабоб» девонидурки, йигитликни авоилида баёним килкидин намоиш девонига ва оройиш бўстонига кирибдурким...» қабалида тавсиф қилади. Шунга кўра, Навоий ўз лирик мероси хронологик даврларини «Хазойин ул-маоний» девонлари юзасидангина фақат ушбу икки асарида белгилайди. Шоирнинг бошқа асарларида бу мавзуда ва аввалги уч туркий девон ҳамда «Девони Фоний» шеърларининг яратилиш даври борасида бирор аниқ маълумот учрамайди.

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Асарлар XV томлик. I т. –Т., 1966. 70-14-бетлар.



Демак, шоир «Илк девон»и, «Бадоеъ ул-бидоя» ва «Наводир ун-ниҳоя» девонларининг ҳозирги ҳолатдаги даврлаштирилиши у белгилаб берган киши ҳаёти фаслларига тегишли йиллар асосидагина шаклланган.

Маълумки, шоирнинг «Илк девон»и 1464-65 йилларда Ҳиротда тузилган. Бу девонга Навоийнинг 7-8 ёшдан 24-25 ёшгача ёзилган шеърлари киритилган бўлиб, уларнинг ҳаммаси Ҳ.Сулаймонов илмий тадқиқотларига кўра болалик лирикасига нисбат берилади.

Профессор Ҳ.Сулаймоновнинг Навоий шеърятини шоирнинг ўзи тузган инсон ҳаёти фаслларини ташкил этувчи хронологик даврларга асосан тартиблаштирганлигини эътиборга оладиган бўлсак, демак, «Илк девон» дан Навоийнинг йигитлик (20 дан 25 ёшгача бўлган) даврдаги шеърлари ҳам урин олган. Шунга кўра, бу девон шоирнинг болалик ва йигитлик даври лирикасини қамраб олган.

Навоий лирикаси даврларини изчил, мунтазам текшириш бу соҳада жиддий ўзгаришларга олиб келиши мумкин, аммо «Булар орасида энг мураккаби - Навоийнинг болалик ва йигитлик даврида ёзган шеърларини бир-биридан фарқлаб беришдир<sup>2</sup>».

Мазкур масаланинг ишланиши, назаримда, унга бевосита алоқадор яна бир муҳим муаммонинг ечимига боғлиқ кўринади. Бу Навоийнинг болалик ва йигитлик даври чегараларини аниқ белгилаш масаласидир. Чунки, бу даврни ташкил этувчи йиллар борасида ҳам бутунги кўнда Навоий таснифотидан фарқ қилувчи фикрлар мавжуд. Чунки, А.Ҳайитметов юқорида мурожаат этганимиз мақоласида шоирнинг болалик йилларини унинг 15-16 ёшгача бўлган даври деб белгилайди: «...биз 15-16 ёшгача бўлган даврни болалик, ундан кейинги даврни йигитлик даври деб оладиган бўлсак, бу девонда шоирнинг болалик ва йигитлик чоғида ёзган шеърлари аралаш ҳолда жойлаштирилган». [Шу мақола, 6-б.]

Бинобарин, «Илк девон»да жойлаштирилган газалларнинг мунтазам таҳлили мазкур масалага ойдинлик киритиши мумкин. Академик И.Султонов «Навоийнинг қалб дафтари» асарида шоирнинг биринчи газали унинг 11-13 ёшларига тўғри келиши ҳақидаги фикрларни билдиради.

Маълумки, «Илк девон»дан шоирнинг «Оразин ёпқоч кўзимдин сочилур ҳар лаҳза ёш» мисраъи билан бошланувчи газали урин олган. Навоийнинг бу «машҳур байти ҳақида Лутфий билдирган фикрни умуман шоир лирикаси ҳақида баён қилинган дастлабки баҳо деб айтиш мумкин»<sup>3</sup>

Туркий шеърят мулкнинг улуг ва ёрқин сиймоларидан бири бўлиши Лутфий ва ёш Навоий муносабатлари, адабий таъсир масалалари

<sup>2</sup> Ҳайитметов А. «Болаликнинг шеърӣ ихтиролари». //«Фан ва турмуш», 1991, №2, 6-бет.

<sup>3</sup> Улуг ўзбек шоири. Т., 1958, 190-бет

бутунги адабиётшуносликда анча мукаммал урганилган бўлса-да, бу соҳадаги тадқиқотларда мазкур машҳур газалнинг ижод этилган йиллари ҳақида бирор аниқ маълумот учрамайди.

Професср Н.Маллаев бу газални «Илк девон»нинг Ҳ.Сулаймонов тадқиқотларига кўра ёшлик лирикасини ташкил этишига асосланиб бўлса керак, шоирнинг болалик йиллари маҳсули сифатида эътироф этади. Ҳ.Зарипов «Улуғ ўзбек шоири» тўпламига кирган «Лутфий ва Навоий» мақоласида бу газал шоирнинг ўспиринлик йилларида ёзилганлигига ишора қилади: «...юқорида Хондамир ва Навоийдан келтирилган маълумотлар Навоийнинг ўспирин вақтида ноқ (эътибор қилинг: болалик эмас - С.Д.) Лутфий билан учрашиб, доим ундан баҳраманд бўлганини билдиради<sup>4</sup>» 190-б]. Олимнинг кейинги асарларида ҳам бу соҳада шу мазмунда фикр билдирилади.

Навоийшунос А.Ҳайитметов Лутфий ва Навоий ўртасида бўлиб ўтган бу суҳбатнинг шоир йигирма ёшларида содир бўлганлигини қайд этади. А.Ҳайитметов Навоийнинг инсон умрининг йигитлик даври 20 ёшдан бошланиши ҳақидаги фикри ва шу нуқтаи назардан Хондамирнинг бу учрашув ҳақида берган маълумотлари асосида хулоса чиқаради. Аммо, кейинги мақолаларидан бирида муаллиф бу газални шоирнинг болалик лирикасига нисбат беради: «...бу давр (яъни, болалик даври -С.Д.) шеърларида юлдуз образидан тез-тез фойдаланган. Буни биз унинг «Оразин ёпқоч...» деб бошланган газали матлаъида ҳам кўрган эдик<sup>5</sup>.» Ё.Исҳоқов «Алишер Навоийнинг илк лирикаси» илмий тадқиқотида Лутфий ва Навоий ўртасидаги бу суҳбат ҳақида: «Хондамир бу воқеанинг аниқ вақтини айтмаган бўлса-да, ҳар ҳолда бу, бизнингча, 1456-57 йилларга қадар, Навоийнинг 14-15 ёшлик чоғларида бўлган бўлиши керак», деган фикрни билдиради. Олим ўз мулоҳазаларини Лутфий ўз умрининг сўнгги йилларини Ҳиротда ўтказганлиги, Навоий эса 1456-57-1464 йилларда Машҳада турганлиги, бинобарин, бу суҳбат икки шоирнинг Ҳиротдаги учрашувларидан бирида бўлиб ўтганлигига асосланиб баён этади<sup>6</sup>.

Бир қатор муаллифлар, жумладан, Э.Рустамов, Н.Шукуров, С.Эркинов, Э.Аҳмадхужаев, Д.Юсуповалар илмий тадқиқотларида бу суҳбат бўлиб ўтган йиллар хусусида умумий фикрлар билдирилади. Муаллифлар бу масала юзасидаги мулоҳазаларини асосан Ҳ.Сулаймоновнинг «Илк девон»ни шоир болалик лирикасига нисбат берганлиги, Навоийнинг инсон ҳаёти фаслари чегаралари ҳақидаги фикрлари ва Хондамирнинг «Мақорим ул-ахлоқ»да келтирилган маълумотларига суяниб изҳор этидилар.

<sup>1</sup> Улуғ ўзбек шоири. Т., 1958, 190-бет.

<sup>2</sup> Ҳайитметов А. Курсатилган мақола. 7-бет.

<sup>3</sup> Исҳоқов Ё. Уша асар. 22-бет.

Хондамир «Мақорим ул-ахлоқ»нинг «Дар баёни фазилати шеър ва азимушшон шуаро» деб номланган учинчи фаслида Навоий ва Лутфий уртасида бўлиб ўтган бу машҳур суҳбатни шундай таърифлайди: «Мавлоно Лутфий ки ба лутфи сухани ягонаи офоқ буд ва пеш аз вай ва беҳ аз вай ба забони турки касе шеър нагуфта. Дар мабодии синни рушда ва тамиз он ҳазрат рӯзи ба мулозаматаш расид ва илтимос намуд, ки аз натоижи афкори худ бахондан газале маро бахравар созед. Он ҳазрат газал хонд, ки матлааш ин аст:

Оразин ёпқоч кӯзумдин сочилур ҳар лаҳза ёш,  
Булаким, пайдо бўлур юлдуз, ниҳон бўлгоч кӯеш.

Жаноб Мавлави Лутфи аз истимои ин газали гарро дар баҳри ҳайрат афтода базабон ронд, ки «Валлоҳки, агар муяссар шуди даҳ-дувоздаҳ ҳазор байти турки ва форси худро бо ин газал бадал мекардам ва ҳусули ин муомаларо фавзи азим мешумурдам<sup>7</sup>».

Парчада келтирилган «дар мабодии синни рушда ва тамиз» («ёшлари эндигина тўлиб, нарсалар ҳақида фикр юргизаётган даврларининг бошланишида») жумласи ушбу учрашувнинг бўлиб ўтган йилларига ишора қилади. Демак, бу фикрни билдиришда Хондамир Навоий ҳаётининг қайси йилларини кўзда тутган, деган савол тугилади. Мазкур жумлани болалик даври тутаб, йигитлик даврининг бошланиши маъносини ҳам аниқлашига эътибор берадиган бўлсак, Навоийнинг «Муҳокамат ул-лугатини»даги фикрларига кўра, болалик даври 7-8 ёшдан 20 ёшгача, «йигитлик авоили» эса 20 ёшдан бошланади. Бу мулоҳазаларга кўра, ушбу суҳбатнинг бўлиб ўтган пайти 1461 йилга тўғри келади. Навоийнинг ана шу давр биографиясига назар ташлайлик.

Маълумки, 1456 йилда Навоий подоҳ Абулқосим Бобур Мирзо билан Машҳадга кетади. Абулқосим Бобур Мирзо вафотидан (1457) кейин 1459 йилда Абусаид Мирзо Хуросон тахтини эгаллайди. Навоий Машҳаддан 1464 йилда Ҳиротга қайтганда, Лутфий ҳали ҳаёт эди. Шоир 1465 йилда Ҳиротдан Самарқандга кетади. Бинобарин, Лутфий ва Навоий уртасидаги мазкур суҳбат ана шу бир йил ичида бўлиб ўтган, деб тахмин қилиш мумкин. Аммо, бу пайтда Навоий эндигина йигитлик даври бошланган 20 ёшли эмас, балки 23-24 ёшлардаги етуқ йигит бўлган. Шоир 20 ёшида эса, яъни 1461 йилда Машҳадда бўлган. Лутфий эса ҳаёти давомида умуман Ҳиротдан ташқарига чиқмаган. Ана шу мулоҳазалар бу учрашувнинг шоир 20 ёшлигида бўлиб ўтганлигини рад этади.

Масалага чуқурроқ назар ташлайдиган бўлсак, баъзи маълумотлар бу учрашув ва суҳбатнинг анча илгари содир бўлганлигидан гувоҳлик беради. Маълумки, Навоий «Мажолис ун-нафоис» ва «Насойим ул-муҳаббат» асарларида Лутфий ва узининг у билан бўлган муносабатлари ҳақида кенгроқ маълумот беради. «Насойим ул-муҳаббат»да у шундай

<sup>7</sup> Хондамир. «Мақорим ул-ахлоқ». Қобул, 1981. 33-бет

ёзади: «Бу фақир борасига кўп илтифоти бор эрди ва фотиҳалар ўқур эрди ва дойим волида мулозаматига ризойи хотирига тарғиб қилур эрди» (таъкид бизники - С.Д.). Ушбу парчадан маълум бўлишича, Навоий Лутфий мулозаматига бориб юрган йилларида онаси ҳаёт бўлган. Лутфий унга онасини рози қилишни насиҳат қилган. Бу албатта, Навоийнинг Машҳадга кетганга қадар бўлган давридаги воқеалар тафсилотига тегишля. Чунки, Машҳаддан ақли, илми камолга етиб қайтган 23-24 ёшли йигитга Лутфийнинг бу тарзда насиҳат қилиши эҳтимолдан анча йироқ. Бундан ташқари, бу пайтда шоирнинг онаси ҳаёт бўлганлиги масаласи ҳам мавҳум. Маълумки, ҳаётининг бу даврида Навоий ўзини «кимсасиз, гариб, бекас» деб атайдн. Кейинчалик у Машҳаддаги устози Саййид Ҳасан Ардашерга ёзган шеъринг мактубида ҳатто бир хужрага ҳам эҳтиёж сезганлигини ҳикоя қилади:

Манга бу эл ичра не бир ҳамдаме,  
Ки бир дам икавлон дейишсак гапе,  
Не бир аҳли донишдин онча умед,  
Ки андин наво топса бир ноумед,  
Не бир хужраким ким тошгай кўнгул,  
Даме анда ором тошгай кўнгул.

Ҳаётининг Машҳадга кетгунга қадар бўлган даврига оид Лутфий билан боғлиқ баъзи тафсилотларни «Мажолис ун-нафоис»нинг Шайхимбек Суҳайлийга бағишланган фасли юзасидан ҳам келтириш мумкин. Ёшлигидан Ҳирот адабий муҳитида тарбия топган Шайхим Суҳайлий болалик йилларидаёқ Алишер Навоий билан дўстлашади. Лутфийшунос олим Э.Аҳмадхўжаев унинг Лутфий билан бўлган дўстлигига Алишер Навоий сабаб бўлган деган фикрни билдиради: «Лутфийнинг диққат-эътибори ва муҳаббатини жуда эрта қозонган ва унинг доимий дўстона муносабатига сазовор бўлган ёш Алишер Навоий қалби шеърятга муҳаббат билан тўлган ёш дўсти Суҳайлийни улуг шоир билан таништирган бўлиши мумкин».

Ушбу муаллифнинг фикрича, бу учрашув ва дўстлик муносабатларининг бошланиши Лутфийнинг 90 ёшларига, яъни 1456 йилларга туғри келади. Бу даврда Суҳайлий 11-12 ёшларда, Навоий эса 14-15 ёшларда бўлган. Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» ва «Насойим ул-муҳаббат»да берган маълумотларига кўра, «фотиҳалар ўқур эрди», «кўп фотиҳалар ўқундур», у Лутфий билан кўп учрашган. Аммо, юқоридаги мулоҳазалар Навоийнинг Лутфий ҳақида якки асарда келтирган маълумотлари у Машҳадга кетганга қадар бўлган ҳаёти воқеаларидир, деган фикрнинг уйғонишига сабаб бўлади. Чунки, шоирнинг Машҳаддан Ҳиротга қайтиб Самарқанд сафарига чиққунга қадар бўлган (бир йиллик) ҳаёти хотиралари унинг машҳур «Маснавий»си (Саййид Ҳасан Ардашерга

<sup>8</sup> Аҳмадхўжаев Э. Туркий наъмининг сехргари. Т. 1992. 11-бет.

хати)дан ташқари бирор асарида аниқроқ ёритилмаган. Жумладан, шоирнинг отахони Саййид Ҳасан Ардашер билан боғлиқ хотиралари ҳам асосан 1455-56 йилларгача бўлган даврларни ўз ичига олади. Ҳ.Зарипов «Навоийнинг Лутфий билан танишуви балки Саййид Ҳасан Ардашер воситаси билан бўлгандир, чунки, Саййид Ҳасан Ардашернинг уйида бўлган суҳбатларда Лутфий газаллари мақталиб ўқилар эди», деб ёзади. Бу фикрнинг ҳақиқатга яқинлигини эътиборга оладиган бўлсак, демак, Саййид Ҳасан Ардашер ва Абулқосим Бобурлар қатори ёш Алишер Навоийнинг нодир истеъдоди ва юксак шоирлик маҳоратига айни шу йилларда Лутфий ҳам тан берган бўлиши мумкин. Чунки, Навоий Маишҳаддан Ҳиротга қайтганда шеърлари бутун Хуросонга машҳур бўлган етук шоир эди. Бинобарин, Навоий ҳаётининг бу йиллари ҳақида Хондамир ёшлари эндигина тулиб, йигитлик даври бошланган, дейиши ҳақиқатдан йироқ. Шунингдек, Лутфийнинг ҳам Навоийнинг 23-24 ёшли машҳур шоир сифатидаги ижодини бу қадар муболага билан мақташи нотабиийдек туюлади. Зеро, Навоийнинг машҳур байтига Лутфийнинг берган юксак баҳосида тажрибали кекса шоирнинг таланти ёш шоир қудрати ва маҳоратига астойдил тан бериши, уни кўпроқ ижод қилишга рағбатлантириш, шеъриятта бўлган муҳаббатини янада ошириш ниятлари яққол сезилиб турибди.

Бу мулоҳазалар ҳам Хондамирнинг «ёшлари эндигина тулиб, йигитлик даври бошланганда», деган фикрларини Навоийнинг 20 ёшлигини назарда тутиб айтганлигига шубҳа ўйғотади.

Хуш, Навоийнинг болалиги қачон тулиб, йигитлик даври неча ёшда бошланган эди?

Мақсул Шайхзода «Навоийнинг лирик қаҳрамони ҳақида» номли мақоласида «Ҳазойин ул-маоний» девонлари дебочаларида инсон ҳаётининг даврий чегаралари турлича кўрсатилганлигини маълум қилади. Аммо, бошқа конкрет масала юзасидан юритган мулоҳазаларида билвосита бу соҳага тўхтаган олим қуйидагича хулосага келади: «...баъзи бир дебочаларда «Ғаройиб ус-сигар» 13-20 ёшлар ўртасида, «Наводир уш-шабоб» 20-35 ёшлар чоғида, «Бадойиъ ул-васат» 35-45 ларда ва «Фавоийд ул-кибар» 45-60 ларда ёзилган шеърларни ўз ичига олади, деган кўрсатмаларга жиддий бир маъҳаз деб қараб бўлмайди. «Чор девон»нинг баъзи нусхаларидаги дебочада учраган шу тақсимоғ кейинги котибларнинг қўшимчаси бўлса керак<sup>9</sup>. Албатта, олим бу мулоҳазаларни билдиришда аввало, «Ҳазойин ул-маоний» девонлари ва уларга кирган шеърларнинг шоир неча ёшлигида ёзилганлиги асосида жойлаштирилишини назарда тутган, иккинчидан, «Ғаройиб ус-сигар» бўйича бажарган илмий ишида Навоийнинг болалик ва йигитлик манзумаларини ажратишнинг ният қилмаган. Умуман, Навоий поэтикаси

<sup>9</sup> М.Шайхзода. Асарлар 4 томлик. 4 т. Газал мулкининг султони. Т. 1972. 134-бет

соҳасидаги тадқиқотларида олим Навоийнинг «Хазойин ул-маоний»дан аввалги уч девонини бизга маълум сабабларга кўра таҳлилга тортмаган. Шу нуқтаи назардан, фикримизча, бугунги кунда «Чор девон» дебеча матнларида учрайдиган юқорида келтирилган маънодаги ранг-барангликларга «жиддий бир маъхаз деб қараш» мавриди етди. Жумладан, Шайхзода фойдаланган девон дебечасидаги киши ҳаёти фаслари чегаралари Хондамирнинг биз назарда тутатган маълумотида аниқлик киятиши мумкин. Агар биз Ҳ.Сулаймонов академик нашридан фарқ қиладиган «Хазойин ул-маоний»нинг бошқа дебеча матнларидаги мазкур маънодаги маълумотларга асослансак, демак, Навоийнинг Хондамир назарда тутган даврдаги Лутфий билан учрашуви 12-13 ёшларида юз берган. Ушбу фикрни яна тўлдириш мумкин. Шарқнинг қадимий хитой фалсафасига асосланган мучал ҳисоби ва шу бўйича Маҳмуд Қошгарийнинг «Девону луготит-турк»да келтирган даврий доирасига кўра, инсоннинг ёши 12дан 13 га ўтганда тўлади. Ислом шариатида асосан ҳам инсон шу ёш, яъни 12 тулгач, «болиг» балоғатга етган ҳисобланади. Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳадиси шарифларида келтирилишича, ҳар бир инсон 10 ёшдан ошгач, фарз амаллари ва бажармоғи, яъни, намоз ўқиши ва рўза тутиши лозимлиги ўқдирилади. Бу бўйруқ инсоннинг худди шу ёшда жисмоний ривожланишида маълум босқичдан ўтиб, маънавий камолот учун ҳаракат қиладиган муддати етганлиги ҳақида хабар беради. Демак, ислом таълимоти бўйича инсоннинг болалик даври ўн йиллар давом этади, ундан кейинги давр унинг онгли ҳаёти ҳисобланади.

Шунингдек, Навоийнинг «Хамса»да:

Ўнгача гафлат била побастлиқ,

Жаҳл йигирмигачау мастлиқ...-

деган фикрларини ҳам мазкур маънода тушувиш мумкин.

Ана шу нуқтаи назарлардан, Алишер Навоий болалик йилларини 11-12 ёшларда интиҳо топган, деб қарайдиган бўлсак, Хондамир юқорида келтирилган маълумотида шоирнинг 12-13 ёшларини назарда тутганлиги аён бўлади. Бу фикр эса Навоийнинг машҳур газали шу даврдан у Машҳадга кетгунга қадар, яъни 1451/52 - 1455/56 йиллар оралигида яратилган, дея хулоса қилишга имкон беради.

«Хазойин ул-маоний» девонларида Навоийнинг ўз лирик меросини даврлаштириши шартли характерга эга бўлганлигини айтиб ўтдик. Бироқ, девонлар матнларининг қиёсий таҳлили шоирнинг ўзи тартиб берган аввалги икки девонида ҳам худди шундай хусусият борлигини кўрсатади. Жумладан, «Бадоеъ ул-бидоя» девони дебечасида шоир «Илк девон» ҳақида шундай ёзади: «... бу зобита қайдига кирмасдин ва бу робита силкига тортилмасдин бурун, бу жаҳатдинким, агар баъзиси васати синда айтилгон булса, баъзи сигари синда дейилиб эрди (таъкид бизники-С.Д.)...», ораларида шоядки фоҳиш тафовут булмай деб жамъ қилмоғида

далерлик қилинмас эрди, ammo халойиқ орасида минг байт - икки минг байт ортуғроқ- ўқсукракким, узлари жамъ қилиб эрдилар, багоят машҳур бўлуб эрди».

«Илк девон» таркибига шоирнинг 25 ёшга қадар ёзган газаллари кирганлигини эътиборга оладиган бўлсак, демак шоир бу даври лирикасини болалик (сигари син) ва ўрта ёшлик (васати син)га нисбат беришти. Худди шу мазмунда «Бадоеъ ул-бидоя» девонидан яна бир мисол келтириш мумкин. Шоирнинг юқорида таҳлилга тортганимиз ижтимоий-фалсафий руҳдаги «Ваҳки, умрум борча зойиъ будди эл коми била» деб бошланувчи газали «Илк девон»да учрамайди. Бу газал биринчи марта «Бадоеъ ул-бидоя»га киритилган. Шунга кўра, газал шоирнинг йигитлиги ва ўрта ёшларининг бошланиш давлари - 25-38 ёшлари оралигида ёзилган. Газал мақтағида эса:

Эй Навоий, ҳузун ила ўтқар қарилик меҳнатин,  
Чун йигитлик борди айшу ишрат айёми била

мазмундаги фикр билдирилади. Мақтағ биринчи қарашда Навоий қарилик даврини 45 ёшдан кейин деб белгиласа-да, 38 ёшларини ҳам қарилик деб ҳисоблайди, деган таассурот уйғотади. Бу фактлар Навоийнинг ўз лирикасини хронологик даврлаштиришни мақсад қилиб қўймаганлигидан, умуман, бу масалага ҳеч қачон илмий ёндашмаганлигидан гувоҳлик беради. Шайхзода ҳам бу соҳада шундай таъкидлайди: «Зотан, ҳар тўртала девон, озгина бир фарқ билан, тамоман баробар (ун бир минг мисраъдан сал ошиқ ё кам), булишлиги ҳам шу даъвомизга қувват беради. Чунки, шеъринг таънининг балоғатга етган (35-45 ёшлар ўртасида) даврида ҳам, қарилик (45-60) даврида ҳам шоир айни миқдорда шеърлар ёзгандир, ёки ўсмирлик чоғида ёзган шеърлари ҳам кейинги даврда ёзган шеърларига сон ва сифат жиҳатидан баробар эди, деб ўйлаш амри маҳол бўлса керак<sup>10</sup>».

Навоийнинг ҳаёт фасллари маъносидаги байтларида «йигитлик» ва «қарилик» иборалари кўпроқ учрайди, болалик ва ўрта ёшлик давларига ишора этувчи фикрлар ёки иборалар қарийб учрамайди. Шоир «Хазойин ул-маоний» девонларини инсон ҳаётининг ва йилнинг тўрт фаслига ўхшатиб номлаган бўлса-да, лирикасини асосан икки фасл - йигитлик ва қариликка ажратади. Бу ҳодиса шоир лирикасини илмий даврлаштиришда унинг газаллари мазмунигагина асосланиш мазкур масала тадқиқи борасидаги имкониятларни анча чеклаб қўйишига олиб келади. Шунингдек, бу масалада шоир барча девонларининг яратилиш давлари хронологияси ҳам муаммо ечими учун жиддий асос бўла олмайди.

Ана шу мулоҳазалар Алишер Навоий лирик меросининг Ҳ.Сулаймонов илмий тадқиқотлари асосида даврлаштирилиши тарихий аниқлик нуқтаи назаридан ҳозирги адабиётшунослик талабларига жавоб

<sup>10</sup> М.Шайхзода. Курсатилган асар. 134-бет.

бера олмайди, деган хулосани тақозо этади. Бу фикр, албатта, навойишунослик учун янгилик бўлмаса-да, Навоий лирик ижоди эволюциясини изчил ўрганишда принципиал аҳамиятта эгалити боис янада долзарблик касб этиб турибди.

Мазкур масала юзасидан Иззат Султон, А.Ҳайитметов, Ё.Исҳоқов тадқиқотларида бевосита ва бивосита билдирилган фикрлар масаланинг ҳозирги ҳолатида баъзи умумий хулосаларга келиш имконини беради. А.Ҳайитметовнинг 70-йиллардаги «Буюк шоирнинг йигитлик манзумалари» номи мақоласида шундай фикрлар бор: «Алишер Навоий ҳаёти турли ижтимоий ҳодисаларга бой бўлиши билан бирга, ўзининг гоят мазмундорлиги билан яққол ажралиб туради. Унинг мислсиз бой шеърляти ҳам ўша давр ҳаёти билан чамбарчас боғланган бўлиб, муаллифдаги гениал қобилиятнинг конкрет тарихий шароитда юзага чиққанини кўрсатади. Шунинг учун унинг ҳаёти ва шеърлятини даврларга бўлиб, ўша даврдаги ижтимоий ҳодисаларга боғлаб ўрганиш тўғри бўлади. Фақат шу йул билан шоир ижодидаги тарихий тадрижий тақомилни илмий асосда ёритишга эришиш мумкин<sup>11</sup>». Шу мақоласида муаллиф Алишер Навоийнинг йигитлик даври чегаралари ҳақида ҳам фикр билдиради: «Навоийнинг Абулқосим Бобур хизматига кирган вақтидан то Султон Ҳусайн хизматига ўтганига қадар бўлган даврни Навоийнинг йигитлик йиллари деб оладиган бўлсак, ана шу давр Навоийнинг ижодий эволюциясида энг муҳим даврдир. Унинг дунёқарши, поэтик стили, шоирлик таланти асосан шу даврда шаклланди ва шу даврдаёқ у катта шоир, ажойиб инсон сифатида танилди<sup>12</sup>».

Навоий девонларини уларнинг турли матнлари асосида қийсий текширишимиз олимнинг мазкур мулоҳазаларига конкрет, фактик материаллар асосида ҳамфикр бўлиш учун имконият яратади. Чунончи, олимнинг Навоий йигитлик ёшларини белгиланган даври 1456-1469 йилларни ўз ичига олади. Шоирнинг бу даврда ва ундан кейинги ўн йил давомида ёзган шеърлари қисман «Илк девон» ва асосан «Бадоеъ ул-бидоя» девонидан урин олган.

«Бадоеъ ул-бидоя» девонининг 1479 йилда тартиб берилганлиги ҳозирги кунда маълум бўлди. Шундай экан, девон Ҳ.Сулаймонов таснифотига асосан шоирнинг фақат йигитлик лирикасини қамраб олмайди. Чунки, уни тузган даврда шоир 38 ёшда бўлган.

Демак, Навоий девонларининг ҳозирги ҳолатдаги даврлаштирилишида илк лирикага оид «Илк девон»да ёшлик ва йигитлик, йигитлик лирикаси деб аталмиш «Бадоеъ ул-бидоя»да эса йигитлик ва ўрта ёшлиқда ёзилган шеърлари жамланган.

<sup>11</sup> Ҳайитметов А. Навоий даҳоси. Т. 1970 48-бет.

<sup>12</sup> Шу асар. 51-бет.



Навоий газалларининг девондан-девонга утказилиш тарихи ва девонларда кузатилган шоир ижтимоий лирикаси гоявий-бадий такомилнинг унинг ҳаёти фасллари билан боғлиқ хусусиятлари юқорида билдирилган мулоҳазаларни қуйидагича умумлаштиришга имкон беради:

1. Шоирнинг ёшлик лирикаси 7-8 ёшдан 15-16 ёшгача, яъни 1449 йилдан 1455/56 йилларгача бўлган даврни ўз ичига олиб, унинг бу даврда ижод этган шеърлари «Илк девон»дан урин олгандир. Навоийнинг болалик даврида Хуросонда кечган ижтимоий-сиёсий вазият, Шоҳруҳ Мирзо улими (1448) муносабати билан мамлакатда юз берган нотинчликлар, кўплаб аҳолининг, шу қатори шоир оиласининг ҳам ватани тарк этиб, дарбадарлик уқубатларини чекишга мажбур бўлиши ҳодисалари унинг болалик лирикасига катта таъсир кўрсата олмаган эди. Фавқулодда истеъдод соҳиби бўлган Навоий бу воқеаларни жиддий идрок этиб хулоса чиқариш учун жуда ёш эди. Шу боис унинг бу давр бадий яратмалари ишқий мавзуларда, ошиқона руҳда бўлиб қолди. Шу нуқтаи назардан, шунингдек, шоир ва унинг замондошлари хотиралари, ҳолатлар, шоир ижодига адабий анъаналарнинг таъсири масалалари хусусидаги мулоҳазаларга суяниб навоийшунос олимлар Иззат Султон, А.Ҳайитметов, Ё.Исҳоқовлар шоирнинг бу даврда яратилган газаллари ҳақида ўз тадқиқотларида маълумот берадилар. Бизнинг кузатишларимизга кўра, шоирнинг машҳур «Оразин ёпқоч...» деб бошланувчи газали ҳам шу давр лирикаси маҳсулидир. Бинобарин, Навоийнинг болалик лирикасини ўзининг йигитлик лирикасидан ажратиш учун бугунги навоийшуносликда девонларни қиёсий урганиш, тарихий маълумотлар, шеърларнинг гоявий-тематик ва бадий хусусиятлари таҳлилига асосланган илмий-услубий замин ҳозирланди.

2. Навоийнинг йигитлик даврини 15-16 ёшдан 35 ёшгача давом этган деб белгилаш ва унинг 1456-1476 йиллар давомида ёзган шеърларини йигитлик лирикаси сифатида талқин этиш мақсадга мувофиқдир. Чунки, бу давр Навоий мустақил ҳаётининг бошланиш даври бўлиб, у махсус билим олиш ниятида биринчи бор она шаҳри Ҳиротдан Машҳадга йўл олади, яъни шоир ҳаётида гурбат, мусофирлик даври бошланади. Навоий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган бу давр шоир адабий-танқидий қарашларининг кенгайиб, сермазмун бўла борганлиги билан ҳам алоҳида диққатга сазовордир. Ёш шоир бадий тафаккурида шакллана бошлаган назарий қарашлар Машҳад адабий муҳити таъсирида тезда камолга ета борди. Навоийнинг Машҳадда шайх Камол Турбатий, Хужа Муҳаммад Астрободий, Паҳлавон Муҳаммад каби катта олим ва шоирлар эътиборига сазовор бўлиши ўз даврининг кўзга кўринган ижодкор шахси сифатида шаклланиб улгурганлигидан дарак беради. Аммо, шунга қарамай, Машҳад ҳаёти Навоий учун ўқиш, изланиш, илм йўлида риёзат чекиш даври бўлиб қолди.

Шоирнинг 1464-65 йилларда Ҳиротда кечирган ҳаёти унинг сиёсий дунёқараши, ижтимоий онгининг етилувига катта таъсир кўрсатди. Бу даврда мамлакат ҳаётида юз берган ижтимоий-сиёсий воқеалар, давлат ҳукмдор доиралари, жумладан, подшоҳ Абусаид Мирзонинг қаттиққул сиёсати, шоирга нисбатан бўлган нодустана муносабати унинг лирикасида чуқур из қолдирди. Бинобарин, шоир ижтимоий лирикасининг ташаккули айти шу даврларга тўғри келади. Шеърларида ижтимоий мазмун ва руҳнинг фаоллашуви шоир истеъдоди ва бадий тафаккури янги қирраларининг очилувига, сиёсий-ижтимоий дунёқарашининг янги аспектдаги тараққийсига таъсир кўрсатди.

Давр ижтимоий-сиёсий воқеъалигининг шоир лирикасидаги инъикосида унинг ҳаётий биографияси материаллари поэтик имконият бўлиб хизмат қилди. Шоир илк лирикаси эволюцияси ва поэтикаси тадрижий тақомилини илмий ишлаб берган Ё.Исҳоқов тадқиқотларида бу масаланинг муфассал таҳлили баён этилган, чунончи: «...илк даврда бекасалик, йигитлик даврида дарбадарлик, ҳижрон билан боғлиқ бўлиб, биографик асос муҳим роль ўйнаган бўлса, кейинги босқичларда (1469 йилдан кейинги урта ёш ва кексалик даврида) фақат шахсий тақдир эмас, балки ижтимоий муҳит- мамлакат, халқ тақдир ҳақидаги мулоҳазалар, яъни кенг ижтимоий асос етакчи омил бўлиб қолади<sup>13</sup>». Муаллиф «Алишер Навоийнинг илк лирикаси» номли тадқиқотида «Илк девон»га кирган газалларга шоирнинг илк лирикаси деб қараса-да, бу девонга кирган 10 газални унинг йигитлик даври маҳсули сифатида таҳлил этади. Шунингдек, А.Ҳайитметов шоирнинг «Ғаройиб ус-сигар» девонига кирган 133 газални йигитлик даври лирикасига нисбат беради. Шундай экан, Навоийнинг йигитлик даврида яратилганлиги мушоҳада этилган газаллари бутунги кунда «Илк девон» ва «Бадоеъ ул-бидоя» девонларига кирган газаллар орасидан маълум даражада ажратиб олиниши мумкин, дейишга ҳуқуқимиз бор. Бу эса Навоий йигитлик шеърляти муайян поэтик мазмуни, руҳи, бадий ифода типини ва усуллари жиҳатидан ўз ҳудудий чегараларига эга бўлди, деган маънони аниқлатади.

Навоий поэтикаси хусусиятлари ва лирик услуби тадрижи масаласи унинг бу соҳадаги ижодини илмий-тарихий нуқтаи назардан даврлаштиришни талаб этар экан, бу бир неча йўналишда илмий тадқиқотлар олиб бориш заруратини тугдирди. Шоир лирик меросида энг катта майдонни ишғол этувчи газаллётнинг даврий ҳудудларини белгилаш эса мазкур масаланинг умумий пландаги ечимида жиддий илмий имконият ярата олади.

<sup>13</sup> Исҳоқов Ё. Навоий поэтикаси Т., 1983. 43-бет.

Муслиҳиддин Муҳиддинов

**ШАРҚ ХАМСАЧИЛИГИДА ҲАЗРАТИ ПАЙГАМБАР  
СИЙМОСИ**

(«Хамса»ларнинг биринчи дostonлари мисолида)

Шарқ шоирлари асарлари аввал Тангри таоло мадҳи ҳамд билан бошланиб, сунгра Муҳаммад Пайгамбар саллаллоҳу алайҳи васалламга бағишланган наътлар келтирилади. Бизнинг фикримизча, ҳамд ва наътлар дostonларнинг ажралмас қисми бўлиб, муаллиф дунёқарашини ойдинлаштиришда муҳим аҳамиятга эга. Биз бу уринда Хусрав Деҳлавий ва Алишер Навоий дostonлари, яъни «Матлаъул анвор» ва «Ҳайратул аброр» дostonларидаги Муҳаммад Мустафо таъриф – тавсифлари «наът»ларни чоғиштириб чиқишни дозим тоцдик. Зеро, Навоий ҳамд-наътлар ёзишда ҳам салафлар йулани давом эттирган ва исломий ақидаларни баён этишда анъанадан фойдаланган. Ҳамд ва наътларни алоҳида жанр сифатида олиб қараш мумкин, аммо «меърожнома»лар алоҳида кўринишга эга, лекин «наът»лар аксар дostonлар бошида бир ёки бир неча бобни ташкил этиб келган. «Ҳамд ва наът»да қасида хусусияти бор, яъни таъриф-тавсиф, тил услуби кўтаринки руҳ билан ёзилган. Лекин қасиданинг шакли, қофияланиш тартиби бошқа (аа, ба, ва...), бундан ташқари, қасида жанрининг объекти «ҳамд-наът»лардан фарқ қилади.

Амир Хусравнинг «Матлаъул анвор» дostonида бир ҳамд (кириш) уч мунсжот ва уч наът мавжуд бўлса, Алишер Навоийнинг «Ҳайратул аброр» дostonида «Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим» шарҳидан кейин бир ҳамд, тўрт муножот ва бешта наът келтирилади. Шундай қилиб, наътлар сони Навоийда Амир Хусравга нисбатан иккита ортиқ. Аммо байтларнинг умумий миқдори ҳисобидан олиб қараганда, фарқ унча катта эмас. Амир Хусравнинг учта наъти 133 байтни ташкил этади. Навоийнинг бешта наъти 147 байтдан иборат, 14 байт ортиқ холос. Бунинг сабаби шуки, Амир Хусрав наътларида Пайгамбар ҳаётининг қисмлари, фаолияти давлари алоҳида баён этилмайди. Хусравда Пайгамбар ишларининг муайян жиҳатини воқеа сифатида олиб тасвирлаш фақат Меърожга кўтарилиш воқеаси тасвирида кўринади. Аввалги ва учинчи наътлар бир-бирини тўлдирадиган бўлиб, ҳазрати Расулуллоҳнинг сифатларини таърифловчи байтлардан ташкил топган.

Алишер Навоийда бўлса «Аввалги наът»да олам бошида нури Муҳаммадиянинг мавжуд бўлгани, яъни Муҳаммад ҳақиқати барча мавжудотлардан бурун яратилгани ҳақида гап борса, иккинчи наът»да Муҳаммад алайҳиссаломда нубувват пайгамбарлик нишонларининг юз бериши исломнинг жорий этила бошлаши, бутпарастларга қарши кураши тасвирланади, «учинчи наът»да ислом дини галабаси, саводсиз одам бўлган Муҳаммад Расулуллоҳнинг муъжизалар кўрсатишлари, шариатнинг

жорий этилаши, Ажаму Араб янги динга кириб шариф топгани тасвирланади. «Туртинчи наът»да исломнинг қудрати, Қуръон ва ҳадислар шухрати, Пайгамбар асҳоби, халифаларидан сўз боради. «Бешинчи наът»да Меърож кечаси таърифи берилади. Амир Хусрав Меърож тасвирига кўп урин ажратган. «Матлаъул-анвор»да Меърож тасвирига бағишланган боб 70 байтдан иборат, қолган икки наът эса ҳаммаси бўлиб 66 байтдир.

Навий Меърож тасвири 53 байтдан иборат, яъни қолган наътлардан у қадар катта эмас. Лекин шуниси борки, ҳар икки шoirда ҳам Меърож ҳазрати Пайгамбар муъжизалари ва кароматининг энг чуққиси сифатида кўрсатилади. Аммо бу ҳақда кенгроқ тўхталиб ўтишдан олдин «Нури Муҳаммадия» тушунчаси тўғрисида гапириш жоиз, деб уйлаймиз. «Нури Муҳаммадия» тушунчаси ислом уламолари ишларида тез-тез тилга олинади, айниқса, тасаввуф таълимотида бу тушунча яхши ишланган. Тасаввуф аҳли фикрига кўра, Тангри таоло оламларни яратишдан олдин Муҳаммад нурини яратган бўлиб, шу нур туфайли оламларни ва одамларни ҳалқ этди. Бу нури «ҳақиқати Муҳаммадия» ҳам деб юритадилар.

Амир Хусрав тасвирича, Худованди карим барча мавжудот - осмону ер, тоғу водий, оқу кўёш ва ҳоказо жонли ва жонсиз ашёларни Муҳаммад туфайли яратган. Муҳаммаднинг номида икки жаҳон (дунё ва охира) мужассам. Шоир ёзади:

Чарх к-аз ин соя ажаб оростанд,  
Баҳри расули араб оростанд.  
«Аҳмади Мурсал», ки набишта қалам,  
Ҳамд ба номи ваю ҳо-мим ( ) ҳам.  
Нух фалак аз номи Муҳаммад муқим,  
Ҳар ду жаҳон дар ҳади номаш ду «мим»  
Гўйи замин бурда ба чавғони худ,  
Арсан майдонаш азал то абад.  
Мавжи нахустиваш зи дарёи нур,  
Шуста бисоти адабу рафта дур (15.16 -с)

(Бундай ажойиб кўринишда яралган коинот араб миллатига мансуб Расул учун буёқд этилган. Қалам унинг номини «Аҳмади мурсал» - «Эли Аҳмад» деб ёзди: унинг номига мақтовлар булсин. Тўққиз фалак осмоннинг тўққиз қабати Муҳаммаднинг номи билан муқим мустаҳкам турибди, икки Борлиқ шу Муҳаммадий ҳақиқати ичидадир, аммо биз уни сезмаймиз ҳам, бамисоли офтобнинг мавжудлигини зарра сезмагандай. Ақли кулл, яъни олам асосида ётадиган Ақл ҳам шу ҳақиқатли одоб урганади... Нур дарёсидан биринчи тўққизланиши адаб бир сўзи мусулмонликнинг асидир ва раббоний номаларнинг шарҳидир. «Умум китоб» Тангри таолодан таълим ва хирад олгандир, унинг сўзлари Тангри сўзи, унинг амрлари тангри амри ҳазрати Расулуллоҳ

умматларининг гамхури, Аллоҳ таоло Муҳаммад туфайли умматларнинг гуноҳини кечиради. Пайгамбар нурининг сояси умматлари учун «урвай вусқо» мустаҳкам тутқичдир. Унинг Қуръони ва Ҳадислари «ҳабли матин» мустаҳкам арқондир. Бизнинг илоҳ амри билан боғлайдиган риштадир.) Хуллас, Хусрав Деҳлавий учун Муҳаммад алайҳиссалом Худонинг бандалари ҳузурига юборган элчиси, ақлу фаросат, илму фазилатда бемисл комил бир инсон, унинг шарафи кўкка етади, барча мавжудот унинг туфайли нурли, мунаввар. Аммо, Амир Хусравда «Нури Муҳаммадия» тушунчаси ёрқин акс этмаган, бу тушунча Алишер Навоийда анча ойдин ва шаклланган бир ҳолда мавжуд. «Ҳайратул аброр»даги биринчи наътада қуйидаги байтлар бор:

Эй, қилибон ламъаи нурунгу зуҳур,

Андаки не соя бор эрди, ва нур.

Нурунгу тоб икки жаҳондин бурун,

Ҳар не йўқ, андин бурун, андин бурун. (14.24-с)

Демак, Навоий фикрига кўра, ҳали бирор мавжудод яралмагунча, соя ҳам, нур ҳам бўлмаган бир пайтда Муҳаммад нури «зуҳур қилди», барча қадимийлардан ҳам бу нур қадимийроқдир. Бу фикр олам асосида Муҳаммад нури ётади, деган қарашга мувофиқдир. Навоий давом этиб ёзадики, жисмоний ва руҳий оламлар шу нурдан зиё тошган, ҳали ҳазрати Одам Сафиюллоҳ яратилмаган эди. Одам Ато ҳам Муҳаммад нуридан бино қилинди. Шунинг учун «Аввал угул, сунгра ато» яратилди, дейиш мумкин. Бошқача шарҳлаганда, ҳазрати Муҳаммад Одам Атога ҳам ато ва ўтилдир. Шу маънода Одам Ато фарзандлари - бани Одам барчаси Муҳаммадга фарзанд ҳисобланади. Навоий Одам Ато ва ҳазрати Муҳаммад орасидаги қариндошликни улар номидаги ухшаш жиҳатлар билан қиёслаб тушунтирмоқчи бўлади:

Ҳар неки Ҳақ важҳи аро мубҳа мул,

Зоҳир этиб юзда ҳабиби ҳам ул. (14.24-б.)

Демак, Муҳаммад пайгамбар сиймосида илоҳий важҳнинг қудрати ва жамоли акс этган, пайгамбар Аллоҳнинг кузгуси, пайгамбарнинг ишлари ҳам Аллоҳ амаллари, амрининг ҳаётга тадбиқидир. Муҳаммад нури Одам вужудига кириб уни шарафлади, Одамдан Ҳавога ўтди, унинг болаларига ҳам таралди. Шундай қилиб, барча инсонлар шу Нурдан баҳраманд бўлдилар. Алишер Навоий бу фикрларни «Аввалги наът» деб номланган бобнинг насрий атамасида аниқ ва ихчам баён этади: «Ул ҳазратнинг нури қадамиятидаким, зот баҳрининг аввалги жумбушида ул дурри бебаҳо ламъаси хафо риштасин узди ва ул гавҳари якто ашиъаси ламъа кўргузди ва дурждин дуржга интиқол этти, то Сафиюллоҳдин Абдуллоҳга етти» (14.24-б.). Маъноси: «Ул ҳазрат нурининг қадимийлиги ҳақидаки, зот-тангри денгизи биринчи тўлқинда бир ягона гавҳар нури яширинлик ипини узди ва ул ягона гавҳар порлаб кўринди ва сандуқчасидан буржларга йуналди, токим Одам Атодан Абдуллоҳга етди». Яъни оламдан

аввал бу нур яратилиб, кейин оламларга ва Одамга сингиб кетди, токи Абдуллоҳга етди деганда Навоий ҳазрати Пайгамбарнинг тутилишини назардан тутди. Чунки Муҳаммад Пайгамбарнинг отасининг исми «Абдуллоҳ» эди, яъни Аллоҳнинг қули, шундай қилиб, олам асосидаги нурдан то Муҳаммад тутилгунча даврий бир замон кечади.

Шундан кейин Алишер Навоий ҳазрати Пайгамбарнинг гудаклик айёми, қирқ йилгача ҳар хил юмушлар билан шуғулланишлари, чунончи, чўпонлик қилмиши, тижорат билан банд бўлиши ва бошқалар ҳақида ёзади. Шоирнинг тасвирига кўра, пайгамбарлик ёш Муҳаммад сиймосида муҳайё эди, унинг ақли, зеҳни одамларни ҳайрон қолдирарди:

Сурат ато тифл, вале ақли кулл,

Қавлинг аро гайри яли ламякул. (14.25-6.)

Пайгамбар бутпарастларга қарши жиҳод бошлаб, Аллоҳ ҳақиқатини Ерда ҳукмрон қилди. Куфр тоғини талқон этароқ имон боғини яшнатди. Муҳаммаднинг даъватлари элу халқлар орасида гулгула солди, пайгамбарнинг мўъжизали каломи дилларни ёритади ва айни вақтда душманлар ҳам пайдо бўдилар. Бироқ Макка мушриклари охирул амр имон келтиришга мажбур бўдилар. Пайгамбар мўъжизаларидан бири бармоқ учи билан ойни икки қисми бўлгандир:

Меҳр мутии амру мисоли била

Шақ бўлубон бадр ҳилоли била. (14.25-6.)

«Учинчи наът»нинг насрий сарлавҳаси мана бундай: «Ул нубувват қуёши соясизлигининг пояси, балки қуёш бўлмоқ анинг сояси ва беш бармоғига қалам тутмай ақолими сабъани яққалама қилғони, балки жамъи милаал авроқига насх қалами чеккони» (14.25-6.), яъни: «Ул пайгамбарлик қуёшининг сояси йўқлиги моҳияти, балки қуёш унинг соясидир ва бармоқларига қалам олмай, етти иқлимни забт этгани, балки барча миллатларнинг китобу дияларига инкор хатини чекканлиги»

Бу бобда шоир Муҳаммад жорий этган барҳақ диннинг улутворлиги, пайгамбаримизнинг уллий-раҳмоний нажоди ҳақида жўшиб тавсифлайди:

Зотинг эди жавҳари улвий нажд,

Тутмади ер сояси бирла савод.

Қайда савод этгали чеккай рақам,

Қолди чу маҳрум илигингдин қалам.

Бўлмади гар хома бошин ёрмогинг,

Ёрди камар хомасини бармогинг.

Қўймади гар бу қаламинг бир нуқат,

Лек милаал насхига кўп чекти хат. (14.26-6)

Ушбу байтларда ҳазрати Муҳаммаднинг хат танимағавлиги, аммо шунга қарамай, олам асрори илоҳий илмий ҳикмат кони бўлганлиги ифодаланган. Муҳаммад Алайҳиссалом хат танимасди, аммо унлаб халқлар унинг хати тобеълигига қўшилди. Ажамдан Арабгача, Машриқдан Мағрибгача ислом динини қабул қилдилар. Номаси қора бўлганлар ҳам бу

хат тобеъига айланганда, шафоат тоқдилар. Лоту манот каби бутпарастлар минг балоларга дучор бўдилар.

Туртинчи наътда «Ҳайратул-аброр» муаллифи Пайгамбар сифатларини мадҳ этишни давом эттириб, Пайгамбарлик мўъжизалари, ҳазрати Расулуллоҳ фаолиятининг қизгин даврини қаламга олган:

Эй, нафасинг мойи эъжоз ўлуб,  
Руҳи қудус нутқунгга ҳамроз ўлуб,  
Ғаҳе такаллум санга мўъжиз калом,  
Назми каломинг бори мўъжиз низом...  
Сихқати ҳукм ичра ҳадисинг саҳеҳ,  
Арзи фасоҳатда каломинг фасеҳ. (14.27-б.).

Пайгамбарнинг энг улуг мўъжизаси – бу каломи шариф, яъни «Қуръони карим». Юқоридаги мисраларда шунга ишора бор. Муҳаммад Мустафо пайгамбарлар силсиласида сўз сеҳргари сифатида шуҳрат қозонган. Ул жанобнинг нутқи, ваъзи, оятлари илоҳий ваҳийлик эди. қуръон суралари Аллоҳнинг каломи бўлиб, Жабраил Алайҳиссалом Ҳазрати Муҳаммадга етказиб турган, ҳазрати Муҳаммад Мустафо буни ўз навбатида халққа етказган. «Қуръон»да исломий ақидалар, ваҳдат ва тавҳид гоялари, мўмин мусулмонлик рукнлари, фалсафа ва ҳикмат, ғайб асрори ифодаси бўлган тилсимли маънолар, шунингдек, мўъминларнинг кундалик ҳаётига лозим бўладиган кўрсатмалар бор. Одам фарзандига керак бўладиган барча ахлоқий-маънавий неъматларни бу муқаддас китобдан топиш мумкин. Шунга ўхшаш беҳисоб ҳадислар ҳам инсон камолоти, унинг ҳаёт тарзини йўлга солувчи ўчмас чироқлардир.

Ҳазрат Навоий ушбу бобда ислом шаръининг беш рукни — намоз, рўза, закот, ҳаж ва калима келтириш шарофати ҳақида тўхтайдди. қайд этамизки, бу мавзу «Ҳайратул аброр»да алоҳида бобда кенгроқ ёритилган. Бу ерда эса, шариатнинг аҳамияти ва Пайгамбаримизнинг бундаги бениҳоя улуг хизмати тезислар шаклида ўртага ташланган. Пайгамбар шариатни жорий этиш билан инсоният маънавияти тарихида бурилиш ясади. Одамлар яхшини ёмондан, гуноҳни савобдан, ҳаромни ҳалолдан ажратадиган бўдилар.

Алишер Навоий бу бобда Пайгамбар ҳаётидаги огир дамлар душманлардан қочиб горда яшириниш, Абужаҳл бошлиқ мушриклар билан кураш, Пайгамбарга охиригача содиқ қолган Абубакр, Умар, Усмон, Али ҳақида ёзади:

Руҳ эди ул баҳри нубувват дури,  
Турт рафиқи танининг унсури (14.27-б.).

Навоийнинг наътлари мазмун жиҳатидан Амир Хусрав наътларига ҳамоҳанг. Амир Хусравнинг учинчи наътида ўқиймиз:

Эй суҳанат ганжи худоро калид,  
Гавҳаре он ганж ту карди падида,

Аз ту салое ба аласт омада,  
Нест ба меҳмониш ҳафт омада...  
Ғарраи моҳ аз ҳами абруи туст,  
Турраи шом аз шикани муйи туст.  
Моҳ ба тавқи ҳидомат чун ҳидол.  
Шом ба доғи ҳабашат чун Билол.. (15.29-6.)

(Эй сенинг сўзинг худо хазинасининг калиди, бу хазинанинг гавҳарини сен очдинг, Сендан абадиятта бир овоз етишди, йўқлик борликка меҳмон бўлиб келди. Ойнинг гурури сенинг қошинг эгилганидандир, шомнинг қора зулфи сенинг сочинг ҳалқасидандир. Ой хизматинг ҳалқасида ҳилол бўлиб эгилган, шом эса холинг ҳажрида Билолдай хизматда).

Амир Хусрав, шундай қилиб, Пайгамбар таърифни мадҳига кўпроқ эътибор беради, унинг илоҳий сифатларига шоирона санъатларни қаторлаштириб чизиб чиқади:

Ҳар ки ба фитроқи ту қард эъҳтисом,  
Қарда ба меъроҷ фалакро лағом.  
Қулзуми раҳмат туйи, эй бениёз,  
Қ-аз ту намозий шуда ҳар бенамоз.  
Ҳар кӣ тирози ту ба бозу ниҳод,  
Нақди ду олам ба тарозу ниҳод (15.31-с.)

(Кимки сенинг узагинга осилган бўлса, фалак зиналаридан ошиб қадамлади. Эй озода эр, раҳмат денгизи сенсан, чунки ҳар бир бенамоз сендан намозхон бўлди. Кимки сенинг элагингни қўлга киритган бўлса, икки олам нақди - савобини қўлга киритади).

Шундан кейин Хусрав Пайгамбар руҳидан мадад сўрайди, қиёмат куни Парвардигор олдида шафеъ бўлиб, гуноҳларини авф этишни илтижо қилади:

Руй ба мо кун, ки туйи пуштибон,  
Ҳам дили мо деҳ ба қарам, ҳам забон.  
Ин ҳама густоҳии мо бар гуноҳ.  
З-он сабаб омал, ки туйи узрҳоҳ,  
Тақя чу бар мунъими худ қардаем,  
Ғам нахурем арчи ки бад қардаем. (15.31-32-с.)

(Бизга юзингни угир, чунки сен суянчигимизсан, қарам ила ҳам дил ва ҳам тил бергил бизга. Сен узримизни кечирувчи булганлигинг учун густоҳлик билан гуноҳ қиламиз. Ўз валинеъматимизга суянганмиз, шу боис гарчи гуноҳ иш қилган бўлсак-да, лекин ғам емаймиз).

Бу ерда икки жиҳатни таъкидламоқчимиз. Биринчидан, Амир Хусрав тарихий воқеалар, Пайгамбар ҳаётига оид муайян тафсилотлар устида тўхталмаган, балки ҳазрати Расулуллоҳнинг умумий сифатлари, шаъну шарафини тавсиф этган. Навоий эса, Пайгамбар ҳаётига оид тарихий воқеалар, ривоятларни қўшиб тасвирлайди, Пайгамбарнинг фаолиятини



исломнинг кириб келиши, ёйилиши ва мустақамланиши билан боғлаб олиб боради. Иккинчи жиҳат шуки, Амир Хусравда парвардигор сифатлари билан Пайгамбар сифатлари орасида қарийб фарқ йўқ. Алишер Навоий дostonида гарчи Муҳаммадий гоёси батафсил ёритилган бўлса-да, лекин Пайгамбарнинг инсоний сифатлари (изтироби, кураши, шодлиги) билан қўшиб олиб борилади.

«Матлаъул анвор» ва «Ҳайратул аброр» дostonларидаги меърожнома бобларини қиёсласак, бу маънолар яна аниқроқ кўзга ташланади. Қайд этамизки, Пайгамбар меърожи ҳақида шоирлар кўп ёзганлар, бу воқеа узининг хаёлот ва тасаввуротларига бойлиги, суфийёна каромату таважжуж ва ишқу ошиқлик тушунчалари билан яқинлиги балки бунга сабаб бўлгандир. Меърож кечаси ҳақида қасида ва газаллар ҳам ёзилган. Афтидан, бу анъанавий мавзулардан ҳисобланиб, ҳар бир шоир бунда ҳам кучини синаб курган. «Матлаъул анвор»нинг меърожга бағишланган боби иккинчи наътга «Ҳайратул аброр»да эса охириги – бешинчи наътга тўтри келган. Бунда ҳам Навоийнинг тарихий мунтазамлик ва Пайгамбар ҳаёти тартиби билан вобасталик сақлаганини кўришимиз мумкин.

Амир Хусрав наътининг сарлавҳаси бундай: «Наъти дуввум дар Меърожи султони анбиёки, қалби Арш маснади ўст ва шараф таҳ ва болойи фалак фарши пойи у, Аҳмадеки алифи балош додан, то бар кунгураи исро рост боистод ва Муҳаммадеки доли охираш ханданд то бар сари дунёи дурий пой ниҳат» (15.20–с). (Таржимаси: «Иккинчи наът анбиёлар султони меърожи ҳақидаким, Аршнинг қалби унинг тахтгоҳидир ва фалакнинг остию усти шарифи унинг оёғининг фаршидир, у шундай Аҳмадки унга алифдай қомат берганлар, токи исро (осмон) кунгирасида тик турсин ва Муҳаммад деб атадилар, токи паст дунё бошига аёқ қўйган охириги Пайгамбар бўлсин»).

Алишер Навоийда бешинчи наът бундай бошланади: «Меърож кечаси таърифидаким, каримаи: «Субҳаналлази асро» анга мусаддақи дурур ва «биабдиҳи лайлаи минал масжидил ҳароми илал масжидил ақсо» анинг субутига икки гувоҳи содиқ» (14.28–б). Маъноси: «Меърож кечаси таърифидаким, «Субҳаналлази асро» (кечки сафар шаъни-шарафи) ояти карима уни тасдиқ этувчидир ва кечаси ҳарам масжидидан Ақсо масжидига келиб ибодат қилди (хабари) унинг собитлягига икки содиқ гувоҳдир». Шундан кейин ушбу насрий сарлавҳанинг шеърий шарҳи бошланади. Хусрав Дехлавийнинг Меърож ҳақидаги боби бошланмаси бундай:

Ними шабе, к-он маҳи гардун гулом,  
Қард ба давлат сўйи гардун хиром.  
Валвала дар олами боло фитод  
Гулгула дар гунбади вало фитод,  
Нуҳ табақу ҳафт санам хостанд,  
Ҳафлу нуҳ кеш биеростава.

Собиту сайёра дар ин интизор,

Монда зи беруну дарун беқарор. (15.21-с.)

(Фалак соҳиби булган ул ой ярим тунда осмон томонга от қўйиб учганида, юқори оламда гулгула-гавго кутарилди, чарх гумбазлари чайқалди. Тўққиз қават осмон ва етти сайёра уни истадилар ва ҳар бири ўзига оро бериб кутди. Собиту сайёра бу интизорликда ичкаридан ва ташқаридан беқарор эдилар).

Алишер Навоий Меърожномаси эса мана бундай байтлар билан бошланган:

Бир кеча зулматда қолиб коинот,

Меҳр ниҳон ўйлаки айнулҳаёт.

Гарчики ул чашма назардан қочиб,

Хизр кук узра қатаротин сочиб.

Тун қилибон гардини анбарсиришт,

Бутратибон ерга насими биҳишт. (14.28-б.)

Маълум бўладяки, бошланишдаёқ икки шоирда икки хил манзара тасвирига дуч келамиз. Яъни: Амир Хусрав ҳазрати Пайгамбарнинг кукка сафаридан фалак жисмлари, коинотнинг шодланиши, интизорлик ҳолатини тасвирлайди. Жонлантириш (ташхис) санъати орқали ой, юлдузлар, сайёралар Аллоҳнинг ҳабибини кўришга муяссар бўламиз, деб гўё алоҳида ҳаракат бошлайдилар, улуг меҳмонни кутаётган мезбонлардай тарафдудга тушадилар. Жаннат ҳазинадори, - деб ёзади Деҳлавий — бетоқатликдан гоҳ ташқари чиқар, гоҳ ичкарига кирарди. Жаннат боғлари топ-тоза қилиб супурилган, супурги ҳам ҳурларнинг сочидан, ҳурлар қора кўзларини йўлга тикмоқдалар, интиқликдан кўзларида ҳалқа-ҳалқа ёш. Шу залда, шоир жамияки коинот ашёлари - фаришта-малакларнинг, жаннатдаги жонли ва жонсиз нарсаларнинг интизорлик ҳолатини бир-бир тасвирлайди.

Кейин Муҳаммад Пайгамбар миниб кукка кутарилган Буруқнинг тасвири келтирилади.

Улуг ўзбек шоири наътида, авваламбор, Меърож тунянинг ўзи тасвирланган ажойиб пейзаж манзараси яратилган: осойишта ва қоп-қора тун. Ҳаёт чашмаси - қуёш яширинган, ой эса ҳали чиқмаган, лекин тун қоронги бўлишига қарамай сафоли, худди Хизр зулматдан обиҳаёт олиб сепаетгандай. Ҳаводан хушбуй ҳид анқийди, жаннат шабадаси эсиб турибди. Навоийнинг мана бу ташбеҳ-тасвири ҳам ажойиб:

Ер курави шакл ила мижмар бўлуб,

Кеча саводи анга анбар бўлуб.

Ут киби ер мижмари остида меҳр,

Ёлиб этак мижмара узра сипеҳр. (14.28-б.)

Яъни: Ер курраси шаклан гўё учоққа ўхшаб қолган, кечанинг қоронгилиги бу учоққа сепиладиган анбар (анбар-оловга сепилиб, уйни

хушбуй қиладиган доривор) кабидир. Қуёш учоқ остидаги оловга ухшайди, осмон эса учоқ устига ёпилган этакка ухшаб турибди.

Шундан кейин Навоий Пайгамбарнинг ваҳий олиб сафарга тайёргарлик қилаётгани, Аллоҳ васлига етишишдан ниҳоятда сарфараҳ ва хушнудлиги айтилади. Жаброил Пайгамбар алайҳиссаломга осмоний от Буроқни келтиргани тасвирланган. Навоий осмон жисмларининг интизорлигини баён этишдан олдин Пайгамбарнинг ўз ички кечинмалари

Тангри билан мулоқот муждасидан юраги беором, жони танига сигмай қувониши кўрсатилган:

Чунки наби муждаи жонон топиб,  
Муждаи жонон чу топиб, жон топиб.  
Пайки они қўлдабон отлантуруб,  
Рахшини калган сари - уқ ёғдуруб (14.28-6)

Куп «Меърожнома»ларда Муҳаммад алайҳиссалом Кукка сафар қилишдан олдин ҳарам масжиди (Макка масжиди) ва Ақсо масжиди (Байтул муқаддасдаги масжид)ни зиёрат қилиб, намоз адо этгани баён қилинади. Амир Хусрав Деҳлавий ҳам шу йўлдан бориб Пайгамбарнинг икки масжид сафарини тилга олиб ўтган (Биринчи ҳарам - масжиддан йўлга чиқди, Байтул ҳарам- Макка ёнидан учиб ўтди. Ул қудсий масжидни ортада қолдириб Муқаддас Ақсога ўз нурини тўқди). Навоий бу воқеалар тасвирини четлаб ўтган. Унда Пайгамбар ҳақ сари «жилвасоз» бўлиб йўлга чиққач, сайёраларнинг пешвоз чиқиши, ҳар бир сайёрада бир муддат тўхтаб ўтиши тасвирланган. Аввал Ой, кейин Зухра, кейин Баҳром сайёрасига ўтилади. Бирин-кетин Муштарий, Зухал, Ҳамал, Савр, Жавзо, Саратон, Асад, Сунбула, Мезон, Ақраб, Қавс, Жадий, Далв, Ҳут буржларини саёҳат этади. Буларнинг ҳаммаси Ҳабибуллоҳ қадамидан шарафманд бўлади. Сунгра Арш ва Лавҳу Қалам сари Буроқни буради:

Фарши бўлуб арш ила лавҳу қалам,  
Қўймоқ учун рахши аларга қадам. (14.29-6.)

Кейин Буроқни қолдириб, Ҳазрати Пайгамбар Рафрафга минадилар ва кук пардаларини очиб, Парвардигор даргоҳига яқинлашадилар. Бу даргоҳ Ломакон даргоҳи, бу ерда вақт ва маъно тушунчалари амал қилинмайди.

Олти жиҳат қайдидин ихрож ўлуб,  
Турт гуҳар тарки анга тож ўлуб,  
Ўзлигидин нақшу намудор йўқ,  
Нақшу намудоридин осор йўқ,  
Чун ўзини айлаб ўзидин халос,  
Пардаи иззатда қилиб ўзни хос. (14.29-6.)

Шундай қилиб, Алишер Навоий, биринчидан Ҳазрати Муҳаммад алайҳиссаломнинг Ёр васлига етишиш шодлиги, беҳудлигини кўрсатган бўлса, иккинчи томондан, то ўзидан кечмаса, Ёрга етишмайди, деган сўфиёна гояни олдинга сурган. Чунки Пайгамбар макон ва замондан ҳоли

оламга доҳил булар экан, чор унсур билан боғлиқ башарий сифатлардан ҳам халос бўлади, яъни фоний бўлади «бахри июнотга» қўшилади. Бу ҳолат шоирда бағоят таъсирли тасвирланган. Шунча воқеалар, парвозу сайру саёҳат, илоҳиёт оламини кашф этиш бир лаҳзада кечади:

Боргониб келгани бир он ўлуб,

Ақл бу мансубада ҳайрон ўлуб. (14.29-6.)

Ҳазрати пайгамбар бу илоҳий сафардан қайтиб, эл орасида шариатни яна кучлироқ ташвиқ қилдилар. Навоий хулосаси шу. Ўзбек шоири васл лаҳзаси ҳолатини кўрсатишга кўп эътибор берган.

Навоийдаги ушбу тасвирлар Хусрав Деҳлавий «наъти»даги тасвирларга мувофиқ келади. Зеро, Амир Хусравда ҳам Пайгамбар алайҳиссалом Кук сайёралари ва буржларини бир-бир айланиб чиқадилар ва Арш курсини босиб утиб, Ломакон оламга етадилар. Бу олам тасвири қуйидагича:

Шуд ба маконе, на маконе надошт,

В-аз худди хеш нишонене надошт.

Гум шуд аз эҳсон, ки зи ҳадд беш буд,

Гум шуданаш ёфтани хеш буд.

Тая шудаш аз хастии сурат барӣ

Пок шудаш хона зи суратгарӣ

Аз хаме су хост жиҳат хонахез,

Ҳар жиҳате кард ба сӯе гурез. (15.25-26-с.)

(Шундай бир маконга кирдики, унда макон йўқ эди. У ўзлигидан ҳам нишон кўрмади. Тангрининг беҳадду ҳисоб эҳсони ичра йўқолди, лекин бу йўқолиш ўз-ўзини топиш эди. Танаси жисм суратидан холи бўлди, яъни гуё ўй қалбдан қутулди. Қайси томонга қараса, бу томон ундан қочарди, яъни «томон» ўлчови йўқ эди).

Амир Хусрав ана шундай тасаввуфий фалсафий тасвир билан бобни якунлайди. Жаноби пайгамбар ёр васлига мушарраф бўлиб, қалби Парвардигор зиёси билан тўлишиб, Ерга қайтади ва яна исломий ишлар билан шугулланади.

Ҳар икки шоирда ҳам жаноби Пайгамбарнинг Парвардигор нурига гарқ бўлиб, сингиб кетиш тасвири бор, аммо суҳбат берилмаган. Бошқа куп «Меърожнома»ларда эса парвардигор билан мулоқот, гойибона суҳбат берилади. Пайгамбаримиз умматининг гуноҳини кечишни сурайди. Демак, Амир Хусрав учун ҳам, Навоий учун ҳам васлнинг ўзи ва бундан Муҳаммаднинг ҳолатини кўрсатиш муҳим деб ҳисобланган. Иккала шоирда Пайгамбар ғайри табиий қудратга эга, илоҳийлашган зот сифатида тасвирланади. Пайгамбар, биринчидан, хориқулудда одам, у оддий инсонларга ўхшамайди, иккинчидан, у бир идеал, камолот идеали, «хайрул башар». Наътларда яхшилик ва улутворлик, ҳақ йўли учун кураш гоёси акс этган.

Наътларнинг тили, услуби, поэтикаси ҳам ўзига хос. Биз бунга йўл-йўлакай тўхтаб ўтдик. Лекин фикримизча, бунга кенгроқ тўхтаб ўтиш керак, бу фойдадан ҳоли эмас. Чунки наътларнинг ўз поэтикаси, услуби бор. Аввало, шуни айтишни лозим топамизки, Пайгамбар – комил инсон тимсоли, идеал бўлгани учун тасвир ҳам шунга мувофиқ романтик кайфият қўзғатувчидир. Хаёлот ва муболағали тасвир етакчилик қилади. Муаллифлар ҳамду наътда энг муносиб ва «нажиб» сифатларни қўллаб, Пайгамбарнинг улутворлиги, бемислягини тасвирлашга интиладилар. Романтик кутаринки руҳ байтлар оҳангига ҳам таъсир этган. Амир Хусрав Деҳлавий Муҳаммад Мустафо сиймосияни тасвирлаганда, «Аҳмади Мурсал», «хайрул башар», «тожул анбийе» унвонлари билан бир қаторда уни «дурри якто», «дурри ягим», «жавҳари ислом» каби ибораларни қўллайди. Ҳазрати Муҳаммаднинг сўзлари энг қимматли нарсалар – лаъл, гавҳарга тенглаштирилади. У кишининг сўзларигина эмас, вужуди ҳам назокатли, файзли, вужудидан оламларга файз ёғилади деб ёзилади. Ҳазрати Пайгамбар умматларига меҳрибон ва ғамхўр:

Пардакаши уммати шўридакор,

Зомани омурзиши омурзгор,

Бори жаҳон бар дили он нозанин,

Сина чунон нозуку бораш чўйин. (15.17-18-с.)

(Туполончи умматнинг айбига парда тортувчи, кечирувчи Ҷангри олдида кечиришни сўраб турувчи кафил. Жаҳоннинг юки – ташвиш ул азизнинг нозик дилига юклатилган – қалби шундай нозик, аммо юкнинг қанақалигини кўринг.)

Унинг кокили, зулфидан атрофдагиларга нури илоҳий таралади, терлари гўё қуёш чашмасининг қатраларидай. Ушбу ташбеҳлар тасвир объектига муаллифнинг муҳаббатидан дарак бериб туради. Дарҳақиқат, Амир Хусравнинг ҳам, Навоийнинг ҳам Пайгамбарларга муҳаббатлари чексиз. Бу муҳаббат ҳар бир сайрда, ташбеҳ ва ифодада кўриниб турибди. Шоирлар игроқ, ташхис, ташбеҳ ва китобат санъатларидан усталик билан фойдаланганлар.

Чунончи, Навоийда:

Инсу малак жонию жононаси,

Икки жаҳон гавҳари яқдонаси.

Мадҳ санга лавҳаи фирўзаранг,

Ким ҳаракатдин анга бўлмай даранг.

Сен киби бу гулшан аро тоза вард,

Умрида кўрмай фалаки солхўрд.

Сурат аро тифл, вале ақди қулл,

Қавлинг аро гайри яли лам-яқул. (14.25-б.)

Бу парчани кўздам кечирсак, Шарқ адабиётида қўлланиб келинган бадий санъатларнинг ажойиб намунасини кураимиз. Чунончи: «инсу малак жони ва жононаси» иборасида ҳам тавсиф бор ва ҳам ташбеҳ.

Ажойиб шојрона тасвир бу: одамларнинггина эмас, фаришталарнинг ҳам жони. Жонигина эмас, жононаси-маҳбуби ҳам. Пайгамбар зоти шунчалик шариф ва муътабар қилиб тасвирланади, «Лавҳаи фирӯзаранг» осмоннинг сифати. Бунда ташбеҳи томм санъати ишлатилган. Аммо бу «лавҳаи фирӯзаранг» - «Зангори лавҳа» - Пайгамбарнинг бешиги. Мана бу муболағали ва муносиб ташбеҳни қаранг. Чунки гап Муҳаммад нури ҳақида бормоқда, бу нур учун бутун олам бешик вазифасини ўтаган. Пайгамбар бир тоза Гул. Ташбеҳ санъати яна ишга солинган. Аммо бу Гул фалак бағрида очилган. Ташбеҳ кенгайиб романтик тасвирини вужудга келтирган. Пайгамбарнинг тугилиши, гўдаклиги тасвирини қаламга олган Навоий шундай санъатларни тизиб ташлайди. Муҳаммаднинг сурати гўдак, аммо ҳақиқатда фалак бешигида у бир Ақли кулладир.

Алишер Навоий яна ҳар бир наътда ўзига хос ташбеҳлар қўллайди, чунки ташбеҳлар қаламга олинган мавзуга, воқеага муносиб бўлиши керак. Пайгамбарнинг тугилиши, чақалоқнинг ҳусну жамоли ва баркамоллиги, набилик даври ҳақида ёзганда қуёшдай порлаш, муъжизалар, кароматлар намойиши, Меърож ҳақида ёзганда тун тасвири, чақмоқ ва яшин каби образ - ифодаларга мурожаат қилиш бор.

Хулоса қилиб айтганда, Амир Хусрав Деҳлавийнинг «Матлаъул аввор» дostonида ҳам, Алишер Навоийнинг «Ҳайратул аброр» дostonида ҳам наътлар ўзига хос аҳамиятга эга. Наът бу дostonларнинг таркибий қисми бўлиб, муайян гоъвий эстетик вазифага эга. Уларда шоирларнинг мулосабати ёрқин акс этган. Амир Хусрав билан Навоий Ҳазрати Муҳаммадни инсоният тарихида янги, барҳақ динни жорий этган улуг зот, кароматли ва шарофатли инсон сифатида қизгин муҳаббат билан тасвирлаганлар. Шу билан бирга ушбу бобларда шоирларнинг кайҳоний тушунчалари, тасаввуроти, хаёлот олами ҳам ифодаланади. Айни вақтда, конкрет тасвирда Амир Хусрав билан Навоий тасвирларида фарқ ҳам бор. Амир Хусрав агар умумий йўсинда фикр юритган бўлса, Навоий Пайгамбар сиймосини тарихий воқеалар ичида олиб гавадантиради, тадрижий тус беради.

Ёқубжон Исҳоқов

«ЎН САККИЗ МИНГ ОЛАМ» АСРОРИ

«Ўн саккиз минг олам» ибораси қулоқда чалинганда кўпчиликнинг хаёлига устоз Навоийнинг «Ўн саккиз минг олам ошуби агар бошиндадур. Не ажаб, чун сарвинозим ўн саккиз ёшиндадур» матлаъли газали келади. Зеро, ҳақиқий баркамоллик тимсоли бўлмиш «ўн саккиз ёшинда»ги «хусн шоҳи»нинг одамга гавго солувчи идеал қиёфаси васф этилган бу газал муносиб куйга солиниб, узоқ йиллар давомида атоқли санъаткорлар томонидан куйланиб келинмоқда.

Мажозда Ҳақиқат асрори ифодаланган ушбу газалдан оддий олма ҳам, хослар гуруҳи ҳам, ҳақиқат чуққисига эришган сиддиқлар ҳам-барчаси уз фаҳму донишига яраша баҳра олади. Зотан, устоднинг ўзи эътироф этганидек:

Санамлар ҳуснидин мақсуд Ёр ўлмиш Навоийга: Агар барлос, агар тарҳон, агар арлот, агар сулдуз.

Пок юзга (умуман, гўзалликка) пок назар билан боққан ҳақиқий ошиқ учун кoinотдаги ҳар бир гўзаллик-ҳақиқатга олиб борувчи кўприк вазифасини ўтайди (ҳадис:мажоз (реал мавжудот) ҳақиқатнинг кўпригидир).

Бизнинг асосий муддаомиз ҳозирча мазкур газални батафсил таҳли қилиш эмас, балки унинг бошидаги «ўн саккиз минг» иборасининг моҳияти ҳақидаги мулоҳазаларимизни баён этмоқдир.

Мумтоз Шарқ адабиёти, жумладан: устод Навоийдек мутафаккир санъаткорлар асарларида гоёвий-бадий муддао инкишофи учун хизмат қиладиган минглаб поэтик образ, ибора ва атамалар билан бир қаторда фалсафа, астрология, табиатшунослик, мифология ва космогонияга дахлдор кўлаб истилоҳлар ҳам мавжудки, уларнинг моҳиятига етмай туриб муайян матн замиридаги асосий жавҳар-гоёвий-бадий муддаони идрок этиш мумкин эмас.

Илмий, фалсафий, мифологик образ ва тимсолларнинг барқарор-анъанавий поэтик образларга нисбатан ўзига хос жиҳатлари мавжуд. Поэтик образлар узоқ адабий тажрибалар жараёнида шаклланган барқарор моҳиятга эга бўлиб, муайян даражада рамзий хусусият касб этган. Бинобарин, улар муайян бир ижодкор ва асар доирасида ўзининг ана шу рамзий моҳияти билан боғлиқ ҳолда турлича вазифани ўташлари мумкин. Илмий, мифологик тимсол ва иборалар ҳам бадий восита сифатида хизмат қилади, албатта. Лекин уларда рамзийликка нисбатан туб маъно ва тасаввур (диний, илмий, фалсафий, мифологик) асосий ўрин тутади. Бошқача айтганда, булар поэтик тасвир учун хизмат қилувчи, аммо рамзий поэтик образ бўлмаган воситалардир (масалан, «тўрт мазҳаб», «етти ато», «тўрт ано», олти жиҳат), «олами кабир», «олами сагир», «етмиш икки миллат» ва ҳоказо).

«Үн саккиз минг олам» ибораси ҳам ана шундай ибора-атамалар жумласига киради. Юзаки қараганда, бу ибора мумтоз адабиётимиз учун хос бўлган бадий тасвир - ўта муболага (игроқ ва гулув)лардан биридек туюлади. Лекин ўз-ўзидан шундай савол тугилиши табиий: нима учун муболага сифатида аёнанага айланиб кетган рақам ун, йиғирма, ўттиз ёки юз минг эмас-да. «Үн саккиз минг». Ахир, буздан кучлироқ муболагалар (юз минг, лак-лак) кам эмас-ку? Агар бу иборани замирида бирор тарихий моҳият ётмай, баъзи-бир талқинчилар айтганларидек, тасодифан олинган ибора бўлса, нима учун бир эмас, балки бир-биридан давр, фалсафий ва бадий концепция жиҳатидан мутлақо йироқ бўлган машҳур шоирлар ижодида айнан такрорланган.

Ҳамма гап шундаки, халқ оғзида ҳам машҳур бу ибора Аҳмад Яссавий (XI-XII асрлар), Рабғузий (XIII аср), Имодин Насимий (XIV-XV асрлар), Суфи Оллоёр (XVI аср) асарларида ҳам ишлатилган. Лекин бирорта махсус (бирорта махсус) лутатда бунга изоҳ берилмаган. Масалан, озарбайжон олим Жаҳонгир Қаҳрамоновнинг «Насимий девонининг лексикаси» (Боку, 1970) номи асарида «ўн»дан ясалган сонлар (ўн бир, ўн беш, ўн тўққиз) борасида сўз юритилганда Насимий девонидан «ўн саккиз миңг оламинг ойинасидур суратинг» мисраси келтирилади, аммо у ҳақда ҳеч қандай изоҳ берилмайди.

Навоий асарлари учун тузилган қадимий ва замонавий лутатларда ҳам бу ибора тилга олинмаган. Ваҳоланки, олам ҳақидаги таълимотлар тарихга назар ташланса, мазкур ибора жуда қадимда юзага келган тасаввурлар инъикосидан иборат бўлиб, мифологик (космогония) ва фалсафий замида эга эканлиги ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Маълумки, олам ҳақидаги қарашлар (космогония) учта йўналишга эга: 1.Оламнинг пайдо бўлиши, унинг тузилиши масаласи. Бу мавзу бутун дунё мифологияси ҳамда динларида муҳим ўрин тутди.

2.Олам ва оламлар, яъни оламларнинг кўплиги-чексизлиги муаммоси.

3.Олам ва Одам ёки мусулмон Шарқи файласуфлари ибораси билан айтганда, Олами кабир (макрокосмос-офок) ва олами сағир (микроскосмос-анфус) мавзуи.

Биз сўз юритаётган ибора даҳддор бўлган иккинчи проблема ниҳоятда принципаал, аммо нисбатан ёш бўлиб, тахминан икки ярим мингйиллик тарихга эга. Зотан, оламларнинг кўплиги проблематикасида маданият ва фан, адабиёт ва санъат, асотир ва шеърят, фалсафа ва дин, ахлоқ ва эстетиканинг турли қирралари бирлашади(В.П.Визгин. «Идея множественности миров», «Наука», М,1988, стр.3).

Оламларнинг кўплиги масаласи қадимги юнов файласуфи,атомистика, ва деалектиканинг асосчиси Демокритдан бошланади.Бу масала икки ярим минг йил давомида унинг тарафдорлари (неоплатониклар, Беруций, Ибн Сино, Николай Кузаний (XV аср), Бруно,



Кант, илимий космогония асосчиси Коперникдан Ньютонгача) томонидан хилма-хил йўналишларда талқин этилди.

«Ҳн саккиз минг олам» тушунчаси мазкур масалага дахлдор, аммо чегаралаш, аниқлик нуқтаи назаридан мавжуд қарашлардан фарқ қилади. Зотан, ҳар бир тушунчани иложи борича конкретлаштириш, макон ва замонда чегаралашга ингилиш Шарқ тафаккури учун хос хусусиятдир.

Биз бу масала тарихига алоқадор илимий асарларда Ҳн саккиз минг тушунчасига доир бирор ишорани учратмадик. Бу ҳол, биринчи навбатда, мусулмон Шарқи тафаккури тарихининг (Қадимги Миср, Ҳиндистон, Ҳитой мустасно) узоқ вақт эътибордан четда қолиб келаётганлиги билан изоҳланади. Чунки «Ҳн саккиз» ёки «Ҳн саккиз минг олам» ибораси фақат бадий адабиётда эмас, балки ўрта асрларда, араб ва форс тилида (айримлари XIX асрда ўзбек тилига таржима қилинган) ёзилган фалсафа-тасаввуфга доир асарларда ҳам тилга олинган ва изоҳланган. Ана шу асарлардаги айрим ишоралардан («бир ривоятда», «бошқа ривоятда») мазкур тушунчанинг узоқ тарихга эга эканлигини идрок этиш мумкин. «Ҳн саккиз минг» тушунчаси, бир жиҳатдан, оламнинг яхлит ва ягоналиги ҳақидаги тасаввур тарафдори булган Платон ва Аристотелнинг олам гармонияси ҳақидаги концепциясига мос келади (Ҳн саккиз тўртга қолдиқсиз бўлинади, оламнинг тўрт томони ва ҳоказо).

Иккинчи жиҳатдан эса, рақамларнинг рамзий моҳияти ҳақидаги асотирлар билан (уч, етти, тўққиз...) алоқадордек туюлади. Лекин мифология тарихидан буни тасдиқлайдиган маълумот топа олмадик. Шунга қарамай, ҳозирча бу ҳақда узил-кесил хулоса чиқармаслик лозим деб ўйлаймиз. Чунки Шарқнинг генетик (антропологик, тил, дин) жиҳатидан бир-биридан узоқ, аммо маконан (территория) яқин булган иккита минтақа халқлари мифлари орасида 18000 рақами учрайди. Биринчи жонзот (ёки аждод-первопредок) Пангу билан боғланади. Унинг балиқдан тухум сифатида пайдо бўлиб, ўзининг дастлабки қиёфасини касб этганига қадар Ҳн саккиз минг йил ўтади. Яна шунча муддат ўтгач, у улкан жонзотга (боши ёлли аждар, гавдаси илон) айланади: осмон ҳам ердан жуда узоқлашиб кетади (В.В.Евсюков. «Мифология китаёского неолита», «Наука» Новосибирск, 1988, стр.38. Шу муаллиф. Мифы о вселенной, «Наука», Новосибирск, 1988, стр.87).

Иккинчиси, Карл Йеттмарнинг «Религии Гиндукуша» (М,1986, стр.55) асарида қайд этилишича, Шимолий кофиристонликларнинг 18 минг худоси бор экан.

Шу рақам билан боғлиқ яна бир маълумот Алишер Навоийнинг «Тарихи мулуки Ажам» номли асарида учрайди: «Хисрави парвиз бинни Ҳурмуз... Яна минг қилода (бош) пили бор эди Ҳн секиз минг от тавиласида (отхонасида) парвариш топар эрдик, эҳтиётан олиб юриладиган эрди. Ҳн икки минг оқ теваси бор эрдик, туркий дерлар».

«Үн саккиз минг олам» (форсий - «ҳаждаҳ ҳазор олам») ибораси урта асрларда ёзилган баъзи фалсафий асарлар ҳамда лутатларда ҳам тилга олинган. Мазкур адибларнинг айримлари XV-XVIII асрларга мансублиги ва уларнинг бошқа асарлар асосида ёзилганини эътиборга олсак, бу тасавurning илдизи қадимий эканлигига ишонч ҳосил булади.

Шайх Нажмиддин Кубронинг шогирдларидан булмиш Шайх Нажмиддин Розий (XII аср охирларида Ҳамадонда туғилиб, XIII асрнинг биринчи ярмида Румда оламдан ўтган)нинг «Мирсоҳ ул-уббод»-«Обидлар йули»(1221 йилдан кейин ёзилган) асарида олам ҳақида махсус боб мавжуд. Бу асарда Олами кабир (улут олам)нинг таркиби, хусусиятлари (олами ғайб ва олами шаҳодат ёки олами мулк ва олами малакут, олами жабарут), Олами сагир (кичик олам, яъни инсон) билан муносабати батафсил изоҳланади. «Билмак керакки, олами равоҳ (руҳлар)нинг ибтидосидан то олами ажсом (жисмлар)нинг интиҳосига худованди таоло мухталиб оламлар яратди: олами руҳоний ва олами жисмоний ва яна охират ва мулк ва малакут ва ҳар оламда махлуқотдин бир навъни яратти. Руҳонию жисмонию ҳар навъдин мухталиб тоифалар яратти ва ҳар бирида бир хусусият, масалан, фаришталар чандин навъ (ҳисобига етиб булмайдилар)...»

Шундан сўнг «мухталиф (хилма-хил) оламлар-живлар, шайтонлар, ҳурлар, гилмонлар» ва «яна анвоъи мухталиф наботот (усимликлар), жамъодод-(минераллар, жонсиз табиат)» ва «қоинот» ҳақида-(қоинотдаги беҳад ашғёллар-заррадан сайёраларгача) батафсил маълумот бериб ёзади: «Аммо жамъи оламнинг ададини баъзи ривоятларда ўн саккиз минг дебдурлар ва яна бир ривоятда уч юз олтмиш минг олам ва лекин икки оламда мундариж(жамулжам)дурким, олами халқ (яратилган) ва олами амр ва мулк ва малакут ҳам дерлар...»

Муаллиф кичик олам(инсон)га дос ҳислар (унта)ни ҳам қоинотдаги оламлар қаторида санайди. Демак, бу ерда «олам» сўзини ҳар доим қоинот маъносида эмас, балки кенгроқ(мавжуд ашғёлларнинг ҳар бири чексиз хилма-хилликка эга эканлиги) маънода тушуномқ керак. Зеро, Азизиддин Насафийнинг «Зубдат ул-ҳақойиқ»(«Ҳақиқатлар қаймоғи») асаридаги қуйидаги изоҳи ҳам ана шу фикрни тасдиқлайди: «Билгилки, олам зот ва сифатларнинг исмларидан иборатдир. Зот (жавҳар) ва сифатларни жумлаъ олам, дейдилар ва зот билан сифатларнинг ҳар бирининг кўриниши қисмлари ҳам олам, деб номланади. Олам ўзининг аввалида икки қисмдан иборат: биринчи қисмини олами ғайб (яширин олам), иккинчи қисмини олами шуҳуд (кўринадиган олам), деб айтадилар. Бу ҳар икки оламни миқдорий ва куллий (умумий, яхлит) маъноларда турли номлар билан тилга оладилар. Масалан: холиқият ва амр олами, мулк олами ва малакут олами, жисм олами ва руҳ (жон) олами, ҳислар олами ва шуур олами, нур олами ва соя (зулмат) олами ва шу кабилар» (Зубдат ул-ҳақойиқ, Тошкент, «Камалак», 1965, Н.Комилов таржимаси).

Сайидали Ҳамадонийнинг «Хилофат ул-маноқиб»ида ҳам етмиш минг олам деб қайд этилган.

Абул Ҳазоил Муҳаммад бинни Ҳусайн Муъйний (584/1188-89)нинг «Басоир фийл вужуҳ ва назоир» («Қуръон»га изоҳли лугат) асаридаги шарҳ асосида олам симметрияси (мутаносиблиги) ҳақидаги қарашлар ётганга ўхшайди: унингча, оламнинг тўрт томонида (Шарқ, Ғарб, Шимол, Жануб) 4500 тадан оламлар мавжуд бўлиб, жамъи ўн саккиз мингдан иборат.

Оламларнинг сони ўн саккиз минг эмас, балки ўн саккизта деб изоҳланган асарлар ҳам мавжуд. Масалан, Абдуллатиф бинни Абдулло (XVII аср, Ҳиндистон) қаламига мансуб «Латоиф ул-лугат»да: «Ақлия ва нурия ва руҳия ва навсия ва таъбия ва жисмия ва унсурия ва мисолия ва хаёлия ва барзихия (аъроф, маймун, туяқуш) ва ҳишрия ва жинония ва жаҳаннамия ва аърофия ва руъятия ва сувария ва жамолия ва камолия»(18 та).

Яна бошқа бир манбаъда: олами уқул, олами арвоҳ ва тўққизта афлок (осмон), 4 аносир(ўт, сув, туфроқ, ҳаво) олами, 3 маволид (маъданот, наботот, ҳайвонот) олами-жамъи 18 та («Ғиёс ул-лугат», II жилд, Душанбе, «Адиб», 1988, 384-бет).

Охирги тавсиф, асосан, инсондан ташқари Олами кабир (катта олам) билан чегараланган.

Мавжуд манбаълар «ўн саккиз минг олам» ибораси туркий шеърятта ўн иккинчи асрлардаёқ кириб келганлигидан далолат қилади («Ҳикматлар»да). Ўз-ўзидан устод Навоийнинг мазкур анъанавий иборага ижодий муносабати қандай бўлган деган савол тугилиши табиий. Чунки ҳар қандай анъанавий бадиий унсур муайян ўз санъаткори ижодхонасида ўзига хос вазифани адо этиши мумкин. Аввало, шунини таъкидлаш керакки, мазкур ибора-поэтик тил унсури (детали) эмас, балки аниқ мазмунга эга анъанавий ибора. Унинг пайдо бўлиши диний-мифологик тасаввурлар билан боғлиқ. Унинг янгича моҳият касб этиши ҳар бир ижодкорнинг фалсафий поэзияси ва гоёвий муддаси билан бевосита алоқадор. Мазкур иборани ҳам икки хил йўналишда – оламнинг пайдо бўлиши борасидаги диний тасаввурлар билан ёки тасаввуф фалсафаси билан боғлиқ ҳолда келади. Лекин бирида (диний аспектда) Яратувчининг буюк қудратини иккинчисидан, яъни фалсафий маънода Оллоҳнинг сифатлари (тажаллиси)ни таъриф ва тавсиф этиш учун хизмат қилади.

Ҳожа Аҳмад Яссавийнинг иккита байтида («Ўн саккиз минг қаму оламга сарвар бўлгон Муҳаммад») ўз маъносида поэтик муболага тарзида ишлатилган. Қуйидаги байтда эса у тасаввуфий моҳият касб этади

Ўн саккиз минг оламга ҳайрон бўлгон ошиқлар,

Тобмай маъшуқ сўрогин сарсон бўлгон ошиқлар.

Имодиддин Насимийда бу ибора фақат тасаввуфий (ҳуруфий) мазмуи ва гоя ифодаси учун йўналтирилган:

Ун саккиз минг оламнинг мавжуди қўнғулдир маним,  
Бўлмишам дарёда гавҳар уйла билгил борҳо.

Ёки:

Ун саккиз минг оламин ойинасидур суратинг...

Алишер Навоий газалиётида ва «Лисон ут-тайр» достонида бу ибора учта йўналишда қўлланган:

1. Диний-мифологик маънода коинотнинг бепоёнлиги Оллоҳ яратувчилик қудратининг нишонаси сифатида. Лекин қўйидаги матлаъли газал «ним» ҳарфига мансуб газалларнинг бошида келган бўлиб, анъанавий услубдаги шеърлар сирасига киради. Устоднинг ўзи махсус таъкидлаб ўтганидек, ҳар бир ҳарфга мансуб шеърлар гуруҳи махсус сарлавҳа ҳамда «ҳамду наът» ва «насиҳаторо ва мавъизатосо байт» лар билан бошланади:

Зиҳи, мулкунгнинг ўн саккиз мингдин бири келиб  
олам,

Бир уйлук қул санга олам аро Ҳавво билә Одам.

2. «Лисон ут-тайр» достонидан олинган қўйидаги байтларда мазкур ибора соф тасаввуфий моҳиятта эга: коинот бағридаги беҳад мавжудот-Ҳақ сифатларининг хилма-хил шаклдаги тажаллийси. Ҳақ вужуди чексиз-чегарасиз уммон булса, ўн саккиз минг оламдаги мавжудот унинг сатҳидаги мавжлардир:

Ҳақ вужуди келди баҳри бегарон,  
Мавжи онинг офаринишдин аён,  
Ун секиз минг олам ичра ҳар не бор,  
Ким қилурлар эмди маъний эътибор.  
Ҳар не ким зоҳирдурур сурат аро,  
Ким бори маръий бўлур ҳайъотлар  
Арз сатҳи узра юз шакли ажиб,  
Шаклларда юз туман мавжи ажиб...  
Ҳам ақолиму билод эттил хаёл,  
Ҳам биҳору ҳам уйуну ҳам жибол.  
Ҳам булар даври доғи нуру ҳаво,  
Бил ҳавою чордин ҳам мосиво,  
Ҳам булар даври дағи туққуз фалак,  
Собиту сайёра ҳам хайли малак:  
Не малоийк улки, йўқ сони онинг,  
Балки миқдор ичра поёни онинг...  
Гурт унсур, етг кўк, олти жиҳот-  
Нодиру олий—асосий коинот...

Куриниб турибдики, Навоий олами шаҳодат ва олами гайбга тааллуқли асосий оламларни санаб утган. Шуниси диққатга сазоворки, унинг малойик олами ҳақидаги муболагаси («Йўқ сони онинг, балки миқдор ичра поёни онинг») «Мирсоҳ ул-уббод»га (асарнинг ўзбекча таржимасига «Минҳож ул-иршод» деб ном берилган) айван мос келади.

3. Устод Навоий ўз салафларидан, ҳатто Суфи Оллоёр (мазкур иборани тасаввуфий маънода қўлланган)дек халафларидан ҳам фарқли ўлароқ, «ун саккиз минг олам» иборасини мажозий (ҳаётий) ишқ тавсифида ҳам маҳорат билан истифода этган.

«Ун саккиз олам ошуби агар бошиндадир» мисраси билан бошланган газалда таъриф-тавсиф ҳаётий сифатлар сифатида боради.

Мажозий ишқда Ҳақиқий ишқнинг кўприги сифатида қараган Навоийдек буюк зотларнинг ишқ бобидаги таъриф-тавсифларини ана шу икки жиҳат (мажозий ва ҳақиқий ишқ)нинг узвий боғлиқлиги нуқтаи назаридан талқин қилмоқ керак. Зотан, устоднинг қуйидаги таъкиди бежиз эмас:

Гар Навоий йигласа, ишқнинг мажозийдир дема!  
Ким назар пок айлагач, айна ҳақиқатдур мажоз.

Биз ушбу мавзуга доир кузатишлар асносида ажиб бир манзаранинг гувоҳи бўлдик: «ун саккиз минг олам» ҳақидаги илмий фикрлар, асосан, форсий тилда битилган асарлар таркибида келади. Аммо мазкур туркий ибора фақат туркий шеъриятда мунтазам қўлланган. Атоқли форсийзабон шоирлар шеъриятида мазкур ибора қўлланган шеърларни учратмадик. Булгуси тадқиқотлар бу масалаларга муайян янгликлар киритиши мумкин, албатта.

ЖОМИЙ «НАФАҲОТ УЛ-УНС»И ВА НАВОИЙ  
«НАСОЙИМ УЛ-МУҲАББАТ»ИНИНГ  
МУҚАДДИМАЛАРИ

Улуғ тожик шоири ва мутафаккири Нуриддин Абдурахмон Жомий (1414-1492) ўз шоғирди ва муриди Алишер Навоий маслаҳати билан 1486-1488 йилларда «Нафоҳат ул унс мин ҳазарот ул-ҳудс» («Пок зотлар ҳузуридан эсан дўстликнинг хуш ислари») асарини яратди. Қомусий мазмундаги бу асар муқаддима, 618 зоҳид, мутасаввиф, сўфий ҳаёти ҳамда фаолияти ва хотимани ўз ичига олади. Алишер Навоий 1495 йилда бу асарни «Насойим ул-муҳаббат мин шамойим ул-футувват» («Улуғлик хушбўйликларини таратувчи муҳаббат шабодалари») номи билан ўзбек тилига таржима қилди. Навоий таржимаси айрим янгилик ва қўшимчаларга эга. Аввало, Навоий Жомий муқаддимасини таржима қилмай, янги муқаддима ёзди. Иккинчидан, «Нафаҳот»га киритилмаган турк машойихларини «Насойим ул-муҳаббат»га киритиб, тасаввуф аҳли сонини 770 нафарга етказди. Учинчидан, Навоий таржима жараёнида Жомий асаридаги кўпгина машойихлар ҳаёти ва фаолиятини янги манбалар билан бойитди.

! «Нафаҳот ул-унс» муқаддимаси тасаввуфнинг назарий масалаларига бағишланган. У 9 бўлимдан иборат ва ҳар бир бўлимда тасаввуфнинг муайян бир масаласи тадқиқ этилган. «Насойим» муқаддимаси «Нафаҳот»никига нисбатан анча қисқа. Унда асарнинг яратилиши, унга киритилган қўшимчалар, тасаввуф аҳлининг яшаш тарзи; шариат босқичининг тасаввуфий моҳияти ва талаблари, тасаввуф тариқатининг мақомлари ва авлиёлик даражасига етган сўфийлар ҳақида фикр юритилади. «Насойим» муқаддимаси тўлалигича нашр этилган<sup>1</sup> аммо «Нафаҳот» муқаддимаси ҳалигача Ўзбекистонда ҳам, Тожикистонда ҳам чоп этилмаган. Шу сабабли биз кўпроқ «Нафаҳот» муқаддимаси ҳақида фикр юритмоқчимиз<sup>2</sup>

«Нафаҳот» муқаддимаси асарнинг яратилиши, Навоийнинг шундай асар яратишга даъвати, Абдурахмон Сулламийнинг «Табаҳот ус-суфия» ва Хожа Абдуллоҳ Ансорийнинг «Табаҳот ус-суфия» асарлари ҳақида маълумот бериш билан бошланади. Шундан сўнг Жомий тасаввуфнинг назарий масалаларига утиб, ўз фикрларини валийлик даражаларини таҳлил қилишдан бошлайди. Валий-авлиённинг бирлиги. У шариат ва тариқатда камолга етиб, гайб валидан хабардор зот. Валийлар вилоят

<sup>1</sup> Навоий. Муқамал асарлар гулами, 20 томлик, 17 том. Т.: «Фан», 2001. (Бундан кейин «Насойим» ва «Нафаҳот»дан иқтибос ҳамда ишора берилса, қавсда саҳифа рақами кўрсатилади).

<sup>2</sup> Жомий, «Нафаҳот ул-унс» Гехрон: «Иттилоот» нашриёти, 1373.

соҳиби буладилар. Вилоят икки маънода қўлланилади. Биринчидан, соҳибкаромат шахс. Иккинчидан, муайян ҳудуддаги халқнинг паноҳи. Жомий фикрича, вилоят соҳибининг илоҳий қурби, яъни Ҳаққа яқинлиги икки хилдир: вилояти омия ва вилояти хосия. Вилояти омия барча мўминларга тегишли. Вилояти хосия эса фақат сулук аҳли бўлган восилларга алоқадор (3-6). Чунки улар фано ва бақо аҳлидир. Фано Аллоҳга сайрнинг якуни, бақо эса Аллоҳда сайрнинг бошланишидир. Аллоҳга сайр – вужудни инкор этиш, Аллоҳда сайр – раббоний белгиларни ривожлантириш. Аллоҳда сайр камолга етгач, солиқ яна халққа қайтади ва омманинг паноҳи; раҳнамоси сифатида Ҳақнинг ердаги оламни бошқарувчиларидан бири сифатида фаолиятда булади. Бу даражада, албатта, маърифат билан боғлиқ. Жомий фикрича, маърифат илоҳий зот ва унинг сифатларини билишдир. Бу илоҳий асмоъ ва сифот ҳам дейилади. Масалан, воҳид, гани, аввал, охир, жамил. Аллоҳ сифатини билдирувчи асмоъ ҳам бор. Масалан, ҳайй, қодир, олим. Ҳақ феълининг сифотини билдирувчи асмоъ ҳам бор. Масалан, холиқ, раззоқ, одил ва ҳоказо.

Маърифатга етганлар ориф дейилади. Аммо тавҳидга етмагунча ва, умуман, тавҳид илмини муфассал эғалламагунча солиқ орифлик поясига кутарилмайдди. Жомий талқинича, илоҳий маърифат тўрт босқичга эга. Биринчи босқичда барча яратилганлар Аллоҳнинг ижоди эканлиги англанади. Иккинчи босқичда яратилганларда Аллоҳнинг қайси сифати акс этганлиги билинади. Учинчи босқичда Аллоҳнинг мақсадини унинг намоён бўлган сифати орқали тушунилади. Жомий тўртинчи босқич ҳақида тўхталиб ёзади: «Тўртинчиси шуки, унда илоҳий илм сифатини ўз маърифати суратида англанади. Шундан сўнг у узини ҳам илм-маърифатдан, ҳам вужуддан халос этади. Тўртинчи босқичда солиқ тавҳидга етиб, фанога кутарилади.

Жомий муқаддимада тавҳидга ҳам махсус тўхталади. Аввало, тавҳид ҳақида шуни айтиш лозимки, у Аллоҳнинг бирлиги ва шу бирликка янгилиш илмидир. Шу билан бирга, тавҳид Аллоҳ ва оламни бир деб тушунишни ҳам ўз ичига олади. Чунки тасаввуфда инсон илоҳий бирликка интилар экан, унга етишиш тавҳидни ифодалайди. Жомий муқаддимасида тавҳид мартабалари ҳақида фикр юритиб ёзади: «Тавҳиднинг мартабалари бор. Унинг биринчиси имоний тавҳид, иккинчиси илмий тавҳид, учинчиси ҳол тавҳиди, тўртинчиси илоҳий тавҳид» (13-6). Муқаддимада улар чуқур таҳлил қилинган. Жомий талқинича, имоний тавҳидга шариат доирасида эришилади. У Куръон, ҳадис ва валийлар фикри асосида ички ишончга етиб, Ҳақ ягоналигига имон келтиришдир. Илмий тавҳид эса тариқат риёзати жараёнида қўлга киритилади. Бу жараён илмдан иборат. Шу сабабли тариқатга қадам қўйган солиқ ўз илмий кузатишлари асосида Аллоҳнинг ягоналигини билишдир. Бунда солиқ ўз риёзатлари жараёнида Аллоҳ иноятига етади

ва унга қушилиб, важд ҳолатида Ҳақ ягоналигини туяди. Илоҳий тавҳид охириги манзил сифатида Ҳақ бирлигини англашдан утиб, бевосита унга қушилиб, бирикиб кетишдир. Бу эса ўз вужудини инкор этиш ва ўзида Ҳақни куришдир. «Нафаҳот»да тилга олинган бу масалаларнинг бирортаси «Насойим ул-муҳаббат» муқаддимасида йўқ. Аммо «Насрийм»да «Нафаҳот» муқаддимасининг охириги қисми «Сухан дар бораи Ҳавъҳои каромот ва хориқул одот» «Авлиёulloҳга воқеъ бўлгон ҳавориқ одот ва каромот баёни» сарлавҳаси билан таржима қилинган. Унда авлиёлик даражасига етган суфийларнинг одатдан ташқари ишлари, масалан, сув устида юриш, ҳавода сайр қилиш, ҳайвонотни сеҳрлаш, самоъ пайтида дарахтни тубидан қўпориш, гарқ бўлаётган кемани қирғоққа чиқариш, ёмғир ёғдириш, чигиртка офатига барҳам бериш каби ишлари қайд этилади.

«Насойим» муқаддимасида ҳам тасаввуфнинг купгина назарий масалалари шарҳланган. Шулардан бири тавбадир. Навоий тасаввуф йўлига кирганларнинг дастлабки ишлари тавба қилишдан бошланишини таъкидлайди. Тавба якки хил бўлади: шариат тавбаси, тариқат тавбаси. Шариат тавбасида инсон узининг йўл қўйган гуноҳларидан тавба қилиб, уни такрорламасликка интилади. Тариқат тавбасида эса инсон ўз ғаролиятини тамомила узгартириб, Ҳақ йўлига киради.

Навоий «Насойим»да тариқат тавбаси ҳақида тўхталади. Тавбадан сўнг «Навоийнинг қайд этишича, солиқ луқма ҳиллияти, яъни ейдиган барча таомининг ҳалол бўлишига интилади. Бунинг учун солиқ албатта бирор касб билан шугулланиши лозим. «Андин сўнгра шариат риоятидурки,-деб ёзади Навоий,-ул жоада (йўлда) истиқомат (барқарорлик) бўлғай ва улча мумкиндура андин қадам тажовуз қилмағай»(16-б). Навоий шариат тариқатлари ҳақида фикр юритар экан, унинг суфийлар эътибор берадиган ботиний жиҳатига диққатни тортади. Чунончи, оддий одамлар учун рўза бир ой мобайнида кун бўйи овқатдан тийилиш бўлса, суфийлар эса таълариданги барча аъзоларига рўза буюрадилар ва унга ҳаммаша риоя қиладилар. Навоий буни қуйидагича изоҳлайди. «Жамъи аъзога ўз қилур феълларидин рўза буюргайлар. Кузга номашруъ нимага (шариатта хилоф нарсага) боқардин ва қулоққа номашруъ ун (яъни гийбат) эшитурдин ва оёққа номашруъ қадам (яъни номаъқул хатти-ҳаракат) урмоғдин, илик (қўл)га номашруъ нима тегмағидин ва алоҳозо жамиъи аъзога (шунингдек, барча аъзоларга) бу дастур била» (18-б).

Навоий шариатдан сўнг тариқат адабларига тўхталиб, сахойи муфрит (ўта сахийлик), ҳилм (мулоимлик), бурдборлик (вазминлик), ризо, сабр, сидқ (тўғрилиқ), азим риёзатлар кабиларни мисоллар билан чуқур шарҳлайди. Навоий бу масалаларнинг ҳаммасини нақшбандийлик силсиласи нуқтаи назаридан изоҳлайди. Мисолларни ҳам купроқ нақшбандий суфийлар ҳаётидан келтиради.



Жомий «Нафаҳот» муқаддимасида тасаввуф назариятчи сифатида фикр юритади. Агар Навоий Жомий муқаддимасини айнан таржима қилганда, у уша пайтдаги ўзбек ўқувчилари учун қийинчилик тутдириши мумкин эди. Чунки Навоий давригача ўзбек тилида тасаввуф назариясига доир асарлар яратилмаган ва фақат ўзбек тилида гапирадиган омма соф назарий масалаларни тушунишга тайёр эмас эди. Тожик тилида эса Жомий давригача ҳам тасаввуф назариясига доир анчагина асарлар яратилган бўлиб, кенг омма Жомий фикрларини ҳам тушунишга тайёр эди. Шунга қарамай, Жомий ҳам ўз муқаддимасида кўпроқ тасаввуфий истилоҳларни тушунтиришга диққат қилади. Масалан, валий шахсига шарҳ берар экан, ёзади: «Валий пуқи, у ўз ҳолидан фоний ва Ҳақ мушоҳадаси билан боқийдир. Ҳақ хоҳишсиз унинг узидан хабар бериши мутлақо мумкин эмас» (3-б). Жомий фикрича, фақир ва суфий ҳам фарқланади. Фақирнинг хоҳиши фақир йўли билан нафсни енгишга қаратилган бўлиб, суфийда эса ҳеч қандай хоҳиш йўқ. Унинг хоҳиши Аллоҳнинг хоҳишидир (8-б).

Фақирнинг нафсни енгишга интилишида тамаъ йўқ. Шу жиҳатдан у зоҳиддан фарқ қилади. Зоҳиднинг парҳезида жаннатга эришиш таъмаси бор. Агар зоҳид зуҳд тамаъсидан қутулса, фақир мақомига кўтарилади. Жомий фақирни зуҳдан юқори қўйиб, уни расмий фақир ва ҳақиқий фақр сифатида иккига бўлади. Унингча, расмий фақир мулкка барҳам бериш, ҳақиқий фақир эса узидаги барча ёмон сифатларни йўқ қилишдир (8-б). Фақирдаги бу икки жиҳатни эгаллаш тасаввуфга йўл очади. Жомий машҳур суфий Абулаббос Ниҳовандийнинг «Ал-фақру бидояту ат-тасаввуф» («Фақр тасаввуфнинг бошланишидир») ҳадисини келтириб, тасаввуф фақрдан бошланганлигини таъкидлайди.

Фақир тасаввуф йўлига утиши билан суфийлик поясига кўтарилади. Суфийлик тасаввуф сулукига мансублиқдир. «Сулук, - дейди Жомий, - ўзлигини фоний қилиб, Ҳақда боқийликка етишдир» (3-б). Дарҳақиқат, бу суфийлик пояси бўлиб, бунга эришганлар восиллар дейилади. Чунки улар олий мақсадли толиблардир. Зеро, уларнинг интилиши фақат Ҳаққа қаратилган бўлади. Жомийнинг ёзишича, олий мақсадли толиблардан ташқари, сулук аҳлининг иккинчи гуруҳи ҳам борки, улар жаннат талабгорларидир (6-б). Бу гуруҳнинг интилиши жаннатга эришишга йўналтирилганлиги сабабли, улар суфий эмас, балки зуҳд аҳли ҳисобланади.

Жомий асари муқаддимасида тасаввуфга доир шу хил шарҳ ва изоҳлар жуда кўп. Шу сабабли ҳар иккала асар муқаддималарини қиёсан тадқиқ қилиш, хусусан, «Нафаҳот» муқаддимасини чуқур ўрганиш ва илмий муомалага қиритиш ҳозирги тасаввуфшуносликка қўшилган муносиб ҳисса бўларди, деб ҳисоблаймиз.

Файзуллахон Набиев

БИР-БИРИГА БОРЧАНИ ПАЙВАНД ЭТИБ...

Маълумки, суз санъатининг, адабиётнинг азалий, шу билан бирга, абадий мавзулари мавжуд. Замонлар утса ҳамки, уларнинг аҳамияти сўнмайди, сўнмайдигина эмас, заррача сусаймайди ҳам. Аксинча, асрлар оша янада муҳимроқ моҳият, аҳамият касб этади. Бу - ҳаёт билан, айтиш чоқда, инсон билан боғлиқ долзарб масала. Зеро, инсонни, унинг фаолиятту камолотини усиз унинг нашъу намоларию саҳо-эҳсонларисиз тасаввур этиш мумкин эмас.

Шундай мавзулардан бири ва айтиш жоизки, *биринчиси* табиат ва инсон ва аксинча, инсон ва табиат муносабати масаласидир.

*Инсон - табиат* фарзанди. Табиат инсон учун *она*. Онанинг, *Она-табиатнинг* инъому эҳсонлари бемисл, беминнат. У неъматларидан, эҳсонларидан ҳеч кимни дариг тутмайди, бенасиб этмайди. Инсон умр бўйи ундан баҳра олиб, *файз-фараҳ* топиб яшайди. *Уз-уздан* англашиладики, инсон, жисми, жони билан, руҳи билан табиатта ва, айтиш жоизки, миғлаб кўзга кўринадиган ва кўринмайдиган рипталар орқали *Она-табиатта* боғланган. Бинобарин инсонни, унинг фикр-қарашларини, тасаввур тушунчаларини, қувончу ҳаяжонларини, ҳайрату муҳаббатини, хуллас, туйгулар оламини - *руҳиятини*, унинг камолоту иқболни табиатсиз, табиатнинг сеҳру сахоларию унсурларисиз тасаввур этиш қийин.

Бунини биз, Алишер Навоий ижодиётида, жумладан, буюк бадий обидаси "Хамса"да кенг ва чуқур мужассам тошганлигини кўрамиз.

Энди эътиборни "Хамса"нинг биринчи достони "Ҳайратул-аброр" ("Яхши кишиларнинг ҳайратланиши") муқаддимасига ва ундан олинган айрим лавҳаларга қаратайлик.

Маълумки, "Ҳайратул-аброр" - фалсафий-ахлоқий-таълимий асар. Унда Навоий улуг файласуф, мутафаккир ва мураббий сифатида ўзининг табиат, инсон, ер, осмон, улардаги мавжуд жисмлар, жонлар, алаҳусус, борлиқ-қоинот ҳақидаги қарашларини, фикр-уйлари, ҳайрату таважжуҳларини программ тарзда тажассум этади.

Уғитнома мазмун ва тузулиши жиҳатидан, масалаларнинг қўйилиши ва иякишофи жиҳатидан "Хамса"нинг бошқа достонларидан тубдан фарқ қилди. бу ҳақда баҳс юритар экан, академик Ойбек шундай ёзади: "Ҳайратул-аброр"нинг материяси-фикрлашидир».

Зотан, асарда оламнинг, оламларнинг яралиши, табиат дунёси, унинг бағрида ҳаёт ва нашъу намо топишлари, набототу ҳайвонотлар олами, айган, инсон унинг Олий мавжудот эканлиги, хулки, одоби, эзгу ишлари, шу билан бирга, унинг жаҳолату қабоҳати, разолату тубанлиги, алҳол, олам-борлиқ, унинг турли-туман воқеа-ҳодисалари, сиру синоатлари ҳақидаги донишманда ва мураббий шоирнинг умумлашма хулосалари

китобхонни чуқур ўйлашга ва уларнинг моҳиятини тойран англашга дивъат этади. Бу, аввало, достоннинг муқаддимасида ва унга илова қилинган фаслларда яққол кўлга ташланади. Буларда Навоийнинг исломий қармашлари, Холиқда-яратувчи зотга, унинг суъби-саъъатига, мисласиз муъжизалар соҳиби эканлигига имон-эътирофи мужассамлашган. Ва, бу табиий ҳол. Ҳадий адабиётда ҳам бу анъанага айланган. Бироқ, Навоий учун анъана шунчаки адабий ҳодиса эмас...

Навоийча, оламлар Хожаси ўз яратувчилик қудрати, тенгсиз суъби муъжизи билан оламга, оламларга, ерга, кўкка, бутун борлиққа чирой-хусн, зис-нур бағишлаган. Аммо инсонга бақдаларга буни янада эиба қилиб берган. Чунки Оллоҳ:

Жисм сипеҳрини масир этгучи,  
Руҳ қуёшини мунир этгучи<sup>1</sup>

Яъни: жисм, инсон жисми, унинг руҳи-жони шундай яратилганки, у мукаммаллик ва таносибатда, гузаллик ва фаолиятда ҳар қандай ақли, ақл соҳибини ҳам ҳайратда қолдиради. Зеро, инсоннинг жисмида, жонидо бирор-бир ортиқлик ҳам, камлик ҳам йўқ. У ниҳоятда мукаммал.

Бу шоирнинг биринчи ҳайрати.

Иккинчи ҳайрати ундаги мавжуд ҳужайра-аъзолар ўзаро вобу та бири иккинчи бирига боғлиқ. Бирининг мавжудлиги бошқа бирини таълоз этади. Булардан бирининг йўқлиги иккинчи бирига футур етказади ва ҳатто йўқ қилади. Бу ҳол инсон жисми-жонидо таносибатнинг бузилишига, бузилишгагина эмас, балки фожиата - йўқликка, улимга ҳам олиб келади.

Учинчи ҳайрат шуки, инсондаги, унинг вужуди-жонидоги жамики неъматлар аъзолар ниҳоятда гузал, бетакрор ва ҳар бири ўз ўрнида.

Ва, ниҳоят, тўртинчи ҳайрат-улар ниҳоятда мутаносиб ва фаолияти нуқсонсиз. Ҳар бир аъзо, ҳужайра бенуқсон ишлайди, фаолият кўрсатади.

Хуллас, бобокалон шоирнинг таъкидлашича, инсоннинг бутун жисми-жони, вужуди-гани гуё бир сайргоҳ, Сайргоҳки, унда мислсиз ажойиботлар, гаройиботлар мавжуд. Ва улар бир умр кўним ҳам, тиним ҳам билмайди, муттасил фаолият кўрсатади.

Руҳ эса "мунир" - порлоқ, нур манбаи... Буларнинг умр буйи бардавомлиги, бенуқсон ишлаши ҳар кимнинг ниътига ва амалий фаолиятига боғлиқ. Шундай экан, инсон ўз вужуди-жисмига, жони-руҳига сайр қилиши, ундаги бемисл ажойиботларни кўриши, шунчаки кўрчи

<sup>1</sup> Ашшоир Навоий. Муваммал асарлар туплами Янгирини тоғлик /том 1/ Фан 1991, 15 бет. Кит "Ҳайратуа бирор"нинг айни наъридан фойдаландик. Бундан кейини фават истибослар сазифаларини кўрсатиб борамиз.

эмас, Балки ақл ва қалб билан кўриши, тафаккур ва идрок қилиши керак. Шу тақдирдагина у ўзини, ўзлигини англай олади.

Энди, ўз-ўзидан, савол тугилади: хўш, бундай муъжиз (лол, ожиз қолдирувчи-Ф.Н.) хилқатнинг маншаъси-манбаси қаерда? Ундаги бетакрор ҳусну чирой, мукамал меъёр-таносибатничи?

Таъкидлаш зарур, бунинг манбаси-асоси – *табиат*. Зотан, одам, одам вужуди, унинг тийнати *табиатдан*, *табиат* унсурлари ва хосса-хусусиятларидан олинган. Бинобарин, инсон қалбан ва руҳан ва ҳам табиатан (феъли-атвори жиҳатидан ҳам-Ф.Н.) Табиатта яқин, Табиатта монанд. Бинобарин, башари бани табиатта, унинг гузалликлар оламива, жисми-жонию қалби-руқига моддий ва маънавий гизо берувчи Ова-Табиатта бир умр ошуфта бўлиб, доимо унга талпиниб яшайди. Бу, айни табиат қонуниятидан ташқари, инсон табиатдаги қонуният – ташналик, оҳанраболик ҳам. Демак, инсон табиатдан, унинг сеҳру сахосидан, инъому эҳсонларидан бирор лаҳза ҳам узила олмайди, унинг моддий ва маънавий неъматларсиз бирор он яшай ҳам олмайди...

Муқаддимада бирин-кетин ер, кўк, ой, қуёш, юдузлар, кеча, кундуз, набототлар, ҳайвонотлар, умуман, борлиқ-олам, оламлар *мутафаккирона* тариф-тавсиф қилинар экан, аввало, уларнинг бекаму кўст яратилганлиги, жамики жисмларнинг, жонларнинг ақл бовар қилмас даражада мутаносиблиги ҳамда жисмлар ва мавжудотларнинг, набототларнинг, олам ва оламларнинг бир-бирига "банда" ва "пайванд" этилганлиги, айни чоқда, уларнинг "ту-бату", "му-баму" эканлиги, алоҳида таъкидланади.

Мана, шовирнинг иқрори-эътирофи:

Қатрагача қулзуми заҳҳордин,  
Заррагача шамсаи заркордин.

Ани мунга, муни анга банда этиб,  
Бир-бирига борчани пайванд этиб.

Воситалар будди аён ту-бату,  
Бир-бирига боғланибон му-баму (26).

Демак, ерда, кўкда, оламда-борлиқда, узича ҳаракат қиладиган, уз хоҳиш-иродаси билан ҳаракатланадиган ва ёхуд тўхтаб қоладиган ҳеч бир нарса йўқ. Аксинча, ҳамма-хамма нарсанинг мавжудлиги ва йўқлиги, улардаги қатъий ҳаракат ва сокинлик бевосита табиатнинг, коинотнинг ягона низомига-*деалектик* қонуниятига бўйсундирилган. Шу туфайли улар ҳаракатида авяқ-таниқ тартиб, интизом бор. Бордию ҳаракат узгарса-чи? У тақдирда таносибот бузилади, оламда-коинотда талотум бошланади, ҳалокат юз беради. Шунинг учун "қулзум"дан Қизил денгиздан, "қатра"ғана, "заҳҳор"дан – пишиқтириб тулқинланувчи

уммондан "қатра"гача ҳамда "шамсаи заркор"дан – нур сочувчи, порлоқ қуёшдан "зарра"гача, хуллас, барча-барчаси бир-бирига тус-тугал боғланган. Балки, бири иккинчисига ва, аксинча, "пайванд"ланган. Уларда бирор-бир ортиқлик ҳам, камлик ҳам йўқ. Ва яна муҳими – курраи заминдаги, коинот-борлиқдаги ададсиз жисмлар, мавжудоту махлуқотлар, набототу ҳайвонотлар, юксаклигу текисликлар, уммону қатралар, заррадан қуёшгача, тонгдан тунгача, хулласи калом, барча-барчаси аниқ тартиб билан, муъжиз-сунъ билан қаватма-қават, устма-уст, ёнма-ён жойлаштирилган. Шу тарзда ўзаро дахлдорлик ва таносибат таъминланган. Бу – буюк бир қонуният. Шундай қонуниятки, унда олам-борлиқнинг барча масалалари ўз мужассамини, шу билан бирга, ечимини тошган. Шунинг учун ҳам ҳаёт завоқ билмайди, табиат-борлиқ бузилиб кетмайди.

Хуллас, ҳаракат ва интизом қонуниятининг, алалхусус, табиат ва коинот қонуниятининг қудрати-сунъи, мана шунда.

Шу тариқа тирик мавжудот учун, инсон учун мукамал ҳаёт тарзи, унинг манбаи-макони *табиат* яралди. Табиат, борлиқ, унинг гўзалликлар дунёси, файзи-тароватю, сирриётлар олами инсон ақлини лол қолдиради, уни ҳайрату ҳаяжонга солади. Буни, биз, айнан бобокалон шоир ҳайрати, руҳияти орқали тўла ҳис қиламиз, англаймиз.

Алишер Навоий, аввало, бадий тасвирда табиатдан, коинотдан, улардаги ранг-баранг гўзалликлардан, сەҳри-сахосию, хўсса-хусусиятларидан, нажиб тимсолларидан моҳир мусаввир сифатида фойдаланади, табиатнинг, коинотнинг бетакрор манзараларини чизади.

Масалан:

Гулшани фирузани чеккан баланд,  
Гулларида меҳрни гуддаста банд.

Ҳар сори анжум гуликим очилиб,  
Кукка бу гуддасидин сочилиб.

Чун очибон субҳ узори гулин,  
Зулф этиб ул юз уза тун сунбулин (15).

Бу – бадий полотно, табиатнинг, коинотнинг беназар лавҳаси. Унда "кук гулшани", у билан ёнма-ён "ер гулшани", айнаи чоқда, тун, оддий тун эмас, балки заррин ёғдуларини сочаётган ойдин ва сокин тун манзараси, унинг ўзига хос кўринишлари, тун билан боғлиқ субҳ – тонг, тонгнинг жилва билан ёришиши, нурлана-нурлана олам-борлиқнинг нурга тўлиши ҳақида сўз борар экан, хассос шоир бадий тасвирда ҳаёлотта эрк беради:

ерни – Она Заминни, унинг файзу тароватларини<sup>2</sup> "кўк гулшан"ига, аксинча, кўкни – феруза осмонни ерга нисбат беради, лавҳада янги-янги ташбеҳлар, талқинлар топади. Бунда, сўзсиз, табиатта, коинотта даҳлдор тушунча ва тасаввурлар, уларга хос хусусиятлар, кўриниш ва манзаралар, уларнинг маъно-моҳиятини англатувчи: "гулшан", "фируза" (осмон, тиниқ осмон), "балад", "гуллар", "меҳр" (кўёш, қорлоқ кўёш), "гулдаста", "анжум" (юлдузлар), "анжум гули", "очилиб", "кўк", "гулдаста", "очиб", "субҳ", "узор", "субҳ узори", "гул", "зулф", (соч, маъшуқанинг сочи), "юз", "тун", "сунбул", "тун сунбули" каби атамалар қўл келган ва шулар орқали муаллиф ўз гоъвий ниятини рўёбга чиқарган.

Манзарани кўздан кечирар эҳанмиз, унда, аввало, санъаткор шоирнинг, шу билан бирга, мутафаккир шоирнинг ва, айти пайтда, мураббий Навоийнинг адабий эстетик, фалсафий-ақидавий ҳамда ахлоқий-маърифий нуқтаи назари, демакки, маҳорати, тафаккури ва табиат-борлиққа бўлган қайноқ меҳри-оқибати мужассам топганлигини кўрамиз.

Масала учта: осмон, тун ва тонг. Буларнинг ҳар бири бир олам: фалакиёт олами, тун олами ва тонг олами. Мантиқан қаралса, булар, аслида, ягона оламнинг – *олами кубро* (Катта олам-Ф.Н.)нинг<sup>3</sup> жузлари, яъни булаклари. Жузларки, "жуззи ло янфак" – ажралмас қисмлари, бўлинмас булакларидир. Ўз-ўзидан англашиладики, буларни бир-биридан ажратиш ва айрича тасаввур қилиш мумкин эмас. Бу оламлар ягона оламга – *олами куброга* – Оламлар оламга зоҳиран ва ботинан минглаб ришталар билан "банд" этилган – боғланган, "пайванд" қилинган – ковшарланган. Бинобарин уларнинг ҳеч бири бу бўтовлардан чиқиб кетолмайди, ўзича ҳеч қачон олдин ҳам келолмайди, орқада ҳам қололмайди. Бунда қатъий меъёр – таносибат – интизом бор. Ва уни олам-борлиқдаги ҳеч бир куч, жисм ёки жон эгаси ва, ҳатто, буюк ақл ва қудрат соҳиби инсон ҳам бузолмайди. Буза олмайди эмас, заррача ўзгартира олмайди ҳам. Чунки бу, азалнинг, шу билан бирга, абаднинг қонунни, *диалектик* қонуният.

Шу тариқа Катта олам кичик оламлар билан ва, аксинча, кичик оламлар Катта олам – *олами кубро* – *оламлар олами* билан муносабатда, таносибатда зуҳр этади, ягона меъёр – *низомда* ҳаракатланади...

<sup>2</sup> Бу ўринда бевосита она-замин тмага олинаётгани йўқ. Бироқ, гузаллик ва ҳаёт тушунчаларини ташувчи: «гулшан», «гул», «гуллар», «гулдаста», «очилиб», «сунбул» каби айнан набототта, табиатта даҳлдор сўзлар улар билан боғлиқ тушунча-тасаввурлар берилдики, буларсиз на нафосат оламини ва на тирикликни, уларнинг манбаи-макани она-заминни, табиатни тасаввур этиш мумкин эмас. Ва яна муҳим томони шундаки, шоир ана шуларни бадий нисбатта айлантиради – замин манзараларини, уларнинг тевгисиз нафосоту нозоҳатларини кўкка кўчиради. Шу орқали феруза осмон чиройини янада очади, ортиради.

<sup>3</sup> Бу ҳақда жуваддан, «Фарҳод ва Ширин»да ўқиймиз:  
Жаҳонни қўйки, олийшон вужуд,  
Жаҳонда олами кубро намуд.

Бугина эмас, мутафаккир шоирнинг таъкидлашича, олам, олам борлик - улут бир "доира" Бу шундай бир "доира", шундай бир оламки, ҳадсиз-ҳудудсиз. Унинг на чеки ва на чегараси бор. Шу боис унинг қирғоғини топиш, чегарасига етиш қийин. Дойиралар, яъни оламлар ана шу *катта дойиранинг* - *катта оламнинг* жувзлари, булақлари...

Шунингдек, бу олам гўё ягона бир йул - "марҳала". Навоийча, бу йулнинг ибтидоси ҳам, интиҳоси ҳам йўқ. Бу - улут, ниҳоясиз йул. Йулларнинг йўли, чорсуси. Қолган жамики йуллар келиб ана шу *азим* йулга туташади, боғланади.

Энди ушбу гоёлар сингдирилган байтларга эътибор берайлик:

Дойирани жуз бу сифат тузмайин,  
Силсилани бир-биридин узмайин.

Бир-бирига бўйла тузиб марҳала,  
Силсилага боғланибон силсила (18).

Тасвирдаги яна бир жиҳатга диққат қилайлик. Бу - "силсила" ва у билан боғлиқ тушунча-тасаввурлар. Аввало, "силсила" истилоҳи ҳақида.

Силсила, арабча атама бўлиб, тилимизга утирилганда "занжир" "тизма", "тартиб" маъноларини англатади. Мана энди муаллифнинг гоёвий нияти ойдинлашди.

Таъкидланганидек, олам, аслида, *олами кубро*. У оламлардан, кичик оламлардан ташкил топган. Ва у гўё *азим* бир йул. У ҳам йулдан, йуллардан ташкил топган. Мутафаккир ва мураббий Навоий фикрича, ана шу оламдаги, йулдаги жамики нарсалар ягона *тизимга*, ягона *тартибга* эга. Шуларнинг ҳаммаси йигилиб-жамланиб улут бир *силсилани* - *занжирни* ташкил этади. Бу - қонуният, *табиат қонунияти*.

Демак, бу силсилага тегиш, уни бузиш мумкин эмас. Бордию инсон нописандлик ва ёхуд калтабинлик билан силсилага тегса, уни ўзгартиришга уринса, у тақдирда табиат, нафақат табиат, балки Она-Сайёра *тизими* бузилади, *тартиби* ўзгаради - талотум бошланади. Бу эса, сўзсиз, фалокат-фожиаларга олиб келади... Гап аслида, мана шу ҳақда, табиатнинг дахлсизлиги ҳақида кетаяпти.

Хулоса шуки: табиатга тегмаслик, уни талон-тарож қилмаслик, зинҳор-базинҳор таносибати ва силсиласини бузмаслик керак, вассалом!

Ниҳоят, муқаддима-таважжухда фикрлар, ҳайратлар келиб асосий оламга - "курраи хок"га, яъни гупроққа, *она-заминга*, у билан вобаста, "афлок"га фалакларга, осмонга боғланади.

Диалектик қонуниятни шоир бадий ҳаёлот орқали шундай ифодалайди:

Айлади сокин кураи хокни,  
Сойир этиб давраи афлокни.

Токи муҳит ўрнига афлок эрур,  
Маркази онинг кураи хок эрур (18).

Ер – сокин, гўё тургун... Аслида-чи? Аслида у ҳаракатда. Зеро, олам-борлиқда сокин-тургун нарсанинг ўзи йўқ.

"Афлок" – осмон эса "сойяр" – кезувчи. У ер, Она-Замин бошида айланади, тиним билмайди. Айни пайтда "курраи хок"нинг теварак-атрофи ўралган. Бироқ, унинг девори-томи ўзига хос, муъжиз – ақлни лол қолдиради. Бу шунчаки оддий бир девор эмас, фалак девори – *осмон* билан ўралган, ихота қилинган. Ва яна муҳими – улардаги, ер билан осмондаги жами-ки мавжуд жисмлар, жонлар бир-бирига бевосита боғланган, "ту-бату", "му-бамуъ" устма-уст, қаватма-қават, ёйиқ-ёйма-ён... Шу тариқа олам-борлиқда яхлитлик, бутунлик вужудга келган...

Курраи хок ана шу яхлит оламнинг, *олами кубронинг* гўзал ва муътадил минтақасида жойлашган. Ва унда шу муҳитта мос иқлим, зарурий увсурлар, ер усти, ер ости бойликлари, набототлар, ҳайвонотлар, қисқаси, инсон учун, унинг ҳаёти тарзи учун барча қулайликлар муҳайё этилган...

Бинобарин ҳусн-чиройда, нафосату назоҳатда, файзу фароғат-да, инъому саховатда тенгсиз бўлган "курраи хок"ни *олами кубро*даги бошқа олам билан, оламлар билан тенглаштириш мумкин эмас.

Бироқ, Навоий ўз асарларида, шу жумладан, "Ҳайратул-аброр"да, айнан, унинг муқаддимотида фақат таъриф-тавсифларнинг, табиат ва кошнот манзараларининг узи билангина чегараланиб қолмайди. Аксинча, академик Азиз Қаюмов тўғри қайд этган-йдек, "Шоир бу қисмларда юксак бадий ифодалар воситасида ўзининг дунё, ҳаёт ва инсон тўғрисидаги тасаввурини баён этади"<sup>14</sup>. Исломий ақидалардан ҳаётий масалаларга утади, оламнинг, оламларнинг яратилишидан ягона мақсад ИНСОН эканлигини қайта-қайта такидлайди:

Ганжинг аро нақд фаровон эди,  
Лек боридан гараз инсон эди (21).

Зотан, инсоннинг дунёга келиши, файзу фароғат топиши учун, унинг ўсиб-ўлгайиб, камолотта етиши ва ҳаётда саодатманд яшаши учун мукамал ҳаёт – турмуш тарзи яратилиши шарт эди. Шу тариқа муқаддимдаги бош гоя ҳаётнинг гули, гултожи, нафақат ҳаётнинг, бутун борлиқнинг кўрки, безаги бўлиши *инсонга* келиб боғланади.

Навоий инсонни қайноқ қалб билан севади, зоти шариф сифатида шарафлайди ва уни итоатга чақиради:

<sup>14</sup> Қаюмов А. «Ҳайратул-аброр» талқини. 1977. 8-бет.



"Каррамно" келди мавоқиб анга,  
"Аҳсани тақвим" муносиб анга (21).

Байтдаги "каррамно" каломи Қуръони Каримдаги "Валаҳад каррамно бани Одама" оятига ишора бўлиб, Оллоҳ таоло: "Ҳақиқатда, Биз, одам фарзандини азизу мукаррам қилдик", - дея марҳамат қилади. Дарҳақиқат, оламда-борлиқда инсондан азиз, инсондан мукаррам зот йўқ.

"Аҳсани тақвим"дан мурод Ват-тийн сурасида "Ла қад халақна инсона фий аҳсана тақвим" - "Дарҳақиқат, биз, инсонни энг гузал шаклу шамоийлда яратдик" қавлини келтиришдир<sup>5</sup> (512).

Шундай экан, инсон узининг Олий ҳилқат эканлигини англаши, вужуди-жисми ва руҳи билан боғлиқ сунъ-муъжизни, яъни дол ва ожиз қолдирувчи савъат-қудратни тушувиши, бунинг учун, аввало, уз оламига—жисми-жонига, руҳига сайр қилиши, ундаги мислсиз ажойибитларни, сирру синоатларни, ақл ва қалб кўзи билан кўриши, чуқур ҳис ва тафаккур қилиши керак...

Энг асосийси - шукрона айтиши, буюк зот эканлигидан мамнун-миннатдор бўлиши шарт. Бу - бевосита Каломи Раббонийдан ва шу орқали Навоий уғитномасидан чиқариладиган биринчи хулоса, сабоқ. Иккинчиси - ана шу жисм, жон, руҳ яшаши, фаолияту камолоти учун табиат, олам-борлиқ яради, тула-тўқис, мукаммал қилинди. Қолгани ИНСОНнинг узига, унинг иродаси ва амалий фаолиятига боғлиқ. Бунинг учун инсон, инсоният Ова-Табиатнинг, заминнинг, умуман, Она-Сайёранинг даҳлсизлиги, унинг гуллаб-яшнаши учун курашмоғи зарур.

Муножот лавҳада шоир "тўқуз афлок", "кураи хок"нинг ва улардаги жисмлару жонзотларнинг, демакки, ҳаётнинг ва ҳаёт манбаи бўлган табиатнинг яратилганлигини бир-бир тасвирлайди. Ва уларнинг ҳар бирини Навоий "бир самин жавоҳир", "бир гуҳари олий сифот", "латиф" дея, мадҳ этади. Аммо шулар орасида бир зот борки, мақоми баланд, шарафи юксак. Бу - *ИНСОН!* Муножотда шоир яна инсонни таъриф-тавсиф қилади, шарафлайди;

Барчасини гарчи латиф айладинг,  
Барчадин инсонни шариф айладинг (26).

Қурганимиз байтлардан чиқадиган хулоса шўки, биринчидан, табиат мислсиз неъматлар, ризқ-насибалар, қувончу шўдликлар, иқболу саодатлар, манбаи - маскани. У азалдан абадгача фарзандаарини - бани башар наслини суюб ардоқлайди: уларни севинтиради, тўйинтиради,

<sup>5</sup> Қуръони Карим. Ўзбекча изохли таржимаси. Т. Чулпон, 1992. 512-бег.

кйинтиради, бағрида авайлаб-асраб камолотта етказади, саодатманда қилади. Вақти-соати етиб, қазою қадар тошганда Она-Табиат фарзандини яна ўз оғушига олади...

Шундай экан, иккинчидан, инсон ўз Онасига – Она-Табиатига, Она-Сайёрасига чексиз меҳрда, оқибатда бўлиши, уни тўла-тўқис ҳолда кўзи қорачугидек асраб-сақлаши, унга зиён-зарар етказмаслиги, унинг гузалликлар оламини топтамаслиги, Она-Замин бағридаги ганжиналарни горат қилмаслиги, табиат инъомларини нес-нобуд этмаслиги шарт ва зарур. Зеро, инсон табиатнинг биринчи истеъмолчиси. Ва энг кўп истеъмолчиси ҳам. Инсон саломатлиги, унинг табиат бағрида ўйнаб-кулиши, камолот ва саодат топиши, унинг ўзига: бугун бизга, эрта эса зурриётларимизга, демакки, бевосита ҳар биримизга боғлиқ. Бунда, биз, ақл билан иш тутишимиз, табиатта, Она-Табиатимизга, Она-Сайёрамизга меҳр билан, адолат билан муносабатда бўлишимиз, унинг гуллаб-яшнаши, даҳслсиз бўлиши учун курашишимиз керак.

Бунда, сўзсиз, ҳазрат бобомиз Навоийнинг, ҳазрат боболаримиз навоийларнинг ўғитлари биз учун сабоқ, чинаккам дастурал-амал бўлиб қолаверади.

Хулоса қилиб айтганимизда, муқаддима-таважжуҳда, ундаги фаслларда мутафаккир ва мураббий шоир, айна меъёрни – табиат қонушиятини бузмасликни, бани башарнинг у билан онгли муносабатда, меҳрли, мурувватли муомалада бўлишини таълим беради. Айтиш лозимки, Навоийнинг бу таълими – табиатпарварлик, табиатсеварлик гоълари, экомаърифати кеча муҳим эди. Бугун бу янада долзарб масалага – давлат, давлатлар даражасига чиқди. Эрта бундан ҳам каттароқ аҳамият касб этиши, экосаломатлик бутун сайёра аҳлининг бирдан-бир дардига айланиши бугун ҳеч ким учун сир эмас. Чунки тараққиётнинг ҳар томонлама шитоб билан усиб бориши, сарзамин аҳлининг кундан-кунга моддий ва маънавий эҳтиёжларининг ортиб бориши, инсоннинг *табиатта*, унинг гузалликлари, бойликларига, ер усти, ер ости заҳираларига, ерга, тупроққа, сувга, сув манбаларига, набототлар, ҳайвонотлар дунёсига, умуман, катта дард, ҳасрат билан айтиш лозимки, *она-сайёрамизга* кўр-кўрона, шафқатсизларча ва, ҳатто, тажовузкорона муносабатда бўлиши шунга каби машъум фожиаларга олиб келиши мумкин. Бугун дунё-заминда юз бераётган кўплаб нохушликлар ва фалокат-фожиаларни кўз оқдимизга келтирар эканмиз, масаланинг нечоғлик долзарблиги, ўз-ўзидан аёнлашади. Бугун инсоният ўзи сезгани, сезмагани ҳолда, купинча эса бепарволик, оқибатсизлик билан, ҳатто, бир дамлик ҳузур-ҳаловат, ўткинчи манфаат, алдоқчи фароғат дея, катта хатоларга йўл қўяётгани, бунинг оқибатида турли хил кўнгилсизликларнинг содир бўлаётгани дунё-сарзаминдаги соғлом фикр ва меҳр аҳлини қаттиқ ташвишга солмоқда. Шундай бир пайтда Она-Табиатнинг, гузалликлар оламининг чинаккам шайдоси, гамҳури бўлган, мислсиз табиатпарвар, инсонпарвар

Навойнинг, навойларнинг экомарифатлари, экоталимотлари алоҳида аҳамият касб этади. Бу нафақат маълум бир миллат ва ёхуд минтақа аҳлининг, балки миллатлар ва минтақаларнинг, бутун бани башарнинг қимматли маънавий мулки, чинакам дастурул-амали бўлиб қолаверади. Зотан, Навоий, навойлар маънавий меросининг аҳамияти, маъномоҳияти ҳам мана шунда...

Фарида Каримова

**«ХАЗОЙИН УЛ-МАОНИЙ»ДА ҲУСАЙН БОЙҚАРО  
ТАЛҚИНИ**

Алишер Навоий лирикасида шоир шахсияти, замон ва замондошларига бўлган муносабатлари ҳам ўз аксини тошган. Чунки Навоий ижоди ўз даври сиёсатидан, фалсафий дунёқарашидан ҳеч қачон узоқ бўлмаган. Хусусан, шоир шеърлятида Навоий ва Ҳусайн Бойқаро ўртасидаги муносабатлар жуда кўп қирралари билан намоён бўлган.

Алишер Навоий «Хамса» достонларида, «Мажолис ун-нафоис», «Лисонут тайр» ва бошқа асарларида Ҳусайн Бойқаро мадҳига махсус боблар, катта-катта лирик парчалар бағишлайди. Уларда улкан давлатнинг элпарвар, доно ва адолатли ҳукмдори сифатида таъриф-тавсиф этади. Бунинг боиси, албатта, Ҳусайн Бойқарони комил подшо тимсоли сифатида куриш истаги эди десак муболага бўлмайди. Ана шу истак «Хазойинул - маоний»даги газалларда ҳам ўз ифодасини топади.

Ҳусайн Бойқаро мадҳи ва таъриф-тавсифи билан боғлиқ газал ва байтларда «Хазойинул-маоний» дебочасидаги сингари кўпроқ кутаринки руҳ мавжуд. Яъни уларда Ҳусайн Бойқарони адолатпарвар ва саҳоватли, маърифатпарвар ҳукмдор сифатида мадҳ этиш кучли. Шунингдек, «Хазойинул-маоний»да Алишер Навоий ва Ҳусайн Бойқаро ўртасидаги биографик уринларни ёритувчи газаллар ва байтлар алоҳида ўрин эгаллайди. Хусусан, кўпчилик газалларда Ҳусайн Бойқаронинг Навоий шеърларининг ислоҳатчиси сифатидаги фазилатлари ҳам ўз ифодасини тошган. Шулардан келиб чиққан ҳолда, Ҳусайн Бойқаро ҳақида газал ва байтларни қуйидагича гуруҳлаштириш мумкин:

1. Ҳусайн Бойқарони адолатпарвар шоҳ сифатида мадҳ этувчи газал ва байтлар.
2. Шоҳ ва шоир ўртасидаги муносабатлар ифодаси бўлган газал ва байтлар.
3. Ҳусайн Бойқаронинг зукко шеършунос сифатидаги фазилатлари акс этган газал ва байтлар.

Алишер Навоий деярли барча асарларида адолатли ва маърифатпарвар подшо ҳамда марказлашган давлат учун кураш гоёсини илгари суради. Навоийнинг фикрича, мамлакатнинг ижтимоий - иқтисодий ва маданий тараққиёти, юрт осойишталиги, аввало, ҳукмдорнинг узига, унинг шахсий фазилатларига боғлиқ.

Навоий Ҳусайн Бойқаро ҳокимият тепасига келгандан кейин ёзган деярли барча асарларида, лирик шеърларида уни адолатли, ватанпарвар шоҳ, адабиёт ва санъат, илм ва ҳунар аҳлига саҳоватли ҳомий сифатида қайта-қайта мадҳ этади, таъриф-тавсиф қилади, у билан фахрланади. Бу таъриф-тавсифларда ҳақиқат ҳам, муболага ҳам мавжуд. Навоий бу уринда бир томондан, шоҳнинг ижобии фазилатларини улугласа, қўллаб-

қувватласа, иккинчи томондан ҳукмдор характердаги айрим салбий қирраларни мақтов йули билан бартараф этишга интилади.

Навоийнинг фикрича, шоҳ Ғозийнинг фазилатлари беҳисоб, уларни қогозга тушуриш кунгил истагидир:

Ким тузай мастона Шоҳи Ғозий авсофида савт,  
Бу кунгил гар бўлса, уз ҳолида гар ҳам бўлмаса.

Шоир бир байтида шоҳ вақти келганда шоҳликдан кечиб, дарвеш бўлишга тайёр тургандагина унинг подшоҳлиги ҳеч камчиликсиз ва диний бўлишга таянч бўлади.

Шоҳга шоҳлиг мусалламдир агар бўлмай мудом  
Шоҳлик таркин қилиб, дарвеш ўлув ният анга.

Навоий таянчлашча, фақат Ҳусайн Бойқароғина «шоҳлик таркин қилиб», дарвешларча ҳаёт кечирмоқда ҳамма вақт тайёр бўлган бирдан-бир подшоҳдир. Шоҳлик Ҳусайн Бойқаронинг «суврати» гина холос, унинг «сийрати» (ички дунёси, фазилатлари) эса дарвешликдир:

Мумкин эрмас шоҳлар ичра бўйла ниятлар, магар,  
Шоҳи Ғозий ким, муяссар бўлди бу давлат энго.

Шоҳлар давешю, дарвешлар шоҳики бор.  
Шоҳлик сурат анга, дарвешлик сийрат анга.

«Шоҳ ва дарвеш» (шоҳ ва гадо) масаласига доир бу фалсафий газада ҳам Навоий Ҳусайн Бойқарони камтар, адолатпарвар ва камбағалпарвар бўлгани учун ҳам шундай мартабаю давлатга эришганлигини таянчлайди. Таянчлайдигина эмас, балки элпарвар, адолатли ҳукмдор бўлишга тарғиб ҳам этади.

Навоий мамлакатни заковатли, адолатли, олажаноб подшоҳ бошқариши керак, деб ҳисоблайди. Ана шундай доно ва одил подшоҳ Ҳусайн Бойқародир. Шоҳ Ғозийнинг адолатидан зулм эшиги ҳамisha берқидир. Яъни Султон Ҳусайн мамлакатни ҳеч қачон зулм билан бошқармайди:

Эй Навоий, эрмас ул зот кузи уйқудақим,  
Зулм эшига Шоҳи Ғозий адлидин масдуд эрур.

Шоҳнинг одиллиги туфайли унинг даргоҳи бева-бечораю фақрларга барча хожантандларча папоҳ, хонларга эса ситинадиган жой бўлди. Шунинг учун Шоҳ Ғозий эшигини Тангрининг ўзи қулласин:

Шоҳи Ғозий эшигин тенгри баса тутсунким,  
Нотовонларга паноҳ ўлду ю хонларга малоз.

Ҳусайн Бойқаро биринчи галда фақрларнинг бошини силайдиган адолатли подшоҳ булганлиги учун ҳам унга шундай давлат ва даража насиб этган. Осмондек улуг мартабага эришган Султон Ҳусайн Бойқаро Навоийнинг ҳам охи-доғларига ета олади:

Навоий охи навосози шоҳ Абулғозий,  
Сипехр мартаба Султон Ҳусайн Бойқаро.

Навоий ана шу боис Шоҳ Ғозий даргоҳининг остонасини Каъбани тавоф этиш билан тенглаштиради:

Эй Навоий каъбаи мақсуд васлин истасанг,  
Шоҳи Ғозий қасрининг даргоҳи олийшонин уш.

Алишер Навоий ва Ҳусайн Бойқаро муносабатлари адабиётшунослиқда кўп вақт бир томонлама урганиб келинди. Улар ўртасидаги зиддиятлар баъзан кучайтириб талқин этилди. Бу масала хусусида жуда кўп адабиётшунос олимларнинг тадқиқот ва мақолаларида фикр юритилган. Хусусан, бу масалага ойдинлик киритишда профессор Абдуқодир Ҳайтметовнинг «Навоийнинг форсий мактублари» мақоласи характерлидир.

Маълумки, Ҳусайн Бойқаро ва Алишер Навоий ўртасида вақти-вақти билан келишмовчиликлар, ихтилофлар булиб турган. Бу, албатта, Ҳусайн Бойқаронинг биринчи галда феодал ҳукмдори эканлиги, шунингдек, улар яшаб турган давр зиддиятлари билан изоҳланади. Профессор Абдуқодир Ҳайтметов юқоридаги мақоласида Навоийнинг бир форсий мактуби ҳақидаги мулоҳазаларини баён этар экан, унинг таржимасини келтиради. Бу мактуб мазмунида ҳам шоҳ ва шоир ораларига бироз совуқчилик тушганлигига ишора бор: «Мен ўз гуноҳларимга иқрорман. Аммо мен билмайман, мен қандай ножўя иш қилдимки, сиз ўзингизни мендан тортиб қолдингиз...» Султоннинг жавоби шеърӣ тарзда келтирилган:

Толибдин матлуб ранжиса, бу унга огир гап эмас,  
Ишқилиб матлубдан толиб ранжимаса булгани<sup>1</sup>

Бу уринда Ҳусайн Бойқаро Мажидиддин – Алишер Навоий муносабатларини эслаш уринлидир. Ҳусайн Бойқаро саройда дастлаб парвоначи, кейинроқ эса икки минг туман пул воқеаси туфайли бош

<sup>1</sup> А Ҳайтметов. Навоийхоналик суҳбатлари Т. 1993. 160-бет

вазирлик лавозимига кўтарилган Мажидиддин Муҳаммад ниҳоятда ярамас феъл-атворли киши эди. Унинг ярамас хатги-ҳаракатларидан Навоий анчагина азият чеккан эди. Умуман, Ҳусайн Бойқаро билан Алишер Навоий урталарида совуқчилик тушиши, шоирнинг Астрободга ҳоким қилиб жўнатилиши кўп жиҳатдан Мажидиддин Муҳаммад туфайли эканлиги кўп манбаларда айтиб ўтилган.

Алишер Навоийнинг «Фавоид ул-кибар» девонидан урин олган қуйидаги икки газали шоирнинг шу даврдаги кечинмаларининг, поэтик кўнгил изтиробларининг ифодасига ўхшайди.

Кайси бир тўхматки бизга қилмади нисбат рақиб,  
Қайси бирни эшитқач қилмади бовар ҳабиб?

Чун рақибимга рақиб эрди ҳабиб, эрдим тирик,  
Найлай ўлмайким, ҳабибимга ҳабиб ўлмиш рақиб.

Лирик қаҳрамонга рақиб беҳисоб тўхмат тошларини отмоқда, бу тўхмат, игволарнинг бирига бўлмаса, иккинчисига ҳабибининг ишонаётганлигидан шоир ҳайратда. «Ҳабиб» (Ҳусайн Бойқаро) унинг рақибига рақиб эканлигидан шоирнинг кўнгли тўқ эди. Энди эса рақиб лирик қаҳрамоннинг ҳабибига дўст бўлиб қолдики, бундан шоир қаттиқ изтиробда. Энди «Дўст» радифли газалга эътибор қилайлик:

Қилди душман раҳм, баским қилди жавр изҳор дўст,  
Эй кўнгул, душман топ эмди, тутмагил зинҳор дўст.

Ҳар замон душманларим озурдадур, эй дўстлар,  
Баски, ҳар дам еткурур мен зорга озор дўст.

Навоийнинг лирик қаҳрамони ўз дўстининг душманларидан-да ортиқроқ жавр қилётганлиги, кўнглигига озор етказаётганлигидан норози. Бундай дўстан, дўстнинг суҳбатидан кўра душманга рўбарў бўлган маъқўлроқ. Дўстининг шоирга ҳар лаҳза етказаётган озорларидан ҳатто баъзи душманларнинг дили ранжиган.

Юқоридаги мисраларда баъзи муболағали ўринлар бўлса керак. Лекин уларда Ҳусайн Бойқаро ва Алишер Навоий ўртасидаги айрим зиддиятли муносабатлар акс этган дейиш мумкин.

«Ҳазойинул-маоний»даги газалларда Ҳусайн Бойқаронинг яна бир фазилати ўз аксини топган. Бу ҳукмдорнинг зукко шеършунос сифатидаги характер қирраларидир.

Ҳусайн Бойқаро «Бадоеъ ул-бидоя» ва «Ҳазойин ул-моний» девонларининг тузилишига бош-қош бўлган, уларнинг таркибига кирган шеърларни мунтазам ўқиб таҳрир қилиб борган. Бу ҳақда дебочалар

шоҳидлик беради. Дебочаларда муболағали тарзда баён қилинса-да, уларнинг замида реал ҳақиқат мавжуддир. Бу ўринда Ҳусайн Бойқаронинг Ҳирот адабий муҳитининг йирик вакилларида бири эканлиги, форс-тожик тилини яхши билишига қарамай, туркий тилда гўзал газалар яратганлиги ва бошқа шоирларни ҳам она тилида ижод қилишга чақирганлиги, шунингдек, соҳибдевор эканлиги каби жиҳатларни ҳисобга олсак, юқоридаги фикрларимиз янада ойдинлашади. Навоийдек буюк шоирнинг шеърларига жузъий бўлса-да, тузатишлар киритиш, ислоҳ қилиш учун катта иқтидорга эга бўлиш ва шеърининг энг нозик томонларини чуқур билиш зарур эди. Ҳусайн Бойқарода ана шу сифатлар мавжуд эди, десак хато қилмаймиз. Зеро, Навоий газалларида ҳам Ҳусайн Бойқаронинг шеър илмида ниҳоятда нозик фаҳм киши эканлигини таъкидлайди:

Эй Навоий, хурдан назминга ислоҳ истасанг,  
Шоҳ Гозийдан жаҳонда хурдаданроқ йўқ киши.

Нозиктаб шоҳ унинг боши ўзра ўз нурларини сочиб турганлиги учун ҳам таҳрир қилган шеърлар янада нозик шаклларга тўлган:

Навоий хуррам назмингни андоқ айладинг таҳрир,  
Ки, сочқай хурда бошинг узра шоҳий хуррадон кўргач.

Умуман, Алишер Навоий девонларининг вужудга келишида, шоир шеърларининг келажак авлодлар учун сақланиб қолишида Ҳусайн Бойқаронинг хизматлари улкан бўлган. Бу жиҳатдан шоирнинг қуйидаги мисралари ҳам ёрқин далилдир:

Ҳар гавҳари тупроғида бир қатла сув янглиг  
тушгач адам ўлгай,  
Гар қилмаса ишбоҳ этибон Хусравий Гозий  
назминг сори парво.

Шунинг учун ҳам Навоий Ҳусайн Бойқародан жуда хурсанд. Ҳатто келажак авлод ҳам таҳсин ўқийди. Бу ўринда шоирнинг қуйидаги сўзлари характерлидир: «Бу жиҳатдан элга олам инқирози бўлгусидир. Султон соҳибқирон давлатига дуо қилгайлар ва шафқату банд парварлигига сано дегайлар».

Умуман, Алишер Навоий шахсиятини, ижодини ўрганишда биринчи манба ширнинг асарларидир. Хусусан, Алишер Навоий ва Ҳусайн Бойқаро муносабатларини ёритишда унинг бошқа асарлари қатори «Хазойин ул-маоний» даги шеърлари ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Зеро, шоир газалларида Ҳусайн Бойқаронинг адолатли ва халқпарвар ҳукмдор



ҳамда шуқко шеърдунос сифатидаги фазилалари кун жиҳатлари билан  
намоён бўлган.

## БЕҲУДУД МАЙДОН

Алишер Навоийдан тилимизнинг бирон-бир жиҳати «қочиб» қутулолмаган кўринади. Чунки шеър узи, асли, тил гўзаллигидан фойдаланиб, бирор фикр, мулоҳаза, ҳис-туйғу, муносабатни таъсирчан ифодалаш воситаси-да. Айнан шунинг учун ҳам аср-асрлардан буён ижод аҳли орасида: «Шеърни таржима қилиш мумкин эмас ёки қийин, ҳатто, шарт эмас», - деган мулоҳазалар юради.

Гап шу ҳақда.

Ўзбек эртаклари, ҳаммамиз билмамизки, «Бир бор экан, бир йўқ экан...» дея бошланади. Баъзи бирларида унга яна қанча сажъли «улама»лар қўшиладики, бизнинг ҳозирги айтмоқчи бўлган фикримиз учун буларни келтириб ўтириш шарт эмас. Чунки болалигида эртақ эшитмай усган одам кам топилади.

Халқнинг халқлиги шундаки, беш-олти аср илгари ҳам ота-боболаримиз эртақни худди ҳозиргидек бошлашган экан.

Шоир эмасми, Навоий бундан усталик билан фойдаланиб, бир гўзал фард битади:

*Белу огъидин, дедиларким, дегил афсонае,  
Бошладим филҳолким: «Бир бор эди, бир йўқ эди...»*

Фард - араб тилида «ягона», «ёлғиз», «битта» деган маънони англатади. «Фарид», «Фарида» исмлари ҳам ана шу маъносига кўра қўйилади.

Адабий атама сифатида у мумтоз адабиётимиздаги энг кичик жанрни билдиради. Фард - бор-йўғи бир байтдангина иборат мустақил асар.

«Байт» асли, «уй» дегани. Адабиётшунослиқда эса икки мисрадан ташкил топадиган банди шу сўз билан аташган.

Фарднинг талаби - шу ихчам шаклда бир муҳим фикр ялғари сурилиши ва у чиройли бадий ифодаланиши керак. Навоийнинг келтирилган фардида лирик қаҳрамон ёр ҳақида сўз юритяпти. Ундан маъшукнинг бели билан огзи борасида афсона айтишни сўраганида, гуё шу заҳотиёқ: «Бир бор эди, бир йўқ эди...» - деб гап бошлабди...

Шаклан шундай. Лекин моҳиятан - ёрнинг бели шу даражада ингичка, огзи шу қадар кичкинаки, у бир кўриниб, бир кўринмас экан...

«Навоий ижодида бир хусусият бор: кичик шеърларида қўлланган айрим бадий-таъсирий усул дostonларида ҳам учрайди. Келтирилган фардни безаган «санъат» «Сабъайи сайёр» дostonидаги «Аввалги иқлим йўлидан кетурган мусофирнинг фасона демаги» бобининг биринчи байтида қўлланади.

*Бору йуқ чун дуоки билди – деди,  
Дея: «Бир бор эди-ю, бир йуқ эди...»*

Бу боб ахийлик, яъни сахийликнинг энг олий намунаси ҳақида. Ҳалаб шаҳрида яшайдиган бир чинакам ахийнинг жуфти ҳалолини ҳинд шаҳодаси Фаррух, дустининг хотини эканини билмаган ҳолда, севиб қолади. Ахий ўз ёстиқдошини уша йигитга тортиқ қилади. Қиз деб уйлагани бу аёл ўша соҳиби хонадоннинг хотини эканини шаҳзода юртига қайтаётганда йўлда билиб қолади. У ҳам мардликка мардлик қайтаради: «омонат»га хиёнат қилмайди. Ҳаёт тақозоси шундай буладики, йиллар ўтиб шу яхшиликларни Фаррух ахийга қайтаради – умр йўлдошини қайта ўзига никоҳлаб беради...

Шоир сахийликни – муруват, ахийликни – футувват санайди. «Сабъайи сайёр»нинг шу бобидаги икки байтда «мурувват» ҳамда «футувват» сўзлари ўзаро қофияга олинган:

*1. Деди фикр айлабон мурувват ила,  
Тошти бу нуқтани футувват ила.*

*2. Гар анга бу қадар мурувват бор,  
Бизда ҳам шаммайи футувват бор.*

Қизиқ тасодифни қарангки, Навоийнинг шу икки сўз қофияга олиб ёзилган, аниқроғи, шу икки маънавий қадрият маъно-моҳияти тушунтирилган алоҳида фарди ҳам мавжуд:

*Мурувват борча бермақдур, емак йуқ,  
Футувват борча қилмақдур, демак йуқ.*

Табий бир савол тугилади: нима, шоир аввал дostonнинг шу бобини бйтиб, кейин унинг таъсирида юқорида келтиганимиз икки фардни ижод қилганми ёхуд «Ҳамса»дек улкан асар яратишга тайёргарлик жараёнида кунглига ўтиришган гузал байтларни фард тарзида ижод қилиб бораверган-у, кейин «Ҳамса»да ўзининг шу бадий топилдиқларидан бемалол фойдаланиб кетаверганми?

Бу саволга жавоб бериш учун аввал бир масалани ойдинлаштириб олиш керак: фардлар оддин яратилганми ёки «Сабъайи сайёр»?

Тилга олинган бу икки фард ҳам Навоий ўзи тузган биринчи девон – «Бадойиъ ул-бидоя»га киритилган. Бу туплам эса «Сабъайи сайёр»дан оддин тартиб берилган эди. Шунинг учун энди бошқа бир масалани аниқлаштириб олишга тўтри келади. Аввало, ўзи ёзган фардлар минг-минг байтни ёд билган Навоийдек шоир хотирасидан учиб кетармиди! Ундай

булса, нега бир дostonнинг айнан шу бобида бир эмас, якки фардга бадий-ифодавий жиҳатдан яқинлик пайдо булиб қолди экан?

Ижодкор қавмининг унда-бунда олдин ёзган нарсаларини мутолаа қилиб, илҳомини кучайтириш «касал»и булади. Таҳлил тахминга ундайдиди-да, бир бобда бир йўла якки фарднинг таъсирини куриб, эҳтимол, шоир шу бобга тайёргарлик жараёнида, дам олиш маъносида булса ҳам, «Бадойиъ ул-бидоя» девонини варақлагандир, деб уйлаш мумкин.

Адабиётни тилдан, ёзма сўз санъатини халқ оғзаки ижодидан айри тасаввур қилиш мумкин эмас. Навоийнинг халқ оғзаки ижодидан таъсирлангани ҳақида махсус тадқиқотлар яратилган. Бироқ бу кичкинагина бир далил шоирнинг эртақларимиздан қанчалар таъсирлангани, шу завқини ҳам фардию ҳам дostonига муҳраб утганини курсатади.

Бобокалонимиз бизга бошқа жиҳатдан ҳам сабоқ беради. Шу бир-иккигина ифодани кузатиб, ажиб хаёлга боради киши: эҳ-ҳе шеърга айлантираман, одамларда сўз завқини юқтираман деган шоир учун тилимизда ҳозир ҳам қанча-қанча лисоний гузалликлар бор-а...

Демак, ижод майдони чегара билмайди.

Адабиёт ўлмайди.

Сўз тутамайди.

Лекин... Сўз ҳақидаги шу хулосани ҳам Навоийнинг узлари биздан олдин қиёмига етқариб айтиб қуйган эканлар:

*Айтиб тутамас таронасен сен,  
Олиб қурумас хизонасен сен...*

Муминжон Сулаймонов

**«ТАЗКИРАИ ҚАЙҶОМИЙ» НАВОИЙ ҲАҚИДА**

Улуғ мутафаккир Алишер Навоий ўзбек адабиётшунослигининг ривожланишига асос солган олимларнинг пешвосидир. Хусусан, ҳазратнинг ўзбек тилида яратган тазкиралари: «Мажолисун-нафоис» ва «Насойимул-муҳаббат» жуда катта тарихий, маърифий ҳамда илмий аҳамиятга эгадир. Навоий бошлаб берган тазкирачилик анъаналари XIX асрда, ҳатто XX асрда ҳам давом этди.

Асли тазкирачилик Навоийга қадар ҳам мавжуд бўлиб, форс-тожик тилида яратилган бир неча тазкиралар маълум эди. Алишер Навоий эса ҳар иккала тазкирасини ҳам ўзбек тилида яратиш билан бу соҳада ҳам улуғ ва хайрли ишни адо этди. XIX-XX асрларда яратилган тазкираларда бевосита Навоий таъсирини ва анъаналарини кузатамиз. Йигирманчи асрнинг ўрталарида яратилган қўқонлик олим ва маърифатпарвар Пулатжон домла Қайюмий қаламига мансуб «Тазкираи Қайюмий» ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Бунга далил сифатида филология фанлари доктори, профессор Насимхон Раҳмоновнинг қуйидаги фикрларини келтиришни лозим қўрдик: «Ўзбек тилида битилган илк тазкира Навоийнинг «Мажолисун-нафоис» асаридир. Улуғ мутафаккирнинг ушбу асарини тил, ҳажм, материалларнинг бойлиги жиҳатидан давом эттирган тазкира XX асрнинг ўрталарида юзага келган эди-ю, бироқ нашр этилмагани боис кенг жамоатчиликка маълум эмасди. Мазкур тазкиранинг муаллифи таниқли маърифатпарвар Қўқон тарихи ва адабиётининг катта билимдон олими Пулатжон домла Қайюмов буладилар». (Пулатжон домла Қайюмов. «Тазкираи Қайюмий» Т. УзРФА Қўлёзмалар институти таҳририй нашриёт бўлими. 1998.-Б.5.).

Бу асар 1960 йилда ёзиб тугалланган ва биринчи жид ҳисобланади. Пулатжон домла асарнинг иккинчи жилдини ёзишни ҳам мақсад қилиб қўйгани ва материаллар йиққанлигини таъкидлайди. «Тазкираи Қайюмий» 1998 йили учта китоб ҳолида нашр қилинди ва кенг жамоатчиликка маълум бўлди. Тазкира бўйича адабиётшунос Сайёра Самардарова илмий тадқиқот олиб бориб, «Тазкираи Қайюмий»-қўлёзма манба) номли рисола ҳам чоп эттирган.

Академик Азиз Қайюмнинг таъкидлашича, Қайюмий ўз тазкирасини яратишда Садриддин Айнийнинг «Намунаи адабиёти тожик» асаридан ибрат олган. Айний асари билан танишган Қайюмий «Намунаи адабиёти ўзбек»ни яратишни орзу қилган.

«Тазкира ўзбек адабиётининг жуда катта даврини қамраб олган. Унда 324 нафар шоир ҳақида қизиқарли маълумотлар ва уларнинг асарларидан намуналар келтирилган»,-деб таъкидлайди адабиётшунос олима С.Самандарова. Олиманинг аниқлашича, тазкирада лирик турнинг 20 га

яқин жанрларидаги 10259 мисра шеър келтирилган. Шеърларнинг асосий қисмини газал ва мухаммаслар ташкил қилади. Пулатжон домла Қайюмов бу тазкирасини яратишда жуда кўп манбалардан: қадимги китоблардан, қўлёзма баёзлардан, шунингдек, кейинги нашрлардан фойдаланган.

Тазкиранинг диққатта сазовор томонларидан бири шундаки, асар энг қадимги даврлардан бошлаб XX асрнинг 60-йилларида ҳаёт бўлган шoirлар тўғрисидаги маълумотларга эга бўлгани ҳолда, улут ўзбек шоири Алишер Навоий ҳақидаги фикрлар билан бошланади. Бу уринда Пулатжон домла Қайюмовнинг ҳазрат Навоийга бўлган юксак ҳурмат-эҳтирмини сезамиз. Тазкирада Алишер Навоий ҳақидаги маълумотлар қисқа булса ҳам муҳим аҳамиятта эга. Шу уринда бир фикрга тўхталиб ўтиш зарур. Тарихдан маълумки, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг бобоси Хуросон ҳукмдори Абу Саид мирзо даврида Алишер Навоий Самарқандда бўлган ва таҳсил олган. Бобур буни ихрож-сурғун деб атайдн, аммо сабабини билмаслигини таъкидлаб ўтади. Бошқа манбаларда эса Ҳусайн Бойқарога ҳаммактаб, ҳаммаслак бўлганлиги сабабдан Навоийни Самарқандга сурғун қилинган деган фикрлар мавжуд. Пулатжон домла Қайюмов бу воқеани бошқа сабаблар билан боғлашга ҳаракат қилган. «Алишер 1464нчи йилда (Ҳиротга- М.С.)қайтиб келди». Бунда турганда бадахшонлилар билан душлашиб юрар эди. Сўнгра бадахшонлилар Абу Саид мирзога қарши исён чиқаздилар. Гумов билан буни Алишердан кўрдилар. 1466нчи йилда Алишерни Самарқанд шаҳрига сурғун қилинди. («Тазкирани Қайюмий» 10-бет.) Афсуски, устоз Қайюмий бу далилнинг манбаасини қайд этмаган. Тазкирада Алишер Навоийнинг тўртта газали келтирилган. Уларнинг матлаи қуйидагичадир:

Эй сабо, ҳолим мани сарви хиромонимга айт,  
Йигларимни шиддатин гулбарги хандонимга айт.

Уртанур эл фурқатингдин навҳа бунёд айласам,  
Қузгалур олам укурмак бирла фарёд айласам.

Қон ютуб умре жаҳон аҳлида бир ёр истадим,  
Лекин ул камроқ топилди они бисёр истадим.

Тушимда олди ҳушимни карашма бирла биров,  
Тун уйқуда мани ялгуз топиб эмди иков.

Хулоса қилиб айтганда, яқин замондошимиз булган Пулатжон домла Қайюмовнинг «Тазкирани Қайюмий» асари Ҳазрат Навоий анъанасини муваффақият билан давом эттирганлиги ва буюк шоирга катта ҳурмат-эҳтироми билан ҳам жуда қадрлидир.

Зиёда Машарипова

НАВОИЙДАН ФАЙЗ ТОПИБ

Халқ тафаккурининг бемисл маҳсули сифатида яратилган фольклор асарлари жаҳоннинг буюк санъаткорлари учун илҳом чашмаси бўлиб келганлиги аён. Халқ ижоди намуналари, айниқса, Алишер Навоий қаламида янада сайқал топиб, такомиллашиб, янгича оҳанглар касб этди.

Туркий халқлар билан бир қаторда юнон, араб, ҳинд ва бошқа элатлар оғзаки сўз санъати асарларидан файз ва завқ олган шоир уларни ўз ижодида улут мақсадлар йўлида истифода қилган.

Фольклордан баҳраманда бўлган адиб айни пайтда ўзи ҳам халқ ижодига баракали таъсир кўрсатиб, унда учмас из қолдирди. Даҳо санъаткорнинг босиб ўтган ҳаёт йўли кейинчалик у ҳақда турли-туман афсона ва ривоятларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлди. Навоий асарларидан илҳомланган халқ унинг дostonлари асосида «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун»нинг эртак, афсона, қисса ва халқ дostonи вариантларини яратди. Бугина эмас, балки айрим халқ дostonларининг сюжет қурилишида, рамзий-мажозий тимсоллар талқинида ҳам Навоий даҳосининг баракали таъсири сезилади. Буни биргина Раҳматулла Юсуф ўғли ижодидаги «Гўрўгли» туркуми дostonлари мисолида ҳам кўратиш мумкин.

Инсон зоти, унинг ҳаётдаги бурч ва аъмоллари, камолот касб этиш йўллари ҳақидаги умумбашарий муаммолар ҳамиша тафаккур эгаларининг диққат марказида бўлиб келган. Адабиётнинг ҳар икки (оғзаки ва ёзма) турида ҳам одамийлик мезони, энг аввало, унинг юксак ахлоқий сифатлари билан ўлчанган.

Таъбир жоиз бўлса шуни айтиш мумкинки, бадий адабиётда инсон ахлоқий сифатлари орасида ишқ-муҳаббат масаласи ҳамиша асосий уринни эгаллаб келган. Натижада Шарқ халқлари адабиётида бутун бир ишқ концепцияси шаклланганки, иждокорларнинг инсонийлик ҳақидаги гоялари айнан ана шу тушунча воситасида бадий мужассамлаштирилган.

Навоий ижодининг асосини ташкил этган ишқ фалсафаси «Фарҳод ва Ширин» дostonига келиб янада авж пардаларда тараннум этилганини кўраимиз. Бир умр қақнус янглиг ишқ дея нола чеккан шоир гўё Фарҳод тимсолида ўз қалбининг андуҳли ўртанишларини, шахсий ишқ асрорларини ёниқ бир эҳтирос билан кўйлаганга ўхшайди.

Дostonдан маълумки, Фарҳод илоҳий ишқ дардига мубтало бўлган ошиқ. У ўз мақсади йўлида жуда мураккаб ва ҳалокатли саргузаштларни бошдан кечиради. Денгиз тўфони ва қароқчилар ҳамласини дафъ этиб, дев ва аждарни ўлдиради Искандар тилсимини очиб, Жамшид Жоми ва Сулаймон узугини қулга киритади. Чексиз романтик лавҳаларда тасвирланган Юнонистон сафари билан боғлиқ мана шу воқеалар ривожиди донишманд зоғлар – Суҳайло, Суқроғ ва Ҳазрати Хизрлар

муҳим урин тутади. Ҳақим ва файласуфлар мушкулларни ечиб, муъжизалар кўрсатадилар, ўғит ва насиҳатлари билан қаҳрамонни саодат манзили сари етаклайдилар.

Ҳазрати Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин»идан беҳад мутаассир бўлган қиссахов шоир Раҳматулла Юсуф ўғли «Юнус ва Мисқол» достонида ҳикмат ва дониш эгалари – Сари бобо, Қора бобо ва Ҳазрати Хизр образларини яратганки, улар кўп жиҳатдан Суҳайло, Суқрот ва Хизр тимсолларини эслатади, янада аниқроқ қилиб айтганда халқ ижодкори Алишер Навоий изидан борганлиги кўзга ташланади. Бу тасодифий ҳодиса эмас. Холбуки, кейинги давр шоир ва ёзувчилари учун Алишер Навоий асарлари ижодий мактаб вазифасини утаган. Шундай экан, араб ва форс тилларини яқши билган, Ҳофиз, Бедил, Алишер Навоий асарларининг ихлосманди бўлган Раҳматулла Юсуф ўғли ижоди учун ҳам бу анъана табиий бир ҳодиса эди.

Гуруғли тушида париларни кўриб сирли бир муҳаббат риштаси билан боғланади. Бироқ парилар яшайдиган руҳий файз оламининг қаерда эканини ҳеч ким билмайди. Баҳодир яратганга таваккал қилиб, ёрдан бирор нишона излаб, сафарга отланади. Мана шундай мушкул бир вазиятда дoston воқеаларига авлиё-ҳақимлар аралашади. Халқ достонларида (айниқса, Пулкан шоир ва Раҳматулла Юсуф ижодида) Гуруғлининг ишқи маълум даражада илоҳийлаштирилган. Бу унинг чилтонлар (ҳомий руҳлар) қўлидан «шароби антаҳур»ни ичиб тенгсиз куч-қудратга эга бўлган назаркарда киши эканлиги билан изоҳланади. У кўпинча руҳий мададкорларнинг ишорати билан мақсадга йўл топади. Шу нуқтани назардан қараганда Гуруғлининг горда маскан тутган Сари бобо билан учрашуви кўп жиҳатдан Фарҳоднинг Суҳайло ҳақим билан учрашуви лавҳасига ўхшаб кетади. Достонда Сари бобо Холдор маҳрам тилидан шундай тасвирланади:

Кўп яшаган Хизр билан баробар  
Мақсадинг учидан кўрсатар асар,  
Авлиё, ҳақим, бахшидир магар,  
Сўрасанг ул берар ёрдан нишона.

Минг маънога тегшлидир ҳар сузи,  
Кулли махлуқотни текширар кузи.  
Бир орада Худо деб ётибди узи,  
Сўрасанг ул берар ёрдан нишона<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Гуруғлининг туғилиши. 1 жилда. Тошкент. Ёзувчи, 1996. 132-бет



«Фарҳод ва Ширин» достонида ҳам ювонликлар ҳоқонга Суҳайло ҳаким яшаётган макондан хабар бериб, мушкулотлар тугуни фақат унинг ҳикмати билан ечилишини айтишган эди:

Бу сўзким шаҳ сурар андин нишона,  
Бу мулк ичра ҳакимидур ягона.

Ўтуб беш юздий айёми ҳаёти,  
Суҳайло ҳаким эл ичра оти.

Эрур Ювонда Суқроти замон ул,  
Тутуб Суқротдек ғори ниҳон ул.

Бу мушкул нукта ҳолия ул қилур, ул,  
Анинг сори буюрсанг бошлалай йул.<sup>2</sup>

Донишмандлар тавсифидаги ҳамоҳанглик уларни бир-бирига янада яқинлаштирган. Ҳар иккала дostonда ҳам ҳикмат эгалари моддий олам можароларидан йироқда, узлатга чекиниб горларда маскан тутган. Лекин ҳар икки олам асрорлари уларга аён. Суҳайло Жомосп ҳакимнинг минг йил олдин Фарҳоднинг қисмати ҳақида ёзиб қолдирган башоратини маълум қилади. Йулда учрайдиган балоларни (аждар, дев) дафъ этиш ҳикматларини ургатади. Қаҳрамон тақдири ҳақида бундан ортиқчасини сўзлашга, сирлар пардасини бундан ортиқ очишга руҳсат йўқлигини айтиб, Фарҳодни илмда якто Суқрот ҳузурига йўллайди ва жонини ҳаққа топширади.

Халқ дostonида эса Сари бобо ҳикмат сувига боқиб, Гурутганинг мушкул дардга йулиққанини маълум қилади ва бу дарднинг давосини «элнинг қутби замони» Қора бобо ҳузуридан топиши мумкинлигини айтади. Маълум бўляптики, ҳар икки дostonда ҳам донишманд зотлар зиммасига юклатилган вазифа бир хил: улуг мақсад сари интилаётган талабгорларга ҳақ йўлни кўрсатиш. Чунки «киши юлдузларга боқиб, тўғри йўлни хатолардан ажратиб олганидек, валиларга қараб мақсадига етишади. Валилар уни вуслат манзилига олиб борадилар<sup>3</sup> Яратганинг хос бандалари ҳисобланган авлиёлар тимсоли билан боғлиқ бўлган лавҳалар дoston композициясининг узвий бир булаги сифатида воқеаларнинг мантиқий изчиллик билан ривожланишига тўртки берган. Айни пайтда шоир кўзлаган асосий мақсад ва гоьларнинг янада таъсирчан ва янада ҳаётийроқ ифодаланишини ҳам таъминлаган.

«Фарҳод ва Ширин» дostonининг XVII боби Фарҳоднинг Суқрот Ҳаким ҳузурига етишиб, мақсад сари йул очилганига бағишланган. Шоҳ

<sup>2</sup> «Фарҳод ва Ширин» Алишар Навоий. Тошкент, 1936 193-194-бетлар.  
Жалолиддин Румий. «Илчингдаги илчингдадир». Тошкент, 1997 114-бет.

ва шаҳзода машаққатлар билан баланд тоғлардан, қоронгу горлардан Сукротни излайдилар ва ниҳоят Жоми Жамшид ёрдамида унинг манзилига етадилар. Шу ўринда шоир воқеалар боришини бир зумга тухтатиб, Сукрот Ҳақим таърифига утади:

Уй ичра курдилар бир пораи нур,  
Булуб эв партавидин байт маъмур,

Булуб бир бурж ичинда меҳрдек гирд,  
Ҳақими чарх анинг олинда шоғирд.

Музақкий руҳдин жисми намудор,  
Мужаррад ақлдин шахси падидор.

Этакни тоғдек тортиб жаҳондин,  
Нечукким тоғ тебранмай макондин<sup>4</sup>.

Сукрот тимсолида бутун сиймоси тафаккур нурларидан порлаган, ақли муалло, фази дарё, утар дунё гавголарида тоғ каби этак тортган комил инсон қиёфаси намоен бўлади. «Баъзи инсонлар ақлга шу қадар эргашдиларки, натижада бутунлай малаклашдилар, нур бўдилар. Булар анбиё ва авлиёлардир», дейилади Жалолиддин Румийнинг «Ичингдаги ичингдадир» номи тасаввуфий-фалсафий асарида. Бинобарин, бутун сайратидан имон нурларини таратаётган юнон машойихига Фарҳоднинг ўтмиши ва келажаги, қайгули қисмати ва охир-оқибат эришажак саодати ҳам аён:

Бақо мулкида топқунг қаҳрамонлиқ,  
Ҳақиқат тахтида соҳибқиронлиқ.

Атонгдек юз туман ҳоқону қайсар,  
Унут бўлгай жаҳон аҳлига яқсар.

Сенинг қолгай жаҳон ичра сифотинг,  
Тариқи ишқ ичинда яхши отинг<sup>5</sup>.

Фоний дунё тахтига эгалик қилган юз минглаб ҳоқонларнинг номи унут бўлиб кетар, аммо сен ҳақиқат тахтининг соҳибқиронига айланиб, боқийлик сари юз тутасан. Таъбир жоиз бўлса айтиш мумкинки, мана шу ҳикматли башорат бутун достоннинг гоявий моҳиятини очишда муҳим аҳамият касб этган. Гап шундаки, Алишер Навоий узининг деярли барча достонларида, газалиётида илгари сурилган узак фикрни илоҳий ишқ

<sup>4</sup> Навоий «Фарҳод ва Ширин». Тошкент, 1956, 258-бет.  
<sup>5</sup> Уша асар, 266-бет.

соҳибларининг юксак мартабалари ҳақидаги суфиёна қарашларини яна бир бора юнов донишманди тили билан изҳор этган.

Буюк шоир Суқрот тимсолини яратишда юнов заминдаги дунёга танилган илму ҳикмати эгалари; юнов мифологияси ва бошқа тарихий маълумотлардан ижодий фойдаланган бўлса, халқ ижодкори узоққа бориб утирмасдан, ҳикмат эгаларини ўз заминидан танлаган. Бироқ донишмандлар тимсолини яратишда Алишер Навоий услубидан ранг олиш халқ шоирига қўл келган. Буни фақр йўлини танлаб, қоронгу горни чарогон қилиб утирган Қора бобо тимсолида ҳам куриш мумкин. «Гуруғлибек таваккал қилиб пардани кўтарди. Бу қизил парданинг нарёғида яна битта оқ парда тутиглак экан. Таваккал қилиб, у пардани кутариб, ассалому алайкум, деб қараса, сақоли тиззасидан ошиб, қоши қабоғига тушиб, шундай нур бўлиб балқиб, Қора бобо утирибди, ўз-ўзидан қоронгу горнинг тўри равшай бўлиб турибди». «Қора бобо қошини қўли билан кутариб, Гуруғлибекка қараб: - Кел ўғлим Гуруғлибек. Мен сенинг Гиротингга йўқотиб, излаб юрганнингни, тоғнинг тубида Юнус ва Мисқол париларнинг руҳини кўрганнингни, Чялтон, Гавсул-Гиёслар билан учрашганингни, Хизр билан олишганингни, зот тиламай от тилганингни, қирқ йигитлар билан бу ерга келганингни биламан... Ога Юнус парининг макони Ирам боғида Ирам боғининг қаерда эканлигидан фақат Ҳазрати Хизр нишонга бера олиши мумкин...»<sup>6</sup>

Суқроти ҳақимга Фарҳоднинг қисмати қанчалик аён бўлса «элининг қутби замони» Қора бобога ҳам Гуруғлининг ўтмиши ва келажаги шунчалик аёндыр. Бунинг сири нимада? Ҳикмат шундаки, «Оллоҳнинг нури билан назар солган зот (мўмин) ҳамма нарсани, аввал ва охири, уларда бўлган ва бўлмаганини кўра олади, Оллоҳ нуридан (ҳеч нарса) пинҳон қололмас.<sup>7</sup> Ҳадисларда айтилишича, уламолар ва авлиёлар пайгамбарлар ворисидир». «Насойимул муҳаббат»да шундай сўзларни ўқиймиз:

«...Ва ул соҳиб давлатлардин (пайгамбарлардан) сунгра бу умматнинг машойихи ва авлиёулоҳи бу иршодга иштигол кўргуздилар ва ваъда будирким, олам инқирозигачаким, миллат ва шарият сироти мустақим бўлгусидир, бу тоифаким, валоят ва каромат аҳлидурлар ва халойиқга иршод ва аҳдо қилурлар, муборак зотлариеинг баракоти бу миллат бошидан кам бўлмағай<sup>8</sup>». Дарҳақиқат, рўйи заминда пайгамбарлик нуридан-да равшанроқ нур йўқ. Машойихлар ва авлиёлар пайгамбарларнинг ворислари экан, демак, улар «олам инқирозигача» халойиқнинг йўлини ҳидоят нурлари билан мунаввар қиладилар. Бинобарин, авлиёлар талқинида ҳар иккала дostonда ҳам инкор қилиб

<sup>6</sup> Гуруғлининг тугилиши. Айтувчи Раҳматулла (Осуф) угли. Тошкент, 1990, 135-бет.

<sup>7</sup> Ичингдаги ичингдадир». Румий Тошкент. «Ёзувчи». 1997, 113-бет.

Навоий. Асарлар. 19-жилд, Тошкент, 1968 61-бет.

бўлмайдиган мана шу ҳаётий ҳақиқат устуворлик қилган. Бу ҳақиқатнинг негизи эса Қуръони Карим ва Ҳадиси Шариф гоёларидан озиқланган.

Достонлар сюжет халқасининг бир қисмини ташкил этган авлиё-ҳакимлар тимсоли ва уларнинг қахрамонга раҳнамолиги мотивининг эпик анъана доирасидан бу қадар мустаҳкам урин эгаллашининг боиси ҳам шундадир. Бу эпик анъананинг шаклланиши эса, юқорида айтилганидек, халқнинг ишонч ва эътиқоди, диний ва фалсафий қарашлари билан уйғунлашиб кетган чуқур таъзаминга эга.

Зеро бу кўҳна олам қадим-қадимдан донишманд боболар, қароматпеша авлиёлар нуридан, файз-баракотидан холи бўлмаган. Шундай экан, сўз юрятаётганимиз достонлардаги валиulloҳлар тимсоли асарнинг бадиийлигига зеб бериб, жозибадорлигини ошириш баробарида воқеаларнинг ҳаётийлигини ҳам таъминлаган.

«Фарҳод ва Ширин» достонида гайб оламининг вакили сифатида иштирок этадиган тимсолардан бири Ҳазрати Хизрдир. У Фарҳодни икки хавфдан – шери нар ва темир упчидан холос этиб, Суқрот ҳузурига йўл топишида раҳнамолик қилади. Халқ достони (Юнус ва Мисқол)да эса Хизр Гўруғлига Боги Ирамга етишиш сирларини ургатиб, йўлда учрайдиган балолар (шайтоннинг набираси – Фирқис дев)дан огоҳ этади. Қаҳрамоннинг дастлабки пирлари Сари бобо ва Қора боболар парилар Ирам боғида эканидан огоҳ. Лекин унга етишиш сирларини айтишни Ҳазрат Хизр зиммасига юклашади. Чунки илоҳий гўзаллик олами – парилар маконига етишиш синоатлари фақат тенгсиз илму ҳикмат соҳиби Хизрагина аён. Ҳар иккала достонда ҳам Хизр ҳикматда ягона донишманд, мушкулотлар қаршисида чорасиз қолган ошиқларга йўл кўрсатувчи ҳомий сифатида майдонга чиқади.

Ривоятларга кўра, Ҳазрати Хизр тубсиз зулатда бўлган обиҳаёт сувини ичиб, мангуликка эришган. Халқ тасавурида Хизр яшил либос кийиб юрадиган илоҳий сиймо бўлиб, у ҳақиқат йўлида юрганларга мададкор, қалтис онларда халоскор, ишқ йўлида саргардон кезувчиларга раҳнамо.

Хизр тимсолининг дастлаб фольклорда, кейинчалик эса ёзма адабиётда шаклланиб кенг тарқалиши ҳам аслида Қуръони карим билан боғлиқдир. Муқаддас манбаанинг Каҳф сурасида Мусо ва Хизр пайгамбар ҳақидаги қисса келтирилган бўлиб, унда Ҳазрати Хизрнинг алоҳида хусусияти — гойибдан огоҳлик неъматига муяссар бўлганлиги тугрисидаги лавҳалар илоҳий қалам билан баён этилган<sup>9</sup>

<sup>9</sup> Қуръони Карим. А.Мансур таржимаи. Тошкент 1992, 266-267-бетлар

Фольклоршунос М.Жураев эса Хизр ҳақидаги тасаввурларнинг анча олдин пайдо бўлгани ҳақида қизиқарли маълумотлар келтириб, уни зардуштийлик дини билан боғлайди<sup>10</sup>

Қайси давр ва қайси дин билан боғлиқ бўлмасин Ҳазрати Хизр бадий адабиётда, хусусан, фикр юритаётганимиз «Фарҳод ва Ширин», «Юнус ва Мисқол» дostonларида, эзгулик ва халоскорлик, илм ва ҳикмат тимсоли сифатида талқин қилинади.

Алишер Навоий ишқий синовлар ва машаққатлар гирдобиди сузаётган инсон (Фарҳод) қисмати Сухайло, Суқрот ва Хизр каби илоҳий сиймолар фаолияти билан боғлиқ ҳолда акс эттирди. Бундан чиқадиган ягона хулоса: инсон қанчалик жисмоний куч-қудратга эга бўлмасин, у коинот ва борлиқнинг барҳақ қонувлари олдида ҳамиша руҳий мададга муҳтож. Фақат яратганнинг инояти, Пирларнинг мадади билангина мақсадга восил бўлиш мумкин.

Улуғ шоир беқиёс тафаккур маҳсули бўлган «Фарҳод ва Ширин»ни яратишда халқ оғзаки ижоди анъаналаридан илҳомланган эди. Кейинги даврдаги ёзувчи ва шоирлар, бахши ва қиссахонлар эса Навоий даҳосидан файз топди.

---

<sup>10</sup> М.Жураев, *Ўзбек халқ эртакларида сеҳрли рақачлар*. Тошкент, 1991, 123-124-бетлар.

## ГАЗАЛ ҲИКМАТИ

Алишер Навоий "Бадойиъ ул-бидоя" девони дебوحасида: "Девон топилгайким, анда маърифатомиз бир газал топилмагай ва бир газал бўлгайким анда мавъизатавгиз бир байт бўлмагай, мундоқ девон битилса, худ асру беҳуда заҳмат ва зойиъ машаққат тортилгон бўлгай...", деб ёзган эди.

Ҳақиқатан, шоирнинг ҳар бир газалида ирфоний маъно-мазмун у ёки бу шаклда (очиқ ёки рамзлар остига яширинган тарзда) ифодаланган ва албатта, шоир девонларининг ҳар бирида шундай туркум газаллар борки, улар бошдан-охир орифона мазмун билан йўғрилган. Навоийнинг ўзи бир қитъасида Хусрав Деҳлавийнинг орифона газалларидан руҳланганини эътироф этади. Орифона газаллар шоир девонларидан салмоқли ўрин эгаллаган. Бу туркум газалларнинг бир қисми ҳаёт фалсафаси билан боғланиб, фалсафий, ижтимоий-сиёсий ва насихатомуз фикрларга асосланса, иккинчиси ўзида сўфиёна маъно мазмунни мужассамлаштиргандир. Тасаввуф фалсафаси билан йўғрилган орифона газалларда ҳаёт фалсафаси ифода этилган мазмунни англаш мумкин бўлгани каби ҳикматомуз газалларда сўфийлик масалаларига оид байтларни учратиш мумкин.

Орифона газаллар ҳазрат Навоийнинг энг юксак мақомда туриб айтган фикр-ўйлари – Оллоҳ, олам ва одам муносабатлари, уларнинг ягоналиги, инсон руҳининг ўлмаслиги – абадий япашши ҳақидаги ирфоний билимлар билан тўйинтирилган. Уларда ҳаққа етишиш йўллари, бу мақсад йўлидаги қийинчиликларни енгиш усуллари акс эттирилган. Орифона газалларда илгари сурилган масалалар кўлами жуда кенг. Жумладан, дунёнинг моҳиятини, яъни унинг уткинчилигини, беқийматлигини англаш, унга берилиб, алданиб қолмаслик; нафсни енгиш, нафс итини ўлдириш шижоати; фақирлик йўлига кириш ва уни афзал билиш каби яна кўплаб масалалардан шоир бутун борлигини нафсоний иллатлардан тозалаб бораётган комил инсонни тасвирлашда кенг фойдаланади.

Инсон ким? У нима учун туғилади? Япашдан мақсад нима? Дунёнинг, умрнинг моҳияти қаерда?.. Буларнинг барчасини сўфиёна идрок этган шоир орифона газалларида муайян хулосаларга келади ва уларни бадий, сўфиёна тимсоллар ва хилма-хил тасвир воситалари ёрдамида ифодалайди.

Орифона тасаввуфга мансуб газаллар ўз мавзуси, услуби, тимсоллари ва бадий санъатлари билан ажралиб туради. Фано, ўзлик, нафс, бақо, ориф ва бошқа шу каби тимсол ва тушунчалар бу туркум

газалларда муҳим урин эгаллаш билан бирга, ана шундай газалларни тушунишда муҳим "очқич" бўлиб хизмат қилади. Фикримизни "Бадойиъ ул-бидоя" девонидаги 298-газал мисолида далиллаймиз<sup>1</sup>

Дема, не суд эрур улмоқ фано ҳаримига хос,  
Яна не суд керак ўзлукунгдин этса ҳалос.

Чиндан, «Фано йўлига киришдан мақсад (фойда) нима – деб сураш шартми, қачонки у инсонни ўзлигидан ҳалос бўлишига имкон берса!» Фано йўлига кирган инсон ўзлигидан ҳалос бўлмоғи лозим. Нега? Чунки мана шу ўзлик юки одамни нафс билан, унинг иллатлари билан, дунё билан, унинг қувончу ташвишлари билан чамбарчас боғлаб ташлайди. Буни шоир бошқа бир уринда шундай ифодалаган эди:

Талаб йўлинда аввал фоний ўлғил  
Ки, йўқ бу йўлда ўзлукдин огир банд.

Мақсадга – ёр (ҳақ) висолига етишишнинг асосий шарти фонийликка эришиш бўлса, унга ўзликдан ҳалос бўлиш орқалигина етиш мумкин. Тасаввуф йўлига кирган солиқ шариаат босқичида ўзлигини англаш билан боғлиқ масалаларга қизиқади ва уларнинг барчасига ўшу босқич даражасида жавоб топади. ("Банд" сузи занжир, иш, арқон маъноларига эга. Бу байтда у кучма – мажозий маънода келмоқда, яъни вужуд руҳ учун бандир. Ушбу иборадаги мажозийлик маънони бурттириб ифодалашга хизмат қилмоқда.) Тариқат босқичи мақомларида эса у ана шу англавган ўзликдан кечиш жараёнини бошидан ўтказади. Тариқатнинг сўнгги мақоми (талаб, ишқ, маърифат, истигно, ҳайрат, тавҳид мақомларидан кейин) "фано" ҳақиқатга – "бақо"га эришишдаги бош мақсад булгани учун ҳам, кўпинча, тариқат йўли "фано" номи билан ҳам аталади.

Шоир байтда "фано ҳарими" тушунчаси орқали тариқат йўлини ифодалаган. Байтда такрир санъати (не суд // не суд), иншо санъатининг амр ва наҳий усули (Дема ..... ) қўлланилмоқдаки, булар орқали шоир ўз фикрини ўзгага мурожаат тарзида ифодалаб, масаланинг муҳимлигига эътиборни қаратади.

Ўзликдан кечиш – огир, мураккаб жараён, машаққатли меҳнат. Буни шоир газалнинг иккинчи байтида шундай изоҳлайди:

Авомдин, демаким, ўзни қутқаргай, эр эрсанг,  
Ўзунгдин ўзни қутулмоқда жаҳд қилгил хос.

<sup>1</sup> Ушбу газал И. Ҳаққуловнинг "Тасаввуф ва шеърят" китобида қисқача шарҳланган.

"Агар мард бўлсанг, авомдан, яъни тариқатдан беҳабар одамлардан ўзингни кутқаришга интилма, балки, аввало, ўзингдан ўзингни кутқаришга астойдил ҳаракат қил" Инсон одамлардан қочиб, дейлик, узлатда – ёлғизликда яшай олиши мумкин. Бироқ унинг узидан (уз нафсидан) қутулиб – воз кечиб яшаши осон иш эмас. Бу ўринда инсонни дунё билан боғлаб турадиган нафс – дунёга, ўзига, дунёвий нарсаларга муҳаббат, дунёвий ташвишу қувончлар, хуллас, комилликка етиш йулидаги тусиқлар "ўзлик" мафҳуми воситасида тушунтирлар экан, мақсадга етиш учун инсон ана шу ўзлик юкидан ўзини халос этмоғи шарт, дейилади.

Кунгил бундай ташвишлардан фориг бўлмаса, унинг қай аҳволга тушиши кейинги байтларда янада ойдинлашади:

Кунгул алил эса, фориг эмас хавотирдин,  
Жароҳат узра йигилмоқдуруп чибинга хос.

Албатта, кунгида нуқсонлар (иллатлар) кўп булса, у ташвиш ва таҳликада яшайди, қийналади, жароҳат устига пашшанинг тудаланиши табиий. Иллатлардан қутула олмаган кунгилни жароҳат-ярага, ундай кунгилга тушган хавотирни пашшага қиёслаш (ташбеҳ санъати) билан бирга бу фикрларни ойдинроқ ифодалаш учун шоир ҳаётий мисолни (таъсил санъати) қўлайди. Дунё, дунёвийлик, ундаги нуқсону хавотирлар, иллатларга пашшанинг муносиб ташбеҳлиги бир ҳадисни ёдга солади: "Агар дунё Худо қошинда бир пашшанинг қанотин баробарида қадри бўлса эди, ҳеч бир кофирга бир ичим сув бермас эрди"<sup>2</sup>

Ҳақ васлига муяссар бўлишдек олий мақсад билан яшаётган суфий учун дунёга, унинг қувончу ташвишларига, моддийлигига берилиш, боғланиш пашшадек мавжудотта тенглашиш билан баробар. Оллоҳ бундай дунёни барчага – инсонга ҳам, бошқа жониворларга ҳам, ҳатто кофирга ҳам раво кураверади. Аниқроғи, ушбу ҳадисни келтиришдан мақсад, ориф нигоҳидаги "алил" дунёни изоҳлашдир. Ана шу иллатлардан қутулиб, софланиш йулини шоир кейинги байтда тушунтирар экан, газалнинг тадриж санъати асосига қурилганлиги аёнлашади:

Ажаб эмастур агар топти гавҳари мақсуд,  
Бировки бўлди фано ашқи баҳрида гаввос.

Кимки, кўз ёш тўкиб ҳосил этгани – фано денгизига шўнгиб, у ердан мақсад гавҳарини олиб чиқса, ажаб эмас, деган мазмун англашилган байтни ва умуман фанонинг моҳиятини англаш учун

<sup>2</sup> Сайид Маҳмуд Ғарозий Олтинхонтур. Риёзус-солиҳин. Т., 1991 й. 300-бет.



тасаввуфшунос олим Е.Э.Бертельснинг фано ҳақидаги фикрларини келтириш лозим: "Шуни таъкидлаш керакки, кўпчилик тасаввуф назариётчилари учун фано сўнги нуқта эмас, фано ортидан – бу тасаввуфнинг будда динидаги нирванадан яна бир муҳим фарқи – унинг маънавий оқибати бўлиши бақо келади: узининг муваққат, уткинчи "мен"и барбод бўлганини сезиб, инсон мутлақ руҳ денгизига шўнғийди, бу билан илоҳий моҳият каби боқий яшайжагини узил-кесил ҳис этади. Бу боқийликни англаб етиш ҳолатидир, аёнки, у толиб эришиши мумкин бўлган энг олий ҳолатдир"<sup>3</sup>.

Байтда қўлланилган мақсад гавҳари-"гавҳари мақсуд" тушунчаси фанодан кейин келадиган бақо мақомининг бадий ифодасидир. Фано (тариқат) мақомида чеккан изтироблар, машаққатлар яъни кўз ёш тўкиб ҳосил этгани – фано денгизда гаввослик қилгани эвазига у "боқийликка" эришмоқда. Буни шоир гавҳар, гаввос, баҳр каби сўз – образлар таносубида (таносуб санъати) тушунтиради. Шуниси эътиборлики, Навоийнинг бирор шеъри ёки байтида ўртага ташланган муаммонинг шарҳи ёки изоҳи бошқа бир газалида ҳам ифода этилган бўлиши мумкин, масалан:

Фано баҳрига чўммоқдин гар толибқа васл ўлди  
Ки, гаввос ўмакига гарқ ўлуб гавҳар эрур боис.

Шундай қилиб, "фано баҳри" – ориф инсон эришган маърифат ва ҳақиқат олами; гаввос – орифликка талабгор солиқ; гавҳар – Ҳақ ҳузур, бузилмайдиган, ўзгармайдиган ва абадий маънавий – руҳий ҳаловат манбаи бўлган мақом. Шоир бунда қадимий ҳунарлардан бири – денгизга шўнғиб, гавҳар олиб чиқиш касбига ишора этган (бу ташбеҳ бошқа шоирларда ҳам бор): гавҳар денгизда чиганоқ (садаф) ичида ҳосил бўлади ва гаввослар сувга шўнғиб, уни топиб олиб чиқадилар. Бу жуда ҳавфли ва машаққатли касб, жасорат ва кўп йиллик машқни талаб қилади. Шу боис ҳам тариқат солиқи гаввосга ўхшатишган. Гавҳар эса олий қиймат, бузилмайдиган, доим бир хил жилоланиб турадиган бойлик, яъни парвардигор жамоли, илму ҳикмат тимсоли.

Солиқ "фано баҳри"га шўнғимасдан бу бойликка эга бўлолмайди. Ана шу дунёвий ташбеҳ ва тасвир билан Навоий ҳазратлари илоҳий маърифатга эришиш йўлларини тушунтирган.

Кейинги байт:

Овуч қоқармен ўз аҳволима таҳайюрдин,  
Рамида кўнглум эрур бу усул ила раққос.

<sup>3</sup> Е.Э.Бертельс Суфизм и суфийская литература М., Наука, 1965 й. стр.-38.

Байтнинг насрий баёни: Уз аҳволимдан ҳайратланиб қарсак чаламан (ёки: қулларимни силкитаман), ҳуркак кунглам шу усулда рақсга тушади.

"Маърифатнинг ҳақиқати ҳайратдир", деган эди шайх Зуннуи Мисрий. Аввалги байтдаги фикрларни узвий давом эттирган ушбу байтда мақсад гавҳарини қўлга киритган солиқ аҳволи ифодаланганини англасак, ажаб эмас. Борлиқни янгича ядрок этаётган солиқ-шоир мақомдан-мақомга утган сари латифлашиб бораётган (ҳуркак) кўнглини тасвирлаш билан ўзида кечаётган кечинмаларни ифодалашга муяссар бўлади. Шуни айтиш керакки, бундан олдинги байтларда фикр баёни, яъни шоирнинг фано ҳақидаги орифона қарашларини баён этиши устувлик қилган бўлса, мазкур байтда шоир энди "ҳолатга кириб", уз фикрини ҳиссий кечинмалар орқали ифодаламоқда. Бошқача айтганда, шоир лирик қаҳрамон сифатида иштирок этиб, қалб ҳароратини изҳор қилади. Натижада жонлантириш (ташхис) санъати орқали айтилаётган фикрнинг таъсирчанлиги оширилган.

Мақтаъдан аввалги байт фонийлякка эришишдаги муҳим масалага бағишланади:

Десанг, бу йўлда ўлай, нафсни бурун ўлтур  
Ки, ишқ шаръида гўё бу навъ келди қисос.

Нафсни ўлдириш – солиқ учун энг машаққатли амаллардан. Бусиз у ҳеч қачон мақсадига эриша олмайди. "Ўлдирмоқ", "қисос", яъни қасос каби тушунчалар таносубида шоир нафсни ўлдирмай туриб, бу йўлга кириш мумкин эмаслигини, ишқ йўлига кирганлар учун шундай қасос олиш шакли борлигини таъкидлайди. Бу уринда ҳам, демак, ҳаётнинг деталга мурожаат қилинган: шариатда қасос олиш шартлари бор. Ишқнинг шариатида ҳам шу ҳилдаги қасос олиш бор, дейди шоир. (Бу қасос нафсга қаратилган).

Суфий шоир Бобо Тоҳир (XI аср) тасаввуф ҳақида шундай деган эди: "Тасаввуф улмак ва тирилмақдир, яъни нафсоний ҳаётда ўлиш ва илоҳий ҳаётда тирилишдир" Бу йўлга кирган ҳар бир солиқ учун энг муҳим ва мушкул вазифа – нафсни енгиш, уни ўлдиришдир. Тасаввуфнинг назарий масалаларига бағишланган асарларда нафсни маломат қилиш, уни ўлдириш ҳақидаги фикрлар алоҳида ўрин эгаллайди. Бадий-орифона асарларда нафс – рақиб, дев, ит каби рамзий тимсоллар воситасида ифодаланади. Жумладан:

Беша шериян гар забун қилсанг шижоатдан эмас,  
Нафс итин қилсанг забун оламда йўқ сендек шужоъ.

Чангалзордаги шерни енгишинг шижоатдан эмас, балки нафс итини енга билсанг, оламда сенга тенг келадиган шижоатли ботир топилмайди,

деган шохбайтда "беша шеря", "нафс ити" каби истиоравий атамалар орқали таъсирчанлик янада ошган.

Газалнинг сунгги байти яна бир суфийена атама ҳақида мулоҳаза юритишга имкон беради:

Ризо йулида Навоий борур қаён чексанг,  
Чу ишқ боғлади буйнига риштайи ихлос.

Навоий ризо йулида қай томонга йўлласанг ҳам бораверади, чунки ишқ унинг буйнига ихлос риштасини боғлади, - деган мазмун англашилган байтда тариқатнинг сунгги мақоми - ризо билан боғлиқ мулоҳазалар ўз ифодасини топади. "Ризо қалбдан қабоҳат - кирларнинг кетиши, қазову-қадар хукмига буйсуниш, нафс розилигидан чиқиб, Ҳақ розилигига киришдир. Қазо амритга таслим булган қалбнинг сурури... Солиқда ушбу мақомда ҳеч нарсадан газаб, ҳаяжон, гина-қудрат ва хафаланиш бўлмайди"<sup>4</sup>

Фано йулига кириш нияти билан бошланган бу газал ризо йулига кирган солиқ аҳволи ифодаси билан яқун топмоқда. «Фано» ёхуд «ризо» мақомини эгаллаган солиқ фонийликдан утиб боқийликка эришади. Ҳақ вужуди билан сингиб кетади. Лоҳижий таъкидлаганларидек, ризо банданинг ўз ризосидан чиқиб, маҳбуб ризосига кириши, илоҳий қисматга заррача эътироз қилмаслик. Навоийнинг ўзи бир газалида шундай таъкидлаган эди:

Қилиб Ҳақ вужудида маҳв ўз вужудин,  
Навоий, муни билки тариқи тасаввуф.

«Тасаввуфдаги қатор мураккаб масалаларни тушунишда «фано» зарур очкичдир, деса хато бўлмайди», деган фикрнинг тўғрилигини ўрганиб чиққанимиз ушбу газал ҳам исботламоқда.

Газалнинг қурилиши ҳам узига хос. Унда дастлаб «Фанони эгаллашдан мақсад нима?» деган савол қўйилиб, кейинги байтларда бунга жавоб ва унга етишиш йўларини ўзида мужассамлаштирган мураккаб масалалар ўз ифодасини топган. Улуг мутафаккир ва мутасаввуф шоир бунда битта фикр, яъни орифликнинг бош йўли - фано (яъни фоний) бўлиш нима эканлигини турли тимсол ва ташбеҳлар воситасида тушунтирган. Фоний бўлмасдан ориф бўлиш - бақо мартабасига эришиш мумкин эмас, бунинг учун «банд»лардан қутулиш керак. Бандлар эса, «ўзлаук», дунё ташвишларига гирифтор кунгил, нафс дөмидаги вужуд. Бу

<sup>4</sup> Комилов Н. Тасаввуф. Биринчи китоб. Т. 1996г., 27-бет

<sup>5</sup> И.Ҳақдула. Тасаввуф ва шеърят. Т. Гафур Ҳўлом номидаги нашриёт-матбаа биравлшмаси. 1991й 29-б

бандларни узсанг «фано денгизига чумсанг» – истаган гавҳарингни тошасан.

Алишер Навоийнинг кўплаб орифона газаллари каби ушбу газал ҳам бир томондан, тасаввуфнинг назарий масалаларини ўрганишга кўмак берса, иккинчи томондан инсоннинг ўзини, дунёни – борлиқни англаб етиши учун қимматлидир.

Бахтиёр Файзуллаев

АЛИШЕР НАВОЙНИНГ ТАТАББУЪ ГАЗАЛЛАРИДАГИ

СУФИЙ ТИМСОЛИ

Лирик асарларда бадий гоя ташувчи муҳим восита образ ёки тимсолдир. У умумлашган лирик қаҳрамон ёки ҳаётий персонаж, ёинки аниқ шоир шахсияти тарзида намоён бўлиши мумкин. Мумтоз шеърятда бадий тимсол, асосан, шоир шахсияти орқали умумлаштирилиб чизилгани кўзга ташланади. Бу нарсани ўзбек мумтоз адабиётининг машҳур намояналари ижоди тўла тасдиқлайди.

Таниқли адабиётшунос профессор А.Ҳайитметов бу борада тўхталиб, Навоий лирик қаҳрамони ҳақида фикр юритар экан, ёзади: «...Навоийнинг кўпчилик газаллари лирик қаҳрамон номидан ёзилганини, жуда кўп ўринда шоир образи лирик қаҳрамон билан қўшилиб келишини яна бир таъкидлаб ўтиш керак бўлади». Бу фикрнинг тўғрилигини Навоийнинг оригинал газалларигина эмас, шунингдек, татаббуъ газаллари ҳам тасдиқлайди. Устоз А.Ҳайитметов Навоий лирикасидаги тимсоллар доираси кенглигини таъкидлаб, улар лирик қаҳрамон, машуқа, ошиқ, ринд, мутафаккир кабилардан иборатлигини тўғри курсатади. Дарҳақиқат, Навоий лирикасидаги бадий тимсол гоят кенг қамровли бўлиб, унинг доирасини янада кенгайтириш мумкин. Бизнингча, юқоридаги тимсоллар гуруҳига мутасаввиф ва сўфий тимсолларини ҳам киритса бўлади. Хусусан, сўфий тимсоли Навоий ижодида гоят чуқур бадий талқин этилган. Бу ҳол бадий тимсол яратилган адабий аъёнлар билан боғлиқдир.

Навоийнинг тожик тилидаги татаббуълари Шарқнинг энг буюк шоирлари асарларига боғланган. Саъдий, Ҳофиз, Хусрав Деҳлавий, Камол Хужандий, Қосим Анвор, Жомий шулар жумласидандир. Уларнинг ҳар бири мутасаввиф шоир сифатида уз даврида кенг ёйилган тасаввуфий гояларни бадий тарзда талқин этишар экан, юксак халқчил гояларни шеърларидаги ринд, мутасаввиф ва сўфий тимсолларида олга суришди. Бу ижодий жараёнда улар тасаввуфнинг моҳиятини ўзида акс эттирган сўфий тимсолига айниқса катта аҳамият бердилар. Шу сабабли тасаввуфий адабиётда ҳам, тасаввуф гоялари синдирилган шеърятда ҳам сўфий тимсоли муҳим ўрин тутди. Бу ҳол Навоий шеърятда, хусусан, унинг татаббуъларида ҳам чуқур акс этди. Навоий ижодидаги лирик қаҳрамон, ошиқ, ринд, мутафаккир кабилар ҳақида адабиётшунослиқда кўплаб фикрлар билдирилган бўлса-да, аммо шоир лирикасидаги, хусусан, унинг татаббуъ газалларидаги сўфий тимсоли ҳанузгача махсус тадқиқ этилмаган. Шу сабабли биз бу ўринда кўпроқ шу масала таҳлилига эътибор қаратишга ҳаракат қиламиз.

Авалло айтиш лозимки, сүфий узини тўла Ҳаққа бағишлаб, юксам камолотга интилган инсондир. У дунёга муҳаббат қўйишдан қутулган, қалби соф, ақли етук, ҳақиқий ошиқдир. Унинг олдида тупроқ ва олтин тенг. Зеро, у ҳамма нарсадан устунликка кутарилган зот ҳисобланади. Навоий татаббуъларидаги сүфий тимсолида шундай хусусиятлар кўзга ташланади. Бироқ, у заминсиз вужудга келган эмас. Навоий татаббуъларидаги сүфий тимсолига улут шоир салафлари газаларидаги суфиёна тимсол асос булган. Шу нарсани алоҳида қайд этиш жоизки, Навоийнинг татаббуъ газалари оддий эргашиш эмас, балки салафлари анъаналарини янгиликлар билан ривожлантириш, улар билан ижодий беллашиш тарзида эди. Шунга қарамай, Навоий ошиқона тасвирда Хусрав Дехлавийдан, риндона ифодаларда Ҳофиздан ва орифова мазмунда Жомийдан илҳомланганини махсус таъкидлаган ҳам эди. Масалага биргина тимсол нуқтаи назардан қаралганда ҳам, Амир Хусравда ҳақиқий ошиқ, Ҳофизда комил ринд ва Жомийда муҳаққиқ орифнинг етук сиймоси чизилганини кўриш мумкин. Дастлаб шуни қайд этиш лозимки, Навоий татаббуъларида бу ҳол изчил анъанага айланган. Айрим мисолларга диққат қилайлик:

«Татаббуъи Мир»дан:

Фоний, з-он кофират набвад халосй, ка-з ба ҳаҷр,  
Аз хаёли коқулаш зуннор мемонад ба дил.

(Эй Фоний, у жовон (Аллоҳ)дан асло халос булолмайсан, чунки ҳажрида ҳам зулфи хаёлидан дилингда зуннор қолади).

«Татаббуъи Хоча»дан:

Боз аз хонақаҳи зуҳду риё дуртарак,  
Гар сун дайри мугон меравй «Аллоҳ маак»

(Агар муглар дайрига Тангри билан бормоқни истасанг, зуҳд ва риё хонақоҳидан узоқроқ бўл).

Чунки:

Шайху асҳоби риё, Фонию арбоби фано,  
Хуш бувад муттақиён боҳаму риндон боҳам

(Шайх риё асҳоби, Фоний фано арбоби, парҳезкорлар билан, ринд риндлар билан булгани яхши).

«Татаббуъи Маҳдум»дан:

Кунун баҳри чи аз бутхона оям, эй зоҳид,  
Чу кардам дар сару кори буте бинй ки диндорй

(Эй зоҳид, бир бут (маҳбуб - Аллоҳ)нинг йўлида диндорликни қабул қилганимдан кейин, нима учун бутхонадан ташқари чиқайин?)

Бу мисолларда ошиқ, ринд ва ориф тимсолларининг алоҳида ва ёрқин сиймоси чизилган. Навоийнинг ихтиро ва мухтараъларида эса бу анъана ўзига хос тарзда, яъни улар бирлаштирилиб, ягона сүфий тимсоли чизилади. Қўйидаги мухтараънинг айрим байтларини олиб кўрайлик:

Чунон зи бодан васл он маҳам дигаргун сохт,  
Ки ман ба хеш надорам гумони он, ки манам.

Манам чу олами кубро, чи гам зи чурми қадаҳ,  
Ки рузи ҳашр нагунҷад ба дузах ин баданам...

Агар ба бог равам бе висолаш, эй Фоний,

Чи бандаду чи кушоюд зи сунбулу суманам.

(У ой васл майи билан мени шуңдай ўзгартириб юбордики, мен ўзимда йўқман, ўзимнинг ўзим эканям ҳам гумон бўлиб қолди. Мен улуг олам кабирман, қадаҳ (майхўрлик) гуноҳидан нима гамим бор? Чунки маҳшарда бу баданим дузахга сигмайди. Эй Фоний, агар унинг висолисиз боққа борсам, мен учун қандай гул (суман) очиладию, қайси сунбул чирмашади).

Келтирилган биринчи байтда риндона фикр берилган. Лирик қаҳрамон ринд, шу билан бирга у Ҳақиқий ошиқ ҳамдир. У васл майдан шу қадар мастки, ўзлигини ҳам унутган. Васл уни иттиҳодга киритиб, маъшуқ билан бирлаштириб юборган. Шу сабабли у васл майи таъсирида «ман ба хеш надорам гумони он, ки манам,» яъни мен ўзимда йўқман, ўзимнинг ўзим эканям ҳам гумон бўлиб қолди, дейиш даражасига бориб етган.

Иккинчи байтда ҳам риндона фикр давом этади. Дарвоқе, у майхўрлик гуноҳидан гам чекмайди. Буни у орифона фикр билан асослайди. Лирик қаҳрамон фикрича, у олами куброга айланган. Шу сабабли у қадаҳ гуноҳидан қўрқмайди. Чунки олами кубро маҳшарда дузахга сигмайди.

Олами кубро, яъни улуг олам Ҳақ вужудини ифодалайди. Барча яратилганлар унинг тажаллийсидир. Тажаллиёт орасида олами кубронинг мукамал нусхаси инсон ҳисобланади. Шу сабабли инсон олами суро, яъни кичик олам дейилади.

Машҳур сўфий ва олим Азизиддин Насафийнинг ёзишича. «Улуг оламда бор нарсалар кичик оламда мавжуддир». Чунки сўфийлар талқинича, олами кубро, яъни ҳақиқий вужуд ўз-ўзича зоҳирий ва ботиний борлиққа эга. Ботиний вужуд илоҳий нурдан иборат. Барча тажаллиёт шу нурдан дур. Дарвоқе, Қуръони каримда ҳам Ҳақнинг илоҳий нур эканлиги (Тоҳа сураси, 10-11-оятлар) таъкидланиб, барча яратилганлар шу нурдан вужудга келгани қайд этилади: «Аллоҳ осмонлар ва ернинг нуридир» («Нур» сураси, 35-оят). Демак, барча мавжудот илоҳий нурунинг зуҳури ошиқдир, зеро бу нур зуҳуротда ўз жамолини мушоҳада этади, ўзи сифатларини ва исмларини идрок этади. Худди шунинг учун ҳам «Ўз раббинини таниш (билиш) учун аввал ўзинини тани (бил)» деган ҳадис айтилган.

Байтдаги ошиқ ринд иту даражага кўтарилган. Шу сабабли у ўзини олами куброга нисбат беради. Зеро, у олами сугрога хос ўзлигига барҳам бериб, Ҳақиқий ўзлиги булган олами кубро маснадига кўтарилган. Шу сабабли у ҳеч нарсага сизмайди. Чунки унинг ўзи бутун оламни ўзида қамраган катта оламга айланган. Бу фикр мухтараънинг охири байтида асосланган. Унда лирик қаҳрамоннинг ҳақиқий ошиқона қиёфаси чизилади. Воқеан, у чин ошиқ булмаганда уружга кўтарилмас эди. У ҳақиқий ошиқлиги туфайли қаерга бормасин ва нимага боқмасин, уларда ҳақиқий маҳбуб васлини туяди.

Шундай қилиб, улут шоир газалининг ҳар бир байтида олами сугро сиймосида акс этган илоҳий нурнинг муҳим бир белгисини кўрсатиб, унинг олами куброга мансублигини асослаб беради. Натижада, бизнинг кўз унгимизда ринд, ошиқ ва ориф вужудини ўзида умумлаштирган мукамал сўфий тимсоли намоён бўлади. Навоий ўзининг бошқа бир мухтараъсида лирик қаҳрамонга мурожаат қилиб, ҳақиқий маҳбуб вужудига сингиган ориф ошиқнинг умумлашган тимсолини махсус кўрсатган ҳам эди:

Фоние, набудам андар ёру бошад чои шукр,

К-аз гаму шодй мубарро сохт ишқи у маро.

(Эй Фоний, мен ёр (Аллоҳ) вужудида фано булганман (йўқолгаиман), бунинг учун шукр, чунки унинг (Аллоҳнинг) ишқи мени гам ва шодликдан халос этди).

\*Аммо шуниси ҳам борки, Навоий яратган умумлашган сўфий сиймоси қолипдаги тимсол эмас. У ўзига хос хусусиятларга ҳам эга. Улут шоир ўзи яратган сўфий тимсолининг икки фазилатини махсус таъкидлайди. Унинг бири — сўфийдаги ҳақиқий маҳбубга, Ҳақ йулига вафодорлик, яъни вафо аҳлига мансублик булса, иккинчиси — сўфийнинг фақру фано йулини тутганлигидир. Улут шоирнинг мухтараъ ва татаббуъларида бу икки жиҳат у яратган сўфий тимсолининг асосий фазилатлари сифатида изчил таъкидланиб борилади. Масалан:

Бевафоянд аҳли даврон, Фоние, лекин чу ман,

Ҳастам аз аҳли вафо, набвад ба-эшон нисбатам

(Эй Фоний, даврон аҳли вафосиздир, лекин мен вафо аҳлидан булганим учун уларга ўхшамайман).

Фоние, роҳи фано ҳарчанд мушқил буд, шуд,

Қаъи он з-афқандани бори худй осон маро.

(Эй Фоний, фано йули қанча мушқул булса ҳам, манманлик юкини ташлаганим учун у йулни босиб ўтиш осон булди).

Навоий яратган сўфий образидаги бу икки ўзига хос фазилат бир-бирини тўлдиреди, албатта. Дарвоқе, сўфий вафо аҳлидан булганлиги учун машаққатли фано йулидан қайтмаган. Шу билан бирга, у фақрда собит бўлиб, ўзлик юкидан қутулгани учун вафо аҳли мушарраф бўладиган бақо манзилига етган. Натижада, илоҳий нур тажаллийсидан



нурнинг ўзига айланган. Бу тасаввуфда комил инсонлик даражасидир. Навоий форс-тожик тилидаги татаббуъ газалларида ўзигача яратилган тасаввуфий тимсолларга ижодий ёндошиш натижасида, ўз мухтараъларида сўфий тимсолнинг умумлашган ва ўзига хос жиҳатларга эга мукамал сиймосини яратди. Шунинг ўзиёқ Навоий татаббуълари юксак ижодкорлик маҳсули эканлигини яққол кўрсатади.

#### АДАБИЁТЛАР:

1. Ҳайитметов А. Навоий лирикаси, Тошкент: ЎзФан, 1961. 295-б.
2. Навоий, Мукамал асарлар тўплами, 20 томлик, 19-том, Тошкент, «Фан», 2002, 552-б.
3. Навоий, Мукамал асарлар тўплами, 20 томлик, 19-том, Тошкент, «Фан», 2002. 600-б.
4. Азизиддин Насафий, Зубдат ул-ҳақоийқ, Тошкент, «Камалак», 1995. 56-бет.

## ҚУТЛУГ АНЪАНА ДАВОМИ

Шарқ халқлари орасида машҳур булган Шайх Санъон севгиси ҳақидаги қиссани ёзма адабиётта илк бор олиб кирган адиб форс-тожик адабиётининг забардаст вакили Фариддин Аттор эди. Аттор тасаввуф адабиётининг нодир намунаси булган «Мантиқут-тайр» достонида Шайх Санъон ва унинг оташин муҳаббати ҳақидаги ҳикоятни назм риштасига тортган. Бу қудратли асар натижаси ўлароқ 1499 йилда Алишер Навоий ҳам «Лисонут-тайр»дек беназир назира асар яратдики, ушбу дoston таркибига киритилган ҳажман катта ҳикоят (515 байт) Шайх Санъон ва унинг утли муҳаббати ҳақида ҳикоя қилади.

XX асрнинг 12-15- йилларида озар адиби, шоир ва драматург Ҳусайн Жовид ҳам ўзини Шайх Санъонинг ҳақиқий мухлиси эканлигини кўрсатиш мақсадида ушбу мавзуга қул урди. Бу билан адиб Шарқ классиклари – Аттор, Низомий, Фузулий анъаналарини давом эттришга бел боғлади. «...Ҳусайн Жовид, шайхга, менинг онглашимча, бир ошиқ, бир мухлис эди. Шу ишқ қайнагонлиги натижасида 9 манзаралик шеър билан ёзилгон мукамал адабий, фалсафий бир асар майдонга чиққон...», деб ёзган эди Чўлпон «Туркистон» газетасининг 1923 йил, 6 июнь соннда эълон қилинган «Шайх Санъон» номли тақризида. Шу уринда Чўлпоннинг мазкур фикрига муштарак бир фактга тўхталиб ўтишни жоиз топдик: «Жовид Тифлисида, «Шайхонбозор»да бир манзил топганди. У ердан Шайх Санъон янада равшан кўринади... Жовид бу ерда, Шайх Санъонга ўрнатилган қабр (рамзий – А.Ш.) ёнида узоқ қолар, диққат билан унга боқарди. Кейинроқ англадикки, у руҳан ва фикран бу ерларга яқин бўлишга бир эҳтиёж сезаркан...», дея қайд этади Ризо Таҳмасиб ўзининг Ҳусайн Жовид ҳақидаги хотираларидан бирида<sup>1</sup>

Биз мазкур мақоламизда Алишер Навоий ва Ҳусайн Жовид асарлари ўртасидаги ўзига хосликларга, ўхшашликларга ва тафовутларга тўхталиб ўтмоқчимиз. Мумтоз адабиётимизда йирик ҳажмли асарларни арузнинг маснавий шаклида битиш кенг тус олгани, анъанага айлангани боис Навоий ҳам шу анъанага содиқ қолиб, таркибига «Шайх Санъон» ҳикояти киритилган «Лисонут-тайр» номли фалсафий достонини шу усулда яратди. Ҳусайн Жовид асари ҳам назмда, аруз вазнида бўлса-да, у XX аср бошларида Озарбайжонда драматургиянинг кенг қанот ёйиши натижаси ўлароқ драматик турнинг фожиа жанрида ёзилди.

Фариддин Аттор ва Алишер Навоийнинг «Шайх Санъон»лари уларнинг «Мантиқут-тайр» ҳамда «Лисонут-тайр» достонлари таркибига киритилган, санъаткорлар ижодий ниятини янада тўлақонли чиқишига

<sup>1</sup> «Адабиёт ва санъат», 2 март, 1963.

хизмат қилган қолипловчи ҳикоятлар бўлса, Хусайн Жовиднинг «Шайх Санъон» и мустақил асардир.

Навоий ҳам Х.Жовид ҳам Шарқ халқлари орасида Шухрат топган қиссани ўз асарлари сюжети учун асос қилиб олганлар. Драматургнинг «Шайх Санъон» фожиаси моҳият-эътибори билан Навоий достонига яқин. Ҳар икки адиб асаридаги муштарақлик асар тугуни (Шайхнинг туш кўриши ва сафарга йўл олиши), кульминацияси (Шайхнинг «тўрт такбири фано»ни бажариши) ва ечими (Шайх ва христиан қизининг Ҳаққа етишишлари)да кўзга ташланади. Лекин Хусайн Жовид анъанавий сюжет ва образларга ижодий ёндошиб, асар гоёсини очиш, ўз ижодий концепциясини илгари суриш мақсадида янги-янги бадиий тўқималарга, образларга мурожаат қилади. У ўз фалсафий ва гуманистик қарашларини асари қатига моҳирлик билан сингдириб юборади. Натижада драма кўшгина жиҳатлари билан ўзига хослик касб этиб боради.

Ўз диний-фалсафий қарашларини ифода этган Навоий асарида бош гоёни фақат илоҳга бўлган муҳаббатга қаратган. Хусайн Жовид эса ҳам ҳақиқий, ҳам мажозий ишқ, ҳам диний таассубкашликка қарши кураш, ҳам халқлар дустиги гоёларини илгари сурган бўлса-да, барибир, асари марказида бош гоё сифатида Ҳақ ишқи туради.

Шурулар даври танқидчилигида таъкидланганидек, бу драма зинҳор динга қарши ёзилган асар эмас. « асарнинг зоҳиридаги ҳодисаларига қараб баҳо бериш билан асл ҳақиқатни юзага чиқариш мумкин эмас. Севгида юксаклик муглақдир. Хусайн Жовид ҳам «Шайх Санъон»да севгининг юксаклигини кўрсатади ҳамда ундаги зиддиятни очиб беради.

« Агар Шайх Хуморга бўлган муҳаббати билан «динсизлашса,» бас, унда сўнги дамда унинг тилидан айтилган «Ё Оллоҳ» калимасини қандай тушуниш керак? Фожиани динга қарши ёзилган асар ҳисоблаб, Хусайн Жовидни эътиқодсиз дейиш тўғри эмас. Биз Шайх тилидан бир марта бўлса ҳам Оллоҳга қарши бирон калима эшитмадик. «Муҳаббатдир энг булук дин» каломи фикримизча, шуни айтишга ҳуқуқ берадики, инсон ёлғиз угли бир севги билан севсагина Оллоҳнинг бутун илоҳийлигини ичидан ҳис этади<sup>2</sup>

Ҳар икки ижодкор асарларидаги фарқ образлар тизимида ҳам кўзга ташланади. Шайх Санъон Навоийда ҳам, Хусайн Жовидда ҳам бош қаҳрамон сифатида гавдаланади. Асарлар гоёси ҳам шу бош қаҳрамон фаолиятига юкланади. Гоёни очиб бериш мақсадида муаллифлар рўй беражак воқеа-ҳодисаларни Шайх Санъон номи ва фаолияти билан боғлайдилар. Бироқ драматик тур талабларига кўра Хусайн Жовид ўз асари қаҳрамонларини салафидан фарқли улароқ конкрет номлар билан атайди. Навоийда эса асар иштирокчилари(шайхлар, муридлар,

Зумрад Ялғмур. «Инсан ахтарышында». 51-52-бетлар. Баку «Кўнаш» нашриёти. 1998.

христианлар ва б.) умумий тарзда тасвирланади. Драматург пьеса қаҳрамонларнинг икки қарама-қарши гуруҳга ажратади. Инсонга хос бутун гузаллик эгалари булган Шайх Кабир, Шайх Санъон, Шайх Садро, Шайх Ходи, Абулulloлар бир гуруҳни ташкил этишса, иккинчи қутбда Шайх Марвон, Шайх Наим, Шайх Абдуллаҳе, Шайх Жаъфар сингари мутаассиб диндорлар, ишқу ошиқликнинг, Илоҳий муҳаббатнинг ҳақиқий маъносини тушуниб етмаган таассубкашлар туради. Мана шу икки гуруҳ уртасидаги зиддият, узаро кураш ҳам маълум даражада Шайх Санъоннинг барча қийинчилик ва хурикларга бардош бериб, Илоҳий муҳаббатта эришишига, тадрижий равишда юксалиб боришига хизмат этади.

Хусайн Жовид Шайх Санъоннинг Илоҳий муҳаббатта лойиқ эканлигини кўрсатиш мақсадида асарга Заҳро образини киритади. Шайх Кабир қизи булган Заҳронинг Санъонга муҳаббати ўта кучли. Бироқ бу муҳаббат маҳв бўлади. Аниқроғи, Санъон унинг севгисини рад этади. Драматургнинг Санъон ва Заҳро муносабатларига бу таҳлят ёндашиши бежиз эмас, албатта. Санъоннинг Заҳро севгисини рад этиши драматургнинг гоъвий-баъдий ниятини амалга ошириши учун зарур эди. Акс ҳолда Шайх Санъон комилликка етиш йўлидаги ранж-машаққатлардан воз кечган ва Илоҳий муҳаббатни қозонмаган булур эди.

Тарсо қизига муносабат ҳам ҳар икки адибда турлича: Навоий тарсодухтарнинг шаклу шамоилини тасвирлар экан, ундан романтик бўёқларни, ўта муболагали тасвир воситаларини аямайди:

Не қуёшким, юз қуёш девонаси,  
Хусни шаъми даврида парвонаси...  
Суратидин мунфаил ҳуру пари,  
Талъатидин офтоби ховари...  
Ҳам занаҳдонида юз минг жон асир,  
Чоҳида юз Юсуфи Канъон асир...

Шу билан бирга Навоий асарда илгари сурилган гоъни тўла қонли ифодалаш мақсадида тарсо қизини Шайх Санъонга ўз эътиқоди, тариқатига зид амалларни бажариш (шароб ичиш, хоч осииш, Қуръонни ёндириш, зуннор боғлаш сингари «тўрт такбири фано» ва икки хил журмона ( жарима )- бир йил давомида чўчқабоқарлик, калисода гулохлик қилиш)га мажбур этувчи гузал сифатида таърифлайди. Хусайн Жовид асари сюжетида эса тарсо қиз фаолияти билан боғлиқ эпизодлар бошқача тарзда талқин этилади. Драматург достоннависдан фарқли ўлароқ гуржи қизини Хумор (Тамара) номи билан атади. Шайх Санъонга қўйилган юқоридаги тўрт шарт ва икки жарима Хумор тарафидан эмас, балки христианлар руҳонийси булган Поп томонидан қўйилади. Хусайн Жовид Хумор образига узгача бир меҳр билан ёндашади. Бу меҳр асарда Хумор иштироки билан боғлиқ барча ўринларда яққол кўзга ташланиб туради. Муаллиф Хумор образини яратишда афсонавий ва романтик тасвир бўёқларидан қочади. (биринчи пардадаги Санъон

хаёлотли билан боғлиқ эпизодни ҳисобга олмаганда, албатта) Хумор пьесада афсонавий малак қиёфасида эмас, реал ҳаётгий қаҳрамон сифатида гадаланади. Унинг ҳар бир хатти-ҳаракатида, гап сузларида, уй-хаёлларида, Шайх Санъонга булган инсоний муносабатларида чин маъшуқалик, инжа назокат, латофат ва нафосат сезилиб турадики, бундай реалистик тасвир Хуморни ҳар қандай романтик тасвирдаги хуру филмолардан устун қилиб туради.

Навоийда асосий воқеа-ҳодисалар Рум (Туркия)да содир булса, Х.Жовид Шайх Санъон фаолияти билан боғлиқ воқеаларни Гуржистонга кучиради. Навоийда Рум бутхонаси афсонавий тарзда тасвирланса, драмада бундай таъриф йўқ. Достоннавис Шайх Санъонни 97 ёшда деб кўрсатса, драматург уни урта ёшлар қилиб тасвирлайди.

Драматург асарида Навоий достонининг қолишловчи қиссаси бўлмиш «Шайх Санъон» ҳикоятини қайта ишлаб, сахна усулида жонлантирибгина қолмай, «Лисонут-тайр»даги бош ғойни ҳам маълум даражада янгила талқинда ифодалашга интилади. Навоий достондаги Олоҳга етишмоқ, бу йўлда ўзликдан, ўз «мен»идан воз кечиш, ҳар қандай ранж-машаққатлардан тап тортмаслик, шаҳиди ишқ бўлиш ғояси Х.Жовид драмасыда ўзгача бир шаклда ифода этилади. Навоийда Ҳаққа етиш йўлида чекилган риёзатлар мажозий образ (қушлар)лар орқали кўрсатилса, драматург буни Шайх Ходи бошчилигидаги шайхлар фожаси орқали акс эттиради. Навоийнинг мажозий образларидан баъзилари (Товус, Ўрдак ва б.) машаққатлардан чўчиб Симургни излаб сафарга чиқишдан бош тортсалар, Х.Жовид пьесасыдаги Шайх Жаъфар ва Абдуллаҳе сингарилар ислом динини тарғиб қилиш учун уюштирилган ва охири-оқибат фожиа билан якун топган сафардан бош тортадилар.

Навоий асари сунгида Шайх Санъон садоқатли шоғирдининг саъй-ҳаракатлари туфайли яна аввалги мавқеига қайтади. Тарсо қиз тушида кўргани Исо пайгамбарнинг даъвати билан ислом динига кириш, шайхдан узр сўраш ва унинг жуфти ҳалоли бўлиш мақсадида Каъба сари йўл олган Санъон ортидан йўлга тушади. «Ниҳоясиз дала-даштда хасталик ва ожизликка юзланиб», тамоман ҳушидан кетади. Бу ҳодисот Санъонга аён бўлиб, у ортага қайтади ва ҳушиз ётган санамни бағрига олади. Тарсодухтор барча ситамлари-ю беадабляклари учун узр сўрайди, иймонини келтиришини ўтинади ва шайх унга иймон арз қилгач, жон таслим этади. Каъбага қайтган Шайх Санъон тангрига ёлвориб, ўтмишдаги барча ишларини мағфират қилишини сураб илтижо қилади. Шайхнинг тавбаси қабул бўлиб, қазо уни ўз ёрига қўшади.

Ҳусайн Жовид драмасынинг ниятиҳоси эса бошқача шаклда Санъонни аввалги рутбасига қайтариш учун қилинган барча уринишлар зое кетади. Шайх Санъон энг яқин шоғирдларига нисбатан ҳам кескин муносабатда бўлади. Христианлар етакчиси Поп томонидан ваъдага вафосизлик қилинган, Шайх Санъон тавҳолик истаб, Кур дареси

ёқасидаги қоя томон йўл олади. Қалбида ишқ тутёни жўш урган Хумор таънаю тазйиқларга қарамай Санъон томон талпинади ва таъқибчилардан қутулиш мақсадида ҳатто ўлимга ҳам рози бўлади:

Хумор: (атрөфга боқар экан безовталиқ билан)

Қочайлик, бизни таъқиб этмоқдалар,  
Бизникилар келибон етмоқдалар.

Санъон:

Боқ, Хумор, ҳар томон ўшқондир, ўшқон...

Хумор:

Истасанг, сен билан бўлурман қурбон<sup>3</sup>.

Поп

бошчилигидаги таъқибчилар қўлига тушмаслик, бир-бирларидан айрилмаслик учун Санъон ва Хумор балан қоядан узларини Кур дарёсига ташлайдилар.

Навойидаги сингари дастлаб тарсо қиз (Хумор), куп ўтмай эса Санъон фоний дунёни тарк этиб, бир-бирларига қовушадилар. Санъон қисматидан бохабар Дарвиш ошиқ ва машуқа фожиасидан сал аввал шайхга:

... Фазли Ҳақ зуҳр этади камолингда,

Порлагай Ҳақ нурлари жамолингда.

Сенда бир аҳли ҳол аломати бор,

Сенда энди Худо қиёфати бор,

Деганида мутлақо ҳақ эди.

Драматург Санъон ва Хуморнинг ишқи Илоҳийга етишганликларини худди биринчи пардадаги сингари романтик тасвир услубидан фойдаланган ҳолда курсатади:

«... Шу пайт саҳнининг шуъласи сўнади, орқадаги иккинчи парда очилади. Хумор билан Санъоннинг қўл ушлашиб булутлар ичида учиб юрганлари намоён бўлади...»

Пьеса композицияси ҳам муқаммал ишланган. Ҳар бир парда, қуриниш, лавҳалар, образлар ва бадий воситалар драматургнинг гоъвий-бадий ниятига хизмат қилади. Муаллиф асар гоъсини изчил амалга ошириш мақсадида воқеаларни вақти-вақти билан гоҳ Мадинада, гоҳ Гуржистонда содир этади. Драматургнинг мақсади ва гоъвий нуқтаи назари аниқ бўлгани боис ҳам асар композицияси муқаммаллик касб этган.

Демак, мазкур асар ҳамма даврларда инсонни уз олий мақсадлари, эзгу интилишлари йулида сабот ва матонат билан қадам ташлашга даъват

---

<sup>3</sup> Хусайн Жовиднинг «Шайх Санъон» фожиасини ilk бор 1923 йилда шоир, драматург, таржимон ва театр ташкилотчиси Хуршид Шараф (Шамсиддин Шарафиддинов) ўзбек тилига асгарган. Ушбу таржима хозирда театрушунос Бахриддин Насриддиновнинг шайхсий кутубхонасида сақланмоқда. Айрим сабабларга қара Хуршид таржимаси билан танишишга мушарраф бўла олмадик. Биз фойдаланган парчалар эса шоир ва таржимон Усмон Кучқорнинг Хусайн Жовид «Шайх Санъон»ини 1998 йилда ўзбек тилига ўтрган таржимасидан олинган.

этувчи, ва охир-оқибат бу ҳаракат ўз самарасини беришига ишонттира олувчи йуриқ эканлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Ҳусайн Жовид нафақат Шарқ классиклари анъаналарини янгича кўринишда давом эттирган адиб, балки 20-йиллар ўзбек саҳна санъати такомиллига муносиб улуш қўшган драматург ҳамдир. 1919 йилларда Наманган ва Тошкентда «Шайдо», 1920 йилда Самарқандда «Шайдо»<sup>4</sup>, 1923 йилнинг биринчи ярмида Тошкентда, «Турон» ва «Колизей» театрларида «Иблис» ва « Шайх Санъон» пьесаларининг ўзбек драм гуруҳлари томонидан саҳналаштирилиши ўзбек театрчилиги тарихида муҳим воқеа бўлган эди.

---

<sup>4</sup> «Алфобанжон» журнали. Гулом Мамадди. «Жовид-умр буйи». 88-89-бетлар. 1981. 7-сон

Ҳамидбек Юсупов

"ҲАМСА"ДА ЖАМШИД ОБРАЗИ

Ҳазрат Навоийнинг кўҳна Шарқ адабиёти, фольклори, санъати ва маданиятини пухта ўзлаштирганлиги ва бу билимларини ўз асарларида моҳирона қўлаганлигини яхши биламиз. Бу буюк қалб ва ақл соҳиби ўзининг лирик ва эпик жанрлардаги ижод неъматларида ана шу шарқона маданият унсурлари – анъанавий образлардан янгича фойдаланиб, тенгсиз маҳоратини намоён этган. Шулардан бири подшоҳ Жамшид образидирки, унга мурожаат қилмаган адибнинг ўзи Шарқ мумтоз адабиёти вакиллари орасида кам учраса керак.

Мазкур образ Шарқ мифологияси, фольклори ва адабиётига "Авесто"даги Йима образининг тадрижий тақомили сифатида кириб келган ва форсийгўй шоярлар ижодида кўпроқ келтирилган. Хусусан, Фирдавсийнинг Эрон тарихини бадиий акс эттирувчи "Шоҳнома"сида унинг тўлиқ ҳикояси берилган. Узро адабий таъсирлар натижасида туркий адабиётга ҳам Жамшид образи ўтган. Хуш, мутафаккир Навоий ижодида у қанақа ўзгачалик, қандай жило билан акс этади?

Ушбу мавзуда мулоҳаза бошлар эканмиз, манба сифатида, аввало, "Тарихи мулуки Ажам"га мурожаат қиламиз<sup>1</sup> Ушбу тарихни яратишда Навоийнинг узидан олдинги тарихчилар асарларига суянганлиги табиийдир. Шу сабабдан ҳам, у Жамшид ҳақида сўз бошлар экан, "Баъзи ани Таҳмураснинг қардоши дебдурлар ва баъзи қардошининг ўгли" деб турли фикрларни келтириб ўтади. Жамшид ҳақидаги қисм охирида эса: "Табарийда анинг қатли Бюрасбқа мансубдир, аммо ўзга таворихда йўқдур" дейди. Бундан икки нарса ойдан бўляпти: биринчидан, шоир ушбу тарихни яратишда, юқорида таъкидлаганимиздай, узидан олдинги барча тарихларни мукамал урганиб, бошқалари қатори, Жамшид тўғрисидаги маълумотларни ҳам улардан тўпланган. Иккинчидан, Фирдавсийнинг "Шоҳнома"си каби форс классикларнинг асарларини, гарчи улар Эрон тарихини бадиий тарзда акс эттирган булсалар ҳам, уларга илмий-тарихий асар сифатида эмас, балки бадиий ижод маҳсули, деб қараган.

Юқоридаги иккита фактдан кўриниб турибдики, Навоий Жамшид ҳақидаги маълумотларни иккига – тарихий подшоҳнинг бадиий образи ва халқ идеалидаги бадиий тўқима подшоҳ образига ажратган. Шундан келиб чиққан ҳолда илмий тарихий асар ҳисобланган "Тарихи мулуки Ажам"да тарихий шахс бўлган Жамшид образини, бошқа асарларида эса, мифологик хусусиятларга эга бўлган тўқима Жамшид образини қайта жонлантирган.

<sup>1</sup> Фойдаланилган манбалар ва адабиётлар руйхати мақола сўнгида келтирилган



"Тарих мулуки Ажам"да Жамшиднинг фазилатлари, тахтга утириши, подшолик қилиши, охирида мағрурланиб кетиб, Заҳҳок тамонидан жазоланиши тафсилотлари келтирилган. Зикр этилишича, у Истахр шаҳрини кенгайтириб, унда "Чил минор" номли бир бино қурдиради. Иморат биттач, бутун дунёдаги султонлар, улуг кишиларни йигиб, катта бир зиёфат уюштиради. Шунда, баҳорги тун-кун тенглиги пайтида тахтга утиради ва шу кунни Наврӯз деб атайди. У бутун жаҳонга шоҳлик қилиб, ер юзида адолат ва тартиб урнатади, қонунлар жорий этади.

Албатта, "Тарихи мулуки Ажам"даги образда ҳам бир қанча бадий-мифологик хусусиятлар мужассам. Буларнинг сабаби мазкур подшоҳга алоқадор деталларнинг "Авесто" ва бошқа манбалардаги мифлардан усиб чиққанлигидадир. Қадимги Эрон мифологиясидаги илк аждодлар – маданий қаҳрамонларга нисбат берилган сифатлар қолдиқлари кейинчалик илк подшоҳлар образларига кўчганлигини Е.М.Мелетинский ҳам таъкидлаб ўтган. Жанг кийимлари ва қуроли, ҳаммом, тўқувчилик кабиларни ихтиро қилиши, Наврӯз байрами кунини белгилаши сингари хусусиятлар мифологик маданий қаҳрамон сифатларига тўлалигича мос келади.

Жамшидга нисбат берилган бир қанча сифатлар "Хамса" дostonларидаги баъзи ўринларда ҳам тилга олиб утилади. "Садди Искандарий"нинг XI бобида эса дунё тарихидаги энг машҳур подшоҳлар ҳақида қисқача тўхталиб ўтади. Унда Жамшид хусусида шундай дейилади:

Яна сурди Жамшид оламга рахш,  
Ки ҳам тахтгир эди ҳам тожбахш.  
Халойиқга кўп еткуруб ингифозъ,  
Гариб амр кўп айлади ихтироъ.

Навойий Жамшиднинг тахти, унинг шукуҳи ва адолатига кўпинча бошқа подшоҳларни қиёс қилади. Шоир султонлар ҳақида сўз юритар экан, улар тахтини Жамшиднинг юксак тахтига қиёс қилади:

Маснади Жамшид уза айлаб мақом,  
Топмай илигинг ўпарин ғайри жом.  
Ҳотами адлингга сипеҳри баланд,  
"Рости-ю русти" била нақшбанд

Чунончи, "Ҳайратул аброр"нинг Хусайн Бойқаро мадҳига бағишланган XVI бобида у шундай дейди:

Разм иши чун қолмаса майдон сори,  
Ишрат учун қуйса юз айвон сори,

Тушсау Рустам киби қилса хиром,  
Тахт уза Жамшиддек этса мақом...  
...Баъзи буллуб гулшани ахзар киби,  
Курси газак ҳар сари ахтар киби,  
Маснади узра ўзи Жамшиддек,  
Йўқки силеҳр авжида Хуршиддек...

Бундан ташқари, "Фарҳод ва Ширин"нинг X бобида Ҳусайн Бойқаро таърифини келтирар экан:

Тутуб Жамшед тахти узра ором,  
Тилаб хуршед янглиг лаълун жом

дейди. Бу билан у Бойқаронинг тахтга ўтириб, подшолик бошлашини эфсонавий шоҳга ухшатади. Шунингдек, "Сабъаи сайёр"да ҳам дўст ва маслақдоши Ҳусайн Бойқарога шундай ниятларни раво кўради:

Масканинг булса маснади Жамшид,  
Қадаҳинг булса соғари хуршид...

Айнан шу дostonнинг яна бир жойида инсоният тарихидаги бир вақтда буюк подшоҳларнинг фазилатлари мужассам эканлигини тасвирлайди:

Мисли Жамшид ё Фаридун ҳам,  
Ё Скандар, йўқ эрса Ҳорун ҳам,  
Борчадин бордурур нишон анда,  
Кўргузуб бахт комрон анда.

Шоир ўз қаҳрамонлари - Фарҳод, Баҳром, Искандар каби подшоҳларни ҳам Жамшидга қиёс қиладики, буларда биз унинг одил шоҳ тоғиси ҳақидаги қарашларини кўрамиз. Умуман, Шарқ адабиёти ва фолькларида идеал подшо сифатида Жамшидни кўрсатиш анъанаси борки, Навоий ҳам бу анъанани четлаб ўтмаган.

"Ҳайратул аброр"нинг "Ростлиг таърифида..." деб номланган XI бобида Сулаймон пайгамбарнинг мартабаси Жамшидга ўхшатилади:

Жам била Заҳҳокча жоҳи анинг,  
Ики Скандарча сипоҳи анинг.

Искандар таърифига бағишланган XIX бобда эса Искандар Жамшидга қиёс қилинади:

Зотиға Жамшедлиг ойин булуб,  
Кузгу анга жоми жаҳонбин булуб...

"Фарҳод ва Ширин"дан олинган қуйидаги мисода муаллиф Фарҳод ҳақида шундай дейди:

Чу гардун қулласига минди хуршед,  
Тамошо азмига отланди Жамшед.

"Сади Искандарий"да бош қаҳрамон тугрисида ҳам "Жамшукӯҳ", "Жамқадр" каби сифатлар билан улугланадики, бу омиллар ҳам шоирнинг Жамшидга идеал шоҳ сифатида қараганлигини кўрсатади. Искандарнинг порлоқ чехралиги ва жаҳонни фатҳ этиши ҳам Жамшидга ухшатилади:

Яна шоҳ раҳпанда хуршедек,  
Жаҳон мулки фатҳига Жамшиддек.

"Сабъан сайёр"даги иккинчи иқлим йўлидан келган мусофир ҳикоясида эса бевосита Жамшид замонида Рум шоҳи учун ясалган тахтни шоир шундай таърифлайди:

Лек ул навъ кўргузуб санъат,  
Ки чиқар булса шоҳи Жам рифъат,  
Поялар мақдамида булғай паст,  
Айлағай бир-бири юзига нишаст.

Қурамизки, Рум шоҳининг мартабасини шоир Жамшид шуқуҳи ва шавкатиға қиёс қилаётир.

Шарқдаги анъаналарға кўра, подшоҳлар маълум бир сулолага мансуб бўлмоғи лозим эди. Яъни, бирор машҳур шоҳнинг вориси ёки наслининг давомчиси булган шахсгина тахтга даъвогар була оларди. Бу ҳол бадиий адабиётда ҳам ўз ифодасини топган. Навоийнинг қаҳрамонлари ҳам баъзан ўз наслининг Жамшидга бориб тарқалишидан ифтихор туядилар. Шоир наздида Баҳром ҳам ана шу шоҳ вориси, сулоласининг давомчисидир:

Тахт узра чиқди вориси Жамшид,  
Анга ендошти гайрати хуршид.

"Сади Искандарий"да Искандарнинг иккинчи хотини – Нозмехр (Кашмир шоҳи Маллуни қизи) ўз эрига биринчи хотини – Равшонак (Эрон шоҳи Доронинг қизи)дан рашк қилар экан, "Агар у Жамшид

наследан бўлганлиги билан фахрланса, менинг ҳуснимдан қуёш ҳам  
уялади", дейди:

Анга фахр нисбатда Жамшиддин,  
Манга ор ҳусн ичра хуршиддин.

Шунингдек, "Фарҳод ва Ширин"да тош қазувчилар Меҳибонуни  
Фарҳодга мана бундай таърифлайдилар:

Ки: бу кишвардаким рашки жинондур,  
Букув исматпаноҳи ҳукмрондур.  
Ки Афридун сари борур насабда,  
Эрур Жамшеддин ортуқ ҳасабда.

Ширин ҳам шундай улутланади:

Насабда жадди аъло анга Жамшед,  
Ҳасабда сунгги мавло анга хуршед.

Ҳазрат Навоий бошқа бир мавзуда – бу дунё молига кунтил  
қўймаслик, умрнинг уткинчилиги ҳақида сўз юритганида ҳам Жамшид  
образидан самарали фойдаланилади:

Курки қаён борди Фаридуну Жам,  
Айражу Хушанг ила Заҳҳок ҳам.

"Ҳайратул-аброр"нинг қаноат ҳақида ҳикоя қилувчи XXIV бобида  
ҳам "Кишида Жамшид мулки булса ҳам, саховат булмаса фойдасиздир"  
деган фикр баён этилади:

Кимки эрур маҳзани Қорун анинг,  
Мулки Жаму тожи Фаридун анинг,  
Базл дебон ганж эшигин очмаса,  
Фойдасиз дурру гавҳар сочмаса.

"Фарҳод ва Ширин"дан уқиймиз:

Қани Таҳмурасу Жамшиду Заҳҳок,  
Ки, ҳар бир олди олам мулкени пок?

Курамизки, бу уринда даҳо шоиримиз "Бутун дунёни қулга олган  
кишилар ҳам дунёни ташлаб кетганлар" деб, бизни дунёнинг уткинчи.

фонийлигидан огоҳ этади. Шунга ухшаш фикрни биз "Сабъаи сайёр"да ҳам учратамиз:

Қани Таҳмурасу қани Жамшид,  
Бордилар борса даҳрдин навмид.

Шарқ мумтоз адабиётида Жамшиднинг узидан кўра жоми жаҳонномаси кенгроқ из қолдирган, десак муболага бўлмас. Жом ҳақида "Тарихи мулуки Ажам"да ҳеч нима дейилмаган бўлса-да, шоирнинг бошқа асарларида у кўп тилга олинади. Бу алоҳида мақола мавзуси бўлгани учун биз унга тўхталишни лозим кўрмадик.

Юқоридагилардан кўринадики, Навоий Жамшид тимсолидан гоҳ қиёс, гоҳ байт мазмунининг қабариқ, кутаринки руҳда, баъзан эса, панднома характерида бўлишини таъминлашда ранг-баранг товланишларда фойдаланган.

#### Фойдаланилган манбалар ва адабиётлар рўйхати

1. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 16-том.-Т., "Фан", 2002. 336-бет.
2. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 7,8,10,11-томлар.Т., "Фан"
3. Мелетинский Е.М. Поэтика мифа. М., 1976.
4. Мифологический словарь. Гл. ред. Е.М.Мелетинский «Советская энциклопедия», М., 1991. 736-бет.

АДОЛАТ ИБРАТИ

Даҳо санъаткор, «назм мулкининг султони» (Устода Шайхзода лутфи Ҳ.Ж) Мир Алишер Навоийнинг мангу обидаси «Хамса»сини ўқиб, руҳимда янги бир эпиклар пайдо бўлганини, ҳаётим юксакликка орзуманд бўлиб қолганини англаб етдим. Дарҳақиқат, «Хамса»да, хусусан, унинг сунгги достони «Сади Исқандарий»да васф этилган умумбашарий ғоялар, чунончи: маърифат ва адолатпарварлик, ватан ва ватанпарварлик, табиат ва табиатпарварлик, унинг мислсиз гузалликлари ва ганжиналарига ташналик ва оқибат, умуман, ҳақиқий фидоийлик намунаси бўлибгина қолмасдан, балки асрлар оша инсоният учун, унинг янги-янги авлоди учун дастурил-амал эканлигини алоҳида таъкидлаш зарур.

Шоир орзусидаги Исқандар қуруқлик ва денгизларни кезиб ер юзини фатҳ этса-да, ўзининг адолатпарварлиги, донишмандлиги билан жаҳон халқи кўнгил мулкини ҳам забт этди. Достонни мутлоаа қилар эканман, ундаги бир ҳикоят менинг онгу вужудимни бутунлай ўзига мафтун ва ром қилиб қўйди.

Ҳикоят шундай:

• Улут фотиҳ Исқандар жаҳон аҳлига ҳоким бўлиш ниятига етиб, қайси мамлакат подшоҳи унга таслим бўлган бўлса, уша ҳукмдорларни яна ўз юртига шоҳ қилиб тайинлади.

Маълумки, Магриб ерларини забт этишда унинг шоҳи Исқандарга душманлик билан уруш эълон қилди. Ниҳоят, жанг ўти бартараф қилинган, Магриб шоҳининг ҳалок бўлгани аниқланди. Исқандар мамлакатда адолат урнатишга бел боғлаб, халққа: «Бу юртининг султонлари ичида ҳукмдорлик қонун-қоидаларидан хабардор одам қолганми? Бор бўлса, мен унга мамлакатингизнинг ҳокимлигини топширай, токи юртингиз бегоналар қўлига ўтиб кетмасин», - дейди.

Одамлар бу фармонни эшитиб, Исқандар ҳузурига бир дарवेशни олиб келдилар. У бош яланг, оёқ яланг, ёқалари йиртиқ, кўкраклари очиқ, ниҳоятда афтода ҳол эди. Дунё ишларини тарк этган бу одам икки қўлида иккита бош чаногини кўтарган, дунё юмушлари-ю ташвишларидан «мосуво» ҳолда турарди.

Исқандар уни ҳурмат билан қаршилаб, сўради:

-Бу сўнгалар ҳақида гапир!

Гадо шундай деб жавоб берди:

-Қабристондан утаётганимда бу сўнгаларга неча бор назар солганман. Лекин «қай бири шоҳники-ю, қай бири гадоники?!» деган муаммо дилимда қолди. Бу икки матоҳ улганда-ку бир, тирикликда нечун низо қиладилар?

Ёруғ оламга бир зум ўзимиздан айро тушиб, ақл кўзимиз билан боқсак, инсонларнинг доимо шошиб, нимадандир кўнгли тўлмай юрганини курашимиз. Кимдир мол-мулк йиғишга муқкасидан кетган бўлса, яна кимдир кишилар қалбига озор етказиш билан овора. Яхшилик қилишни, ўзгаларга ёрдам беришни истайдиганлар эса, афсуски, камчиликни ташкил этади. Бобокалон шоир бундан неча юз йиллар муқаддам ўз асарида инсонийликни тарғиб этиб, бошқаларга ибрат бўлишни истади...

Айни гоё дунё султони бўлмиш Искандарнинг сўнги манзилга кетар пайтида онасига ёзган дард-алам, ҳасрат тўла васиятномасида ўз акси ифодасини тошган.

Мана у:

–Мени тобутга солган пайтингизда, ёқут тешигидан ипни чиқазиб қўйилгани каби, албатта, бир қўлимни чиқазиб қўйинг. Токи халойиқ бу қўлга ҳайрат ва ибрат кузи билан боқиб: «Бу панжалар саф тортиб, ер юзини ўз қўлига олган эди. Энди ажал қўли бу дунёдан кучиш ногорасини қоқиб, бўйнига абадийлик томон жўнаш бошвогини солгач, мана энди бу қўллар дунёдан шол кишининг қўлидай қуруқ, чинорнинг япроқсиз бугогидек бўм-бўш кетаётир!»– десинлар. Бу ерда буюк Навоийнинг юксак ирфоний, фалсафий мушоҳадалари рамзий тарзда теран акс этган.

Искандардай зотга ҳам бу паст дунё вафо қилмади. Бундан хулоса чиқазиб, ҳар нарсага ибрат кузи билан қараган инсоннинг қалбида меҳр-муҳаббат, эзгуликка қизиқиш ҳисси уйғонмоғи табиий. Лекин ўз нафсини жиловлаб олган зотгина инсонийликка, олижанобликка эриша олади.

Шу боис, баланд ҳимматлиликни ўзида мужассамлаштирган киши, инсонлар орасида доимо иззат-эҳтиромда бўлади. Чунки саховатпеша инсон фақирлик туви ичида бўлса ҳам, ўзини шоҳдек ҳис қилади. Қўлидаги сўнги бурда понини ҳам бировнинг роҳати учун аямайди. Бу каби фазилат эса ҳасис шоҳликдан аълороқ ҳисобланади.

Дунёда яшаётган ҳар бир инсон нима мақсад учун яшаётганини аниқлаши лозим. Токим, умрнинг охириги палласида босиб ўтган ҳаёт йўлига қийналмай боқа олсин.

Бизнинг ҳамма яхши имкониятлардан унумли фойдаланганимиз ҳолда, жамиятта керакли шахс бўлиб етишиш учун бутун кучимиз билан саъйи-ҳаракат қилишимиз, эртанги кунимиз томон қўйилган қадим қадамдир. Қалбимиздаги эзгулик ҳаёт билан ҳамоҳанг, чамбарчас тарзда одимлай олишига ҳамма кучимизни, билимимизни сарфлаш шарт бўлса, бу йўлни ҳам огишмай танилайлик. Бугунги кун ёшларига ўрناк бўлиш мақсадида мукамал инсон қиёфасини ўзимизда мужассам этайлик. Зеро, барча ёвузликликларга садд – девор бўлиши учун билимимиз ва иқтидоримизни аямаслик чин ватан фарзанди эканлигимизнинг шишонасидир.

Бу борада, шубҳасиз, ҳазрат Навоий «Ҳамса»сида, хусусан, унинг «Садди Искандарий»сида улутланган Искандар образи бизга урнатқ бўлиши лозим. Айниқса, у билан боғлиқ ибратли ҳикоятлар ҳаётимизда дастурул-амал вазифасини ўтай олади.

Аҳолининг аксарият қисми баҳоли қудрат тирикчилигини ўтказаетган бир пайтда, болалар боғчалари, ўрта мактаб бинолари таъмирталаб бўлиб турган бир паллада турли дабдабалар, асъасалар жуда ортиқча деб ҳисоблаймиз. Айниқса, ёшлар оиласига, турмушига ҳеч қандай фойда келтирмайдиган ўрф-одатлар: байрам, ҳайит-арафа кунлари ўнлаб сават ва тоғораларда қуда йўқлаш каби зарарли расм-русмлар пайдо бўлаётганлиги Навоийдек ҳазратнинг ворислари бўлмиш бизнинг халқимиз учун ножоиз ҳолатдир. Улут шоиримиз асарларида илгари сурилган халқпарварлиги адолатпешалик, инсондўстлиги маърифатжўйлик сингари эзгу гояларни ўрганиш, ҳамиша тарғиб-ташвиқ этиш бизнинг бурчимиз деб, ўйлаймиз.



Гулсала Машрабова, магистрант  
**НАВОИЙНИНГ «ЛАЙЛИ ВА МАЖНУН» ДОСТОНИДА  
РУҲИЯТ ТАСВИРИ**

Кишилик жамияти тараққиётига улкан улуш қўшиб, мамлакатимиз шухратини оламга таратиб, тарих саҳифаларига абадул-абад муҳрланган Муҳаммад ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абунасл Фаробий, Ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Баҳоуддин Нақшбанд, Алишер Навоий сингари улуг сиймоларимиз билан ҳар қанча гурурлансак арзийди.

Ўзбек дёрида камолот касб этган юзлаб аллома - адиллар, олиму мутафаккирлар қаторидан ўрин олган Бурҳониддин Марғиноний, Заҳриддин Муҳаммад Бобур, Маҳдуми Аъзам Косоний, Бобораҳим Машраб, Нодирабегим каби олим ва адилларнинг оламшумул мероси дунё маданияти ва маърифати хазинасига муносиб улуш бўлиб қўшилгандир.

Бизга маълумки, шеърият мулкининг султони Алишер Навоий ижоди қизиқиш билан урганиб келинган ва урганилмоқда.

Шоирнинг «Мажолисун-нафоис», «Муҳокаматул-лугатайн», «Ҳолоти Сайид Ҳасан Ардашер», «Насойимул-муҳаббат», «Маҳбулбул-қулуб», «Хамса» каби асарлари бутун дунёга машҳурдир.

«Хамса» беш дostonдан иборат бўлиб, «Лайли ва Мажнун» учинчи дostonдир. Дostonнинг бош қаҳрамони шоир Қайс, яъни Мажнундир. Лайли жасоратли маъшуқа бўлса, Навфал халқ асарларидаги ожизларга мададкор, адолатпеша, олижаноб инсон образи сифатида гавдаланади. Алишер Навоий дostonдаги қаҳрамонларнинг руҳиятини катта маҳорат билан тасвирлайди.

Бу уринда Лайлининг Қайсга ёзган бир мактубидан парча келтирамиз:

Эй, ишқ утида хасим нечуксен,  
Эй, бедялу бекасим нечуксен!  
Ҳолинг недур фироқим ичра?  
Фикринг недур иштиёқим ичра?  
Сочингга ёпушса хору хошок,  
Ким тортар экан бир-бирин пок?<sup>1</sup>

Дostonдаги мана шунга ухшаш байтлар қалбимизни ларзага солади. Биз бу мисраларни ўқир эканмиз, Лайлидек олижаноб инсоннинг қалб, юрак нидосини теранроқ англаймиз. Лайли ҳар қанча азоб-машаққат, алам-изтироб чекса ҳам севилиси Қайсдан воз кечмайди, кечолмайди. Ҳамиша, ҳар он кўз олдиги Қайс келади. Айни пайтда Қайс ҳам Лайлидан

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Мукамал асарлар тупами. Йигирма томлик. Тўққизинчи том - «Лайли ва Мажнун». Т.Фан 1992.195-6.

қанча йироқда булмасин, шунча севги укубатларига гирифтор булади, изтироб чекади. Лайлига меҳр-муҳаббати жуш урган ошиқ Кабатуллоҳда уз Хожасига – Аллоҳга шундай илтижо қилади:

Дерлар манга «Ишқни унуттил,  
Лайли гамидан канора туттил»  
Аллоҳ-Аллоҳ, бу не сўз булгай,  
Ул қавмга тентри узр қилгай...  
«Онсиз мени бир дам этма мавжуд,  
Будумни қил онсиз улса нобуд!»<sup>2</sup>

Таъна-изтироблар, сўнгсиз азоблар, албатта, Қайс руҳиятига кучли таъсир этади. Бироқ, у ҳамиша уз севгисига содиқ, севгилисига вафода-оқибатда қолади.

Лайли гамидин қилиб тафаккур,  
Юз байту газал деб уйлаким дур  
Ҳам қофияси анинг сифоти,  
Ҳам барча радифи анинг оти...

Навоий достожда фақат бош қаҳрамонларнинггина руҳий кечинмаларини тасвирлаб қолмай, балки бошқа тимсолларнинг ҳам, жумладан, Қайс билан Лайлининг гамида куйиб кул булган Қайснинг чорасиз ота-онаси, Лайлининг онаси ва энагасининг руҳий ҳолатларини ҳам моҳирлик билан тасвирлайди.

Лайли Мажнун номини тилга олиб жон бергач, қизи бошида жбнини ҳовучлаб турган мушфиқ онанинг ихтиёрсиз ҳаракатлари унинг руҳий вазиятини ниҳоятда аниқ акс эттиради. Жумладан, дostonнинг табидада уқиймиз:

«Бу қора кунни кўрган онаси шундай қаттиқ фарёд чектики, гўё у фарёд ўқи учиб, осмон бағрини ҳам тешиб ўтди. У Лайлининг бошидан улим айлангандек айланди. Унинг товонларига кўзини қўйиб, кичриклари билан қитиқлаб, уйготмоқчи булар, яъни уйқу вақти эмас, кўзингни оч, оёққа тур, хандон ташлаб сўзлагин дер эди. Гоҳ унинг қўлини қўйнига маҳкам тортиб, титраб, уни қучоқлар, яъни унинг уйқусини гоят қаттиқ гумон қилиб, уни уйготиш учун қўлидан тортарди. Унинг тўзгиган сочларини тўплаб, у қоронги мотам кунда шаъм кўргазмоқчи будди...».

Инсон маънавият оламини бадий тадқиқ этишининг муҳим воситаларидан бири булган психологизм «Лайли ва Мажнун» достонида катга гоёвий-маънавий асосга эга булиб, шоирнинг ахлоқий, фалсафий-ижтимоий қарашлари ифодаси учун хизмат қилган. Саҳифадан саҳифага ўтилар экан, шоир китобхонни қаҳрамонларнинг психологик кечинмалари дунесининг ич-ичига олиб киради.

Достонда Лайлининг руҳий ҳолати уз ҳолига наво айтиш билан яққол намоён бўлади. Лайли тақдирнинг бешафқат измидан чиқиб кета олмайди, руҳий қийналади, азоб чекади, кўз ёш туқади...

Лайли кўриб эддин уйни холи,  
Чок этти уриб яқони ҳоли.  
Гаҳ бахти кузига урди туфроқ,  
Гаҳ боши ўза совурди туфроқ.  
Куксинки уруб фитор қилди,  
Тирноги била шиёр қилди...  
Дебким: «Недур, эй сипеҳри золим,  
Соламоқ бу шикастайкка ҳолим.  
Наҳлимгаки эрди зери дастинг,  
Не эрди шикаст ўза шикастинг?...  
Фарёдки улгудек гашим бор.  
Тонг йўқ гар ўзумга мотамим бор<sup>3</sup>

Бундан ташқари Навоий достонига Навфал тимсолини киритадики, у достон воқеаларининг ривожда муҳим урин тутади. Навфал, Навоий сузи билан айтганда, «ишқ кўрган», «гам дашти аро югурган», баҳодир ва олижаноб инсон. Навфал ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотигани, куп жабр кўргани учун жабрдийда ситамкаш кишиларга доимо ёрдам беради. У Мажнунни даштда, ов пайтида учратиб, унга меҳр-мурувват курсади. Навфал Мажнунга гўеки оталиқ қилиш ҳисси билан шундай дейди:

Фарзанд қилай сени ўзумга,  
Миннатни қўяй ёруқ кўзумга<sup>4</sup>

У Лайли ва Мажнунга бахт тилайди. Мажнунни уз ўглидек яхши кўради ва гоятда қадрлайди.

Шоир турли бадийий усул ва тасвирий воситалардан кенг фойдаланади. Шу билан бирга қаҳрамонлар руҳий ҳолатини табиат манзараларига ҳам боғлаб тасвирлайди ва узига хос рамзийликка эришади.

Илк баҳор айёми, Лайли ва Мажнун илк бор учрашиб, севишиб қоладилар. Баҳорда гунчалар гуллаши, ҳосил бериши керак. Лайли билан Мажнуннинг орасида севги гунчаси эса очилмай туриб ҳазондек саргайиб, сўнади. Уларнинг ҳалокати куз фасли тасвири билан боғлиқ ҳолда баён қилинади.

Хулоса қилиб айтиш керакки, куп асрлик мураккаб тарихга эга бўлган Хамса достонлари, инсон маънавий камолоти учун хизмат қилади ва ҳеч қачон уз салмогини йўқотмайди.

<sup>3</sup> Ушш манба, 134, 135 ва 140-бетлар  
<sup>4</sup> Ушш манба, 157-бет

Иброҳим Йулдошев

АЛИШЕР НАВОИЙ КОТИБЛАР ҲАҚИДА

Алишер Навоий ўзбек халқи учун катта адабий мерос қолдирган буюк сиймодир. Унинг ҳар бир асари биз учун оламшумул маъно беради. Навоий асарларини қанчалик урганмайлик, янги-янги қирралари очилаверади. Унинг асарлари маданий ҳаётимиз тарихини урганишимизда, тасаввур қилиб, куз ўнгимизга келтиришимизда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Бизга маълумки, Алишер Навоий ўз асарларида турли соҳа кишилари ҳақида қимматли маълумотларни келтиради. Хусусан, унинг насрий асарлари ичда алоҳида ажралиб турувчи ҳамда шоир тафаккурининг қаймоғи ҳисобланган «Маҳбубул-қулуб»да заҳматқаш, аммо шарафли ҳисобланган меҳнат аҳлининг бир тоифаси - котибларнинг ижтимоий ўрни ва ролига юксак баҳо берилади. Навоийшунос олим М. Ҳақимовнинг ёзишича, ХУ асрга қадар ўзбек тилидаги адабий, тарихий манбалар котиблар томонидан жуда оз миқдорда кўчирилган бўлса, ХУ аср ўрталаридан бошлаб фақат айрим котибларгина эмас, балки бутун-бутун хаттотлар мактабининг намояндalари Навоий асарларини кўчириш билан машғул бўлганлар. «ХУ асрдан бошлаб то ХХ аср бошларига қадар ўзбек тилида китобат қилинган манбаларнинг қарийб ярмини Навоий асарларининг нусхалари ташкил қилади. Шунинг учун ўзбек китобат иши, хаттотлик, бадий қўлёзма ва миниатюра санъатининг сунги беш асрлик тараққиётини - мактаблар, услублар, намояндalар фаолиятларини урганишда Навоий асарларининг қўлёзмалари етакчи, айрим ҳолларда ҳал қилувчи манба вазифасини ўташига ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ»<sup>1</sup> Албатта, Алишер Навоий асарларининг бутунги кунга қадар етиб келишида котибларнинг хизмати беқиёсдир. Аниқ ҳақиқатки, ўз замонасининг юксак маърифатли ҳамда зиё тарқатувчиси бўлган котибларнинг нафақат Шарқ, балки умумжаҳон маданияти тараққиёти тарихидаги муҳим ўрнини инкор этиб бўлмайди. «Урта асрларда ҳали китоб босиш техникаси ихтиро этилмаган вақтда ҳар қандай асар қўлда кўчирилиб, китобат қилинган. У даврда китоб кўчириш катта ҳунар ва санъат ҳисобланган. Бу ҳунар эгалари тарихда хаттот ёки котиб исми билан машҳурдирлар. Шарқда котиблик билан ном чиқарган ҳар бир шахсни биз оддий техник вазифасини бажарувчи киши сифатида эмас, балки ўз замонасининг маданий ҳаётида фавқулодда катта роль ўйнаган илм-маърифат аҳли ва йирик маданият арбоби сифатида таниймиз»<sup>2</sup>. Бундай санъаткор котиблар томонидан ёзилган асарлар ўз маъносини йфодалаш билан бирга кишиларни ҳаяжонга солиб, уларга

<sup>1</sup> Ҳақимов М. Алишер Навоий асарларини кўчирган хаттотлар. Т. «Фан». 1991. 3-бет.

<sup>2</sup> Муродов А. Урта Осиё хаттотлик санъати тарихидан. Т. Фан 19/1 3-4 бетлар.

завқ-шавқ бахш этган. Котиблар томонидан ёзилган ҳар бир асар тенгсиз санъат муъжизеси каби улмас ва бебаҳо дурдона ҳисобланган. Ўтмишда бундай бебаҳо санъат эгалари сифатида Ҳирот хаттотлик мактаби асосчиларидан «хаттотлар подшоҳи» деб ном олган Султон Али Машҳадийни, шунингдек, Алишер Навоий асарларини илк бор китобат қилишда (XV аср иккинчи ярми ва XVI аср бошларида) жонбозлик кўрсатган хаттотлардан Абдулжамил Котиб, Али ибн Нур, Султон Муҳаммад Нур, Султон Муҳаммад Хандон, Дарвеш Муҳаммад Тоқий кабиларни санаб ўтишимиз мумкин. Урта аср хаттотлари қўлзмани моҳирона кўчира олишлари учун бир-биридан фарқланувчи икки хил ёзув турини билишлари талаб этилган. Улардан бирининг номи «хафи» – оддий майда хат, иккинчиси «жали» – йирик хат эди. Шунингдек, камида уч хил хатда: оят-ҳадисларни «наسخ» ёки «хатти Қуръони», оддий матнларни «настаълиқ», боб, бўлим номлари ёки сарлавҳаларни «сулс» хатларида ҳуснихат билан ёзишлари керак бўлган. Ҳирот хаттотлари баъдий қўлзмалар сарлавҳасини купинча рангли ёки олтин сувидан тайёрланган сиёҳ билан «сулс» хатида ёзганлар. Демакки, хаттотлик иши ўта сермашаққат бўлиши билан бирга котибдан катта билим, малака, бардош ва тажриба талаб қилган. Шунинг учун ҳам Алишер Навоий ана шу заҳматли, аммо шарафли касб эгаларини назардан четда қолдирмайди. Ўз асарларида котиблик касби ҳақида қимматли фикрларни билдиради. Айниқса, «Маҳбубул-қулуб»даги ун еттинчи фаслнинг котибларга бағишланиши диққатга сазовордир. Навоий бу фаслни «Котиблар зикрида» деб номалайди ва унда котиблар зиммасига нақадар масъулиятли ва шарафли вазифалар юклагани кабилар ҳақида фикр юритади. Навоий ёзади: «Котиб шуаро сўзининг варақнигоридур ва сўз махзанининг хазонадори. Хозин ҳунари амонат бўлур ва тасарруфи, хиёнат бўлур». Яъни: *котиб шоирлар сўзини вараққа нақшловчи ва сўз хазинасини сақловчи. Сақловчининг иши топширилганни сақлашдир ва ўз билгича сарфлаш хиёнат бўлур*<sup>3</sup> Навоий бу сўзлари билан котиблар ҳар бир ёзаётган нарсалари учун масъул эканликларини, ўзбошимчалик билан кўчириш учун берилган матнни ўзгартириш хиёнатдек иш эканлигини уқтиради. Шунингдек, ёзиш учун иш топширган шахснинг сақланиши керак бўлган сирларини ҳар кимга очавермаслиги кераклигини уқтиради. Алишер Навоийнинг котиблар борасидаги айни шунга ўхшаш фикрларни ўз даврининг етук билимдони Юсуф Хос Ҳожиб ижодида ҳам кузатишимиз мумкин. Унинг машҳур «Қутадуғу билиг» асарида котиблар ҳақида «Оғдуамиш элигд битикчи ылымга нэку кэракин айтур» (Ўғдуамиш элигга хат ёзувчи котиб қандай (бўлиши) кераклигини айтади) номи остида бир боб ёзади. Юсуф Хос Ҳожибнинг фикрича, беглар ўзлари жуда билимли бўлганлари билан хабар ёзгудек бўлсалар, албатта,

<sup>3</sup> Алишер Навоий. «Маҳбубул-қулуб» Асарлар. Ун беш жилдлик. 13-жилд. Т., 1966. 22-бет

котибга мурожаат қиладилар. Котиб энг ишончли киши бўлиши керакки, токи у сирларни сақлай олсин:

- «2635. Битикчиқа айгу кэрак ич сөзин,  
Кбдзасā битикчи бкуш йа азын.  
2636. Бу ич сөз тутуглы бүтүн чын кэрāk,  
Бүтүнлүккā артуқ бүтүн дин кэрāk.  
2637. Қалы тутмаса бу битикчи сөзүг,  
Бэги сирры ачлур бу бртār бзүг».

Яъни:

2635. *Ич сүз(лар)ни (яъни сирларини) котибга айтиш керак,  
Озми, кўпми котиб ҳам уларни эҳтиёт қилсин.*  
2636. *Ич сўзларни сақловчи ишончли, чин (булиши) керак,  
Ишончлиликка (эса) ниҳоятда комил имонли (булиш) керак.*  
2637. *Агар бу котиб сўз (сир)ни тутмаса,  
Бегининг сирни очилади, бу эса жонни уртайди.*

Ёки:

- «2653. Битикчи билиглиг уқушлуг кэрāk,  
Хаты уз балағат тақы эдгүрāk.  
2654. Витигдā хат уз болса ачлур кбнүл,  
• Оқыгу кэлир бақса авнур кбнүл.

Яни:

2653. *Котиб билимли, заковатли (булиши) керак,  
Хати чиройли, сўзга уста, эзгу фол (булиши) керак.*  
2654. *Мактубда хат чиройли бўлса, кўнгил очилади,  
Боқса уқигиси келади, кўнгил қувонади*

Юсуф Хос Ҳожибнинг ушбу сўзларидан ҳам кўриниб турибдики, Алишер Навоий билан улар яшаган давр орасидаги тўрт асрлик фарқ бўлишига қарамасдан, ҳар икки даврда ҳам котибдан ҳуснихат талаб қилинган. Алишер Навоий ҳам хаттотликдаги энг асосий сифатлардан бири котибнинг ҳуснихат эгаси бўлиши эканлигини уқтиради. Бу ҳақда шундай ёзади: «Яхши хат ва нуқтадин сафҳага жамол, андоққи, яхши юз сафҳасига хатту хол. Хушнавис котиб сўзга оройиш берур ва сўзлагувчига осойиш еткурур. Роқимки, рақамн ростдур, ростлар кўнглига қабуляти бехост. Агар хат сурати нохушдур, маъни хайлида уқугучи андин мушаввардур». Яни: *худди хол яхши юз саҳифасига гузалик берганидай, яхши хат ва ундаги нуқталар қогоз саҳифасига чирой беради. Хушхат котиб сўзни безантиради ва сўзловчини роҳатлантиради. Ёзувчи*

---

Ушбу парчалар қуйидаги манбадан олинган. Юсуф Хос Ҳожиб «Қутадғу билиг». Т., «Фан» 1971 йил. 430-431 бетлар

*тўтри котибнинг тўтрилар кўнглига мақбуллиги аниқ. Агар ёзув шакли кўримсиз бўлса, ўқувчи ва билимли киши ундан қийналади*<sup>4</sup>.

Албатта, Урта асрлар шароитидаги китобат қилиш ва бу китобни тарқатиш мушкуллиги ҳисобга олинса, Навоийнинг котиблар ҳақида айтганларининг салмоғи янада ортади. Лекин бу шарафли ва нодир касб эгалари ичида чаласаводлари, ўз ишига лоқайдлари, бадхатлари ҳам учраб турган. Бундай котиблар ҳақида Алишер Навоий шундай дейди: «Хушнавис ҳамким, саҳви кўп булғай – илғи фалаж иллатига жуб булғай. Улки, бежо нуқта била «ҳабиб»ни «ҳабис» қилғай ва «муҳаббат»ни «меҳнат», анингдек хабиси меҳнатзадага юз лаънат. Ямон хатта галати беҳисоб, қаррийи масҳара соқолига хузоб. Ул хатни қирқиб мабразга ташлағоли яхши ва иясини моляки дўзах жаҳаннамга бошлағоли». Яъни: *чиройли ёзувчи кўп хато қилувчи бўлса, қўли палаж касалига учрасин. Кимки, ўринсиз нуқта билан «ҳабиб»ни «ҳабис» қилса ва «муҳаббат»ни «меҳнат»<sup>5</sup>, ундай фалокатда қолган ифлосга юз лаънат. Ёмон хатда хато кўплиги қарининг соқол бўлб масҳара булганлиги каби. Ундай хатни бурдалаб халога ташлаш яхши, хат эгасини дўзах посбони томонидан жаҳаннамга бошлаш яхши*<sup>6</sup>.

Навоий бундай саводсиз котибларга қаттиқ танбеҳ бериб, уларнинг «манзили қаламдонидек чоҳ аро бўлсун, қаламидек боши яро ва юзи қаро бўлсун» дейди ва улар ҳақида ушбу байтни ёзади:

*«Қайси бир котибки, ул сўзга қалам сурғай хилоф,  
Ул қаро юзлук боши бўлсун қалам янғилг шикоф».*

Яъни:

*Қайси бир котибки, чалқаш ёзадир сўзни,  
Қаламдек тилинсин боши у қора юзнинг*<sup>7</sup>.

Навоийнинг ушбу сўзларидан котиблик санъатининг ўша давр учун нақадар муҳим ва масъулиятли эканлиги тўлиқ аниқлашади. Демакки, оддий ишдек бўлиб кўринган котиблик касби ўта мураккаб ва машаққатли бир жараён дир. У кишидан катта билим, заковат, нозик дил ва узига хос санъат талаб қилган. Котиб (хаттот) бўлиш учун узоқ вақт сабр-матонат ва энг асосийси, иштиёқ билан хаттотликни машқ қилиш, заҳмат чекиш лозим эди. Бундан ташқари, котиб мукаммал саводга, кўксак бадий дидга ҳам эга бўлиши керак бўлган.

Алишер Навоий котиблар ҳақида биргина «Маҳбубул-қулуб»да айтиб қолмасдан, балки ўзининг барча асарларида уларнинг номини қаламга олади. Уларни таърифлашда «котиб» сўзининг жуда кўп синонимларидан усталик билан фойдаланади. Шунини алоҳида таъкидлаш

<sup>4</sup> Кўриштирилган асар. 22 бет

<sup>5</sup> Бу сўзларнинг арабча шакли устида сўз боради

<sup>6</sup> Кўриштирилган асар. 22 бет

<sup>7</sup> Кўриштирилган асар. 22 бет

керакки, Навоий тил қонуниятларини бузмаган ҳолда кўпгина сўзларни ижод ҳам этган ҳамда уларни ўз ўрнида моҳирона қўллай олган. «Навоий чет сўзларга жуда тўғри муносабатда бўлган. Кўпинча адабиёт ва илм арбоблари чет сўзлардан бутунлай воз кетишга ундайдилар ёки чет сўзлар ҳисобига ўз сўзларини йўқотишни талаб қиладилар. Навоий туркий сўзлардан тўлиқ фойдаланган ҳолда форс ва араб сўзларидан ҳам унумли фойдаланади»<sup>1</sup> Алишер Навоий асарларини урганишимиз натижасида шу нарса маълум бўлдики, шоир ўз асарларида «котиб» сўзига маънодош бўлган кўпгина сўзларни ишлатган. Уларга қуйидагиларни мисол тариқасида келтиришимиз мумкин:

«хаттот» - «Донишманд ва муттақий ва бағоят аҳл кишидур ва хаттот ҳам бор ва арабий шеърни яхши айтур ва девони ҳам бор» (Мажолисун-нафоис); «Бойсунгур Мирзо хаттот ва наққош ва созанда ва гуяндадин мунча беназир киши» (Мажолисун-нафоис); «Ҳофиз Муҳаммад Султоншоҳ - хушхон ҳофиздур ва хушнавис хаттодур» (Мажолисун-нафоис);

«қаламзан» - «Қаламзанга булуб сурмак қалам фан, Ёнида корфармо ҳам қаламзан» (Фарҳод ва Ширин); «Фатвода чу бўлди музд учун «ло»ву «наам», Қилмоқ керак ул қаламзан илгина қалам» (Маҳбул-қулуб); «Яна муқарраби ҳазрати борий Хожа Абдуллоҳ Ансорий. нинг «Илоҳийнома»сидурким, анинг васфида қалам тили ожиз ва лол ва қаламзан хомаси алкан ва шикаста мақолдур» (Хамсатул-мутаҳаййирин);

«битикчи» - «Султон Маҳмуд Хожа Мансурга қаробат бўлур, Хожа Шамсуддин Муҳаммад битикчининг ўғладур» (Мажолисун-нафоис); «Хожа Мансур - Журжон мулкидиндур ва битикчи қавмидиндур» (Мажолисун-нафоис);

«хушнавис» - «Бир қатла фақир аларнинг қадимий девонин мавлоно Абдуссамадгаким, замоннинг хушнависларидандур ва хуш табъ ҳам бор, буюриб эрдим ва улча мақдур такаллуфдур қилилиб эрди»; «Бу китобни гариб нав битибдур, анга ухшарким, илтизом қилмиш булгайким, Галатсиз мисраъ битмагай, узи-ўқ мунда бўлса, чун хушнавис кишидур. » (Хамсатул-мутаҳаййирин); «Мавлоно Мажнун - машҳадлиқдур. Хушнавис йигитдир, «бозгуна» хатини андоқ равон ва соф битирким, маҳалли таажжубдур ва кўрмаган киши ишона олмас» (Мажолисун-нафоис);

«роқим» - «Роқимки узотти тил синонин, Бу навъ звурур қалам инонин» (Лайли ва Мажнун); «Павж ганж» авроқига гавҳардек рақами тортилиб эрди ва ул роқим бобида ҳамки мунунг хатти маънисин рақам-бақам билди. » (Фарҳод ва Ширин); «Яна «Лавоёҳ» дуркум. сўфиямашойих истилоҳида битилябдурким, ақдоқ рисола ҳеч роқимнинг

<sup>1</sup> Узбек адабиёти тарихи. Беш жиллик. 2-жилд. Тошкент, Фан. 1977.420-бет



қаламидин ва ҳеч қаламнинг рақамидин таҳрир топмайдур» (Ҳамсатул-мутаҳаййирин);

**«муҳаррир»** «Муҳаррирки, таҳрири туз – писандидадур, агар бир байт битир, агар юз» (Маҳбубул-қулуб);

**«муниши»** – «Мавлоно Номий – сабзаворлиқдур. Иншо била нома хатин битурга машҳурдур. Аммо иншода ҳеч муниши они беголма, «нома» хатида ҳеч хушнавис они писанд қилмас» (Мажолисун-нафоис); «Сурди муниши васфи узра хомани, Ким писанд эткайму шоҳ ул номани» (Лисонут-тайр); «Аввалидур муниши гавҳар фишон, Ким гаҳи ул руқъа ёзар, гаҳ нишон» (Хайратул-аброр);

**«рақамкаш»** – «Бу нома учун бўлуб рақамкаш, Сафҳа юзин эттилар мунаққаш» (Лайли ва Мажнун); «Қалам васфида бир неча қалам сурмак ва ул рақамкаш таърифин рақамга кетурмакки, назм кичвари саводин якқалама қилиб эрди» (Фарҳод ва Ширин); «Бу номани дард уза қаламкаш, Мундоқ қаламин қилур рақамкаш» (Лайли ва Мажнун); «Бу маъниларки хомамдур рақамкаш, Агар худ келмайин таъбинтга нохуш» (Фарҳод ва ирин);

**«нависанда»** «Мавлоно Мушрифий – хирийликдур. Нависандалиқин бирор нима вуқуфи бор» (Мажолисун-нафоис); «Мирзонинг азиз боши ва сизнинг азиз бошингизким, пешиндин оқшомгача ўлтуруб, онча иш қилурларким, неча девон, неча нависанда, неча бахши, неча парвоначи жонларига етиб, неча ҳийла била қутулурлар» (Муншаот);

**«хуруф роқими»** «Ул жумладин хуруф роқими бу марсия била тарихни айтиб, йил оши тортарда султони соҳибқирон олий мажлисларида уткарди ва ҳукм бўлдиким, мавлоно Ҳусайн Воиз минбар устида ўқуди» (Ҳамсатул-мутаҳаййирин);

**«аҳли қалам»** «Қалам шаққининг гуногулиги ва аҳли қалам шиққининг буқаламунлутида ва қайси хутут китобатиға шуруъ қилмоқ аъмол номасига мужиби қаролиқдурур ва котибга хатти мубталолиқ ва қайси хуруфқа ружуъ қилмоқ саҳифаи рухсорга мужиби оқлиқ дурур ва роқимга сафид авроқлиқ»;

**«мусҳафнавис»** – «Китобатки шутли дурур бас нафис, Биров истаса ўзини мусҳафнавис» (Садди Искандарий);

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, буюк мутафаккир шоир Алишер Навоий замонасининг моҳир хат саяғати усталарини уз назаридан четда қолдирмаган, уларни эъзозлаб, таърифлари ҳақида куп ёзган. Ушбунининг ўлмас асарлари исботлаб турибди.

Носиржон Улугов

**«САДДИ ИСКАНДАРИЙ» ДОСТОНИДАГИ ГИДРОНИМЛАР  
ХУСУСИДА**

Алишер Навоийнинг «Хамса»си, жумладан, унинг таркибига кирувчи «Садди Искандарий» достони XV аср гидроним (сув ҳавзалари ва иншоотларининг атоқли ном) ларини урганишда муҳим тарихий, бадий манба ҳисобланади. Биз достонни мутолаа қилар эканмиз, Шарқ халқларида сув ҳавзаларига гузал, мантиқли ва асосли ном бериш азалий, қадимий анъана эканлигини шохиди бўлдик.

Ҳазрат Навоий «Садди Искандарий» достонда Искандар тимсоли билан боғлиқ равишда Хуросон, Мовароуннаҳрдаги гидронимларнинг бадий тавсифини яратади.

Шоир достоннинг Искандарнинг Хуросонга кириб, Ҳиротни бино этиб, Мовароуннаҳрни олиб, Самарқанд тарҳини тузиб, Кашмир шаҳрига кириш ҳақидаги XXXV фаслида Хуросон сувлякларини қуйидагича таъриф у тавсиф этади:

Фазосида кўп чашмау руд бор,  
Бор юб кунгул кўзгусидин губор.  
Яна баҳр янглиг улут тўрт руд,  
Ки кўк, тоқига савтя тортиб суруд.  
Узи чунки жаннат жомидур ўлуб,  
Сувлар доғи жаннатқа анҳор ўлуб<sup>1</sup>

Яъни: Хуросон улқасида кўпгина анҳор ва чашмалар бор, буларнинг ҳаммаси кунгул кўзгусида бўлган чанг - губорни ювиб юборади. Бундан бошқа яна тўртта денгиз каби катта дарёси бор эдики, буларнинг шарқираб оққан овози кўк авжига чиқар эди. Жаннатдай бўлган бу жойнинг сувлари ҳам жаннат анҳорларига ўхшар эди.

Алишер Навоий кейинги ўринларда ана шу жаннат анҳорларига монанд Хуросон дарёларининг бадий тасвирини чизади:

Алардин дедилар бирин Ҳирманда,  
Ки ҳар қатраси дафъ этиб юз газанд...  
Яна бир анга Чахчарон руд ўлуб,  
Ким ул руд ҳайвон суйидан тўлуб.  
Ери рифъат ичра фалақдин нишон,  
Бу руд анда ул навъким қаққашон.

<sup>1</sup> А. Навоий «Садди Искандарий» Г. Г. Ғулом номидagi «Адабиёт ва санъат» нашриети, 1991, 208-б. Кейинги иқтибослар ҳам шу манбадан олинган.

Алишер Навоий шу уринда Мовароуннаҳрдаги Сайхун (Сирдарё), Жайхун(Амударё), Кӯҳак(Зарафшон) дарёларининг ҳам шоирона суратини чизади. Навоий талқинича Кӯҳак - Зарафшонни жаннат наҳри деса, ҳеч ким шак-шубҳа қилмайди. Унинг сувидан дармонсиз одам ичса қувватга кириб кетарди. Зарафшон киши умридек тез оқар дарё эди. У латофатда Бағдоддаги Фурот дарёси билан рақобат қилади-ю, аммо худди ҳаёт сунганидек, ҳамма сувлари йўл-йўлакай қум-тупроқларга сингиб, зоя кетарди. Искандарга бу ерлар хуш келиб, Кӯҳак дарёсини Нил наҳридан, ҳатто жаннатдаги Салсабил дарёсидан ортиқроқ куриб, шу ерда бир шаҳар барпо этишни тилайди.

Шоир таъкидлашича, илгари ҳозирги Зарафшон дарёси тепаликда жойлашганлигига кура унга «Кӯҳак» деб ном бердилар. Буни Навоий узига хос бадий талқин этади. Чунончи, бир уринда Кӯҳак қиргоғидаги баланд «тўпа» -тепалик (Чунон ота тедалиги)ни ошиқнинг бошига, Кӯҳак дарёси оқишини эса ошиқнинг кўз ёшига ўхшатади:

Ҳамул пуштаеким Кӯҳак топти исм,  
Не пушта жаҳон ганжи узра тилсим.  
Ушоқ тош анга лаълу инжу киби,  
Ки мансуб эрур анга Кӯҳак суйи.  
Нединким, эрур жори андин қуйи.  
Ҳамул тўпа олиндин андоқ оқар,  
Ки ошиқ-бошу ашки дер, ким боқар.

Мазкур мисраларни ўқир эканмиз, академик Воҳид Абдуллаевнинг «Навоий Самарқандда» китобида «Алишер Навоий тасаввурида Самарқанд- жаннат, атрофидаги ариқлар эса жаннат ариқлари» деб ёзганига тўла ҳақ эканлигига амин бўлдик<sup>1</sup>.

Биз дostonда берилган сувликларнинг бадий тасвирини кузатар эканмиз, Алишер Навоийнинг шоиргина эмас зукко, зийрак табиат шайдоси эканлигини ҳам гувоҳи бўлдик.

Демак, машҳур тўрт анҳорнинг бирини номи Ҳирманда, унинг ҳар қатра суви юз хил дардга даво.

Яна бири ҳам тиниқликда дунёни ёритадиган қуёшга ўхшаш булганлигидан номини Нимруз қўйганлар:

Сафо ичра кўзга бериб хйралик.  
Ҳаммул мулқдин раф этиб тиралик.  
Ёруқ, ўйлаким, меҳри гетифуруз,  
Бу маънидин оти келиб Нимруз.

Нимруз гидроними форс-тожикча «ним ча руз» сўзларининг қўшилувидан ясалган бўлиб, «ярим қуёш», «ярим кун» деган маъноларни аниқлатади.

<sup>1</sup> Уролов А. Сувоиқулов И. Алломалар олами. Т. «Ўзбекистон». 1991. 2/4

У Афғонистондаги Гур тоғидан бошланиб, Сейистон ерларигача оққан.

Яна бир алардин Дарижаз суйи,  
Манофийда ул навъким - раз суйи.  
Қаю раз «шарабан тахуро» дур ул,  
Кеча-кундуз ошоми хавродур ул.

Навоий ҳазратлари таърифлашларича, Хуросондаги сувлякларнинг яна бири балхдан оқиб ўтувчи Дарижаз катта анҳори бўлиб, унинг суви, манфаати куплигидан узум сувидан фарқи йўқдур, йўқ, узум суви эмас, кеча-кундуз жаннатдаги ҳурлар ичадиган покиза шаробдир.

Энг охиргиси Мурғоб номли дарё бўлиб, бунинг шаънига «Кавсар» суви мадҳиялар айтган. Унинг сувидан ичган одамнинг вужудидан ранжи-алам кўтарилиб енгил тортар, шу жиҳатдан оқил кишилар уни «ганжи равон» - «оқар хазина» деб атаганлар:

Яна бир дағи келди Мурғоб руд,  
Киши шаънида кавсардин улди дуруд.  
Олиб заҳмати жисму ранжи равон,  
Хирад айтибон они «ганжи равон»

Шунингдек, Хуросондаги яна бир Чакчарон номли дарё ҳам бўлганки, у Навоий таърифича, оқадиган суви абадий ҳаёт бағишловчи оби ҳаётдан иборат эди. Ери баландликда фалақдан нишона-ю, у дарё ўз мавжў билан худди осмондаги «сомон йўлини» эслатади:

Юқорида кўриб ўтилганидек, сувликларнинг атоқли отлари, доимо сувликлар тушунчасини билдирувчи гидронимик терминлар билан қўлланади. Ҳозирда узбек адабий тилида дарё, денги, сой, ариқ, булоқ, қудуқ, жилга анҳор каби гидронимик терминлар фаол қўлланади.

Алишер Навоий асарларида, жумладан «Садди Искандарий»да эса руд гидронимик термини кузатилади.

«Руд» асли форсча бўлиб, «ариқ», «катта ариқ» маъноларини англатади. Руд термини Бухоро гуруҳ шеваларида ҳам «руд» шаклида кенг қўлланади. Масалан, Лабируд-Бухоро вилояти Гишдувон туманидаги қишлоқ

Алишер Навоий рудни дарё, анҳор маъносида қўллаган. Бу Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома» асарида ҳам кузатилади: «Бу сувдин бир улут руд айрибтурлар, балки дарёчадур, даргам суйи дерлар» (Бобурномадан).

Бундан кўринадики, XV-XVI асрларда баъдий нутқда руд гидронимик термини дарё, ариқ, анҳор терминлари маъносида фаол қўлланган. Буни биз тилга олган терминларга нисбатан форс-тожикча руд терминиде баъдийлик, поэтик қирра кучлилиги билан изоҳлашимиз мумкин.

Қисқаси, ҳазрати Алишер Навоийнинг «Садди Искандарий» асари узида қадимий Хуросон ва Мовароуннаҳр табиатини, сувликларини ўзига хос рангин суратини ифода этганлигига кўра, юқорида тилган олинган гидронимларнинг номланиш тарихини, хусусиятларини ўрганиш борасида ҳам муҳим бадий, тарихий манбаадир.

Иномжон Азимов

**БИР ТАРКИБЛИ ЭРГАШГАН ҚУШМА ГАПЛАР  
СЕМАНТИКАСИ**

Ўзбек тилининг мазмуний синтактикаси бўйича олиб борилган тадқиқотларда тўғри таъкидланганидек, туркий тилларда, жумладан, ўзбек тилида гапда эга булагининг қатнашиши шарт эмас, у кесим орқали доимо англашилиб туради. Гапда кесимнинг мавқеи эгага нисбатан мустақкам ва мазмун доираси ҳамда валентлик имкониятлари кенгдир.

Шуни айтиш лозимки, гапда кесимнинг имкониятлари кенг эканлиги ҳатто «уюшиқ кесим» деган тушунчани қайта кўриб чиқишни ҳам кун тартибига қўймоқда. Гапга тил (лисоний) жиҳатдан ёндашиб таъриф берган янги йўналишдаги тилшунослик вакиллари ҳозиргача уюшиқ кесим деб санаб келинган (эга эксплицит булган ҳолатда ҳам) ҳодисани, яъни ҳар бир уюшувчи кесимни алоҳида гап деб изоҳлаш лозимлигини уқтирмоқдалар.

Қуйидаги гапларни таққослаб кўрайлик: *Қаловини топсанг, қор ёвар. Юрт қурисанг, узарсан.* Иккала гапнинг шаклий парадигмаси бир хил (-са қўшимчаси орқали шакланган). Мазмуний томондан ҳам икки денотатив воқеа шарт муносабатига киришган. Шунинг учун ҳам ҳар иккала гап бир хил синтактик мавқега эга, яъни шарт эргаш гапли қўшма гап. Шу туфайли эгаси умумий бўлса-да, кесимлари мустақил шакланган, бирдан ортиқ денотатив воқеани ифодалаган гапларни қўшма гапга киритиш мантиқан тўғри бўлади. Бу ҳолат рус тилшунослари томонидан эътироф этилган. Италиян грамматикасида ҳам гапда бир кесим бўлса, у содда гап, бирдан ортиқ бўлса, қўшма гап деб изоҳланган.

Гапнинг юқори чўққиси марказий булаги кесим экан, унда асосий воқеа ифодаланар экан, бирдан ортиқ кесим иштирок этган гапларни қўшма гап деб ҳисоблаш мақсадга мувофиқ. Фақат унинг ички таснифида қуйидаги ўзига хосликни таъкидлаш жонз бўлади:

1. Айни субъектли (имплицит) бир таркибли қўшма гаплар.
2. Турли субъектли (имплицит) бир таркибли қўшма гаплар.

Турли субъектли бир таркибли қўшма гап термини остида икки хилдаги гапларни тушунишни лозим топдик, улардан бири ҳар иккала компонент учинчи шахсда шакланган бўлса-да, уларнинг айни бир шахс эмаслиги назарда тутилди, иккинчидан, учинчи шахс – биринчи шахс, биринчи шахс – учинчи шахс, яъни шахслар ранг-баранглиги ҳам эътиборга олинди.

Алишер Навоийнинг насрий асарларида турли субъектли, яъни ҳар бир гап алоҳида субъектга эга булган эргаш гапли қўшма гаплар кўп учрайди. Қуйида бундай гапларни тасниф қилишга утамиз:

Пайт эргаш гапли қўшма гаплар. Алишер Навоий асарлари тилида *гач (-гач, -қач, -кач), -р (-ур)да* шаклий воситалари эргаш гапни бош гапга боғлашда фаол қўлланганлигини кўрамыз. *-гач (-гач, -қач, -кач)* шаклий воситаси билан боғланган қўшма гапларда асосий денотив воқеа эргаш гапдаги воқеа содир бўлгандан бошланади.

Мисоллар: *Кайфиятин маълум қилгач, таскин таптиллар ва Фируз Хурмузга таън қилдилар* (ТМА 234). *Тафаҳхус қилгач, ул иш кайфиятин маълум қилди* (ТМА 209).

Юқорида таъкидлаганидек, мисоллардан асосий денотатлар (*Таскин топтиллар ва Фируз Хурмузга таън қилдилар – ул иш кайфиятин маълум қилди*) тобе денотатив воқеалар (*Кайфиятин маълум қилгач – Тафаҳхус қилгач*)дан сўнг содир бўлмоқда. Ушбу пайт муносабатини *-гач (-гач, -қач, -кач)* шаклий воситасининг семантикаси реаллаштирмоқда.

*-р (-ур)да* шаклий воситаси билан боғланган пайт эргаш гапли қўшма гапларда эргаш гапдаги денотатив воқеа билан асосий денотатив воқеа бир пайтда рўй беради, чунки, *-р(-ур)да* шаклий воситасининг семантикаси иш-ҳаракатининг тугалланмаганлигини ифодалайди: *Ва қўшқучун солурда, тепиб охир қилди* (ТМА 220).

Ҳозирги ўзбек тилида бундай мазмуни қўшма гапларни боғлашда *ган* сифатдоши кенг қўлланилади (Абдурахмонов Г., 1996, 142-146). Эргаш гапнинг предикати ижро майлидаги феълнинг эрса шакли орқали ифодаланиб, бош гапга боғланиши мумкин. Бунда асосий денотатив воқеа эргаш гапдаги воқеа тугатанидан сўнг бошланади: *Ул ишни анга зоҳир қилди эрса, қабул қилиб, ёлғиз бориб, ул пилни улдурди* (ТМА 220).

Демак, пайт эргаш гапли қўшма гапларда асосий мазмун муносабатини ифодалашда эргаш гаплар предикатининг мазмуни муҳим роль ўйнайди.

Сабаб эргаш гапли қўшма гаплар. Бундай гапларнинг мазмуни сабаб муносабатидан иборат. Эргаш гапдаги денотатив сабаб воқеани, асосий денотат ундан келиб чиқадиган натижани ифодалайди. Бундай эргаш гапларда содда гапларнинг семантик муносабатида *ул жиҳатдин, бу жиҳатдин* лексик бирикмаларининг семантикаси муҳим аҳамиятга эга. Бу воситалар асосий денотагнинг бошида келиб, сабаб ҳоли семантик вазиятини эгаллайди. Сабаб воқеа ана шу воситалар ёрдамида натижа воқеанинг ичига киради. Сабаб воқеа, яъни, шарт эргаш гапли қўшма гап олдин, ундан сўнг бош гап келади. Чунки сабаб воқеа ифодалангандан сўнг *ул жиҳатдин, бу жиҳатдин* воситалари билан асосий денотатнинг юзага чиқиш сабаби изоҳланади. Шунинг учун эргаш гапли қўшма гапнинг бош гапдан олдин ўринлашуви мантиқан тўғри.

Мисоллар: *Бард лафзидин аччиги келур эрди, бу жиҳаттин анга ташвиш берурлар эрди* (МН 57). *Чун сизнинг тобутингизда давлатҳоҳли сўзини айтурга маъмурмен, ул жиҳаттин густоҳлиг била арзадош битилди* (МШ 129).

Юқоридаги таъкидланганидек, *чун* лексемаси сабаб эргаш гапли қўшма гапларда ҳам қўлланиб, улар уртасида семантик муносабати реаллаштирган. Бунда ҳам эргаш гап бош гапдан олдин келган: *Ул ҳазратга чун равшан бўлуб эрди, инкор қила олмадим* (МН 254).

Ушбу мисолда ҳам пайт муносабатлари ифодаланган. Яъни, қачон инкор қила олмади, дейиш мумкин ёки нима сабабдан, деган савол қўйиш мумкин. Лекин гапда пайт маъносига нисбатан сабаб мазмуни кучли. Чунки асосий денотатнинг бажарилишидаги пайт эмас, балки сабаб биринчи планга чиқарилмоқда, *инкор қила олмадик* сабаби алоҳида таъкидланмоқда.

Энди қуйидаги мисолни кўрайлик: *Ва қатл истидоъся қилди эрса, қатл буюрди* (ТМА 231). Ушбу гапнинг ҳам мазмунини сабаб-натижа муносабати ташкил этади. Юқоридаги таъкидлаганидек, *ижро майлидаги феъл + тўлиқсиз феъл* шакли пайт эргаш гапли қўшма гаплардаги содда гапларни ўзаро муносабатини таъминлайди. Лекин шунини таъкидлаш жойизки, бундай қўшма гапларда пайт мазмунини ҳам, сабаб мазмуни ифодаланади.

Сабаб эргаш гап бош гапга *-ки, ким* воситасида ҳам боғланиши мумкин. Бундай қўшма гапларда бош гап эргаш гапдан олдин жойлашади: *Мавт маразида тожни анинг қорнига қўйдиким, Доробқа ҳомила эрди* (ТМА 198).

• Ҳозирги ўзбек тилида ҳам сабаб эргаш гаплар бош гапга баъзан *-ки* шаклий воситасида боғланади. Лекин юқоридаги мисолдан фарқли равишда, эргаш гап бош гапдан аввал жойлашади: *Аёл борки, олам мунаввар. Сен борсаки, шодман ҳаётдан каби*.

Юқорида таъкидлаганидек, Алишер Навоий асарлари тилида бош гап эргаш гапдан олдин жойлашади. Демак, асосий денотат (*Тожни анинг қорнига қўйиш*) нинг юзага келишига иккинчи денотат (*Доробқа ҳомила эрди*) сабаб бўлмоқда. Нутқ талабига кўра эргаш гапни бош гапдан олдинга утказиш мумкин: *Доробқа ҳомила эрди, шунинг учун мавт маразида тожни анинг қорнига қўйди*, каби. Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, бундай боғланишда бош ва эргаш гапларнинг уринлашуви эркин бўлади. Қайси гап таъкидлаш ифодага эга бўлса, сўзловчи учун муҳим бўлса, уша денотат аввал жойлашади. Мисолдаги асосий денотат (*Тожни анинг қорнига қўйди*) сўзловчи учун муҳим, шунинг учун уни биринчи планга қўйган.

Аниқловчи эргаш гапли қўшма гаплар. Маълумки, аниқловчи эргаш гап бош гапдаги аниқловчи вазифасида қўлланган, айрим сўзларнинг маъносини конкретлаштириб келади ёки бош гапдаги предметнинг аниқловчиси вазифасини бажаради. Аниқловчи эргаш гап кўпинча бош гапдаги предмет белгисини унинг ҳаракати ёки ҳолатига кўра аниқлайди. Аниқловчи эргаш гап бош гапдаги от орқали ифодаланган турли бўлақларни изоҳлаб келади (Ўзбек тили грамматикаси, 1976, 422). Бундай



гапларда, асосан, икки денотатив воқеа уртасидаги муносабат ифодаланади. Н.Маҳмудов аниқловчи эргаш гапли қўшма гаплардаги денотатив воқеаларни табиати ва ифодалашдаги ўзига хосликка кўра бир ҳавола бўлакли ва икки ҳавола бўлакли аниқловчи эргаш гапли қўшма гапларни фарқлайди.

Бир ҳавола бўлакли аниқловчи эргаш қўшма гапли қўшма гаплар таркибида *шундай, баъзи, айриям, бир* сўзлари бўлган қўшма гапларни, икки ҳавола бўлакли гапларда эса бош гап таркибида *унинг, у, шундай, ўша* эргаш гап таркибида шунга мувофиқ *кимнинг, ким, қандай, қайси* сўзлари иштирок этган гапларни киритади (Маҳмудов Н., Нурмонов А., 1995, 192-194).

Айнан мана шу лексемалар мазкур гаплар орасидаги оппозитив муносабатни юзага келтиради, денотатлар орасидаги семантик боглавишни таъминлайди.

Алишер Навоий насрий асарларида бундай ҳавола бўлаклар шаклан ифодаланмаслиги ҳам мумкин, лекин уларнинг синтактик ўрни доимо очиқ бўлади: *Ҳожа фалонга даги ҳукм булсаким, алар ишидин хабардор бўлуб, аларга мададкорлигида тақсир қилмаса* (МШ 130). *Судурга ҳукм булсаким, вилоят авқофидин хабардор булсалар* (МШ 1). Мисолларда аниқловчи эргаш гаплар бош гап таркибидаги предикатнинг маъносини конкретлаштириб, изоҳлаб келмоқда, яъни қандай *ҳукм* бўлиши аниқланмоқда. Бош гапда *ҳукм* сўзидан олдин шундай ҳавола бўлаги бўлганлигининг ўрни сезилиб туради.

Баъзан аниқланаётган булак шаклан ифодаланмаслиги ҳам мумкин. Лекин мазмунан у тўлиқ англашинаверади: *Андоқ эшитилдиким, Астрободда оламдин утубдур* (МН 61). Мазкур мисолда бош гап таркибидаги аниқланаётган булак (*хабар*) шаклан ифодаланмаган субъектни аниқлаб, изоҳлаб келган. Имплицит субъект *андоқ* ҳавола бўлаги орқали англашиб турибди.

Тўлдирувчи эргаш гапли қўшма гаплар. Маълумки, тўлдирувчи эргаш гаплар бош гаплардаги тўлдирувчи синтактик вазиятдаги лексеманинг маъносини тўлдириб келади ва бош гапга *-ки///-лим* шаклий воситаси орқали богланади: *Оқибат анга қарор топтиким, салтанат тожин якки оч арслон орасида қуйгайлар* (ТМА 218). Бу мисолда тўлдирувчи эргаш гап бош гапга *анга* ҳавола бўлаги орқали ифодаланган воситали тўлдирувчининг маъносини изоҳлаб келмоқда. Иккинчидан, гапда бир денотатив воқеа мавжуд, иккинчи воқеа тўлигича модус ифодачиси ҳисобланади, яъни бош гапда денотатив воқеа ифодаланмаган. Агар модусни таъкидли ифодалашга зарурият бўлмаса, денотатив воқеа ифодаси модус воқеа ифодасининг ичига шаклан киритилади: *Оқибат салтанат тожин икки оч арслон орасида қуйишга қарор топти* (ТМА 185).

Яна бир мисол: *Ғанийларга бужордиким, чопт таоми биле утқаргайлар ва шом таомини масокинга бергайлар* (ТМА 186-187)

Мисолда эргаш гап бош гаптаги воситасиз тўлдирувчини изоҳлаб келган, тўлдирувчига ишора қилувчи ҳавола булак шаклан ифодаланмаган. Бу гапта асосан, модус воқеа ифодаланган.

Демак, тўлдирувчи эргаш гапларда бош гап ҳамisha модусни ифодалайди.

Бир бош булакли қўшма гапларни тасниф қилиш ва уларнинг семантик муносабатларини белгилашда имплицит эганинг мазмунига кўра *айни субъектли ва турли субъектлив* гаплар тушунчаси қўл келади ва шу туфайли ҳам айна бир эга тасаввур қилинадиган кесим марказли бир бош булакли гапларни қўшма гап деб расмийлаштириш имкони юзага чиқади.

#### Адабиётлар:

1. Абдураҳманов Ғ. Ўзбек тили грамматикаси. –Т.: Ўқитувчи, 1996.
2. Абдураҳманов Ғ. Тарихий синтаксис. – Т.: Фан, 1974.
3. Маҳмудов Н., Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. – Т.: Ўқитувчи, 1995.
4. Нигматов Х.Ғ. Абдуллаев К.М., Бенару В.И., Маҳмудов Н.М., Мухамедова Д.А., Нурманов А. Структура предложения и актуальные вопросы синтаксиса тюркских языков (тезисы формально-функционального исследования)// Советская тюркология. – 1984 № 5.
5. Черемисина М.И., Колосова Т.А. Очерки теории сложного предложения. – Новосибирск: Наука, 1987.
6. Ўзбек тили грамматикаси: II том. Синтаксис. – Т.: Фан, 1976.

#### Шартли қистқармалар:

МН – Алишер Навоий. Мажолис-учун нафоис: Илмий-танқидий текст// Тайёрловчи С.Ганиева. – Т., 1961.

МШ – Алишер Навоий. Муншаот: Алишер Навоий асарлари куллиёти// Париж миллий кутубхонаси/ Ҳ.Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институти хазинасида сақланаётган фотонусхаси.

ТМА – Алишер Навоий. Тарихи муоуқи Ажам: Илмий-танқидий матн.// Тайёрловчи Л.Халилов/ Халилов Л. Алишер Навоийнинг «Тарихи мулуқи Ажам» асарининг текстологик тадқиқоти: Филол.фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т., 1975.

## МУҲДАРИЖА

### *Турфа талқинлар*

1. А. Қаюмов. Навоий ва форсийзабон адабиётлар. . . . . 3-7
2. А. Ҳайитметов. Навоий ижодида мавзуларга бўлиш ва танлаш  
принциплари . . . . . 8-14
3. А. Абдуғафуров. Султон Масъуд Мирзо Шоҳий ва унинг девони. 15-25
4. Ҳ.Ҳомидий. Бир лавҳа сеҳри. . . . . 26-29
5. И. Ҳақдул. Ишқ ва комиллик жазбаси. . . . . 30-38
6. Д. Салоҳий. Навоийнинг йигитлик лирикаси қачон бошланди? . 39-49
7. М. Муҳиддинов. Шарқ хамсачилигида ҳазрат пайгамбар (сав)  
сиймоси . . . . . 50-61
8. Ё. Исҳоқов. «Ўн саккиз минг олам» асрори. . . . . 62-68
9. А. Абдуқодиров. Жомий. « Нафоҳат – ул унс»и ва Навоий  
«Насойимул –муҳаббат»ининг муқаддималари. . . . . 69-72
10. Ф. Набиев. Бир – бирига барчани пайванд этиб. . . . . 73-82
11. Ф. Каримова. «Хазойин ул – маоний»да Ҳусайн Байқаро  
талқини. . . . . 83-88
12. С. Олимов. Беҳудуд майдон. . . . . 89-91
13. М. Сулаймонов. «Тазкирани Қайюмий» Навоий ҳақида. . . . . 92-93
14. З. Машарипова. Навоийдан файз топиб. . . . . 94-100
15. К. Муллаҳужаева. Газал ҳикмати. . . . . 101- 107
16. Б. Файзуллаев. Алишер Навоийнинг татаббуъ газалларидаги сўфий  
тимсоли. . . . . 108-112
17. А. Шоимов. Қутлуг анъана давоми. . . . . 113-118
18. Ҳ. Юсупов. «Хамса»да Жамшид образи. . . . . 119-124
19. Ҳ. Жўраева. Адолат ибрати. . . . . 125-127
20. Г. Машрабова. Навоийнинг «Лайли ва Мажнун» достонида руҳият  
тасвири. . . . . 128-130

### *Лисоний зéболжлар*

21. И. Йўлдошев. Навоий котиблар ҳақида. . . . . 131-136
22. Н. Улугов. «Садди Искандарий»даги гидронимлар хусусида . 137-140
23. И. Азимов. Бир таркибли эргашган қўшма гаплар  
семантикаси. . . . . 141-145

**НАВОИЙГА АРМУҒОН**  
**Учинчи китоб**

**Ўзбек тилида**

<b>Муҳаррир</b>	<b>И.Зойиров</b>
<b>Мусаввир</b>	<b>Т.Файзуллаев</b>
<b>Тех. муҳаррир</b>	<b>Ҳ.Юсупов</b>
<b>Мусаҳҳиҳ</b>	<b>С.Алимбоева</b>

**ИБ №462**

Босишга руҳсат этилди 05.02.2003 йил. Бичими 60x84 <sup>1</sup>/16.  
Шартли босма табағи 7,0. Нашр босма табағи 7,0. Адади 1000 нусхада.  
Баҳоси шартнома асосида. Буюртма № 21

Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, Тошкент - 129,  
Навоий кучаси, 30-уй.

Низомий номидаги ТДПУ Ризографида нашр қилинди.  
Братислава к., 3



